


84(39)4
K59

МАТ ҚОРЖОВОВ

АФСУН



Азамат ҚОРЖОВОВ

АФСҮН

Хикоялар

Тошкент – 2015

УЎК: 817.544.133-7 (Узб)6

КБК:76.276.3

С-44

Коржовов, А.

Афсун (ҳикоялар)/А.Коржовов.–Т.:, Tafakkur, 2015. 256 6.

УЎК 817.544.133-7 (Узб)6

КБК:76.276.3

Кунларнинг биринида ғаройиб воқеа содир бўлади. Гүё ҳаёт уммонига кимдир тўр ташлаб, тинчгина яшаётган инсонни илинтиради. Энди тўрдан чиқмоқлик, яъни курашмоқлик керак. Кураш эса ҳеч қачон машиқатсиз кечмаган. Ким тўсиқларни енгиг болиб бўлади, ким абадий мағлубиятга учрайди, тириклик фаслиниңг кейинги кунларида билиб бораверамиз.

Азamat Қоржововнинг "Афсун" номли китобидаги қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳам бир кун ичидаги ўзгариб кетади. Ёши қизлар, ёши йигитлар, аччиқ-чучукни татиб қўйган ўрта ёшли эркагу аёллар, ҳатто чўпон қўрасидаги итлар ҳаётидан олинган ҳаётий-маший, детектив, мистика жанрларидаги ҳикоялар сизга манзур бўлади деган умиддамиз. Ижодкорнинг "Қора либосли келинчак" номли китобидан кейин бу иккинчи ҳикоялар тўпламидир. Ундан аввал муаллифнинг "Қыл устидаги тақдир", "Дубайдаги минг бир кечаси", "Ҳеч қачон ийғлама", "Яқишанбага ўтар кечаси", "Иўқолган қиздан мактублар", "Зулмат маликаси", "Сўнгги гуноҳ", "Бехосият ўй" каби бир неча қиссалари кенг китобхонлар оммасида катта қизиқши ўйғотган эди.

Такризчи:

Лукмон БЎРИХОН – Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-24-140-4

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM

INV № 968525-20190

© «Tafakkur» нашриёти, 2015

ИККИ ИТ АФСОНАСИ

Атроф бир зум ёришди. Осмон қарсиллаб ёрилиб, ёмғир қуя бошлагач, четдаги кулбада хира чироқ ёнди. Ҳаял ўтмай эшик заиф ғийқиллаб, мункайган шарпа қўтонға яқинлашди. Эски чопони тугул, оппоқ соқоли ҳам ивиган чўпон саксон ёшни уриб қўяёзган, умр бўйи тофу тошларда қўй боққан, фарзандларини ҳалол меҳнат билан едириб-ичириб, ўқитиб, уйли-жойли қилган, ҳали-ҳануз тиниб-тинчимайдиган чол эди. Кампирি қазо қилганига ўн йилдан, фарзандлари төғларни тарк этганига ўттиз йилдан ошган бўлса-да, у на қасбидан, на умри ўтган ердан кечди.

— Хаҳ, курмагур, — деди томнинг ўпирилган жойини кўргач.
— Эртага шифер-төпмасам, бунақа об-ҳавода клёнка ярамайди.
Лекин эртагача бир амалламасам бўлмас-ов.

Қўйлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтди-да, арава фиддирагини деворга суяб, нарвон ўрнида оёқ қўйди. Қаддини фоз тутиб, клёнка учини сим билан боғлашга тутинди. Бир зумда бўйни толиб, қўлларидан мадор кетди. Бу ҳам етмагандек қулоқлари шанғиллаб, кўзларида оғриқ пайдо бўлди.

— Мазам қочдими дейман, — гапиринди юз-қўзидан ёмғир сувини артиб. — Қон босимим ошмасди-ку.

Кутилмаганда осмон ва ер ҷархпалак каби айланди...

Қўзини очганида, ҳамон ёмғир ёғар, теграсини фуж ўраган қўйларнинг юнгидан сув томчилар эди. Ўрнидан турди, аммо мувозанатини сақлаёлмай қўтон эшигига суяниб қолди. Кўнгли айниб, ўзини лоҳас ҳис этди. Номаълум дард бир қадам ташлашга қўймаслигини тушунди.

— Ҳаммаси тугаганга ўхшайди... Майли, шунчасига ҳам шукр...

Чүпон эшикни амаллаб очди-да, четан деворга суюниб, оғир-оғир илгарилади. Кулбага етиши даргумон эди. Итнинг катагигача юра олди, холос.

Бўрибосар бири оқ, иккинчиси қорамтири кучукваччаларини иссиқ бағрига босиб, эмизиб ётарди. Соҳиби қўйхонага кирганини, бир аҳволда қайтиб чиққанини, ҳалқобни шалоплатиб, лой сачратиб йиқилганини – барчасини кўрди. Чақмоқ ва момақалдироқдан қўрқиб уйғонган кучукваччаларига меҳри ийиб, хизматдан эрингани учун ўзини койиди шекилли, иргиб турди. Кучукваччаларининг фингшиганига ҳам қарамай чўпоннинг бошига келди.

– Воф! Воф! – икки марта бўғиқ ҳурди. "Хўжайнин, нима бўлди сизга? Туриңг ўрнингиздан!" дегани эди.

Чўпон кўзини очмади. Ит қўтоннинг очиқ қолган эшигига, вангиллаётган кучукваччаларига, сунг яна чўпонга қаради. Нима қилиш керак? Кўйлар ҳам, кучукваччалар ҳам ёрдамга муҳтож эмасди, назариди. Инсон эса лойга беланиб, афтодаҳол ётибди. Кўзини очмаётганига қараганда, у касал қўйдек ҳолсиз ёки ўқ еган бўри каби ўлган. Кишлоққа бориб, фалокатдан одамларни огоҳ этиш керак.

Ит шаррос ёмғир остида сўқмоқ буйлаб югуриб кетди. Йўлни яқин қилиш мақсадида сой бўйига тушди. Саёзликдан кечиб ўтса, у ёғи икки чақирим. Бу йўллардан бўрибосар аввал ҳам ўтган.

Ёмғир кўп ёғди, ҳатто пастликдан сел ҳам келди. Шу-шу итни ҳеч ким қайтиб кўрмади.

* * *

Сел уйларга зарар етказмади. Сой бўйидаги бир неча дарахтни, пастак кўприкни оқизиб, вайронагарчилик суратини чизди. Қўтондан чиқиб, ўзбошимчалик билан тентираған икки-уч қўйнинг ўликларини ҳам бўтанада учратишиди. Қишлоқларда ваҳима тарқалди. Чўпоннинг ўғиллари "УАЗик"да тоқقا жўнадилар. Аканинг "Ласетти"си, уканинг "Нексия"си йўқ эмасди. Бироқ ўнқир-чўнқир тоф йўлида янги машиналарини аяшиди.

— Бобойни нафақага чиқармасаларинг бўлмайди, — деди "УАЗик"нинг бақалоқ ҳайдовчиси. — Икки ўғли шаҳарда, ота якка-ёлғиз тоғда, деб одамлар тўй-маъракаларда ёмон гапиришаётпти. Сизларга ҳам уят-да энди.

— Тўғри, бу сафар инжиқликларига қараб ўтирумаймиз, Бекмурод ака, — деди чўпоннинг тўнғичи.

— Отам-ҳам қизиқ-да, — деб кўйди ука.

Афсуски, инжиқлик қиласидиган падари бузруквор ёруғ дунёни тарқ этган эди. Икки ўғил отамлаб йиглаган кўйи жонсиз жасадни кучдилар. Сўнгра қаровсиз ётган майитни зудлик билан қишлоқقا олиб тушиш, кўхна ҳовлида жаноза ўқитиб, шу бугуноқ тоғ қабристонига дағн этиш ташвишини чекдилар. Кўйларнинг омон қолганларини олиб кетгани қишлоқдан одам жўнатишга қарор қилишди.

Кучукваччалар бир-бирининг пинжига тиқилиб, мизғиб ётганларида, "УАЗик" овози эшитилиб, бечоралар катак тўридаги ковакка биқиниб олишганди. Чўпоннинг ўғиллари ҳам, бақалоқ ҳайдовчи ҳам катта итни ахтариши, аммо кучукваччалар-бўрлигини хаёлларига ҳам келтиришмади. Бир оздан сўнг кучукваччалар катакдан мўралаганларида, машина-ю бегона кишилар, ҳатто узала тушиб ётган чўпон ҳам ғойиб бўлганди.

— Аув... — йиглади оқ кучукча.

Қорамтири кучукчанинг ҳам кўзларига мунг балқиб чиқди. У акасини қандай юпатишни билмай атрофга најот сўраб бокди. Ҳаққига кўчганда, ўзи ҳам йигламоқдан бери бўлиб турарди.

Пешиндан сўнг тиркамали трактор гуриллаб келди-да, кўтон ёнида тўхтади. Кучукчалар шу вақтгача эшитмаган нотаниш овозлар оламни тутди. Тўпори кишилар кулбани, қўйхонани бузиб, ёғочларини тиркамага ортишиди. Чўпоннинг эски белбоғи-ю чорифини-да қолдиришмади.

— Манави катакни ҳам бузайми? — сўради бири шанғиллаб.

— Ундан нима материал чиқарди, чириб-битибди-ку, — деган жавоб эшитилди. — Аммо раҳматли бованинг ити кўринмайдими? Қара-чи!

— Ит-піт йўқ, — катақ оғзига әнғашди шанғи овоз. — Бобо ўлганидан дарров жуфтакни рост slab қолғанми, дейман. Раҳматли бобо бир куни менга итини роса мақтаганди. Ҳайвон барибір ҳайвон-да!

— Қани, мен ҳам қарай-чи, — иккінчиси мұралади. — Қаёққадир кетіб қолибди-да. Нахотки, шунчалик бевафо бўлса?

— Кетдик, ёмғир ёғиб қолса, иш расво.

Трактор мотори кучли гуриллади. Ҳавони ёқимсиз ис босди. Ҳеч қанча вакт ўтмай тогу тошлар сукунатта чўмди. Яланғоч деворлари сўппайган қулбада шамол фувиллади. Катақ олдиdan қоғоз парчаси думалаб ўтди. Ҳув нарида булатли осмон, қорайган уфқ, қўрқинчли тепаликлар, кимсасиз харсангтошлар кўринди. Кучукваччалар очликка чидаётлмай инградилар. Мунчоқдек кўзларини тириклик дунёсига тикиб, мўлтираганча оналарини кутишди.

Ҳалиги йигит тўғри айтган экан: кечга яқин ёмғир шовиллаб қўйди. Кучукваччалар дир-дир титраб, ҳамон ғингшиб ётардилар. Очлик ва совуқ жон-жонларидан ўтиб, миялари ишлай бошлади: онаси уларни ташлаб кетгани рост, йўқса, келиб эмизарди-да. Ёлғиз үмид чўпондан. У кулбасидамикан? Кеча катакка мўралаб, яхши гаплар айтганди, онага овқат берганди. Лекин нега нотаниш кишилар ҳаммаёқни вайрон қилишди? Кўйларни ҳам қолдиришмади?

Кучукваччалар гандираклаганча катакдан чиқиб, кулба томон типратиканга ўшаб пилдирадилар. Кимсасиз вайронага дуч келишди. Орқага қайтиш керак! Энди улар иккинчи харобага — кўйхонага рўпара бўлишди.

— Онажон! Қаердасиз? — ўз тилида зорланди оқ кучукча.

— Онажон! Жон, онажон... — йифламсиради қорамтири кучукча ҳам. — Акам сизни чақирайти. Унинг қорни жуда оч.

Шамол кучайиб, харобазор даҳшат-ла фувиллади. Адашган томчилар ака-увқанинг тумшуқчаларига-урилди. Кучукчалар чўпоннинг вайронага айланган қароргоҳи ўртасида чор-атрофга аланглаб, нола-ю фифон кўтардилар. Ҳар бири умид

били онасини чақирса-да, энди ҳеч қачон қайтмаслигини юракдан сезарди. Бироқ улар үлім нима эканини тушунмасдилар. Нақадар ожиз, нақадар нотовон әдилар. Яшаб кетишлари ҳам даргумон.

Оч күчукваччалар катакка қайтиб, яна ковакка тушиб олиши. Бир-бирининг пинжига тиқилиб, күзларини юмиб, гужанак ҳолда ётишди. Бошқа меҳрибонни қаердан ҳам топиш мумкин? Димоқларига она ҳиди урилганда, илкис күз очишар, аммо ҳар сафар туш бўлиб чиқарди.

Ярим кечаси олисдан улиш эшитилди.

— Онаммикан? — иккиси ҳам ҳаяжонли вангиллаб, қулоқларини динг қилди.

Тоғларга ёйилаётган улиш ўта ёқимсиз бўлиб, этни жунжиктиради. Күчукчаларнинг нафақат ғижини келди, балки бўғизлари ҳам, панжалари ҳам ғалати бижирлаб, митти тирноқчалари нишурди. Шунда ўз-ӯзидан илк бор ириллаб юборишли. Ҳақиқатан, нотаниш увиллаш ғижинларини келтириш билан бирга, тишиларини ҳам қичитиб, қонларини гупуртирган эди.

Кўп ўтмай ташландиқ қўйхонада номаълум мавжудотнинг кўрқинчли ҳарсиллаши қулоққа чалинди. Афтидан, эшакдек келадиган маҳлуқ узун тилини осилтириб ўлжа дардиде изғирди. Күчукчаларнинг томирларида бўрибосарнинг қони оқмоқда эди. Иккаласи ҳам бир нафас очлик, совуқ, кўрқувни унутиб, катак оғзига бордилар. Суг тишилари шалвироқ лаблари орасида арралай тизилди, бўғизларидан яна ириллаш пайдо бўлди. Ёввойи улиш яқингинадан ёйилди. Күчукчалар нафас олмай кутишди. Шу пайт маҳлуқлар алланимага талашиб ғижиллаша бошладилар. Уларнинг ўртасига тушган мавжудот тилка-пора бўлиши муқаррар эди.

— Бўрилар! — ортга чекинди қорамтирип күчукча. — Ака, улар кўп! Бизни еб қўйишлари мумкин!

Кулбадан қўйхонага, қўйхонадан қулбага бир неча баҳайбат бўри ер исказ, лўкиллаб ўтди. Ой шуъласида уларнинг

оғизларидан бүг уфуриларди. Күзлари совуқ ялтираб, чүгдек порларди. Елкалари кенг, бели ингичка бундай олғир қароқчиларга жимитдеккина икки қучукчанинг бас келиши имконсиз эди.

Бүрилар сардори катақдан ўттис қадам нарида чүнқайиб ўтиради. Башқалардан фарқли ўлароқ унинг икки күзи катақда эди.

Йиртқич тұда ейишга ҳеч вақо тополмагач, сардорға қаради.

— Абжағи чиққан катақда нимадир қолган деб ўйлайсизми, хұжайин? — ириллади бири. — Нега бунча тикиласиз?

— Ъурч! — тишилари ғижирлади бүрилар сардорининг. — У ерда бизни итнинг болалари кузатаяпти!

— Нима-а?! Итнинг болалари? Наҳотки, одамзот ўз малайларини бізга тайёр еміш қилиб ташлаб кетгандар болса?!

Қароқчилар катақка яқынлашишды. Қучукчалар ортга чекиниб, ковакка тушишды. Агар бүрилар хужумга ташланишса, катақни бузиб, қучукваччаларнинг бұғзидан олишлари ҳеч гап әмасди. Аммо бүрилар бузғунчилик қилишни ҳам, катақка бостириб киришни ҳам ўзларига эп күрмай қўпикдек тұдалашдилар. Важоҳатларидан жамики тирик жоннинг юраги ёриларди. Бири ғазабнок ириллаб, узун панжасини чўзиб, ер тиринади. У қучукваччаларнинг томографига тиши босиб, ташқарига судраб чиқиши учун бүрибосарнинг ҳиди ўрнаб қолған тор катақ тўригача әмаклаши, борган сайин торайған оралиққа суқилиши, қорни билан ётган кўйи судралиши, сўнг боши сифмайдиган ковакни тирнаб кенгайтириши керак эди. Бүри бундай паст ишни ўзига эп кўрмади. Уларнинг орасида малай ҳам йўқ эди.

— Ўзим гаплашаман! — Бүрилар сардори тұдани ёриб ўтди.

Қучукчалар тишиларини кўрсатиб, кўзлари ёвқур боқиб, ҳимояга шайландилар. Қучук болаларининг ингичка бигиллашини эшигтан бүриларнинг қонлари жўшиб, катақ атрофини гир айланыб, ғажишига йўл ахтаришды.

— Кўзичноқдан ҳам ожиз бечорасанлар, — деди бүрилар сардори. — Чиранишларингдан фойда йўқ. Яхшиликча, ташқарига чиқинглар. Қўрқманглар, иккалангга ҳам шафқат қиласман. Биз билан кетиб, бўри бўлиб яшайсанлар.

Кучукчалар жасурона ириллаш билан жавоб қайтаришди. Ҳужум бошланса, қаҳрамонларча олишишни күнгилларига түгдилар. Ҳақиқий ит қонхұр бүри олдиде ҳеч қачон таслим бүлмайди. У фақат инсонга бўйсинади.

— Охирги марта сўраяпман! Одамга қул бўлиб яшагандан кўра бизга кўшилинглар! Онангларни танирдим. Ўлигини селда қолган қўйлар орасида кўрдим. У энди тириклар сафида йўқ. Сенлар онанглар каби зотдор, бақуввват бўлиб вояга етасанлар. Биздек тўрт оёкли жасурларга иккалант ҳам кераксан.

Жанг олдидан видолашиб учунми, кучукчалар бир-бирига қарашибди. Иккисининг ҳам кўзида онаси яшарди. Ҳа, онасининг кўзлари шунаقا боқарди. У инсон учун яшади, инсон учун ўлди. Ҳар бир итга шарафли ўлим шу.

Дарҳақиқат, кучукчалар илк марта ўлим ҳақида ўйладилар ва:

- Биз ҳам инсон учун яшаймиз ва мардларча ҳалок бўламиз!
- дейишди.
- Иккисини ҳам ўлдиринглар! — буюрди бўрилар сардори.

Ваҳшийлар тўдаси катакка ташланди. Уларнинг тирноқдор узун қўллари коваккача чўзилди. Кучукчалар хурпайиб, жонжадлари или ириллаб, ўзларини ҳимоя қилдилар. Жанг чоғида илк бор акилладилар. Бу қароқчиларга бўрибосарларнинг вовиллаши бўлиб туюлди. Ўзларини бетартиб ҳолда катак оғзига ураётган қутурган тўданинг руҳи тушди.

— Қайсар экансанлар, — деди сардор ковакда ялтираётган икки жуфт кўзга. — Бугун умр катакда қул бўлиб яшаб, одамнинг берган миннатли ошини ейман, фарзандларимни тортиб олиб, кимларгадир хизматга топширишларига розиман, десанглар, шу ерда қолаверинглар. Сен, ҳой, оқ итча! Онангта куйиб қўйгандек ўшшар экансан. Сен эса, ҳой, қўк итча, қорамтири қўринсанг ҳам, аслида мен каби қўксан. Дунёда қўк бўри каби қўк ит борлигини биринчи қуришим. Йиллар ўтиб, фақат ва фақат афсус чекасанлар. Чунки ҳеч бир жонзот қулликда баҳт топмаган.

Бўрилар кекса чупондан қолган ҳаробани тарқ этишибди. Катак

тўридаги ковақда ярадор ака-ука тонггача ухломай ётди. Бир-бирининг ярасини яладилар. Иккови шундан баҳтиёр эдиларки, гарчи оналаридан ажралган эса-да, она руҳи кўзларида, юракларида, хатти-ҳаракатларида яшайди. Ҳа, у ҳеч қачон унугимайди. Она умрбод ҳамроҳдир.

* * *

Кунлар анча исиб қолди. Ёмғир ҳам ёғмай қўйди. Чўпоннинг харобасини титкилаб юрган кучукчалар аввал бир бўлак нон топиб олишган бўлса, кейинроқ гўштга дуч келишди. Тўфри, гўшт анча бадбўй эди, аммо очликка чидаш ҳам осон эмасди.

— Улакса ейишга кунимиз қолдими? — мунғайди оқ кучукча.

— Уни мендан совфа деб қабул қилинг, ака, — юпатди қорамтирик кучукча. — Ҳали кўрасиз, яхши кунлар олдинда.

Бўрилар сардори айтгандек, қорамтирик кучукча кун сайин ўзгариб, кўкимтири туслага кирди. У ҳар гал акасига қарагандан, фақат кўзларида эмас, ранг-тусида ҳам онасини кўрарди. Акажонисига шунчалик меҳрибон эдики, еру кўкка ишонмасди. Мабодо ҳазиллашиб фижиллашишса, харобалар оралаб қувлашишар, ака ўз услубига кўра ўнг ёндан ташланиб, томоғидан олишга уринарди. Ука бошини туйқус эгиб, айни дамда акасининг тумщуғи тагидан тишлашни ёқтиради. Шунда ҳам ҳеч қачон чинакамига тиш ботирмасди. Гоҳида акаси оғритиб юборганда ҳам чидарди. "Биз ўйнаяпмиз, у ўз акамку" дерди ичидা.

Кунларнинг бирида роса чанқаб, жилға бўйига тушдилар. Зилол сувни ялаб-ялаб ичдилар. Кейин барра ўтлар устида думаллашиб ётдилар. Ҳолдан тойиб кўзлари илинган маҳал олисдан ит ҳургани эшитилди.

— Онам! — сапчиб турди ака.

Иккиси қирга чолиб чиқишидди. Ундан ҳам нариги қирда сонсаноқсиз кўйлар ўтлаг юришарди. Уларни оқ бўрибосар қўриқламоқда эди.

— Онажон! — пастга эниб кетди оқ кучукча.

— Тўхтант, ака! — акиллади кўк кучукча. — У онам эмас, бегона!

Эх, оқ кучукча қулоқ солмади. Худди шуни кутиб турғандек қирлар оралиғидаги әгри-бугри йўлдан "УАЗик" чиқиб келди. Бу вақтда оқ кучукча пастликка яқинлашиб қолганди. Тўхтамоқчи бўлди, лекин мувозанатини сақлаёлмай умбалоқ ошиб, тоғдан кўчган тош каби думалади, думалайверди. Пастликка – филдираклар қўшоёқ из ҳосил қилган йўл устигача борди. Машина таққа тўхтади. Кабинадан бақалоқ қиши тушиб, кучукчанинг устига энгашди. Сурув томон ўғринча қараб олгач, "УАЗик"ка шошилди. Фурсат ўтмай темир маҳлук жойидан жилди. Шундагина кўк кучукча акасидан бир умрга айрилаётганини тушунди.

– Акажон! – аянчли акиллади у.

Жон ҳолатда пастга югурди. У ҳали кичик ва тажрибасиз эди. Неча бор қоқилиб, умбалоқ ошиб, йўлга етиб борганида, машинанинг қораси ҳам кўринмасди. Ҳавода ёқимсиз ис қолганди. Кучукча гоҳ ерни, гоҳ ҳавони исқаб, машинанинг изидан жўнади. Одамлар кўринса, паналади, итлар учраса, бир чақирим наридан айланиб ўтди. Йўлдаги жилгалардан чанқөфини қондирди. Гоҳ чигиртка тутиб еди, гоҳо ҳаётнинг ўзи овқат қолдиқлари билан сийлади. Кундуз ҳам юрди, кечаси ҳам. Машина филдиракларининг излари фойиб бўлган, тутун ҳиди аллақачон йўқолган бўлса-да, олға юраверди. У қандай қилиб бўлса ҳам акасини топишни ва кутқаришни ўйларди. "Ўзимиз туғилган жойга, онамнинг уйига олиб кетаман", деб юрагига тутди.

Учинчи кеча ҳолдан тойиб, тошдек қотиб ухлади. Офтоб нурлари иситганда кўзини очди. Очди-ю ҳайронлик-ла аланглади. У мўъжизакор сайҳонликда ётарди. Атрофни баланд бўйли экинзорлар, дараҳтлар куршаганди. Қушларнинг чуғур-чуғурию шамолсиз дим ҳаводан янада ажабланиб, тентирай бошлиди. Кечаси бу ерга қайси сўқмоқдан келиб қолган бўлса?

Кулогига машина овози эшитилгач, ўша ёққа югурди. Акасини ўйирлаб кетган машинанинг ванғиллашига ўхшамаса-да, умид уйғотди. Бир пайт ойнадек текис, кенг кўчага чиқиб қолди. Машиналар ҳам физ-физ ўтар, бундай тезюар үловларга югуриб этишнинг иложи йўқ эди.

Кучукча йўл ёқалаб уфқ сари йўл олди. Бир пайт ёнгинасидан

шамол уфуриб ўтган қора улов қўрқинчли шифиллаб, йигирма-үттиз қадам нарида тўхтади. Нотаниш кимсанинг бўй-басти кўринди. Кучукча унга, у кучукчага тикилди.

— Ё тавба! — деди эркак ҳамроҳларига. — Омадимиз чониб, сиртлонга дуч келдикми, дейман! Қаранглар!

Машинадан яна икки киши оёқ чиқариб, сўнг гавдаланди. Кучукча ният-мақсадлари бутунлай бошқа жонзотларга дуч келганини фаҳмлади. Уларнинг қўлига тушса, тамом, акасини тополмаслиги муқаррар.

— Бўрибосарнинг боласими? — деди бири.

Кучукча дараҳтзорга қочди. Одамлар камзуллари барини ҳилпиратиб, жон-жаҳулари ила ортидан қувлилар. Дараҳтзорга ичкарилаганлари сайин ўт-ўланлар қуюқлашди. Қутулишнинг имкони бор эди, аммо неча кундирки оч-наҳор узоқ йўл босгани кучуқиага панд берди. Ҳалиги киши туғиб олиб, даст кўтарди.

— Эркак экан!.. Воҳ, тишламоқчи бўлганини қаранглар! — У ёқ-бу ёққа ағдараркән, қичқириб юборди: — Оғайнилар! Бу мен ахтарган жангари зотдан-ку! Ё қудратингдан! Унинг ўзи оёғим остидан чиқди-я! Итфурушникига бормаймиз! Шу ердан орқага қайтамиз!

Катта йўл ёқасидаги "Нексия" ортга қайирилди. Машина шамолдек учди. Баланд кўприкдан ўтаётганларида, кучукча чап томонда тобора ортда қолаётган тепаликка кўзи тушди. Дарров англади: у тепалик эмас, туғилиб-ўсган ватани, онаси ва акаси яшаган муҳташам тоғ.

— Алвидо, ватаним, — заиф ангиллади кучукча. — Алвидо, онажоним... акажоним!.. Мени кечиринглар!..

* * *

Қишлоқда "Раҳматулла" йўлдан зотдор кучукчавачча топиб олибди" деган миш-миш тарқалди. Қизиқувчалар ажабтовур кучук болани кўришга атайнин келишди. Оёқлари бақувват, елкадор кучукча одамларга тап тортмай тикилди, яқинлашганларга ғазабнок ириллади. Унинг важоҳатига пастак қўйхонадаги озғин қўйлар, молхона айвонидаги қоқсуяқ сигир, чангга думалётган оқ эшак — ҳаммаси ҳайрон бўлиб қарадилар.

— Ранги күкимтири, эътибор бердингларми? — деди Раҳматулла. — Унга Кўкли деб лақаб кўйдим. Вилоятимиздаги энг зўр уришадиган ит бўлади.

— Ҳамма ютуқларни энди сиз оларкансиз-да?

— Буни боқишга қанча харажат қилинишини ҳам бир ҳисобла-да, ахир, — керилди Раҳматулла. — Шунча пулни топиш ҳам осонмас.

Эски тогорада кир юваётган хотини норизо боқдӣ. Юрак ютиб бир сўз деёлмай, кучи борича кирларини эзфилади.

— Ая, нон, — ғингшиди уч ёшлардаги иштонсиз ўғилчаси.

Аёл қулаган дараҳтни от қилиб ўйнаётган етти ёшлардаги болага ўшқирди:

— Ҳў-ўв чавандоз! Момонгникига югуриб бор-да, "Нон бериб тураркансиз", де! Даданг дўкондан ун опкелса, нон ёпаман! Халтанинг ҳам таги кўриниб қолган!

Раҳматулла чирт этиб тупуриб, хотинига қаради.

— Менга теккизиб гапирайсанми? Бораман дўконга! Шуни етти маҳаллага етказиб, жар солиш керакми?

Ишқибоз эр дўкондан тўлиб-тошиб қайтди. Сут, қатик, бўтқа, хом гўшт — булар энди Кўклига муаммо эмасди. Дастребаки кунлари олисларда қолган акасини ўйлаб, истаристамай овқат еган бўлса, бора-бора ҳаёти овқат ейишу арқонга боғланган қўғирчоқни ғажиш билан ўтди. Эгаси уни ҳеч кимга кўрсатмай қўйди, молхона эшигини фақат ўзи очарди. Айтишича, на бирор жоноворни, на бирор касни кўрмай улғайган ит ҳақиқий жангари бўларкан. Кўкли эгасини янада хурсанд қилиб, тулуупларни бир зумда ғажиб ташларди.

Вақт ўтаверди. Раҳматулла панжара билан тўсилган айвон ўртасидан соҳ қазиб, Кўклини туширди ва қассоблардан қони оқизилмаган хом гўшт келтирадиган бўлди. Гоҳида тогорада қоннинг ўзи билан ҳам сийларди. Кўкли фақат эгасини кўрарди, фақат унинг исини биларди. Бошқа одам айвонга яқинлашса ёки овози эшитилса, даҳшатли вовилларди. Бора-бора ҳовлида аёлнинг овози ҳам, болаларнинг беғубор қийчувлари ҳам ўчди. Кўкли ўзини дунёнинг эгаси деб ҳисобларди. Ундан бошқа ҳеч ким бемалол яшолмайди. Ким бор Кўклига халақит берадиган?

Раҳматулла итининг тишлиари мустаҳкам бўлсин деб икки маҳал кальций таблеткасиини ҳам едирад, қони янада гупуриши учун портвейндан ичкизарди. Кўкли нафақат итларнинг, балки айиқнинг ҳам бўйини узиб олишига ишонарди. Ҳа, ҳалқ таъбири билан айтганда, Кўкли эшакдек ит бўлди. Ит эмас, мисоли бўри бўлди. Довруғини эшитган Раҳматулланинг кучукбоз ошналари келиб чоҳга мўралашди ва: "Эй жўра, сен ит эмас, кўк бўри боқибсан! Тез орада бойиб кетиб, эл-юрга тўй қилиб берасан, данғиллама уйлар қурасан, бирорвларнинг "Нексия"сига ялиниб юрмайсан", дейишди.

Ниҳоят, якшанба кунларининг бирида Кўклини чоҳдан чиқаришди. Кўкли атрофга важоҳат-ла кўз югуртириди. Ҳовли янада ҳароб кўринди. Қўйхонадаги озғин қўйлар, қари сигир, чангга ағанувчи эшак, ҳатто қулаган дараҳт ҳам ғойиб бўлганди. Кўклининг назаридা, уларни номаълум мавжудот бир кечада фажиб кетган эди. Кўкли ҳавони исқаб, ириллади. Шу заҳотиёқ уни қўшнининг "тумбочка" машинасига қамаб, дарё ортидаги қишлоққа жўналилар. Бу ерда кучук уриштирувчилар ва эллик-олтмиш чоғли томошаталаблар тўпланишган эди. Бўлди жанг, бўлди қиёмат! Кўклининг биринчи рақиби сариқ ит эди. Раҳматулла "Бос!" деган он Кўкли минг йиллик қасди бордек дарғазаб ҳолда ташланди. Биринчи жанг уч дақиқа давом этди, холос. Сариқ итни Кўклининг чангалидан зўрга қутқариб олишди.

Иккинчи рақиб ола ит эди. Кўзи қонга тўлган Кўкли унинг устига мисоли тўфондек бостириб борди. Ернинг тутуни чиқиб, икки ит бир зум кўздан йўқолди. Сўнг фақат Кўклининг фириллаши қолди дунёда. Қарашсаки, бўғзи гажилган ола ит аллақачон жон таслим қилиб бўлибди.

Шунда ҳам одамларнинг кўнгли яна ва яна жангни тусарди. Кейингиларида итларнинг иккитаси Кўклининг важоҳатидан хуркиб, думини қисиб, ерга ётишган бўлса, яна бири оғир яраланди. Уриштиришга келтирилган учта ит эгаси Кўклига қарши жангчиларини туширишдан ошкора бош тортишди. "Бу ит эмас, ажал-ку", дейишди улар.

Оломон янги жангчини олқишилади, тикилган пулларни эса Раҳматулла чўнтакларига сифдиролмади.

— Мақсадга эришдим! — бўкирди қулочини ёзиб. — Қани, қаерда катта жанглар бор? Менга айтинглар! Ўз гладиаторим билан бораман!

Кўклини "тумбочка" машинага зўрға чиқариши. У худди бутун умр шу дамларни кутиб яшагандек жангга ташна эди, рақиб ахтариб, атрофга аланглар, юлқинар, қулоқларни қоматта келтириб вовилларди. Чарчаш, кўрқиш, оломон олдида эсанкираш тутул, баттар жўшиб борарди.

— Кейинги якшанба Оқтепада кучук уриштириш бўлади, — деди кимдир. — Эшитишимча, дов катта бўлармиш. Бир-икки милион...

Раҳматулла Кўклини ветеринарга кўрсатди, касалликларга қарши укол қўйдирди, қассобларга қони оқизилмаган гўшт буюртма берди.

— Хотинингизга ҳам бунаقا меҳрибонлик қилмагансиз-а?
деди ветеринар.

— Нималар деяпсиз! Ҳатто, боламга бермаган овқатларни едириб, шу даражага етказдим! — жавоб берди Раҳматулла.

Кечқурун Кўклининг ҷоҳига гўштили йирик-йирик сүякларни ташларкан, деди:

— Еявер, гладиатор, сен бунга лойиқсан! Кўрасан, биз ҳали ҳамма жангда фолиб бўламиш!

Кўкли ўзига ишонган ит эди. То танасида жони бор экан, хўжайинининг айтганларини тўла-тўқис бажаришига шакшубҳа қилмасди. У ҷоҳни уй, сүякларни хизмат ҳақи, мақтовларни мукофот, буйруқ ижросини яшащдан мақсад деб билди. Мияси доим шундай хаёл билан банд эди: тезроқ жангга кирса, рақибларни янчиб ташласа, соҳибининг мақтовларини эшитса.

Бироқ у ҳар доим ҳам бир хил кайфиятда яшолмасди. Узун кечалари қандайдир ҳидданми, товушданми ўйғониб кетганида, юрагининг бир чети симииллаб оғирди. Нима у?

Нега бөзовта бўлаяпти? Енгилмас вужудни қийнаётган бу туйғу не сабабдан гунча очди? Ё аввалдан бормиди?

Кўкли ўзига-ўзи тушунолмай, уйга толарди. Кўпинча жангчи эканини эслаб, бўғиқ ириллаб қўярди. Чоҳдан чиқаришган кезлари ҳам атрофга фазабнок боқарди. Ким Кўклини кўрса, ўзини четга тортарди, "Ишқилиб тишлаб олмасин", деб хавотирланишарди. Раҳматулланинг хотини болаларига "Кўклининг занжири узилса, ҳаммангни еб қўяди, тезроқ уйга киринглар", дерди. Бундай гаплар Кўклининг завқини келтиради. Ит ҳам одам ейдими? Кўкли янада важоҳатли кўриниб, чор-атрофга атайн ҳурпайиб назар солар, ириллар, бегоналарга вовиллар, эгаси маҳкамроқ ушлайтганини сезса, жўрттага юлқиниб, ўтган-кетганинг ўтакасини ёради.

Ҳамма бир нарсани унугран эди: Кўклининг юраги тошдан эмасди. Кечалари уни байни юраги бөзовта қиласарди. Гоҳида қўйхона атрофидан ўтиб қолганларида, куксининг бир чети янада фалати, янада чуқурроқ санчиб қўярди. Бу оғриқнинг сабабини тушунолмасди. Кимдан ҳам сўрасин. Кўклининг на биродари, на ҳамсуҳбати бор эди. Бора-бора кечалари алоқ-чалоқ тушлар кўриб уйғониб кетадиган бўлди. Нега қийналаяпти? Ейишига овқати мўл, ётишга бошпанаси саройдек. Тушларини эсласа, туманлар ичидан оқиши шарпа чиқиб келади, қўйлар маърайди, олисда бир ит вовиллайди. Шарпа қўй ҳам, одам ҳам эмас. Оқ итнинг гира-шира суврати жонланади. Кўкли унга етиб олиш истагида талпинади. Итнинг шакл-шамойили қир ошиб ўтади-ю, ер ютгандек фойиб бўлади-қолади. Уйқудан кўзлари қизариб уйғонади. "Жангчи ҳар хил хаёлларга берилмаслиги керак, – овутади ўзини. – Мен оддий ит эмас, жангариман! Фақат жанг ҳақида ўйлашим керак!"

Олд оёқларига айиқникидек бошини қўйиб, яна хаёлларга берилади. "Мен жангчиман", – такрорлайди у. Лекин энди ўз даражаси ҳам юрак ярасига малҳам бўлолмайди. Ҳаётидаги бўшлиқни тўлдириш кераклигини тушунади. Бўшлиқни нима билан қандай тўлдириш кераклигига ақли етмайди.

* * *

Кўкли Оқтепага важоҳат билан қадам кўйди. Одамлар уни кўрган заҳоти икки томонга тўдалашиб йўл бериши. Раҳматулла занжирни билагига икки айлантириб ўраб олганди. Оломон орасидан:

- Раҳматулланинг ити мана шу-да!
- Қани, биз ҳам қарайлик! Вой-бў, кўк бўри-ку!
- Нақ Кинг Конг-а! — деган хитоблар эшитилди.

Биттаси ҳаммадан баланд овозда деди:

- Бугун жангга тушадиган Холбек аканинг ити Кинг Конг!

Бу ким бўпти? Кинг Конг ҳар қандай Кўклини таппа босади!

Шовқин-сурон кучайди:

- Бекор айтибсан! Мен Кўклига пул тикаман!
- Мен Кинг Конгга! Кўклини кўп жанг кўрмаган!

Тажрибаси кам!

Оқтепага йигирма чоғли ит, икки юздан ошиқ томошабин тўплланганди. Машиналар ҳам худди кўпкари бўлган кундагидек тепалик атрофини тўлдирганди. Раҳматулланинг келаётганини кўрган Холбек йўлини тўси.

— Раҳматулла, — деди у мўйловини силаб, — кучугинг ҳақида эшитдим. Мана, ўзини ҳам кўрдим. Кўринишига қараганда, зотдор бўрибосар, гап йўқ. Муаммо шундаки, бугунги жангни мен ташкил қилдим. Кинг Конгимни таниссанг керак? Бу ерда ҳам, қўшни туманларда ҳам у ҳамма довни ишлаб олади, бунга кафолат бераман.

— Баракасини берсин, ака, аммо бизнинг ҳам ит уриштиришга ҳаққимиз бордир?

— Ҳаққинг бор, албатта. Ўзингни даврага ураверма, демоқчиман.

— Ит жанги-ю, ака!

— Кинг Конгдан қолган ипирисқилар сеники, тушундинг-а, ука?

Раҳматулла Кўклини тепалик этагидаги трактор панасига етаклаб борди-да, теляжкага боғлади. Кинг Конг майдонга тушди. Бир-бирига қараб ютурган итлар икки оёқда туриб, одамдек олишдилар, қутурган томоқлардан отилган даҳшатли ириллашлар олисларга-да ёйилди. Оломон ҳайқириғи ҳам оламни тутди.

— Бос, Кинг Конг! — бўкирди Холбек. **Abdulla Qosim nomidagi viloyat Akm**

INV № 166525-20194

Бирин-кетин олтита итнинг аянчли вангилаши эшитилди. Холбекнинг ғолибона ҳайқириқлари ҳам тинмади. Кўкли трактор фиддираги ортидан тумшуғини чўзиб тўдага қаради. Юзи кўпчиб қизарган Холбек чеккага чиқиб, пулларни дасталаб санарди. Кинг Конгга дам бериш учун шотирлари четга етаклаб чиқишиди. Кўклиниң қони гупуриб, Кинг Конгга нафратомуз боқди. Кинг Конг деганлари қора юнглари ҳурпайган ҳўқиздек ит эди, Кўкли баттар ижирғанди. Негадир унинг эгасидан ҳам нафратланди. Бунча мақтанмаса! Кейин ўйлаб қолди: Раҳматулла ҳам мақтанади, Раҳматулла ҳам пулни очофатларча санайди.

Майдонга оддий жайдари итлар туширилди. Улар арзимас дов учун талащдилар. Кўкли хашакиларнинг тенги эмасди, биринчи ҳамладёқ ўлдириб қўйиши турган гап эди.

Пул ютиб беролмагани учун бир йигит итини гаврон билан урди. Одамлар итнинг ҳам, эгасининг ҳам устидан ҳахолаб кулишиди.

— Холбекжон, — деди басавлат киши, — пулларни олиб қочманг-да! Дарёободдан Раҳматулла Кўкли деган ити билан келиб ўтирибди. Жайдариларнинг пишакча уришишидан одамлар зерикди. Эгаларини қаранг, итидан-да майдакаш! Ҳамма Кинг Конг билан Кўклиниң чиқишига талабгор! Нима дейсиз?

— Ҳа, Кинг Конг билан Кўкли тушисин! — ҳайқирди оломон.

— Эгаси нима деркан? — истеҳзоли кулимсиради Холбек. — Ҳаражат қилиб боқдан ити майиб бўлишидан қўрқмайдими?

— Биз ҳеч қачон қўрқмаганмиз, — деди Раҳматулла. — Келганимиздан, Холбек ака, ўзингиз йўл бермадингиз. Жангни сиз ташкил қилган бўлсангиз, раҳмат деймиз. Бу янги полвонлар майдонга тушмасин, фақат эски, енгиладиганлари чиқсин, дегани эмасдир?

— Оғзингга қараб гапири! — ўдағайлади Холбек. — Сенга йўл бермадимми? Опкел итингни!

— Ҳалойиқ! — бақирди жарчи. — Енгилмас Кинг Конгга қарши Дарёободдан келган Кўкли жангга чикади! Даврани-кенгроқ олинглар! Кинг Конгни билмаган одам йўқ! Эшитишимизча, Кўкли ҳам ундан қолиши мас эмиш! Нечта жангга тушган бўлса, ҳаммасида ғолиб бўлган! Хуллас,

ўртоқлар, бугунги кучук уриштирув мусобақасининг финалида ажойиб жангни томоша қиласиз! Бир марта ҳам енгилмаган икки ит жанги! Пулни қайси бирига тикишни ўзларингиз ҳал этингизлар! Ким ғолиб бўлишни эса итларнинг ихтиёрига қўямиз!

Қўкли вужудига куч ёғилганини ҳис этди. У оёқ учida оҳиста яқинлашаётган йўлбарсдек кирди майдонга. Одамлар ҳар бир қадамини санаётгандек диққат-ла тикилиб туришарди. Раҳматулла етаклаб бораркан, уқтириди:

— Мени шарманда қиласа. Ҳозир енсанг, вилоятда сенга бошқа рақиб қолмайди. Энг машхур жангчига айланасан.

Кенг давра ясадилар. Халойиқ мисоли девор бўлиб ўради майдонни. Фала-ғовур пасайди. Жанг олдидан итлардан ҳам кўра ишқибозларнинг юраги потирлаб уради.

— Жим! Кўз кўзга тушди!

— Воҳ! Даҳшат-а!

Икки баҳайбат итнинг қонга тўлган кўзлари бир-бирига қадалиб, лаблар орасида қозикдек тишлари ярақлади, юнглар хурпайди.

— Бос! — бўкирди Холбек.

— Бос! — қичқирди Раҳматулла.

Қўклининг оёқлари остидаги ер титилиб, парча-парча увадалар учди ҳавога. Кинг Конгнинг устига қуюндеқ етиб борди. Тумшук тумшуққа урилди, тишлар такиллаб, бўғизлардан чиқсан ириллашлар иккисининг да қулоқларини том битказди. Кинг Конг олдинги рақиблардек эмасди, уни гавда билан уриб йиқитиб бўлмади. Катта очилган оғзи иккича марта Қўклининг танасини омбурдек қисди. Елкасидаги оғриқдан Қўкли ўкириб юборишига оз қолди.

— Бос, Қўкли! — калтаклагудек яқинлашди Раҳматулла. — Нега бўшашасан, лаънати?! Шунча еган гўштларингни қусмоқчимисан? Ол бўғзидан! О-о-л..

Дастлабки тўқнашувдан сўнг икки ит бир нафас рўпара туриб қолишиди. Қўклининг елкасидаги жароҳатдан оқаётган қон юнгларини ивитди. Хаёли жароҳатда ҳам, рақибда ҳам эмасди. У эгасидан сўкиш ва миннат эшилди. Шу тобда тушида

күрадиган кенгликлар, оқ ит шарпаси, энтиклириб юборувчи хид — ҳаммаси жонланди. Нега жанг қиласапти? Қонли олишувлар учун туғилганми? Қачонлардир унинг бошқа мақсади бор эди-ку? Нима эди ўша мақсад?

Кўкли тушидаги шарпадан бошқа барчани ёмон кўриб кетди. Раҳматулла тинмай бўкираяпти. Оломон оғзида ҳам бир хил хитоб: "Ўлдир! Ўлдир! Ўлдир!.." Кўклининг юрак-бағри куйиб кетди: "Қачон тугайди бу томошалар? Душманларни бир бошидан қириб ташласа кутуладими?"

— Бос! — деди яна Кинг Конгнинг эгаси. — Сенинг ўрнингни эгалламоқчи бўлган даъвогарни ўлдир!

Энди Кинг Конг биринчи бўлиб ташланди, оломон ҳайқириб юборди. Кўкли даҳшатли тумшуқча чап бериб, Кинг Конгнинг бўғзига тиш ботирди. Рақиби ҳам тишламоқчи бўлган эди, гавдасини ёнма-ён олиб қочди. Иккаласи бифиллашиб, фириллашиб, ёввойиларча ириллашиб гир айлана бошладилар. Даврадан кутарилган чангда ҳеч нима кўринмай қолди. Одамлар қонли жангни яхшироқ томоша қилиш иштиёқида гувва талпиндилар. Бир неча дақиқа ўтиб, фақат бир итнинг овози эшитилаётганини англаған кимдир:

— Ажратинглар! Тамом! Тамом! — деб бақирди. — Сизларга ит керакми, ҳой Раҳматулла ака... Холбек ака... Биттангизники кетди!..

Шу пайт чанг-тўзон тарқаб, Кўкли қад ростлади. Оёқлари остида Кинг Конг ўлиб ётарди. Оғиз-бурни қонга бўялган, кўзлари ёвуз бўриникига ўшшаб қолган Кўклидан қўрқиб, одамлар бирдан ортга тисланишди. Ҳа, ҳалойиқ бежиз қўрқмаган эди. Кўкли итларга эмас, одамларга нафратомуз тикилди.

— Итингни ушла, Раҳматулла! — қичқирди даврабоши.

Раҳматулла Кўклини зўрга тинчлантириб, машинага амаллаб чиқарди. Уша кеча Кўкли ухлолмай ётди. Жон бераётган Кинг Конг, қутурган оломон, сўкинаётган Раҳматулла кўз олдидан нари кетмади. Бундан кейин у қандай яшashi керак? Яна нечта итни ўлдиришига тўғри келади? Озгина бўшашганида Раҳматулла оғзига келганини кўймай ҳақоратлади, мабодо енгилганида ҳоли нима кечарди? Кўкли бир йигит нўноқ итини гаврон билан қандай урганини кўз олдига келтириб,

оғир хұрсаниб қўйди-да, қовоқларини юмди. Шунда унинг күлоғи олисдаги товушларни илғади. Раҳматулланинг чеккадаги мәҳмонасасида әрқакларнинг шодон қийқириқлари, қадаҳлар жарангы, табриклар ҳавога учди. Йтларнинг қони әзазига келган ғалабани үн чөғли кимса тўкин дастурхон устида нишонлаяпти. Кўклининг бурнига ароқ ва сигаретнинг қўланса ҳиди урилди. Мәҳмонар туғишиган ака-укалардек яқин эканликларини даъво қилишди, бир-бирини кўкларга кўтариб мақташди, ўртадаги ришталар умрбод узилмаслигини, кайф-сафо ҳам тоабад давом этишини айтиб, қадаҳлар кўтаришди.

"Нега менинг ака-укам йўқ? Ота-онам-чи?" — ўйлади Кўкли.

Шу пайт кўзлари ярқ этиб очилди.

— Ака, — деди Кўклининг тили, — акажон...

Олис ўтмишда қирдан думалаётган жажжи оқ кучукча кўзига кўрингандек бўлди. Бутун вужудини хаёлга айлантириб, тасаввурига зўр берди. Онаси... оқ кучукча... Бўрилар... Тоғ...

— Тоғ! — Кўклининг юраги орзиқиб кетди. — Эсладим! Биз тоғда яшардик. Менинг ватаним эди у! Ҳаммаси ўша ерда... ўша ерда...

Шу-шу Кўкли жонажон ватанини, оқиши тусли акасини хаёлида жонлантирадиган бўлди. Жажжи кучукчалик давридаги айрим воқеаларни эслади. Ёмғирли кеча, катакка қайтмаган она, ҳалок бўлган чўпон, важоҳатли бўрилар, қирдан думалаб тушган акасини ўғирлаб кетган бақалоқ кимса...

Эндиликда Раҳматулла қаерга кучук уриштиришга олиб борса, Кўкли, аввало, нголис уфқаларга илҳақ қарапди. Ватани қаерда? Дунёнинг қайси томонига қараб увласа, нолаю фарёд урса, акаси эшитади? Балки ойдаги доғлар акасимикан? Ойга ушиб боролмайди, демак, акасини ҳам тополмайди.

Йўқ-йўқ, Кўкли умидини узмади. Назариди, қачонлардир ватанини кўриб қоладигандек эди. Ўша ерда акасини ҳам учратади. Акаси аллақачон озод бўлиб, тоғларга қайтган...

Устма-уст ғалаба қозонди. Ёзда ҳам, қишида ҳам жамики рақибларини яксон этди. Бири ўлди, бирори яраланди, яна бошқаси сўзсиз таслим бўлди. Кўклига қарши жангга тушадиган бирор ит қолмади. Раҳматулла катта курилишга уннади, "Нексия" олди, мәҳмонасасидан бақироқ майшатпарастларнинг оёқлари

үзилмади. Ит жаңги уюштирилган қышлоқтарда ҳам май ичиб, бир-икки кеча қолиб кетадиган одат чиқарди. Айниңса, йўл бўйидаги ошхонада кўхликкина ошхоначи жувон Раҳматулла га қош қоққанида, Кўкли ижирғаниб, юзини терс буради. Раҳматулла га нима бўляяпти? Нега у ўз атрофидаги ювиндихўрларни сезмаяпти? Гулдек хотини, бола-чақаси турганда, бир бетайин жувоннинг суйкалишига не сабабдан итдек ҳурмаяпти? Меҳмонхонасини тўлдирадиган улфатлари Кўклидан ҳам кўп овқат ейишади, суяк кемиришади. Ва нима фойда текинхўрлардан?

Кўкли дунёнинг ишларига тушунолмади.

...Алалоқибат, ошхоначи жувон бошга битган бало бўлди.

— Итингизни мендан ҳам кўпроқ севасиз, — суйкалди Кўклиниг олдида уялмай.

— У бир ҳайвон-ку, — жувонни кучоқлади Раҳматулла. — Сени севаман! Сенга уйланаман, жоним!

— Хотинингиз билан ажрашмасангиз, ишонмайман.

— Итнинг ҳам, хотиннинг ҳам муддати тугади, демоқчимисан? — ҳиринглади Раҳматулла.

— Кучугингиз кўп пул келтирайпти, тўғрими?

— Тўғри.

— Унда ит қолсин, — деди жувон.

Раҳматулла чўнтағидан бир боғлам пул чиқариб, жувоннинг устидан сочди. Жувон суяк топган юнгсиз дайди кучукдек ирғишлиб, Кўклиниг кўнглини баттар айнитди. Тавба, эгаси нега унга ошиқ? Хотини замга ботгани, фарзандлари ҳар доим отадан ҳам, Кўклидан ҳам кўрқиб, юрак ҳовучлаб туриши-чи? Кўклиниг виждони қийналди. Бундан кейин уй соҳибасига ҳам, болаларига ҳам меҳрибон бўлишни кўнглига тугди. Ошхоначи жувонга хизмат қилишдек баҳтсизлик борми? Кўкли ундан бегона эркакларнинг иси анқиётганини ҳам сезди.

Шу кеча Раҳматулланинг хонадонидан жанжал аримади: сўкиниш, чойнак-пиёла синиши, аёлнинг йифи-сифиси, болаларнинг чирқиљлаши тонг бўзаргунча-тингмади. Данғиллама уй ҳам, яп-янги машина ҳам татимаган бека эрталаб жигарпораларини етаклаб уйдан чиқди. Кўкли айвонда эди.

— Қаёқдан ҳам учрадинг, ҳаром қоттур ит! — йирглади аёл. —

Оиламни сен единг! Одамхўр, бахтхўр, болаҳўр итсан! Илойим, янаги кучук уриштиришда рақибинг бўғзингдан олсин! Ҳечқурмаса, майиб бўл! Шунда сен ҳам бизга ўхшаб калтакланасан! Кўчага кувиласан!

Кўкли бекага юрагини очолмади, "Сизга хизмат қилишни хоҳлайман", дейлмади. Бир вақтлар Кўкли "одам емайман" деб фахрланган эди. У аллақачон одамхўр итга айланганини тушунди. Беканинг ва фарзандларининг ортидан ёшли кўзларини тикиб қолаверди.

* * *

Оқтепада уюштирилган кучук уриштиришларга Кўкли айтилмади, чунки унга рақиб йўқ эди. Раҳматулла қайсарлик қилиб, итини эргаштириб бораверди, лекин жангсиз қайтаверди. Йўл бўйидаги ошхонада тўхтаб, тўйгунча шароб ичарди. Маст бўлгач, хотинини орқаваротдан сўкарди, қонуний йўл билан ажраштирмаётган суднинг гўрига фишт қаларди.

— Уйимта юр, — деди жувонга.
— Вой, одамлар нима дейди? — нозланди ошхоначи.
— Одамлар билан нима ишинг бор? Улар менга нима берди? Анави итчалик ҳам яхшилик қилишдими? Ҳе, куриб кетсин ҳаммаси!

Раҳматулланинг шанги овози чеккадаги столни эгаллаб ўтирганларнинг ғазабини қўзғатди.

— Ҳой, ака, — деди бир йигит, — одамларни ҳақорат қилманг! Одам, бу — отангиз, онангиз, ака-укангиз, опа-синглингиз, фарзандларингиз. Одам, бу — Одам Ато, Момо Ҳаво. Биламиз, итингизнинг орқасидан бойиб кетдингиз, аммо кимдан тарқаганингизни, ким эканингизни ҳеч қачон унутманг.

— Сенинг нима ишинг бор, хўрозд?! — ўқрайди Раҳматулла.
— Бир урсам қайтиб турмайсиз, ака, — деди йигит. — Ёшингизни ҳурмат қиласман. Агар заррача ақл-фаросат бўлганида, одамга тил теккизмасдингиз. Аслида сизни итингиз

бойитмаді, одамлар қутуртируди. Ҳа, одамлар! Агар улар кучук уриштиришга мүккасидан кетмаганларида, пул тикмаганларида, итингиз нима қилиб берарди?

— Итимми? Керак бўлса, у... у бўғзингдан олади! — Раҳматулла Кўкли томон бурилди. — Бос, Кўкли! Тирранчанинг бир адабини бериб кўй!

Кўкли дам эгасига, дам йигитга қаради.

— Ол уни! — дея Раҳматулла итнинг занжиридан тортди.

Кўкли оғир гавдасини полдан узмади.

— Э, ҳайф сизга шундай ақлли ит! — деди йигит ва дўстлари билан ташқарига чиқиб кетди.

— Раҳматулла ака, уйингизга бора қолинг, — ялинди ошхоначи.

— Хўрандаларинг камайганига куяяпсанми? — жувонга ҳам захрини соғди Раҳматулла. — Қанча пул керак сенга, қанча?

— Уйингизга бора қолинг, дедим, холос, асалим...

— Мен билан кетасан! — жувоннинг қўлидан ушлади Раҳматулла. — Қачонгача бундай юрамиз?

Бегона жувонга кўзи тушган қўшни хотинлар ёқаларини ушлаб, "Вой шарманда!.. Қурибгина кеттур!.." дейишгани қулогига чалинган Кўкли бошини ҳам қилиб, катагига бир-бир одимлаб борди-да, кўксини захга бериб ётди.

— Шармандаликка ортиқ чидаб яшолмайман, — деди у ўзига-ўзи. — Нима қилишлим керак? — Ўйлай-ўйлай икки йўл борлигини тушунди. — Ё ватанимни топаман, ё навбатдаги жангда ҳалок бўламан.

Эртасига ташриф буюрган меҳмонни Раҳматулла Кўклининг катаги ёнига эргаштириб келди.

— Ака, — деди меҳмон, — итингиз яхши формада, ҳали кўп жанг қилади.

— Унинг рақиби қолмади, бошим қотган. Сиз ҳам қуруқ мақташдан нарига ўтмайсиз.

— "Берди"сини айтгунча уриб ўлдирманг-да, акажон. Нега келдим? Сизга ҳунхабар бор. Қўшни вилоятда Оқча деган жангари ит чиқибди. Кўклига ўшшаб ўзининг вилоятидаги ҳамма итларни эзib ташлабди. Эгаси оддий "УАЗик" ҳайдовчиси

бўлганмиш. Ҳозир битиб кетган пулдор дейишиади. Якшанба куни Зафарли тоғида катта жанг уюштирилади, Кўклини олиб борасизми?

- Шунақа демайсанми!
- Итнинг эгаси сизсиз, — қўл узатди меҳмон. — Бошқа вилоятлардаги жангларни уюштирувчи, катта-катта кучук уриштирув жойларини топувчи менман. Элликка эллик ишлайман. Келишдикми?
- Ўттиз, — қўл ташлади Раҳматулла.
- Қирқ, — деди меҳмон.
- Қиммат сўраяпсиз. Бу итни одам қилгунимча соchlарим оқариб кетган.
- Ҳа, майли, ўттиз уч! Ютуқнинг уйдан бири меники!

Фургон узоқ йўл босди. Туйнукдан тушаётган нурга термилган Кўкли йўл бўйи бошини кўтартмади. У жанг майдонига шошилмади, аммо рақибини тилка-пора қиласидан аламзада кайфиятда эди. Кекирдагини ражиб ташлайди, қонга белайди, ўзи ҳам бурда-бурда бўлади. Бас, қисмати шу! Ҳар хил хаёллар исканжасида ортиқ қийналмайди: ўлдиради ва ўлади.

Манзилга етганларида, Кўклини фургондан чиқаришмай бир оз овқатлантиришди. Итларнинг вовиллаши, одамларнинг бақир-чақири оламни бузарди. Ташқарида гүёки юз минг одам ва қирқ минг ит тўпланган эди.

— Энди ҳақиқий гладиаторларга навбат! — эълон қилди даврабоши микрофондан. — Ўзимизнинг мутлақ чемпион Оқча полвон! Анави фургонда эса қўшни вилоятнинг мутлақ чемпиони Кўкли "Майдонга қачон чиқарканман?" деб пайт пойляяпти! Қани, оғайнилар, меҳмонга йўл очинглар! Пулларни ҳам дадил-дадил ташланглар! Шу вақтгача ҳеч ким бундай жангни кўрмаган!

Кўкли фургондан лапанглаганча сакради. Ердан кўз узмай Раҳматулла етакловида бораверди. Унга на олқиш, на мукофот керак эди. Жангга чиқади, фақат ўлдириш учунгина ҳамла қиласиди. Рақибининг бўғзидан шундай тишлайдики, эгалари калтаклаб ҳам ажратолмайди. Кўклининг исёни шу бўлади. Ит эмас, бўрига ҳам эмас, бир ваҳший маҳлуқقا

менгзайди шу оломон. Мабодо бирорта рақиби Күклини енголмаса, итларнинг эгаларига ҳамла қиласди. Шунда уни отиб ўлдиришади, паншаха санчишади, тошибурон қилишади. Күкли бундан кейин қонли ҳаёт кечирмайди, шармандали кунлардан ҳам қутулади. Уни соҳибининг хотини — хокисор беканинг қарғиши уради.

Занжирлар ечилиб, фақат бўйин тасмаларигина қолди. Күклини Раҳматулла, Оқчани Бекмурод исмли бақалоқ киши зўр-базўр тутиб турарди. Оқчанинг бўй-басти Күклиникидек эди. Кўзларida ҳам Күклиникидек олов чақнарди.

Даврабоши довга тикилаётган пуллар билан бир дақиқа чалғиди. Күкли шунда ҳам бошини кўтартмади. У кимни кўради? Томошаталаб оч оломонними? Эгасига ютуқ олиб бериш учун жонини жабборга бериб олишмоқ истагидаги навбатдаги қурбонними?

Күкли фақат ерни кўрди. Буни ҳам хоҳламай, кўзларини юмди. Қанийди, қулоқлари ҳам эшитмаса. Йўқлик қаърига сингиб кетсайди у. Балки тушларига кирадиган оқ шарпани — қачонлардир йўқотиб қўйган акасини номаълум дунё кунжакларида учратар?

— Бос, Оқча! — ҳирқироқ овозда бўкирди Бекмурод.

— Бос, Кўкли! — томирлари бўртди Раҳматулланинг.

Кўкли тўртала оёғига куч туплаб, ўқдек отилди. Умрида ҳеч қайси рақибига бундай алам, бундай қаҳр билан юргумаган эди. Бир сонияда ўлим тўқнашуви юз беради. Ярим сония, чорак кам сония... Ана!

Йўқ, Кўкли рақибига нигоҳ ташлаган заҳоти оёқларини қаттиқ тираб тўхтади, ернинг бағри ўйилиб кетди. Тушларидаги оқ ит югуриб келарди унга. Унугилаёзган нигоҳ, унугилаёзган жусса!

Осмонни аллақачон булуг қоплаган эди. Момақалдироқ гумбурлади...

— Бос, Оқча! — Бекмурод яна ҳайқирди.

Оқча Кўклини мисоли тўфондек суриб, итқитиб юборди. Кўкли чидаб бўлмас оғриқдан инграган қўйи икки-уч думалаб тушди. Оқча устига ташланиб, жон-жаҳд ила тиш ботирди.

Кўкли фарёд уриб типирчилади, ўзини ҳар ёнга отди. Оломон уввос солиб завқланди. Оломон ҳуштак чалиб завқланди. Кўкли осмонга боқди. Бир замонлар онасини йўқотган кунни аниқтиниқ эслади. Чакмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаган эди. Ўша булутлар, ўша чақмоқ, ўша момақалдироқ...

— Нима қиласяпсан, исқиртдан тарқаган! — сўкинди Раҳматулла. — Тур жойингдан, Кўкли! Ол бўғзидан!

Кўкли рақибининг кўзларига жуда-жуда яқиндан тикилди. Бу акаси эди. Ҳа, бошқа ҳеч ким эмас. Йиллар ўтса ҳам акасининг кўзлари ўзгармаган эди. Ахир, нигоҳида онаси яшайди. Ким ўз онасига ўхшамай бегонага айланади? Ҳеч бир жонзот!

— Ака! — деди Кўкли. — Акажон! Мени танияпсизми? Бу мен... укангизман...

Оқчанинг кўзлари фақат рақибнигина кўрарди, қулоқлари эгасининг буйругинигина эшитарди. Кўкли бир сакраб чангандан чиқди-да, дўнглик томон қочди. У югуриб келаётганида, аҳли томоша икки тарафга гуррос ажралди. Кўкли дўнглик ортида ястланиб ётган қирларни, қоятошларни кўрди. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, тогни таниди.

— Ватаним! — таққа тўхтади у.

Орқасидан шиддат-ла етиб келган Оқча томогидан гиппа тишламоқчи эди, Кўкли бошини эгиб, фавкулодда тезлик-ла тумшуғи тагидан тиш солди. Иккаласи яна думалашиб майдон ўртасига улоқиб бордилар. Момақалдириқ қарсиллади, ёмғир томчилади. Оқча иккинчи бора томоқдан олмоқчи бўлганида, Кўкли болалик чоғларидагидек бошини яна илкис эгиб, тумшуғи тагига тиш ботирди. Шундагина Оқчанинг fazабдан қисилган кўзлари ярқ этиб очилиб, ортга чекинди ва Кўклига тикилди.

— Кимсан?

— Анави тоғларда яшаган бўрибосарнинг боласиман, — жавоб берди Кўкли.

— Бу тоғларда бўрибосарлар кўп.

— Онам сиз каби оқ тусли, күзлари ҳам сизникideк эди. Шундай ёмғирли кунда онамдан айрилдим. Җұпон ҳам ўлди. Катақда акам иккимиз қолдик. Акам онамни соғиниб, қирадирларга мұлтираб қарапарди. Бир куни нариги қирда ит хурганида, онам деб ўйлаб, югурди. Қир оралиғидаги йўлда анави одам, яъни сизнинг эганғыз уни ўғирлаб кетди...

— Нега гапни айлантирасан? Укаммисан?

— Ҳа, уканғизман. Бунга шубҳа қилаётган бўлсанғиз, онам эсинғиздадир? Тўрида каваги бор катагимиз-чи?

Оқча бирдан шалвираб, ювош тортиб қољди.

— Укажон, — деди у. — Наҳотки, сени топган бўлсам?

— Акажон... — кўзлари ёшланди Кўклининг.

Жангнинг давом этишини талаб қилған хитоблар янгради, калтак, кесак, бутилкалар учиб келди. Оғзига эрк берган айрим ёш-яланглар итларнинг эгаларини ҳам қўшиб сўқдилар. Ёмғир ҳам шаррос куйиб берди. Раҳматулла ва Бекмурод чопиб келиб, ўз итларининг бўйинбоғларини тақишиди-да, икки томонга судрашди.

— Ака! Акажон! — вовиллади Кўкли талпиниб.

Раҳматулла Кўклининг занжирини фургонга боғлади-да, жаҳл билан қорнига тепди. Кўкли кутилмаган тепкидан иҳраб юборди ва эгасига аламли ириллади.

— Менга хураяпсанми, нонкўр?! — Раҳматулла камарини ечди. — Шарманда қилганинг етмагандек...

У Кўклини бир урди, икки урди, учинчисида...

Кўкли суюклари сингудек силтаниб, бўйинбоғдан халос бўлди-да, тоғ тарафга — ватанига қараб қочди. Оқча ҳам калтаклангач, исён кўтариб, ҳурликка эришган, нариги адирда ватан бағрига чопиб бораради. Иккиси тенглашиб, ёнмаён югурди. Танларидан мадор кетиб, лойга беланиб, ёмғирда бутунлай ивиб қолсалар ҳам тўхтамадилар. Одамлар ўнлаб чақирим ортда — тоғ этагида қолиб кетишиди. Ёввойи табиат, ёввойи тоғ ўз бағрини очди. Бошлари устида эса тинимсиз чақмоқ чақмоқда эди.

* * *

Эртасига харобазорда күз очдилар. Болалик давридагидек бирбирининг пинжига тиқилиб ухлаб қолишган эди.

- Энди қаёқقا борамиз? — сўради Оқча.
- Онамизнинг умри ўтган шу тоғда яшаймиз-да, ака, — жавоб берди Кўкли. — Яхши одам учраб қолар.

Харобазордаги жонажон катакда кун бўйи узала тушиб ётдилар. Зерикиш ва очлик қийнай бошлади. Занжирда яшаган кезлари овқати тайёр эди. Озодликда ҳеч ким таом келтириб, бошини силамади. Шунга қарамай улар улуғ бир баҳтни туйдилар. Бу баҳтни еб ҳам, тафтида исиниб ҳам бўлмасди, аммо овқат, олов, кошоналардан-да аъло эди.

- Яхши бўлди, — деди Оқча.
- Ҳа, қандай яхши-я! — севинчдан сархуш эди Кўкли.

Ярим кечаси бўриларнинг увлашидан уйғонгандаридан, иккиси ҳам тирикчилик ташвишини туш кўраётган эдилар. Оч қоринга бўрининг увлаши Кўклини ғазабини келтирди ириллаганча бош кутарди.

- Биз энди кучукча эмасмиз, — деди акасига. — Кучга тулиб, жангда пишганларданмиз. Бўриларни қийратиб ташлаймиз.

Оқча эринибгина оёққа қалқир экан:

- Уларнинг таклифи ёдингдами? — деди.
- Онамизнинг душмани экани-ю бизни бурдалашмоқчи бўлганлари эсимда.

- Кўйсанг-чи! Мен таклифларини гапирайпман. Биз озодмиз, ука. Одамлардан қутулганмиз. Ўз йўлимизни танлаш хукуки энди қўлимизда.

Кўкли акасига ҳайрон бўлиб қаради.

- Бу билан нима демоқчисиз?
- Бўриларга қўшиламиз. Одамлардан нима топдик? Бўриларда ҳамма нарса бор: овқат, бошпана, оила. Улар шу тоғнинг ҳақиқий эгалари.

- Бўрилар қонхўрлик ва талончилик билан кун кечиришади-ку!
- Чунки тоғу тошлар уларники! — тишларини ғижирлатди Оқча. — Керак бўлса, тоғларни бўриларга қайтариб беришсин!

Қароқчилар тұдаси харобага етиб келишди. Ака-ука катакдан чиққанларида, бүрилар хиёл ортга чекиниб, сардорларига боқдилар.

— Эй сардор! — деди Оқча. — Бизни танияпсанми?

Бүрилар сардори күлмакларни билч-биль босиб, итларга яқин келди. Унинг ҳам күzlари йиллар мобайнида үзгартмаган эди.

— Танидим, — деди сардор, — шунинг учун хузурларингга тұғри келавердік. Сизлар билан жанг қылмоқчи эмасмиз. Хүш, бизга күшиласизларми? Күч-қудратларинг ҳақида әшитдик. Жасурлар доим ҳұрматимизда.

— Ҳа, — дея укасига күз қирини ташлади Оқча, — овқат ва бошпана берсаларинг, тоғда бирга ҳукмронлик қиласыз.

— У-чи?

— Биз ака-укасиз. Шундай экан, укам ҳам мен билан.

Үша кечә икки ит бүрилар билан тоғ ичкарисига жұнади. Бир неча қир ошиб, анча юқориладилар. Құкли орқада иложисиз әргашиб келаркан, акаси озодликни нотұғри тушунганидан зэилди. Иккисининг ҳам томирларыда бүрибосарнинг қони оқаяпты-ку. Құчук уриштирувчи кимсаларни деб жамики инсониятга қарши, әңг даҳшатлиси, онага қарши бориш мүмкінми? Акаси айтганидек, наҳотки, тоғнинг ҳақиқиي әгалари бүрилар бўлса? У ҳолда онаси шу тоғларга сифинди зедими? Йўқ, тоғ онасининг ватани эди. Ватан ва она! Иккисини ажратиб булармикан? Онаси бүрибосар ит эди, ватани эса бўри заминими? Хатолик, хатолик...

Бир жойда от ўлиги ётган экан, зиёфатхўрлик қилишди.

— Даврамизга хуш келибсизлар, — деди бүрилар сардори ака-укага.

— Хуш келибсизлар, — күzlари совуқ ялтиради бошқа бўриларнинг ҳам.

Иккинчи кечә тұнғиз овладилар. Шиддатли хужумда Оқча ҳам, Құкли ҳам қатнашди. Айниқса, Оқча бир тұнғизга ёндан отилиб, бўғзига тиш ботириб, оёғини осмондан келтирганида, бўрилар завқланиб, увлаб юборишли.

— Ит боласи бўлсаларинг ҳам, аслида қонларинг бўриларники, — деди кечки машваратда сардор. — Минг йиллар муқалдам дунёда

ягона халқ, ягона хукмдор, яъни бўрилар бўлган. Вақтлар ўтиб, итлар бўрилардан ажралиб чиқиб, инсон билан дўстлашди. Итларнинг ёрдами туфайли инсон униб-ўси, кўпайди, ривожланди, натижада биздан кучайиб кетди. Нафақат бизга, итларга ҳам душман эканини Оқча ва Кўкли мисолида кўриш мумкин.

— Тўғри, — деди Оқча.

— Сен нима дейсан? — сўради сардор Кўклидан. — Эркинлик яхшими, одамми?

— Эркинлик бошқа тушунча, одам бошқа, — жавоб берди Кўкли. — Агар бўрилар ўзларини эркинлик деб атаса, бундай эркинлик одамларда ҳам бор...

— Укам ҳамон тушкунликда, — Кўклиниг гапини кесди Оқча. — Кўникунча унга индаманг, сардор. Кўрасиз, укам мендан ҳам олғир бўрига айланади.

Кўкли акасидан айрилмаслик учун тўдага зўрма-зўраки эргашиб яшарди.

— Нега виждонинг қийналаяпти? — койиди Оқча. — Биз қароқчи эмас, овчилармиз. Ўзимизга ўзимиз хўжайнмиз, эркин яшаяпмиз. Одамдан нима топдик? Ўлсам ҳам орқага қайтмайман! Энди занжирга кўниколмайман ҳам! Ўзинг ўйла! Уларни бойитиш учун қанча қон тўқдинг, қанча итларни — ўз қондошларингни ўлдирдинг! Шуми инсоннинг адолати?

Кўкли бу дунёдаги якка-ю ёлғизи — акажониси қаршисида бош эгди.

* * *

Ёз бўйи қуён, тўнғиз, кийик, ёввойи эчки овладилар. Чўққилар ошибб, тоф ўрмонларига етдилар. Кўмиб юборадиган ўтлоқларни, қуюқ арчазорларни, пастликда сузадиган оппоқ булатларни Кўкли умри бино бўлиб кўрмаганди. Юнги ўсиб, кўриниши ҳам бўрига ўхшаб қолди.

Бир куни тўда дам олайтганида, у жилга бўйига тушди. Ногаҳон шамол одам исини учириб келди. Арчазорга кириб, ўт-ўланлар орасида пусиниб ётди. Икки овчи сув ёқалаб, уйларига қайтмоқда эди.

— Шу атрофда бўрилар тўдасини кўришибди, — деди бири.
— Йирик тўда эмиш. Совуқ бошланса, тўда пастга, яйловлар томонга тушади. Насим чўпоннинг кўйлари биринчи бўлиб хужумга дуч келмаса эди. Биласан, чўпон кексайиб қолган, милтиқни ҳам ўнглаб отолмайди.

— Чайласидаги аёл ва болалар кими? — сўради шериги.
— Қизи билан неваралари. Эшитишимча, эри ёш хотинга уйланиб, оиласини ҳайдаб юборибди. Итга ёмон ишқибоз экан. Оиласига қарашмасмиш ярамас.

Овчи Кўклининг изини кўриб қолди.

— Манави ит изими, бўриникими?

— Бу ёқларда ит нима қиласди? Бўриники-ёв.

— Бўрилар тўдасида иккита ит ҳам бормиш. Ишонгиси келмайди кишининг. Ит хиёнат қилса, дунё қонга ботади-ку.

Кўкли яна ўйга толди. Қачонлардир бўрилар чўпон қўрасига хужум ўюнтириши муқаррар эди. Озодман деб юрган акаси, наҳотки, одамга қарши урушда иштирок этса? Ҳа, иштирок этади-да. Бўриларга текинхўрларнинг нима кераги бор?

Кўкли жилга бўйига тез-тез тушадиган бўлди. Ҳатто, анча пастлаб, яйлов яқинигача борди. Бир куни қир биқинидаги арча тагида пастликни кузатиб, хаёл суриб ётганди, иккита ўйинқароқ бола кўринди. Улар ирмоқдан балиқ тутмоқчи бўлдилар. Кўкли уларга яхшироқ тикилди-ю вовиллаб юборишдан ўзини зўрға тийди. Раҳматулланинг ўғиллари-ку! Хўжайнининг фарзандлари бу ёқларда нима қилиб юришибди? Демак, бека Насим чўпоннинг қизи экан-да.

Шу пайт шоҳ-шабба шитирлади. Кўкли ялт этиб қаради: иккита кулранг бўри болалардан кўз узмай пастликка тушмоқда эди. Улар ўз тўдасидан адашганлардан шекилли, Кўкли танимади. Болалар томон чопгандилар ҳамки, Кўкли сакраб туриб, йиртқичларнинг йўлини қийиб чиқди. Кутилмаганда гумбурлаб ўқ узилди, биринчи бўри йиқилди. Кўкли зўр-базўр тўхтади. Яна бир ўқ иккincinnisinи қулатди. Кўкли даҳшатдан қотиб қолган болаларга, кейин ўқ узаётганларга кўз ташлади. Овчилар милтиқларини қайта ўқлаб, тепкини босишди. Биринчи

ўқ Кўклиниң қулоғи тагидан кўршапалак қанот қоққандагидек ел уфуриб ўтди. Кўкли ўрмон ичкарисига қочди. Иккинчи ўқ елкасидан бир парча этни юлиб, дараҳт пўстлоғини ҳам учирив юборди.

Уяга зўрга етиб келди. Шу-шу кеч кузгача касал бўлиб ётди.

— Одамга ёлғиз яқинлашсанг оқибати шу, — деди сардор. — Тўда бўлиб, таппа босиш керак, тушундингми?

Кўкли эса ўйларди: "Улар мени бўри гумон қилишди. Агар бир марта вовиллаганимда, ўқ отмасдилар".

Совуқ қунлар бошланди. Биринчи қор ёққанда бўрилар қирлардан эниб, тоғ белига — эски уяларига қайтдилар. Борган сайин ҳаво совиб, емиш топиш қийинлашаверди. Қаҳратон қиши келгач, бўрилар ҳурпайиб, кўзлари қонга тўлиб, кечалари увлаб чиқадиган бўлишди. Сардор энг содик бўриларни тўплаб, тез-тез машварат қиласди.

— Ака, эҳтиёт бўлишимиз керак, — деди Кўкли. — Уларнинг ниқоблари ситилиб, ҳакиқий башараси очиладиган пайт келганга ўхшайди.

— Ҳалигача бўриларни ўзингга душман деб юрибсанми? — ранжиди Оқча.

Қиши кечаларининг бирида бўрилар уяларидан чиқиб, қоя олдида тўпландилар. Овга ярайдиган ҳамма бўри чақирилган эди.

— Нима гап? — сўради Оқча биридан.

— Нима гап бўларди, — деди бўри хириллаб, — овга-да.

Улар қирлар ошиб, пастилкقا ўшишдилар. Кўкли ўрмонга эмас, одамлар яшайдиган ҳудудга кетишаётганини билгач, аламдан ириллаб юборди. Дарвоҷе, тез орада шамол қўйларнинг ҳидини димоқقا урди.

— Ака! — Оқчанинг йўлини тўсди Кўкли. — Нима қиласпиз? Бўрилар кўтонга ҳужум қилишмоқчи! Биз шу даражада тубанлашдикми?

— Йўлимни тўсма! Мен эркин яшашга қарор қилганман!

— Лекин ўз онангизга қарши курашибшига эмасдир?!

— Онам ўлган! Менинг эса қорним оч!

— У ёқса ўтказмайман, ака!

— Йўлимдан қоч, деялман!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бу пайтда бўрилар қўрага гувва ёпирилдилар. Бирлари қўйларни судраб чиқса, бирлари ичкаридаёқ ея бошлашди. Тентакнамолари бир қўйнинг қонини ичмасданоқ иккинчисининг томоғидан олар, ўнлаб қўй-қўзининг орасида эќанига ишонолмай телбаларча қувониб-қутуриб, дуч келганини бўғизлайверарди.

Чўпоннинг итини ҳам омон қўйишмади. Бўрилар сардорнинг ўзи тагига таппа босиб, кекирдагини ғажиб ташлади ва:

— Лаънати ит! — деди ғазаб-ла. — Кўргани кўзим йўқ одамнинг малайини!

Чўпон ўқ узди, лекин теккизолмади. Чўпон қалин кигиз чопонда эди. Бўрилар сардори қор зарраларини тўзғитиб қуюндеқ учиб келди. Отасини бўри йиқитганини кўрган аёлнинг қичқириғи, кулба бўсағасидаги болаларнинг чинқириғи Кўклининг юрагини тилка-пора этди.

— Сизни онамнинг қарфиши уради, ака! — дея шартта бурилдида, ваҳшат-ла вовиллаб бўрилар сардорига ташланди.

— Итни ўлдиринглар! — хитоб қилди бўрилар сардори.

Бўрилар Кўклига ташланишди. Кўкли дуч келганини ғажиб, топтаб, ўнгу сўлга отаверди. Қор қизил қонга бўялди. Аёл Насим чўпонни судраб, кулбага киритди-да, эшикни тамбалади. Энди Кўклига барибир эди. Мана, қонли кунлар ниҳоясига етаяпти. Ўлдиради ва ўзи ҳам ҳалок бўлади.

— Нега битта итга кучларинг етмаяпти? — Бўрилар сардори қўтонга қаради. — Ҳой ичкаридагилар! Аввал итни ўлдиринглар, деяпман!

Бўрилар кетидан бўрилар чиқиб келаверишди. Тенгсиз жангда Кўкли енгилиши сезилиб қолди. Жароҳатларидан қон оқиб, танидан мадор кетди.

— Акажон, қаёқдасиз? — зорланди у начора.

Сардор сўйлоқ тишларини қўрсатиб:

— Йўлдан қочинглар! — деди бўриларга. — Ўзим ўлдираман-бу итни!

Кўклининг ёнгинасида акаси даҳшатли вовиллади. Бўрилар сардори ва Оқча тўқнашганда, томокълар йиртилгудек хириллоқ

овоз таралди ҳавога. Улар анча наригача учеб тушиб, олиша бошладилар. Бўрилар дарҳол икки тўдага ажралиб, биринчи гуруҳ Оқчанинг, иккинчиси Кўклининг устига ёпирилди. Акаси билан бирга Кўклига куч-қудрат ҳам қайтди. Елкасидан тишлаган бўрини бир мункиб йиқитгач, рўпарасидаги бўрининг бўғиздан тишлаб, гир айлантириб отди. Оёғи остига йиқилганларнинг бир зарбда кекирдакларини уза-уза олға интилди.

Ака-уканинг бўриларга қарши жангни узоқ давом этмади. Тез орада қароқчилар ўз сардорларининг мурдасини қолдириб, ура қочдилар. Оқча ҳам бўрилар сардорининг ёнида чўзилиб ётарди. Кўкли оқсоқланиб, акасининг қошига келди.

- Акажон... — деди-ю кўзларига ёш қуйилди.
- Ҳақ экансан, укажоним, — бошини ҳам кўтаролмади Оқча. — Ҳурликнинг маъносини тушунмадим... Онамга... сенга... ватанимга хиёнат қилиб кўйдим...
- Сиз билан фахрланаман, ака, — Кўкли акасининг ёнига чўзилди. — Онам ҳам сиздан рози, ватан ҳам... Бўриларни енгдик, одамларни, уларнинг нөрасида болаларини ҳимоя қилдик...

Кулба эшиги очилиб, аёл чироқ тутди.

— Кўкли, маҳ-маҳ... Кўкли... — чақирди бека.

Кўклининг кўзларидан дув-дув ёш оқди. У акасига, акаси унга тўкилди.

— Бўрилар билан яшаганимизда, кетиб қолишингдан ҳамиша кўрқардим, — деди Оқча.

У укасининг кўзидан — она сиймосидан кўз узмай жон берди.

Бека қорни гарч-фурч босиб ака-укага яқинлашди-да, тиз чўқди ва:

— Сизлардан миннатдорман, — деб йиглаб юборди. — Раҳмат сенга, Кўкли... Раҳмат сенга, эй нотаниш оқ ит...

Ўша кечадан бошлаб Кўкли чўпонникида яшаб қолди. Кўйларни кўриқлаб, ҳалол овқат еб, қиру адирларда хур, баҳтманд, фаровои ҳаёт кечирди. Баҳорда довон ортидаги чўпоннинг итларидан бири билан оила курди. Жуфтни билан бирга бўрибосарчаларни вояга етказиб, кўйларни кўриқлаб, баҳтли яшади.

ЧИЛЛАСИ ЧИҚМАГАН КЕЛИНЛАР

Мудҳиши воқеа келинчакнинг чилласи чиқишига уч кун қолганда содир бўлди. Эшитган одамлар дастлаб қулоқларига ишонмадилар. "Наҳотки...", "Кечагина тўйи бўлганди-я", "Тавба, кечаси ёлғиз ўзи нега ташқарига чиқади?!"

Феруза воқеа жойида ўлмади. Уни кўзлари олайган, оғзидан кўпик чиқсан, қалтираган ҳолида шифохонага олиб келишиди. Қилинган барча муолажалар самара бермади. Бояқиши тонгга яқин жон таслим қилди. Ички ишлар ходимларига аввало шифокорнинг хулосаси керак эди.

— Заҳарланмаган, — деди шифокор, — танасида лат еган жойи ҳам йўқ. Оддий қилиб айтганда, қаттиқ қўрқсан. Қўркув шунчалик кучли бўлганки, юрак дош беролмаган. Ўша ерда ўлиб қолиши ҳам мумкин эди.

Эрталаб туман ички ишлар ходимлари воқеа юз берган хонадонга бордилар. Қўпчиликка гўё сирли бир қотиллик содир этилгандек туюларди. Феруза нариги қишлоқлик қўз эди. Ўлигини ота уйидан чиқаришга қарор қилишган, уй эгалари, куёв ҳам ўша ёқда, уйда фақат қизлари қолган эди.

Терговчи куёв ва ота-онасини чақиргириб келди.

— Узр, — деди у, — марҳумага жаноза ўқилгунча сизларни бир оз уринтириб қўйишга мажбурман. Биламан, келинни ҳеч ким ўлдирмаган. Лекин фақат одам ўлдирилгандагина шуғулланиб, бошқа ҳолатда индамай кетавермаймиз. Ўлимнинг сабаблари кўп бўлади.

— Қанақа сабаб, айланай? — хавотирланди онахон. — Келинимизни ҳавас билан туширдик, иболи, ҳаёли, қўл-оёғи чаққон чиқди. Шу вақт ичиди бир марта қаттиқроқ гапириш у ёқда турсин, иш буюришга ҳам ултурмабмиз. Жуда тушунган эди. Ўзи билиб ишини қиласарди.

Терговчи куёвдан ҳам айрим нарсаларни сўради. Куёв довдираб қолган эди, ким нима сўраса, аввал анграйиб қарап, бош силкир, кейин гап мазмунига тушуна бошларди.

— Ука, — терговчи қаламини қофозга урди, — илтимос,

ўзингизни қўлга олинг. Ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ. Бошингизни қимирлатавермай саволга аниқроқ жавоб беринг. У ёнингиздан кетаётиб бирон нима дедими?

Куёв ўйланаб тургач:

— Эсладим, — дея терговчига қаради, — "Бир ташқарига чиқиб келайлик", деб эшикка юрди.

— Ташқарийга чиқиб келайлик, деган бўлса, нега чиқмадингиз?

Куёв яна анграйди.

— У менга айтмади, шекилли...

— Қизиқ, хонада яна ким бор эди?

— Мен, у... Бошқа ҳеч ким.

— Демак, келинни бошқа бирор чакирган. Айтмоқчиманки, уйларингиздан кимдир? Тўғри тушундимми?

Куёв боши билан тасдиқлади.

— Кимлигини айтмадими? — сўради терговчи. — Балки кимдир чакирганини сиз ҳам эшитгандирсиз?

— Йўқ, лекин у соатига қараганини кўрдим.

— Неча бўлган эди?

— Ўн.

— Хўш, кеч соат ўнда келинчак ташқарига чиқмоқчи. "Чиқиб келайлик" деб кимнидир назарда туғиб гапирди. Тушумаяпман, янги куёв қандай қилиб бефарқ ўтиради? Нима учун чиқаяпти? Кечирасизу, ҳожатгами, коса-товоқ ювишгами? Ким билан? Нима дейсиз бу ҳақда?

— Кўнглимга ҳеч қандай ёмон ўй келгани йўқ. У сал нарсадан чўчириди. Ё синглим, ё опам билан ҳовлига чиқмоқчидир-да, деб ўйладим. Уйдагилар ташқарига чиқишдаги чап эшикда телевизор кўриб ўтиришганди.

— Сал нарсага чўчириди, деяпсиз. Буни кўрқоқтабиатли маъносида тушунайми ёки охирги кунлари нимадандир хавотирланиб юрганди деган маънодами? Балки биронта душмани бўлгандир?

Куёв бош чайқади. Отаси уҳ тортиб, уларга яқинлашди.

— Сизларга касалхонадаям айтдим, келиннинг ерда чузилиб ётганини биринчи бўлиб мен кўрдим. Юринг, уй орқасига ўтайлик, қанақа жойлигини кўринг аввал.

Ҳаммалари воқеа содир бўлган жойга боришиди. Орқа томондаги пахса девор ёмғир-қорда нураб, ярми ҳам қолмаганди. Девор тагида ўтиналар тахланган. Ўтинлар ва уй оралиғида эса отқулоқлар ўсиб ётарди.

Ҳақиқатдан бефайз эди. Экспертлар текшириб, келинчакнинг изидан бошқа бегона из топилмаганлигини маълум қилишиди.

— Девор ортида зовур бор, зовурдан нарида жийдазорлар... — деди терговчи. — Ундан у ёқла-чи?

— Жийдазордан кейин катта йўл, Самарқанд — Тошкент, — куёвнинг отаси янада қовоқ солди. — Келинимнинг ўлимига буларнинг дахли йўқ. Одамлар бекорга айтмайди, мелисага ишинг тушмасин деб. Илтимос, бошимизга кулфат келганда бизни қийнаманглар. Ҳадемай жаноза ўқилади, мозорбошига боришимиз керак. Агар келинимни бирор ўлдирганини сезганимда ёки экспертиза шубҳали белги топганида бошқа гап эди. Бояқиш ажал етаклаб уй орқасига ўтган-да, ахир. Нимадир шитирлаган бўлса, кўрқиб юраги ёрилган. Бу ерда чироқ йўқ, кечаси одам сесканади.

— Тасодифан эшишиб қолдим, — деди терговчи, — бир вақтлар катта фарзандингиз ҳам шу ерда ўлган экан.

Хонадон эгалари бир-бирига қараб олишди. Онанинг қўзлари пирпираиди. Ота деди:

— Ўлган, аммо айнан келин ўлган жойда эмас. Кўраяпсиз, ҳовлининг ҳаммаёни ёпиқ. Биз ишга кетганмиз, қизим ёлғиз қолган, энди олтига кираётган қиз эди. Зерикканми, қизиқиш устун келганми, уйнинг орқасига, шу ерга келган. Ўша вақтларда ҳам ўтин тахлаб қўярдик. Ўтиннинг устига чиқиб, деворга тирмашган. Фалокат босиб девордан нариги томонга йиқилиб тушган. Девор тагида ётиб қолса, ўлмасмиди. Ажал қисиб, зовурга думалаб кетган раҳматли.

— Ярангизни тирнамоқчи эмасдим. Яна бир саволга жавоб

берсангиз, ўшанда жийдазордан ўтаётган бир киши девор устида оёқларини осилтириб ўтирган икки қизалоқни кўрган экан. Бирини таниган, сизнинг қизингиз. Иккинчиси, оқ кийимли, соchlари оёғи учигача етадиган узун, юз-кўзи фалати қизча экан.

— Одамлар нималар демайди. Қанча миш-миш эшитдик. Ўйласам, ҳалигача юрагим зирқирайди. Ёш қизчам чўкиб ўлди. Арвоҳлар бор эмиш, деб гап қилишди. Мақсад нима? Тушунмайман бу одамларга. Энди келинимни гап қилишаяпти. Турли миш-мишлар ҳали кўп болалайди. Бари куракда турмайдиган гаплар бўлишини олдиндан сезаяпман.

Рўмолининг учини тишлаб ўтирган аёл дам эрига, дам терговчига қараб сўзлади:

— Қизим ўлгандаёқ уйимизнинг орқаси бехосият жойга айланди-кўйди. Ҳовлимизни ҳам хосиятсизга чиқариб кўйишмаса деб одам қўрқади. Фалоқат босиб нега қоронғида уй орқасига борди бу келин, ҳайронман.

Терговчи барибир қониқмади. Келинчакнинг кечаси қоронғи жойга ёлғиз бориши гайритабии туолмоқда эди.

— Кизларингизни чақиринг, — деди терговчи.

Аввало, келинчакнинг чинқириғини эшитган қиз — Дилорадан сўроқни бошлади:

— Янғангиз қичқиришидан олдин бошқа қанақадир овозларни эшитдингизми?

— У янгам эмас... келиним... Бизда уканинг хотинини "келин" дейишади.

Терговчи кўлидаги қофозга қараб, қаламини ўйнатди. Сўнг мунғайиб турган уч опа-сингилга нигоҳ ташлаб:

— Адашибман, сиз — иккингиз қайнинглиси, сиз эса, Дилора, қайнопасисиз. Бошқача қилиб айтганда, келинчакнинг синфдоши, шундайми?

— Ха, лекин мен "A" синфда ўқиганман, Феруза "B"да.

— Майли. Саволга қайтсак. Қичқириқдан аввал бошқа овоз эшитмадингизми?

— Йўқ.

- Шитирлаш, тиқиллаш, ҳеч қандай товуш эшитмадингиз-а?
- Йўқ. Хаёлга берилиб кашта тикиб ўтиргандим, кимдир қичқиргандай туюлди. Феруза қаттиқ бақиргани ҳам йўқ, пастгина, қисқагина "А-а!" деди, бўлди.
- Кейин нима қилдингиз?
- Менми? Ҳеч нарса.
- Деразани очдингизми ёки ота-онангизнинг хонасига чопдингизми?
- Деразани очмасдан пардан суриб қарадим. Қоронфида ҳеч нима кўринмади. Дарров чиқиб уйдагиларга айтдим, отам калишини кияётган экан, биринчи бўлиб борди.
- Экспертиза шундай хулоса қиласяпти: келин уй ёнида тез юриб орқага ўтгач, қадамини секинлаттан. Айтиш мумкинки, бирорни пойлаётгандек авайлаб қадам ташлаган. Бироқ дарров ортига қайтиб, уй бурчагида йиқилган. Орқа деразалардан фақат сизнинг хонангизда чироқ ёниқ бўлган. Келин-куёв хонаси ҳам, уйдагиларингиз ўтирган хона ҳам олд томонда. Манави дераза кичик меҳмонхона экан-а? У кулф бўлган. Анави эса сиз ўтирган хона деразаси. Ўйлаб қаранг, келин сизни пойлаш учун пусиб боргандек туюлмаяптими?
- Дилора ҳам, хонадон аҳли ҳам ҳайрон қолишиди. Терговчига очиқ норозилик ила қарадилар.
- У... нега алламаҳалда мени пойлар экан?
- Тўппа-тўғри, — қўшилди отаси, — сиз ҳам ўзбексиз, биз ҳам. Битта гапга тушунасиз, ука. Қўйинг энди шу гапларни! Келинни кимга чиқариб қўяяпсиз? Терговда уят йўқ дейди, мен ҳам бир тахмин айтай. Келин бечора уй орқасига ҳожатга ўтган бўлса керак.
- Бу тахмин ҳақиқатдан йироқ, — деди терговчи ўжарлик билан.
- Бўлмаса, нега ўтади уй орқасига? — отанинг ростакамига жаҳли чиқди. — Мелисаман деб одамни эзаверасизми энди?! Экспертизаларинг мурдани текшириди, воқеа жойини текшириди, шубҳали ҳеч вақо йўқ-ку. Ёшунча текширувдан сўнг ҳам бироримиздан гумонингиз борми? Замонавий эксперталар аниқлаёлмайдиган даражада усталик билан ўлдирадиган қотил яшар экан-да, а, бу уйда?!

— Унақа демоқчимасман. Келин ҳожатта бормагани аниқ. Күрқоқ келинчак эрини әргаштирасдан ёлғиз үзи ҳовлиға чиқадио ёп-ёруғ, ичидан беркитиладиган ҳожатхона бўла туриб, отқулоқлар ўсиб ётган қоп-қоронги жойга келадими? Бу ерда бир сир бор. Мен сизларни айбдор қилиш истагида эмасман. Фақат ўша сабабни аниқламоқчиман, холос.

— Аниқланг, аниқланг,— кесатди ота. — Жанозага кеч қолмайлик. Яна қанча вақт давом этади бу текширувларингиз?

— Қизлар қолди, — терговчи бир четда турган опасингилларга ишора этди, — улардан ҳам бир оғиз сўраймиз, шу билан... насиб этса тамом.

Дилоранинг сингиллари шундай дейиши:

— Ҳаммамиз телевизор кўриб ўтиргандик. Дилоро опам чиқиб кетди. Орқасидан отам чиқди. Бир вақт янгамнинг шайтонлаб ётганини эшитдик. Акам ҳам чопиб чиқди. Билганларимиз шу. Ҳеч қандай қичқириқни эшитмадик.

Терговчи яна Дилорага ўтирилди.

— Сиз нима сабабдан хонангизга чиқдингиз?

— Айтдим-ку кашта тикиш учун, — деди Дилоро. Бир-оз ўйлаб олгач, кўшимча қилди: — Мен тўққиз яримлар атрофида хонамга кирдим, мана, уйдагилардан сўранг. Соат ўнгача Ферузани кўрганим йўқ. У ҳам тўппа-тўғри ташқарига чиққан. Агар телевизорли хонага кириб ўтганида сингилларимдан биронтасини әргаштиради. Чиллали келин ёлғиз юрмайди-ку. У менинг хонамга ҳам киргани йўқ.

Дилора ҳаяжон устунлик қилиб гапидан тўхтади. Терговчи ўйга чўмган ҳолда деди:

— Давом этинг, яна бир нима айтмоқчисиз чоғи.

— Айтмоқчийдимки, у мени пойламоқчи бўлганида, аввало, хонамда эканлигимни аниқлаши керак эди-ку.

— Пойлаб, нимани пойлайди! — ўшқириб берди отаси. — Яна ўща гап! Яна... яна...

— Ўзингизни босинг, ака, — уни терговчи қайтариб ташлади.

— Мана, ҳозиргина азахонада эдингиз. Ота-онаси, жигарлари қандай нола-фифон қилганига гувоҳ бўлгандирсиз? Одам

ўлади-ю биз бепарво қараб турамизми? Марҳуманинг на руҳий касаллиги, на тутқаноғи бўлган. Бунақа касалликлардан тез ўлиб қолмайди ҳам. Ўликнинг эгаси ота-онаси, яна бир эгаси давлат, тушундингизми?

Ота оғир уҳ тортиб нари кетди. Терговчи ҳам сўроғини тугатди.

Бироқ терговчининг кейинги уринишларидан ҳам натижа чиқмади. У бир ҳафта ўлади, бир ой бош қотирди, кимга шубҳаси уйғонса сўроққа тутди, қаерни кўргиси келса, бориб қайта-қайта кузатди.

Ниҳоят, кучли қўрқув натижасида ўлимга юз тутган, деган хulosага кўнгандек жимиб кетди. Кўнгил эса ёмон бир фитнани сезиб турарди.

* * *

Ферузадан аввал ҳам хонадонга келин туширилган эди. Фожиа юз берган куни катта келин ҳам, ака ҳам уйда йўқ эди. Ака ҳатто тўйга келмаганди. Хотинидан ажрашгандан бери дунё ишларига қўл силтаб, кўча-кўйда тентираబ юарди. Ишляйсанми, деб сўраса, бош қимирларатарди. Гоҳо вақтингчалик бирон ишда ишлагандек бўлади. Дарров кўнгли совиб, яна дардисар кезинади.

Ҳеч қандай қотиллик аломатлари топилмагач, жиноий иш қўзғатилмаслиги, Ферузанинг ўлимини милиция унутиши лозимдек эди. Шундай бўлса-да, терговчи ҳодисага иккинчи томондан ёндашишига қарор қилди. Фожиа юз берган кечаси хонадонда бўлган одамларни тинч қўйиб, аксинча, бўлмаганларни сўроқлаш кўнгилдаги гумон шарпасини ёруғликка чиқарадигандек туюлди.

— Демак, катта келиннинг исми Рухсора? — сўради у маҳалла раисидан.

- Рухсор.
- Рухсор. Хўш, ажрашганига икки йил бўлган-а?
- Худди шундай.
- Шу вақт ичida турмушга чиқмаганми?
- Чиқмаган.
- Эри ҳам уйланмаган.

— Э, у ароққа берилиб кетди. Ҳозир Россияда. Бирор Ростов-Донда дейди, бирор Камчаткада. Дараги йүқ, уйдагилари ҳам билмайди аниқ манзилини.

— Тополмас эканман-да, — терговчى ўйланиб қолди. — Яқин-үртада Россиядан қайтиб, ҳамқишлоқларига күрінмай шаҳардами, туман марказидами юрган бўлиши мумкинми?

— Унақа йигит эмас. Россиядан келса, албатта, қишлоққа бир кўринарди. Укасининг тўйига ҳам қатнашарди. Жа одам сонидан чиқмаган, нотўғри тушунманг бояги гапларимни.

— Тўй ўтиб келган бўлса-чи?

Маҳалла раиси елка қисди. Бирон нима дейишга боши қотгани яққол сезиларди. Дўпписини ечиб, пешонасини силади-да:

— Нимани гумон қилаётганингизни тушундим, — деди. — Энди-и... сиз ўйлаётгандек у бир каср чиқариб қўйиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Балки мен бундай ўйламаётгандирман, — бирдан ҳўмрайди терговчи.

Маҳалла раиси қизариб кетди.

— Тўйдан кейин келгандир, масалан, уч-тўрт кун ўтиб, — дяя раис терговчига ола қарашиб қилди. — Кечикиб қолганига уялиб, кечаси кириб келмоқчи бўлгандир. Худо раҳматли келинчак коронғида унга тўқнашиб, қўрқанидан ҳушини йўқотган...

— Воқеа жойида бошқа ҳеч кимнинг изи топилмади.

— Унда... билмадим, — маҳалла раиси дўпписини кийиб, шифтга қараб ўйланди. — Келган бўлиши керак, деган вариантингиз ўзини оқлаши мумкин, негаки, у хотинининг қишлоғида яшаётган бўлиши мумкин.

Соатига қараётган терговчи туйқус сергакланди.

— Рухсорникида демоқчимисиз?

— Ҳа. Улар ажрашиб кетганига қарамай бир-бирига душман эмас, деб эшитганман. Ўртада қандайдир алоқа бор.

— Қизик, у ҳолда нега ажрашган?

Раис кўзи билан маҳалла томон имо қилди.

— Эрининг сингиллари билан келишолмади.

— Алоҳида яшасалар бўлмасмиди?

— Билмасам, менимча, бу... — Раис оғир бош чайқади. —

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бўлмайдиган турмуш эди. Улар анча ўткир, қайнингилларни айтаман. Ота-она ҳам қизларининг гапига киради.

— Марҳума келинчакни... улар ёмон кўришмаганми?

— Бунисини билмайман... Чилласи ҳам чиқмади-ку. Янаям... аёллардан бир сўраб кўриш керак. Пашиша финг этса, аввал улар эшитишади.

Терговчи Рухсорнинг манзилига бир соатда етиб борди. Катта келин қўшни тумандаги чекка бир қишлоқда, отасиникида яшар экан. Фожиани эшитиб хангуманг бўлиб қолди.

— Эрингиз охирги марта қачон келганди? — сўради терговчи жувондаги ўзгаришни сезмаганга олиб.

— У киши Россияда. Нима алоқаси бор бу воқеага?

— Алоқаси бор демадим. Сиз қачон келганини айтинг, тамом-вассалом.

— Баҳорда... Март ойида.

— Хат-хабар борми ишқилиб?

— Охирги марта телефон қилганига икки ойдан ошаяпти.

— Камчаткадами?

— Йўқ, Пенза деган жойда.

Терговчи жувонга мулоийм нигоҳ ташлашга ҳаракат қилиб, деди:

— Ҳар кимга Худойимнинг ўзи инсоф берсин. Эшитдим, қайнингилларингиз билан келишолмай ажрашиб кетибсиз.

Рухсор бош эгиб, тирноғини кавлай бошлади. Сал нарида ўтирган онаси қудаларини яниб, алланималар демаганида терговчи далда бўлолмасди.

— Уларга ҳам шундай кун келади ҳали... — деди Рухсор. — Борган бўлсангиз, қўргандирсиз, атрофи чолдевор билан ўралган бехосият ҳовли. Биринчи кундан қамоқхонани эслатганди менга. Иккита синглиси ёш, заҳрини ҳали эплаб сочолмайди. Дилороси илоннинг ўзи. Ундей айёр, ундей қасамхўр қизни, очиги, кўрмаганман. Неча марта туҳмат қилди менга, эҳ-е, айтсан тугамайди. Шунинг учун ҳам уни эр олмайди. Нима, йигитлар билмайди деб ўйлайсизми? Кўзига қараб сезади унақа қизларни.

— Масалан, у сизга қандай ёмонлик қилган?

Онаси:

— Ўллириб қўйишларига сал қолган, — деб орага қўшилди.

— Калишига чаён солиб, жувонмарг қилмоқчи бўлган, яшшамагур. Куёв ювош, индамас. Уни кўпам айбситолмаймиз.

— Калишга ким чаён солиб қўйган?

— Анави... Дилороси-да! Ундан бошқа ким қилолади бу ишни! Терговчи ниҳоят калаванинг учини топгандек бўлди.

— Синглим, бошингизни кўтаринг. Турмушингиз яхши бўлиб кетади, муҳими, эрингиз билан жанжаллашмагансиз. Аччиқланмай, барчасини рўй-рост айтинг. Дилоро калишингизга чаён солиб қўядиган даражадаги қизми? Унчамунча эркак ҳам чаённи ушлай олмайди.

— У илонни ҳам, чаённи ҳам кўтариб юрганини кўрганман. Бир гал қўшнининг мушугини ошхонада тутиб, оғзига ностиқиб ўлдириди. Носга дарров ўлар экан мушуклар.

— Мархума келинчакнинг исми Ферӯза. У Дилора билан синфдош экан. Ўша пайтлари сизга синфдош қизлар ҳақида ҳеч нима демаганми?

— Тўй бўлган дугоналарини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Терговчи бўла туриб шумлигини сезмадингиизми? У сизни кўриши билан артистлигини бошлаган. Дарров сузилиб, қизариб, ўзини ҳаёли, иболи қилиб кўрсатдими? Бу унга ҳеч гапмас. Ҳатто, халқ артистлари ҳам хоҳлаган вақтда қизаролмайди.

Онаси гап сўқди:

— Қачон "ажал ойим" эрга тегади, ўшанда қизим ярашади куёв билан. Шунда ҳам қайнонасиликнига бормайди. Қизимни вақтида ажратиб олиб келибман, Худога шукур-е...

— Ҳар нарса деяверманг, эна. Бу киши мелисаҳонадан. Гапингиз учун жавоб бериб юрманг.

Терговчи ўрнидан турди.

— Онангизнинг гапида жон борга ўҳшайди, лекин жавоб бериб юрмайди. Чунки келинчакни ҳеч нарса чақмаган, экспертизадан ўтказилди.

Она-бала Дилорони қарғаб қолаверишди, терговчи яна ўз-

гүмөнләр оламиға гарқ бўлиб, уйига қайтди. У қотил Дилоро эканига амин бўлган эди. Келинчакни ўлдиришгача олиб борган сабаб ва қотиллик усули лол қолдирмоқда эди. Наҳотки, инсон қиёфасидаги иблисга дуч келса? Яна денг... қиз бола!

* * *

Орадан олти ой ўтгач, аза лиbosлари ечилди.

Терговчи марҳума келинчакнинг акаси Дилорога уйланайтганини эшишиб қулоқларига ишонмади. Ферузанинг ўлимига сабабчи деб миш-миш бўлган қари қизга нега собиқ қуданинг ўғли уйланаяпти?

Орадан йигирма кун ҳам ўтмади. Терговчи бир иш юзасидан қишлоқдан қайтаётганида, тор асфальт йўлда тўпланиб турган одамларни кўрди.

— Нима гап? — сўради бир одамдан.

— Автобусни кувиб ўтаётган "Москвич" трактор телажкасига урилиб кетди, — деди у. — Ҳайдовчи тирик, ёнидаги келинчак ўша заҳотиёқ ўлди.

Терговчи одамлар орасини ёриб ўтиб, мурдани таниди. Бу — Дилоро эди. Рулдаги одам унинг эри эканлигини билгач, баъзи нарсаларга тушунгандек бўлди.

Гарчи бу воқеа ҳам терговчига қотилликдай туюлса-да, бахтсиз ҳодиса деб жиноий иш қузғатилмади. Эртасига терговчи Ферузанинг акасини учратиб, шундай деди:

— Устингиздан "ийш" очиш ниятим йўқ. Аммо сиз Дилорони атайин ҳалокатга учратдингиз, чунки у синглингизни ўлдиришда гумон қилинаётганди. Қотиллик сирини билиш учун, ҳатто, Дилорога уйландингиз ҳам. Мен битта сирнинг тагига етолмаяпман. Дилоро Ферузани қандай ўлдирид экан? Буни билиб олгансиз, тўгрими?

Ферузанинг акаси қаршисидаги одамга индамай қараб қолди. Ҳақиқатни сўзламасдан иложи йўқлигини тушунди. Эртаниндин барибир фош бўлади.

— У кундузи илон тутган, — деди ҳасрат билан. — Синглимни

авраб, уй орқасига чиқишига кўндирган. Дераза очик, шундоқ дераза тагига келасиз, деган. Синглим яқинлашган чоғ ипга боғланган илонни устига отган. Синглим бечора адои тамом бўлган.

— Бундай қабихликни у ўз оғзи билан гуллаб қўйдими? Курбоннинг уйида-я?

— Сирни бўлаклаб-бўлаклаб олдим. Шунда ҳам охиригача эмас.

— Эсиз, синглингиз ўлмай қолиши ҳам мумкин экан-да?

— Ҳа. Ўлмай қолганда бу ҳазилга йўйиларди.

— Автоҳалокатда Дилоро ўлмай қолганда-чи?

— Ҳазил эмас. Шунчаки оёқ остидан чиққан фалокат...— деди йигит.

Терговчи яна бир савол берди:

— Диора келинчакка нега бунақа тентаклик қилган экан?

— Шунчаки... ёқмаган... Бир кўркитиб хумордан чиқмоқчи бўлган. У касал эди, бировларни кўролмайдиган касал... Мана, эрга ҳам тегди, ўлиб ҳам кетди...

— Энди қамаласиз.

— Айб тракторчида, йўлнинг устида эди-у. Менинг айбим тормозни охиригача босолмаганимми?

Йигит сигарет тутатди. Терговчига ҳам берди. Иккиси йўлак бўйлаб кетишиди.

ОҚ СОЯ

Ишдан қайтишимда ижара уйга калит ясатишм кераклигини эсладим. Дарвоқе, кампир ўз калитини бир кунга бериб турган эди. Шодага қарайман: кабинетимники, сейфники, стол тортмасиники, йўлак эшигиники. Улар орасида кампирники бегонадек ажралиб турибди.

Уста беш дақиқада нусха ясади. Кетаётгандим, чақириб қолди.

— Мабодо манавинақа керак эмасми?

Устанинг кўлида эллик сўмлик тангадек келадиган ялтироқ нақшли металлни кўрдим. Кўлимга олгандим, арабча ёзувдаги калималарни пайқадим.

— Бу нима учун?

Азамат КОРЖОВОВ

— Шунинг учунки, — деди уста, — бало-қазолардан асрайдиган дуо ёзилган. Үртадаги бүш жойга исм-фамилиянгни, уй манзилингни ёзиб бераман. Қара, менда майда ҳарфли ускунаям бор. Қўпчилик калит шодасига шундан тақаяпти. Бошқа туморлардан зўр. Жуда арzon.

— Майли, — дедим ноилож.

Уйга келиб, кампирнинг кўзойнагидан қарадим: "Равшан Алмаматов. Фозий, 13."

Шундан сўнг калитлар шодаси кўзимга чиройли кўрина бошлади. Дуога тез-тез кўз ташлар эканман, назаримда, у менга куч-кувват бағишкаётгандек туюларди. Қизиги, шу вактгача мўжизага ишонмасдим.

Кейинги кун ишхонамга борсам, таклифнома тутқазишиди.

— Бир йигит ташлаб кетди, — деди ҳамкасбим. — Жа хирапашша, маданиятсиз экан. Қанақа одамлар билан ўқигансиз-а?

Таклифномага кўз югуртиридим: "Қосим ва Таъзиманинг никоҳ тўйига..." Беихтиёр баданимда чумоли ўрмалади. Наҳотки, Таъзимага уйланаётган бўлса? У ўлган-ку!

Математика факультетида ўқирдик. Ҳар йили кузда пахтага ҳайдашарди. Фақат ногирон курсдошларгина ҳашарга чиқишимасди. Таъзимани университет остонасида кўрганимдаёқ юрагим жис этганди. Тимқора шаҳло кўзлари, тимқора сунбул сочлари...

Бироқ идеал гўзалликни киши севиб қолавермайди. Баъзан юракда орзу яшайверади, ҳавас ўлмайди, армонга ҳам айланмайди. Унинг йигити эмаслигимдан куймасдим. Қишлоқдан қелган бир ўртаҳолман, кўримсизман. Таъзималар назарига илармиди.

Пахтага кетишдан бурун эшитдим: "Олти шайх" қабристонидаги олти авлиё мозори худди шу Таъзиманинг боболариники экан. Дадаси ҳам катта мулла. Ичадиган, чекадиганлардан куёв қилмаган, қиз бермаган экан уларнинг оиласи.

Бир куни Қосим нос отиб, мени туртди.

— Биринчи курсдаги Таъзима зўр-а? Пахтага келиши хаёлимда ҳам йўғийди. Боя гапга олдим.

— Таъзимани-я?

— Ҳа, йигити йўқ экан. — Узала тушиб, қўшиб кўйди: — Йигити бўлганда-чи! Нима, қўрқаманми?!

— Дўстим, Таъзима улуф шайхларнинг чевараси. Сен кимсан? Фирт майшатпараастсан. Қўй, бошқага суйкал.

— Э, улар ҳам бизга ўхшаган одам-да! Мулла-шайхларнинг қизларидан қўрқинглар деб қайси китобда ёзилган?

Нос тўла оғзи билан вадир-вудур қилишими, Таъзимани ҳам ўлжасига айлантираётганими, ёқмади, биринчи бор дўстим кўзимга бало қўринди.

Қосимнинг феъл-автори бошиданоқ менга малол келган. Ўтган-кетганга димоғдорлик қиласди, юмшоқ гапирганларни қўрқоқ ҳисоблаб, ҳукмини ўtkазишга уринади. Айниқса, тарафкашлиги ёмон. Иккимизнинг дўстлашишимизга тоғлик эканлигимиз сабаб бўлган. Қишлоқларимизни уч юз чақирилмик масофа ажратиб туради, ўртада қанча-қанча туманлар. Аммо иккимиз ҳам тоғлик, ватандош-ҳисеобланамиз.

Аслида тоғлик ҳам эмасман. Қишлоғимиз тоғолди қирларида жойлашган. Қосимни ҳақиқий тоғлик дейиш мумкин. Қўярда-кўймай эргаштириб борганида, қишлоғи қоялар билан ўралганини, бир томони ҳайбатли жарлиқдан иборат эканини кўрганман. Эрталаб деразадан мўраласам, оппоқ туман қишлоқдан пастда ёйилиб ётарди.

Ўшанда Таъзима пахта мавсуми охиригача юрди. Бир куни кечқурун Қосим юз-кўзи тирналган ҳолда кириб келди. Йигитлар аллақаерга чиқиб кетган, мен шийлон печкасига ўтин қалаб ўтирадим.

— Ёввойи мушук!.. — дея кўзгуга қараб, жароҳатларига дастрўмолини босди. — Бунисида қутулиб қолди!.. Орқамдан эргашиб юради ҳали!..

— Ким? — бўғзимга нимадир тиқилди.

Қосим алам билан қаради.

— Кейин биласан, жўра.

Эртасига Таъзима пахта даласида кўринмади. Кечга яқин биринчи курсларнинг биридан секин суриштиргандим, "Таъзима кўч-кўронини йиғиштириб, тонгда уйига кетди", деди.

Шундан сўнг ноябрь охирида, факультет йўлагида учратдим. Рўмол ўраган, кўлида оппоқ қўлқоп, кўзлари ерда. Тирик маъбуданинг қаршисида яна бир марта титраб кетдим.

Янги йилга яқин даҳшатли хабар эшитдим: Қосим биринчи курсдаги Таъзимани олиб қочганмиш. Бояқиши қиз дарсга келмай қўйибди.

Бирпаста курсдошлиар мени ўраб олишди. "Ётотхонада Қосим билан бирга турасан, энг яқин сирдошисан", деб гап сўрай бошладилар. Ноҳуш хабарни улардан эшитган бўлсам, бир ҳафтадан бўён Қосим ётотхонага келмаяпти, мен қаёқдан билай?

Дарсдан чиқиб, ётотхонага борсам, Қосим ухлаб ётиди. Хонани бадбўй ҳид тутган.

— Факультетда нима гаплар юрибди, биласанми?! — дедим жаҳл билан. — Агар рост бўлса, сени кечирмайман.

— Тўхта-тўхта! Мени ҳайдалди дейишдими?

— Таъзима... сен Таъзимага нима қилдинг? У кечирса ҳам... боболарининг арвоҳларидан қўрқмайсанми? Калла йўқ сенда, Қосим!

— Шу-шу Таъзимани қайтиб кўрмадим. Қосим эса ҳайдалмади. Йўлини топиб, ўқишида қолди. Кўп ўтмай яна қитмирикларини қилиб юраверди. Ундан хафа бўлсам-да, барибир воз кечолмадим. "Бизни ҳеч нима ажратолмайди, шевамиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам, меҳмондўстлигимиз ҳам бир хил", дерди у.

Ўқишини тугатаётган кезларимиз совуқ хабар эшитдик: Таъзима оловда ёниб кетибди...

Диплом олдим. Қосим билан хайрлашаётib, оғир уҳ тортдим. Шу йигитни йўлга солишим, кўплаб ёмонликлардан қайтаришим мумкин эди-ку. У фақат менинг гапимга кираради, ҳа, сал қаттиқроқ туришим керак-эди. Ўша-лаҳзада ҳам Таъзимани эслаб, ўзимни қотил ҳис этдим. Қосим бир шайтон, унга қарши курашмадим. Дўстман деса, дўст тутиндим. Таъзима ҳам курашмади...

Қосимнинг тўйи якшанба куни эди. Таклифномага тикилиб узоқ ётдим. Боришга қарор қилдим. Келинчакнинг исми Таъзима бўлиб чиқиши мени жуда-жуда қизиқтириб кўйганди.

Шанба куни йўлга тушдим. Тоғлар орасидаги қишлоқчада, бир вактлар талабалик даврида борганим ўша туманинг гўшада бир кеча ухлашни кўнглим тусарди. Қосим мактабда ишлаб босилиб қолгандир, ўқитувчи деган номи бор, ахир.

Йўл хийла узоқ эмасми, тоғ йўлларида чайқалаётган автобусда кўзим илинди. Ярим уйғоқ ҳолда ғалати туш кўрдим: автобусимиз қиялиқдан шитоб-ла пастга учиб тушаётганмиш, мен ҳам ичида эканману, айни пайтда ҳалоқатни четдан кузатиб турганмишман. Автобус қизил тусга кириб, кейин ёниб кетибди.

Сесканиб кўз очдим. Мотор ванғилламоқда, манзил яқин. Бехосият туш асоратидан кутулолмай, Қосимнинг қаршисида ҳам маҳзун туардим. У ўзгармабди, афсус, ўша-ўша.

Пиёлани тўлдириб ароқ қўйди. Ароқ ҳам эмас, сув аралаштирилган илиқ спирт. Бир пиёладан сўнг бўларим-бўлди. Ўзимни қизиқтирган савонни бердим:

— Келин қаердан?

— Э, уни нима қиласан?.. — сўкинди Қосим. — Кўпни қишлоқлик қариндошнинг қизи. Сен менинг аҳволимни сўра! Мактабни ташладик, иш йўқ, юрибмиз тўйма-тўй.

Келганимга пушаймон едим. Қосим уй ёнидаги пастлиқда кўлмак лабига жой қилдирганди. Кеч тушиб, совуқ қучайсада, уйга таклиф этмасди. Маст-аласт ўртоқларининг баданини шароб қиздириб юборганди.

Бир пайт кўлмакнинг нариги четидаги қамишларга тикилдиму қотиб қолдим. Қоп-қора шарпа бизни қимир этмай кузатарди. Унинг оёғи остида нимадир оқариб кўринарди. Ёнбошлаган жойимдан хиёл кўтарилдим, шарпа бир оз чекинди. Ё тавба, оқ нарса унинг сояси эди, оппоқ соя.

Кимгадир суюниб, тепага Қосимнинг уйига чиқаяпман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Мени бир пиёлала маст бўлиб қолди, деб гапиришмоқда. Кўзимни юмдим дегунимча аллақаёқдан сас эшитилади: "Қосим эртага ўлади... Қосим ўлади... ўлади..."

Тонгга яқин уйғондим, ортиқ чидаёлмасдим. Тўй-пўйи керакмас, шаҳарга кетгим келди. Кийиндим, бироқ чўнтақларимдан калитларни тополмадим. У ёқ-бу ёқни қарадим, йўқ. Кўлмак бўйида ёнбошлаб ётганимни эсладим.

Тўй бўлаётган хонадонда ғимир-ғимир бошланганди. Уй орқасига ўтиб, кўлмак бўйига тушдим. Қамишларга қарамасликка аҳд қилгандим, аммо калитларни тополмаганимдан сўнг кўзларим беихтиёр шарпани ахтарди. Қамишлар безовта шитирлаб қўйди, холос.

Келинни олиб келиш учун ўн чоғли машина тизилди. Қосим безатилган қизил "Нексия"нинг орқа ўриндиғига ўтириди. Ҳайдовчини танидим: кеча биз билан бўкиб ичган қассоб йигит. Қосим мени бирга ўтиришга ундади, лекин йўқолган калитларимни суриштираётганим учун ёнига боролмадим.

Тўй ахли ичидан ҳам калитим топилмади. Бу вақтда куёв ўтирган машина йўлга чиққан эди. Мен орқадаги машиналардан биридаман. Тўй карвони тор йўлда шиддат-ла олға интилаяпти. Нега булар ҳовлиқишиади, тушунмайди одам.

Муюлишга яқинлашдик, жарликлар кўринди. Шунда чанттўзон кўтарилиди-ю "Нексия" кўздан йўқолди. Қиялик лабига югуриб борғанимизда, куёв ўтирган машина сакраб-сакраб пастга эниб борарди. Ҳадемай каттароқ тошга урилади-ю абжаги чиқади. Наридаги бўйи жарлик. Ва шундай бўлди ҳам. Машинанинг қандай ёниб кетганини кўриб, тушимни эсладим...

Шаҳарга амаллаб кириб келганимда ўз кўзим билан кўрган воқеалардан буткул караҳт эдим. Қалтироғим ҳадеганда босилмасди. Таъзима учун гўё руҳлар ўч олганди.

Ижара уй остонасидан ҳатладиму серрайиб қолдим. Кампир билан бир қиз гаплашиб ўтиради. Юзи сон-саноқсиз чандиқлардан буришиб кетган бўлса-да, танидим: у факультетимизда ўқиган ўша Таъзима эди.

Кампир калитларни узатди.

— Ма, буларни манави қиз "Олти шайх" қабристонидан топиб олибди. Яхшиям, манзилни ёздирган экансан. Тўйга кетдим дегандинг, мозорда нима қилиб юрибсан?

Оқариб кетганимни кўриб Таъзима деди:

— Факультетдагилар мени ўлди деб ўйлашганди. Ўқиша ўқимай кўйганим учун бўлса керак, университетдан ҳеч қим сўраб келмади. Сиз ҳам миш-мишларга ишонгансиз, шекиљи. Ўшанда газ портлаб, куйиб қолгандим. Одамлар ёлғонга осон ишонишади, ҳақиқатга эса... ишониш қийин.

Таъзима чиқиб кетди. Кампир минғирлади:

— Ўзи яхши қизга ўхшайди-ю, лекин эрга тегмасдан бола туққанига ҳайронман. Ким экан-а ўйлдан урган палид?! Илоё, жаҳаннам ўтида ёниб кул бўлсин!

САНДИҚДА САҚЛАНГАН СИР

Мамади бованинг кампири йиқилди-ю етмиш йилдан бери биринчи марта ўз кучи билан оёққа турмади. Туғилмаган одамлар биз билан ёнма-ён яшолмаганидек ўлганлар ҳам сафимиздан кетиши кўз устидаги қошдай пешонага битилған эди. Чолнинг бўғзига нимадир тиқилди. Кампир ўлса ҳоли не кечади? Ёлғиз ўғли Завқиддин шаҳардан бери келмаса.

— Ташлаб кетма, — деди чол унсиз.

Бирор дўхтирни чақирди. Дўхтирнинг лақаби Капут эди. Орзипошша момони эринмай текширгач, даҳлизга чиқиб бош чайқади. Мамади бованинг назарида у шундай оғир дамда ҳам пичинг ва ҳазил аралаш "Гитлер капут" дегандай туюлиб, фижини келди.

— Давлат шунча йил ўқитган... — Чол ҳовлига чиққанда, овозини кўтарди: — Нима, бир момойни сақлаб қололмайсанми? Йиқилган бўлса юмронқозиқ инига оёғи кириб йиқилибди.

— Гап инда эмас, бова, момомнинг юраги чарчаган. Йиқилмаганда ҳам барибир... кўпга бормасди. Энди, бу ёғи қаричилик. Бардам бўлинг.

Чол уйга кирди.

Азamat ҚОРЖОВОВ

— Завқиддінлар келдими? — сүради кәмпир инқиллаб.
— Қақыртирдим, бугун етиб келса керак. Биласан-ку, унинг ишдан құли тегмайди.

— Ишдан?

— Ҳа, ишидан жавоб сүраб келади-да.

Кампир сандигига бошини. зўрға буриб қаради. Кейин кучаниб-эмраниб кўрпача тагидан калит чиқарди.

— Мана... сандиқники...

Мамади бова саволомуз боқди. Кампир шифтдан ўлим элчиси келадигандек жимгина кутарди.

— Нима қиласай буни? — деди чол.

— Сандиқники, — такрорлади бемор. — Олиб қўйинг... Излаб ётмант дейман-да.

— Э, бунча ваҳима қиласан? Одамлар айиқнинг инига ийқилиб омон қолаяпти.

Орзипоша момо кўзларини чарчоқ-ла юмди. Кўрпанинг билинар-билинмас қимирлаши унинг ҳаётлигидан дарак берарди. Чол уҳ тортиб хаёлга чўмди. Кўрганлари бир фарзанд бўлди. У ҳам Мамади бова қамоқда эканлигига туғилди. Ёлғиз фарзандининг қаттиқ қаҳрига учраб ҳибс ётилган олис шўро замонида шу кампир ўтгин ёришга одам тополмай тезак йиғиб ўй иситди, овқат қилди, кир ювди. Икки юзи қип-қизил, лорсиллаган хотин эди. Жуда кеч тугди. Одамлар эр-хотиннинг садоқатига, сабрига тасаннолар айтишиди, ёшларга намуна қилиб кўрсатишиди. Шулар туфайли ўнлаб оиласалар сақлаб қолингандир, эҳтимол. Айримлар "Эри қамалган, нимасини мақтайсизлар" деб ўрлик қиласа, катталар "Қамалганларнинг ҳаммасиям жиноятчи эмас, зиндан ҳам бир чоҳ кабидир" дейишар ва Мамади бованинг оиласини кўкларга кўтаришарди.

Аммо вақт ўтгандан кейин бобонинг боши эгилди.

Завқиддин билим ва шижаат бобида юзлаб тенгдошларини ортда қолдирадиган олов йигит эди. Ҳарбий-хизматдан ҳам гул-гул очилиб қайтди. Институт эса... шаҳарда бир умр қолишига патта берди. У қишлоқда ишлолмаслигини маълум қилди. Бу ҳам етмагандек Луизага уйланди. Луиза тўладан

келган, сутга чайилган каби опопоқ, бўяма бўлса-да, қора қош. Бироқ кўзлари мовий, соchlари сарғиштоб. Мамади бова ўриснинг қишлоқча гапиришини ўшанда кўрди, "эна" деди Орзипошшага. Ҳеч ким чол-кампирни айбситмади, шунда ҳам бошини ҳам қилди ота. Унингча, ёлғиз ўғил падарининг уйини ташлаб кетиши жиноят эди. Иш ота-онадан устун келибдими? Ўрис келин қишлоқда яшолмаса, нега тегди?

Лекин хафалигини бирорвга сездирмади. Болам шаҳарлик бўлди, деб тўйларда мақтанди. Мақтанди-ю ўғлидан ярим жудо бўлганини ўйлаб, ичи музлади.

Кампираига-ку таъриф йўқ. Умр бўйи сирлилигича яшади шу муштигар. Давлат мулкини ўғирлади, деб Мамади бовага туҳмат қилишганида ҳам душманларни қарғамади. Шубҳага борган Мамади бова "Орзи, сен ҳам мени ўғри ҳисоблайсанми?" деб сўраганида, ҳайрат ва алам билан боққан эди. "Сизни ўғри десам, ҳатто хаёлимдан ўтказсам икки дунём куйсин", деганди у.

Бир пайтлар "Районда Американинг жосус аёли бор экан. қишлоқи ўзбек қиёфасида яшаб юрганмиш, "мақсад-бемақсад" бунёд этилган ҳарбий қисмнинг тагида аслида қитъалараро учириладиган ракета бормиш, шуни пойларкан" каби мишишлар болалаб қолганди. Қишлоқ эркаклари бир-бирига "Ўша жосус сенинг хотининг бўлиб чиқмасин" деб ҳазиллашини авж олди. Кўпчилик Мамади бованинг сирли кампирини ҳазил нишонига айлантиришиди. Агар Америка жосуси қишлоқ аёли қиёфасида бўлса, Орзипошша кампирдан бошқаси ўхшамас экан. Қайсидир тўйда кулги-мутойиба авжига чиққанида, колхоз раиснинг ўзи ҳам ҳазилга аралашди:

— Менинг хотиним, — деди у, — ўрис тилини билади, тан оламан, аммо орамизда англис тилидан хабардор аёлнинг эри ўтирибди-ёв. — Шундай деб у ҳаммани Мамади бовага қаратди.

— Момом англischчани биладими, йўқми, тўғрисини айтинг.

— Англischчани деяпсанми? Қизиқмисан, ўзбекчани тузук билмайди-ку. Ўн гапирсам бир жавоб беради. — Мамади бовага ҳазил ботиб кетди: — Раис бўлиб топган гапингни қара-ю!

— Райондан эшитиб келдим, сенинг калхўзингдан, дейишиди.

Момо бир замонлар Регистонга борганда бир туристга "сенкю" деганини эшитганлар оғизлари очилиб қолган, гувоҳлар тирик. Ҷақиририб келайми?

Даврада кулги кўтарилиди. Чоллардан бири:

— Бизнинг калхўздан бўлса, Мамадининг кампири эканлиги аниқ, — деди. — Чунки отаси ўқимишли инсон бўлган, Гермонда яшаб келган, деб эшитганман. Озупошшани "КГБ" икки дунёдаям тутолмайди, тилига, юриш-туришига шундай эҳтиёчилки, ортиқча гапирганини бир марта эшитмабман, бир марта-я! Шу кўйи ўлиб кетсам керак.

Хазил таги зилга айланмасин, деб раис гапни бошқа чолларга бурди, Мамади бова барибир ичидан зил кетди. Бир ойча ўзига келолмай юрди. Ўшанда хотинини зимдан кузатиб, "англисчани билади-ёв" дея гумонсиради. Америка билан қаерда гаплашишини ўйлаб ўйига етолмас, тез-тез келиб юрадиган электрикдан — сариқ сочли ўрис йигитдан — гумонсиради. "Балки у ўрис эмас, английсиз, мен фарқини сезармидим, бари бир хил бўлса!" — дерди шайтон кўнгли.

Йигирма йилча муқаддам қитъалараро учириладиган ракетанинг қаерда жойлашгани жосус туфайли халқ орасида ёйилиб кетгач, аллақаёққа кўчириб кетишиди. "Стакан" деб аталмиш қудуғига бирор иккита тухум ташлаган экан, тубига ўн дақиқада етиб борибди. Шундай катта ракетани ахтарган аёл юморонқозиқ инига қоқилиб, ўлим тўшагида ётибдими? Балки сўнгги нафаси яқинлашганини сезиб, сирларини айтиб кетар? Чол барибир сўраётмайди. "Тўғрисини айт, шўро даврида Американинг жосуси эдингми?" деб сўрасинми? Мана, энди доллар-доллар деган гаплар чиқиб қолди. Оддий шу қишлоқ аёли хуфиялик қилган бўлса, Пентагоннинг пулларини нимага сарф қилган? Битта сигир сотиб олиш учун тийинлаб йиққан вақтлари бўлдики ўша замонларда.

— Тентакман, — пицирлади чол, — қариганда одамнинг мияси суйилиб қолади шекилли? Бояқиш гийбатчи, сергап, вайсақи бўлмагани учун айборми? Америка келиб-келиб шу муштипардан фойдаланадими?

Кечаси машинанинг овози эшитилди. Мамади бова

деразадан мўралаганди, чироқлар кўзини қамаштириб юборди. Ўғли келган эди. У онам ухлаб ётибди, деб ўйлаб отаси билан шивирлаб сўзлаша бошлади. Ўзи билан шаҳардаги энг машхур шифокорни ҳам олиб келган экан, беморнинг уйғонишини кутмай дарров текширишга киришди.

Ўғли бундоқ қараса отаси қўлида калит ушлаб турибди.

— Ота, калит ниманики? — имлади Завқиддин.

— Эҳ, бирон жойга илиб қўймоқчийдим-а. Боягина энанг берганди, сандигининг калити... Тоза тушкунликка тушиб қолган...

Шу пайт Орзипошша момо:

— Ўғли-и-м... — деб чўзиз овоз берди.

Ҳамма унинг бошида уймалашди. Шифокор сўzsиз-сўроқсиз қон босимини ўлчаш билан банд эди. Бир неча дақиқадан сўнг Капутнинг гапларини бунинг-да оғзидан эшитажагига Мамади бованинг имони комил бўлди. Ҳақиқатан эски гап такрорланди. Мамади бова ўнта кампири ўлиб ўрганиб қолгандек хотиржам эшитди.

— Ўғлим, — деди яна Орзипошша момо.

У ҳозирча тирик ҳисобланса-да, бу-оҳирги сўзи эди. Тонг отди. Жанозага тайёрлана бошладилар. Юз-кўзларга қайгули тус берилди, эшик-деразаларнинг чанги артилди, йигитлар ўтиналарни бир четга тахлашди. Тадоригни кўриб, Орзипошша момонинг қулаганини, ўлими яқинлигини эшитмаганлар ҳам тушуниб олаверишди.

Луиза болалари билан қорасини кўрсатганида кампирнинг жони ҳали узилмаган эди. Завқиддин пичир-пичир қилиб олгач, шаҳарга — ишга жўнади. Ҳарқалай "Энам ўлса чақирасизлар", демади. Шу куни ўрис келинга битта ҳам иш топилмади. У худди шаҳарлик бўлиб тугилганига пушаймон еяётгандек нуқул узун-узун бармоқларига тикилар, сарғиштоб сочини йигиштирас, дам-бадам лабини тишлиларди. Шу ўтириши нафақат қишлоқقا, бутун Марказий Осиёга ярашмай турарди. Тезаклар тахланган тандирхонага қараб-қараб қўйганида қўзларида қўркув зоҳир бўлишигини самимий эди унинг.

Неваралар бувижоннинг бошида бир қатор тизилишиб

ўтирилар. Каттасининг бўйи анча чўзилиб қолгани боис Орзипошша момо "Нега бу тик турибди?" деб ажабланиб қараб кўйди.

Жон узилар чоғида Мамади бова ҳам бошида эди. Кампири бояқиши яна сандиққа кўз ташлагандек туюлди. Бир нима деди ва барча тирикларга насиб этадиган қисматга — ўлимга юз тутди. Юрак уриши тўхтади, шу билан бирга лаблар пирпираши, киприклар қалтираши, кўкиш томирлардан билиниб-билинмай оқаётган қон — барчаси абадий қотди. Шаҳарлик неваралар овоз чиқариб йиғлашни билмасдилар, кўшни хотинлар бошлаб беришди:

— Шундай яхши энамиз бор эди-я!.. Увв... увв...

Қанчалик ғалати бўлмасин, одамнинг кулгиси қистарди. Кўпчиликнинг назаридаги, ёшини яшаб бўлган кампир вафот этган бўлса, бунинг мотамлиқ сиёғи қолмаган эди.

Мамади бова "Мен гўр кавлаб кела қолай" деган каби индамай эшикка юрди. Шунда кўзлари ўз-ўзидан девордаги михга қадалди: кампир берган калит жонсиз осилиб ётарди. Кампирининг бутун сир-асорори сандиқда яширганини тушуниб, калитни юлиб олди ва чўнтагига беркитди. "Аввал мен очман!.."

Чол умри мобайнода неча-неча одамни гўрга қўйишда иштирок этганди, кампириникига рухсат беришмади. Келганларнинг таъзиясини қабул қилиб, чоллар билан дарвозада ўтириш керак эмиш. Билади, кўзи қизариб кетган. Овоз чиқариб йиғлашга уялиб, нуқул ерга қарайди.

Урф-одатга кўра марҳуманинг буюмларини аёлларга тарқатиши керак эди. Ҳадеганда сандиқнинг калити топилмагач, аёллар Мамади бованинг ҳузурига боришли.

— Момом сандиқнинг калитини берган экан, қаерга қўйгансиз?

— Бугун шартми шу? — жеркиб берди чол хотинларни. — Ўзимнинг ҳам байзи нарсаларим бор, худойида очман, эртага.

Тунда тахмонни тушириб, калитни буради. Сандиқ қулфи жағидан айирилган каби ўлимтик ҳолга тушди. Қопқоқ кўтарилилди. Чойнак-пийёлалар, ялтироқ клёнкалар ичидаги

рўмоллар ва кўйлаклик матолар, майиз; ёнгоқ. Мамади бова гумончил хаёлларидан дили эзилиб, нарсаларни бир-бiri кўздан кечирди.. Ҳаммаси кампири ҳақида сўзларди. Биронтасига сирнинг бир мисқоли ҳам юқмаганди. Энг тагида соат турган экан. Сифатсиз қофоз қутидаги девор соати, картони майишган. Уни ҳам қўлга олиб бир нафас маъносиз тикилиб қолди. Ичини очди. Батарейкасиз, яп-янги, арzon хитой соати эди. Эндиғина жойига қўймоқчи эди, сандиқ бурчагида ётган конвертни кўриб қотиб қолди. Сарғайиб кетган мактуб анча йиллардан бери сақланётганга ўхшарди. Шарт қўлга олди-ю қўйнига тикди. У барчасини ёлғиз ўзи билишни истарди. Бир амаллаб қўзойнагини топди ва лампага яқинроқ сурилиб, ҳижжалаб ўқишига тушди:

"Худо менга фарзанд бермади, — деб бошланарди мактуб, — биттаю битта бола сўрадим. Шўрим қисиб эрим ҳам қамалдикетди. Ўғри бўлгандан кейин бир кун қелиб қамалиши кундай равшан эди. Қайси ўғри қўлга тушмаган? Қайси ўғри қамалмай қолибди?

Хайрлашар чогида кўнглини кўтариш учун "Бўйимда бор" деб алдадим. Аслида мен — шум хотинда режа бор эди, ёлғон бир тадбир ўйлагандим. Эҳ, бу ёлғоним неча йилда очилар экан, ўттиз йилдами, қирқ йилдами? Ишқилиб, мен ҳам, эрим ҳам ўлиб кетганимиздан сўнг очилсин, деб хат ёзиб қўйишига аҳд қилдим. Қиёматгача ёлғончи бўлишдан Худо асрайди, хатимни бир кун келиб кимдир ўқииди.

Рўзгор ҳам азобдан иборат бўлиб қолди. Ер чопаман, гўнг тозалайман, ўтин йўқ, сой бўйига тушиб, тезак тераман. Қайишадиган одамлар ҳам бор, умридан барака топгурлар чин дилдан ёрдамлашади. Лекин биз пахта одамимиз, буларнинг бари пахтадан кейинги тирикчиликлар. Азоб десам, азоб эмас фарзандсизлик олдида. Шундай қилиб, ўйлаган тадбирим бола асраб олиш эди. Эрим қамалгач, ўзимни оғироёқ кўрсатиб юрдим. Гўёки эрим қамоқقا тушганда бир ойлик ҳомилам бўлган, етти ойлик қилиб "туғиб олдим". Шаҳардаги болалар уйидан чақалоқ олиб келганимни энамга ҳам сездирмадим. Айтдим-ку мен шумман деб. Умидим яна Яратгандан.

Ишқилиб ўғлим бизга ўхшасин-да! Йиллар үтди, бүйи үсган сайин асраб олган одамларга тортди, юзим өруғ бўлди. Отасининг олдига, қамоқҳонага кўрсатгани борганимда бечора суюнарди, "Мен ҳам отаман" деб кўкрагига уради.

Гуноҳларимни Ўзинг авф эт! Мен бир осий бандангман. Ўлганимдан кейин шу хатни топиб ҳақиқатни билсинлар... 1970 йил..."

Мамади бова сихга тортилгандек қимирамай ўтиради. Кўзидан бир томчи ёш думалаб сарғайган қофозга бодраб тушли.

"Буни бахтсизлик деса бўлади, — дерди ички овози, — буни қиёмат деса ярашади... Вой Орзипошша-ей... Шунча йил билмабман-а! Менинг ҳеч кимим йўқ экан-ку бу дунёда! Сезгандим-а бу бола нега бизникларга уйланмади, шаҳардан бери келмайди деб! Қон тортмас экан-да, қон тортмас..."

Ота-онасидан хабар олмайдиган жамики фарзандлар аслида қони бегона ташландиқлар бўлиб туюлди бобога. Лабларида аччиқ қулги ўйнади. Марҳум кампирини тузукроқ сўколмади, лаънатлаётмади. Мактубни фижимлаб ташлар экан:

— Бунаقا хотин бўғунча талоғингни сўрамайсанми, Орзи?
— деди. — Американинг жосуси бўп чиққанингда мингдан-минг рози эдим-а... аттанг...

Чошгоҳда хотинлар сандиқни титкилаб, элга тарқатиладиган буюм топишолмади, бари янги, кийилмаган нарсалар эди. Мамади бовага қалитни тутқазишганди, ўрнидан зўрға турдиди, ҳассага суяниб, нариги хонага чиқиб кетди. Кайвонилар бир-бири билан кўз уриштиришди. Улар чолнинг ҳасса тутганини ilk марта кўриб туришлари эди, аразлашини ҳам кутмагандилар, албатта.

Калит Луизага топширилди. Луиза Швейцариядаги пўлат сандиқнинг қалити бўлганида, эҳтимол, камоли эҳтиром ила олган бўлармиди, аммо ҳозир унинг-да асаблари чарчаб, неча кундирки шаҳардаги чала қолган ишларида эди хаёли.

Ҳархолда кетиш олдидан келин қайнотасининг иззатини жойига кўйди. Қўшниларнинг ичидан доимий қаровчи топди, ҳар якшанба кун келишларига вайда берди. Охирида:

— Ота, — деди мовий кўзлари намланиб, — тушунаман,

биз билан шаҳарга кетмайсиз, лекин... лекин нега бегоналарга қарагандек... биздан хафасиз... Ахир, ўғлингиз ҳам, мен ҳам ишимизни ташлолмаймиз, невараларингизнинг келажаги учун ҳам шаҳарда яшшимиз керак. Қишлоқдан қатнайлик десак, юз километрдан зиёд. Ҳар куни икки юздан ортиқ йўл босишининг ўзи бўлмайди, катта йўлгача ўн беш километр ўнқир-чўнқир...

— Одамнинг қадри километрлаб ўлчанмайди, — деди Мамади бова.

Бошқа ҳеч нима демади. Кўпчилик кайфияти йўқлигини жудоликнинг таъсири деб ўйлашди.

Кун ўтган сайин қуриб бораверди. Дардини на Завқиддинга, на оқсоқолларга айтди. Маъракаларга келган чоллар "Орзипошшани мозоротнинг боғ томонига қўйишибди, дўнгликда буш ер қолмабди" деганларини эшигтан эди. Демак, янги ўлик унинг ёнидан жой олади.

Момонинг "қирқи"дан кейин Мамади бова бутунлай ётиб қолди. Капутни чақириб келишганди, текшириб бўлгач, қишлоқ аҳлига қараб, қўлларини "икс" қилди ва паст овозда: "Гитлер капут", деди.

Куни битгани эл-улусга маълум бўлиб, ёш-қари видолашгани тез-тез келавердилар. Чол сўнгги кучини тўплаб:

— Мени Орзипошшанинг ёнига қўйманглар, бошқа жойга кўминглар, — деди-ю бандаликни бажо келтирди.

Луиза маъракалардан чарчади. Бириники зўрга хотима топганда иккинчисиники бошланди. Бироқ ичиди аллақандай хотиржамлик ҳукм сурар, эридан ўрганган савоб отлиқ ишларни қилгиси, қишлоқликлар олдида юзи ёруф бўлгиси келарди. Қўринмас занжирлардан қутилган инсонларгина шундай баҳтиёр ва савобчил бўладилиар.

Мамади бованинг худойиси куни уй тўрига бир нотаниш кампир келиб ўтириди. Уни фақат етмишдан ошганлару фийбатчи хотинларгина танидилар. Бир замонлар Орзипошша момо ишлаган колхозда бу ҳам ишлаган кетган экан.

Аёллар тарқай бошлагач, у ҳам йўлга отланди. Эшикка етиб, секингина хонадон келинини суриштириди.

— Мен, — деди Луиза.

— Қизим, қайнонангнинг худойисига келдим десам қайнотангникига кепман. Бу ерлардан күчіб кетгәнмиз, әшитмабман, йүл узок. Энди-и, сенга бир илтимос бор, кулмайсан, болам. Бурунги замонда қайнонангга бир хат бергандим, сақлаб қўйинг деганман. Қайнонанг сирни қаттиқ сақлайди. Беш йиллар аввал раҳматлини учратганимда сандиқда ётибди, деганди. Шуни олиб берсанг. Менинг ҳам пойманам тўлган. Хатни ўғлимга қолдириб кетсам, девдим. Битта-ю битта ўғлим бор, асранди бўлса ҳам жуда ҳам меҳрибон, худди мен туққандекман... Уни... уни асраб олганимда, чолим қамоқда эди. "Бўйимда бор", деб чолимни алдаганман. Ҳатто энамга ҳам айтмаганман чақалоқни аслида мен туфмаганимни...

Келин ҳарчанд уринмасин, мактубни ҳеч қаерда тополмади. Меҳмон кампир эса йўлда қон босими ошиб ўлди. Сир сирлигича қолиб, абадиятга муҳрлаб қўйилди.

КЛЕОПАТРА ДАСТУРХОНИ

Шаҳарда ҳам кун ботишни мароқ билан кузатса бўлади. Айниқса, автобус хиёбондан ўтаётганда қизғиши нурга чўмған дараҳтлар Исматни анчайин мутаассир этди. Фақат бу манзара баланд бинолар бошланиши билан тугайди, гўзаллик ўз маконига эга-да.

Исмат жилмайиб қўйди. У ҳозиргина қўринган ажойиботни матога тушириш ҳақида ўйлаган эди. Неча кундирки, Клеопатра боши акс эттирилган инаклик устида ишларди, аммо кўнглидагидек чиқмаётганди. Ва ногоҳон уни қизарган гурубдаги қизил дараҳтлар куланкаси илиа акс эттироқликни ўйлади, ўйладигина эмас, кашф этди. Бирдан енгил тортди, кукрагидаги тош буғланган мисол ҳавога сингиб кетди.

"Баҳтлиман, — деди ичида, — қишлоқдошларим "Йигит бўла туриб тикувчиликни касб қилдинг" деб айтаверади. Мана, шаҳарда костюмчиларнинг яримидан кўпи эркаклар-ку, қишлоқликлар нимани ҳам билсин".

У хаёлан баланд чўққига чиқиб қўлларини кўкка чўзди.

Пойида булутлар сузид юрарди, бургутлар ҳам водийлар узра, пастликларда парвоз қиларди. Сархуш эди Исмат, аммо шу пайт... Boeh! Бу не күргилик? Қаршиисида үтирган юзи тиртиқ кимса құлтиғига бир мато қистириб олган, мато четлариде қызил шафақ ва бу шафақ устида Клеопатра боши. Ҳозиргина кашф этгани аллақачон кимдир томонидан үйланған, ишлаб чиқарила бошланған, манави киши бемалол құлтиққа уриб кетмоқда. Үнга нима фарқи бор: Клеопатра бошими, Чингизхонникими, урф булибди деб харид қилаверади.

Исмат гарантисиб үтиради. Қаердан олдингиз деб сұрамади ҳам. Эшиклар фишиллаб очилиб, нотаниш йұловчы тушди, у билан бирга кашф этилған ажыб мато ҳам кетди.

Эртасига Исмат ижара уй шифтиға термулиб узоқ ётди. Ишга боргиси ҳам ійік эди. Бундан кейин ательеда фақат тикишибициш билан машғул бұлади, ресторан ва мәжмонхоналарнинг буюртмаларини бажаради, бекорчи кашфиётлар сил қилишдан бошқасига ярамас экан. Сұнгра ўңгидами, тушидами бир аёл қиңқирганини эслади. Иккінчи қаватда пиёниста яшайди, хотинини яна дұппосладимикан?

Одамни, байни қишлоқдан ишлайман деб келғанни жойидан тұртқилаб тұрғазадиган пул топиш илинжи Исматни бу күн ҳам тинч қўймади. У ижара уй эшигига пичоқ санчган каби жаҳл билан қалит солиб, шарақлатиб құлфлади. Зиналардан лўкиллаб тушиб бораётіб учинчи қаватдаги қўшнининг эшик тутқиличига осиб қўйилған дастурхонга қўзи тушди. Бу уйда қирқ ёшлардаги ёқимсиз хотин ёлғиз яшарди. Нима жин уриб эшик бандига дастурхон осиб қўйибди? Ё ташқарига кир ёйған бўлса тушиб кетганмикан? Қўшнилардан бири опчиқиб қўйгандир, эҳтимол.

Исмат кўпқаватли уй ҳовлисига чиққач, учинчи қават деразаларига қаради. Кир ёйиладиган дордан ном-нишон ійік эди. Деразалар ҳам саксонинчи йиллардан бери очилмаганмиз деб кирлаб, қапишиб, пўпанаклар қопланиб ётарди. Исмат яна бироз юрди, кейин пешанаси тиришиб, тўхтади. Назаридা

дастурхон четларида нимадир қизарыб күринганди. Қон эдими, қип-қызыл бүёкми, эслолмади. Қизиги, қизиллик аро тасвир ҳам йўқ эмасди. Ҳинду аёли эдими, йўқ-йўқ... Клеопатра эди.

"Бўлиши мумкинмас!"

Исмат изига қайтди. Йўл-йўлакай "Енгилтак, майшатпарат қўшни умри бино бўлиб кир ювмаган, чўп кўтармаган ойимча-ку", деб ўйлади. Деразаларини ҳеч қачон очмаслигини кимдир гапиргани ҳам ёдига тушди.

Учинчи қават подъездидаги манзара ўзгармаган эди. Бир муддат туриб қолган Исмат бетон оstonага томган бир томчи қонга кўзи тушди-ю дастурхонни юлқиб олди. Қўлига қон ёпишди. Даставвал қондан кўра ажаблантирган нарсага – Клеопатра сувратига тикилиб хуши учди. Гўёки унинг тоғасини кимдир миясидан яшин тезлигида ўғирлаб, очафот фабрикасида минг-минг газ мато ишлаб чиқараётган ва энди Исмат ҳар куни учратиши мумкин эди. "Йўғ-э, хаёлан кашф этганимда рўпарамдаги одам аллақачон қўлтиғига қистириб олганди-ку, бунда синбат йўқ, тасодиф", деб ўзини овутди. Эшикни тақиллатди. Кейинги зарб кучлироқ бўлди чоғи илиниб турған эшик фийқиллаб очилди. Исмат тараддуудланганча кутди. Бева хотин билан бир марта ҳам гаплашмаган эса-да, хийла шаллақи деб эшитгани бор эди. Ҳозир бобиллаб берса, нима дейди? Қўлида қон томизилган янги дастурхон. Балки адашиб шу эшикка илиб кетишгандир.

– Ким бор? – деди Исмат жимликни бузиб. Ҳаёлида эса "Клеопатра дастурхони сизникими? Эшик тутқичига илинган экан. Қаердан олганингизни айттолмайсизми?" қабилидаги саволлар жарангларди.

Шартта жўнавормоқчи эди, рўпарасидаги кўзгудан ичкари хонада ётган одамнинг ялангоч оёқларини кўриб қолди. Эси жойида аёл эшикни кулфламай қуруқ гиламда, эшик тагида тарвақайлаб чўзилиб ётмасди.

– Эшикнинг очиқ экан, манавини илиб кетишибди, – деди Исмат. – Қонни кўриб хавотирга тушдим, опа.

Аёл жавоб бермади. Назарида, у ё хушсиз, ё ўлик эди. Исмат беихтиёр бир неча қадам ташлади-ю ҳайкалдек қотди. Қўшниси

нинг ярим юмуқ кўзлари шифтга ўлимтик тикилган эди. Умрида ўлик кўрмаган эди, боз устига ваҳшийларча ўлдирилганни. Қоп-қора қон, фўнғиллаган чивинлар... Тикувчи ўқиб юборди, лекин оғзидан заррача суюқлик саҷратмай подъездга чопиб чиқди, ундан ижара уйига кўтарилди. Ваннага етгунича чидади. Бир вақт қараса уст-боши сув, ёнида қонли дастурхон. Уни жазава билан ванна тагига тиқди. Гандираклаб балконга қочди. Шу пайт эшик тақиллади.

— Ким у? — сўради Ислам қалтираб.

Ҳеч ким жавоб бермади, зинада эса шовқин-сурон кўтарилди. Афтидан кимдир ҳамма эшикларни тақиллатиб, одамларни ёрдамга чақириб юрганди.

Кўни-қўшнилар ўн чоғли бўлди. Одам ўлдириб кетилганини эшитган нариги подъезддагилар, қўшни "дом" аҳли, ўткинчилар — оломон тўпланди. Шулар орасида кимнингдир ундови билан Ислам мархуманинг уйига кириб чиқди, бошқа ҳамсоянинг ваннахонасида юзини ювди. "Ўликни ким биринчи кўрди?" деган саволга биронтаси "Ислам" деб жавоб қилмади. Кимдан гумонларинг бор, деганда ҳам тикувчини туҳматдан Худо сақлади. У қонли дастурхонни қаерга яширишни билмасди, холос. Шундан қўрқди у. Неча бор тергов қилинган бўлса, ҳар сафар "Мени чақириб чиқиши, мархуманинг уйига охири кирдим, бошқа ҳеч нарса билмайман" деб тураверди.

Йўриғи кўнгилдаги ишни берди: кўп ўтмай Исламни безовта қилмай, кўйишди. Орадан ярим йил ўтгач, шаҳарнинг ҳовлилардан иборат мавзесидан арzon ижара уй топди. Бу — мўъжазгина ҳовлича эди.

Бир куни Клеопатра сурати туширилган дастурхон эсига тушиб, "Кел, шуни дўконлардан суриштирай", деди. Ниятининг машъум қотилликка алоқаси йўқ эди. Кўнглининг бир четида ашёвий далилни төрговчилардан яшириб бекор қилдим, деб виждони хўрсиниб қўярди, холос. Аксига олиб ҳеч қаердан тополмади. Баъзилар күш суратлисини кўрсатиб, лаб буришарди ва "Клеопатра кушнинг отими?" деб безрайиб қараашарди. Бундай саволларни ҳақиқатан ҳам айrim тужжорлардан кутиш мумкин эди.

Кейинги йил Исламнинг иши ўнгланди. Гарчи Клеопатра

сурати акс эттирилган дастурхонларга муаллифлик қилиш насиб этмаган бўлса-да, у энди баҳтманд эди. Миллий тимсолларга зўр берди ва шуҳрат қозонди. "Регистон", "Пахта нақш", "Тошкент", "Карвон"... Бичиб-тиккан дастурхонларнинг довруғи қўшни вилоятларга ҳам доңг таратди. Ўзбек азалдан дастурхони билан машҳур эмасми, одамларнинг орзуларини тикувчи йигит тушуниб етганди. Бироқ кўнглининг бир кунжагида ҳамон виждони хўрсинар эди. "Нега дастурхонни милициядан сир тутдим? Қотилни топишда асқотарди-ку! Эшик дастасига қонли дастурхонни илиб кетишдан мақсад, нима эди ўзи?"

У охиригай пайтларда кўп ўйлади. Шунданми, кунларнинг бирида эрталаб қулогига "қонли дастурхон", "эшикка илиб кетилган", "ўлдирилган" деган гаплар чалингач, ишонмади. Сал ўтиб, бирор эшикни гурс-гурс қоқди. Маҳалла оқсоқоли ташвишнамо туарди.

— Ука, бу ёққа чиқ, — деди у, — кўк дарвозадаги хотинни ўлдириб кетишибди, милицияга учраш.

Исмат эндиғина тўплана бошланаётган одамларни кўрди. Таниш манзара. Сочига оқ оралаган полковникни ҳам таниди. Расмиятчилик юзасидан Исматни ўша ердаёқ жиноят қидирув бўлими ходимлари, участка нозири, яна аллакимлар сўроқقا тутишиди, сўнг кетавериши мумкинлигини, керак бўлганда чакиражакларини айтишиди.

Исмат қўшилар қаторига қўшилиб кўк дарвоза тутқичидан нигоҳини олмай, серайиб қолди. Экспертлар қонли дастурхонни суратга тушириб, текшира бошлишди. Клеопатра суратини яққол пайқади. Ўша дастурхондан ҳечам фарқ қиласди. Худди қотил Исматни пойлаб юргану ваннахонадан дастурхонни ўғирлаб, у кўчиб борган янги маҳалладаги ёлғиз аёлнинг жонига қасд қилган, Исмат кўриши учун эшик ушлагичига дастурхонни илиб кўйган. "Бунинг маъноси нима?" зўриди Исматнинг мияси.

Уч-тўрт кун ўтгач, мархуманинг уйи тинчили. Ички ишлар идораси терговчилари ёки прокуратура ходимлари якшанба кунлари бир айланиб кетишарди. Уй эгасини ўлдириб, дастурхонини қонга белаб, ташқарига илиб кетишини ҳеч ким тузукроқ изоҳлаб беролмади. Бундай воқеа дунёда биринчи

марта бўлган, дейишганини эшитган Исмат чидаёлмай у ёқдан-бу ёққа юрар ва лекин ҳеч кимга ҳеч нарса деёлмасди. Виждони эса ҳиқ-ҳиқ йиглаб ётарди.

Исмат ҳовлидан ҳам кўчиб қетди. Энди бу кўчишига қотилликнинг таъсири бор эди. Йигитнинг кўнглига восвос тушганди. У Клеопатра дастурхонини кеча-ю кундуз ўйларди.

Бир ўртоғиникидан яшаб, қўчаларни саросар кезар, аёлларнинг ўлдириб кетилишида гуноҳим йўқ, аммо қотилнинг шахсини аниқлаш калити ёлғизгина менда, деб ўйларди. Икки қотилликда ҳам бир хил дастурхон бир хил тарзда илиб кетилганини фақат у биларди-да. Ўйлаб-ўйлаб автобусда учратган ўша эркакда тўхталди. Ўшанда у қўлтиғига хом мато қистириб олганмиди ёки дастурхон эдими, фикрини бир жойга жамлашга уринди.

Исмат ишга бормади. У қизил нурга чўмган хиёбондан ўтиб, ўша кимса тушиб қолган бекатга келди. Бир нарсага амин эди: кўпқаватли уйда ўлдирилган аввалги қўшниси ҳеч қачон дастурхон ювиб дорга илмаганидек, яп-янги дастурхон ҳам уники бўлмаган. Тақдирнинг ўзи-тикувчи-йигитга бир йилдирки жиноят калитини ташлаб қўйған бўлса не ажаб.

Ниҳоят, учинчи кун ўша кимсани учратди. Ҳарқалай у деб ўйлади, юзида тириқ бор. Кимса тикувчининг кашфиётини ўғирлаган кўчирмачи сингари пусиб ўтиб қетди. "Менлигимни қаёқдан ҳам билсин", дея Исмат изидан тушиб, орқама-орқа уйигача борди.

— Бир гаплашиб кўраман, — деди ўзига ўзи, — қон ҳидини сезсам, милицияга хабар бераман, акс ҳолда... умуман бошқа бўлиб чиқар. Нима бўлганда ҳам, бир уринсам, милицияга бор гапни сўзлаб берсам, виждан азобидан кутулардим.

Эшик қия очиқ экан, тақиллатмади. Икки қадам ташлаганди, "Ким?" деган хирқироқ нидо эштилди. Исмат қаддини фоз тутиб, ўзи ҳам истамаган ҳолда:

— Милиция! — деб юборди.

Полга алланима тарақлаб тушди. Ошхона эшиги ўрнига тутилган парда сурилиб, кимсанинг башараси кўринди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Тикилгани сайин у Исматта бутунлай нотаниш туюларди. Ахир, бир йил бурун күрганда юзидаги ҳар бир чизик, ҳар бир ажингача хотирасига муҳрламаганди-да.

- Милиция? — деди у бўшашиб.
- М.... милиция... — дудуқланди Исмат.
- Нима керак?
- Ташқарида шерикларим кутишаяпти, — деди Исмат. — Фуқаро кийимида келиб шовқинсиз олиб кетганим яхши. Жанжал-тўполнонни хоҳламассиз, ака?
- Нима қилибман?
- Ўтган йили Муродов кўчаси, учинчи уйда яшовчи аёлни ўлдириб, дастурхон илиб кетгансиз. Яқинда Бузрук маҳалласида ҳам жиноятни такрорладингиз. Яхшиликча юринг. Клеопатра дастурхонини кўтариб кетаётганингизни кўрган гувоҳлар бор. Қотиллиқдан аввал автобусда ҳам кўлтиққа қистириб ўтирганингизда учратган шоҳидлар бўлимда кутаяпти. Ҳеч ким кўрмаса, тўсатдан ўйинғизни қандай топардик? Қани, кетдикми?
- Бу ёфи жуда узун туҳмат бўлиб кетди-ку, командир, — тишининг оқини кўрсатди кимса.
- Клеопатра дастурхонини сотиш учун кўтариб бормагандирсиз?
- Юзи тириқ кимса бир зум қотиб турди. Афтидан у ҳаммаси тугаганини тушунди.
 - Майли, сен айтганча бўла қолсин, — деди у. — Лекин мард эксансан, ҳурматимни жойига қўйдинг. Нима, янгимисан?
 - Мутлақо.
 - Исмат чекиниб унга йўл берди.
 - Клеопатра дегандай бўлдингми? — сўради кимса бўсағада.
 - Демак, у ноёб дастурхон экан-да?
 - Ҳа, ҳеч ким қизиқмаса ҳам мен қизиқман. Дастурхон илиб кетишнинг маъниси нима эди? Минг ўйладик, ақлимиз етмади.
- Кимса кўчага бир қадам ташлаб, атрофга атайнин қарамади. Исматдан кўз узмай бамайлихотир деди:

— Улар ёлғизликті танлаган бузуқ ва товламачи аёллар зди. Оиладан майшатни устун қўйишнинг, бирорни чув туширишдан қўрқмасликнинг жазоси шу. Ҳаётлари аянчли тугамаслиги керак зди, билдингми?! Үт билан ўйнашди! Қон билан ўйнашди!

— Лекин...

— Лекин мен виждонимни бутунлай еб қўймаганман. Ўлик икки-уч кун сасиб ётмасин, дедим. Қон томган дастурхон албатта ўтган-кеттанинг эътиборини тортади. Бонقا нарса илсам ҳам бўларди, аммо ўлсам ҳам рамзийлик учун ўламан.

— Гап бу ёқда денг.

Қотил ўзини қаҳрамонларча тутишга уриниб кўчага оғир нигоҳ ташлади. Кейин икки томонга аланг-жаланг боқиб, Исматга ўғирилди.

— Кимсан, лаънати? Қани шерикларинг?

— Шеригим йўқ! Мен милициядан эмасман! — Исмат куч билан уни силтаб юборди. — Бечора ожиза аёлларда шу даражада қасдингиз бормиди? Нега мен қўшниси бўла туриб уларга илакишмаганман?! Сиз шундай одамсизки... Йуқ, одам эмассиз!

— Сенинг ишинг нима?! — Кимса унга йўлни кўрсатиб қўйди. — Йўқол, итвачча! Агар бирорвга финг десанг, сенинг бошинингга ҳам ўшаларнинг кунини соламан!

Бир соат ҳам ўтмай қотилни ушладилар. Милиция ходимлари ҳайрон зди. Қандай қилиб бир йил аввал автобусда учратган одамни эслаб, уйига излаб бориш мумкин?

Прокурорнинг ўзи Исматни чақириб сўради:

— Ростдан ҳам бир йил олдинги тасодифий йўловчини эсладингизми? Исми, манзили, ҳеч вақони билмаган экансиз у ҳақда. Бу фавқулодда истеъдол-ку, ука. Ё сабаблар бошқачами?

— Дастурхончиман, — деди Исмат, — унинг қўлтиғида мен кашиб қилмоқчи бўлган дастурхон бор зди.

Ўша куни кимлир кулиб:

— Телба қотил келиб-келиб эшикка дастурхон ҳам илиб кетадими, — деди.

ОТХОНАДАГИ АРВОХ

Олтинчи кундан еттинчига үтар кечаси ёмғир ёёди. Кимдир ҳазиллашиб: "Бундай об-ҳаводан сұнг арвоҳлар роса изгийди-да", деганди, ҳаммамизга бачкана, зұрма-зұраки туюлди бу ҳазил.

Декан остана ҳатлаб, булутли осмонга тикилған әрталабки сакқизда эса бир томчи ҳам ёғмаётган эди. Пахта теришга чиққим келаётган бұлса-да, ёмғир тұхтагани негадир алам қылди. Қишлоқ йүлларига она табиат лой ва ҳалқоблардан манзара чизиб, "Марҳамат" дея манзират қилаётган маҳал янги буйруқни әшитдик:

— Бугун Саримсоқ бова даласига жұнаймиз! Ҳув анави тепалик ортида!

Баъзилар чекка-чеккада ҳириңглаб күлган бүлишіди:

— Сассиқ бова даласига борармишмиз. Жа күзимиз учеб турибди-да.

Мирвали үша кезларда, курсдошларим ичиде яқин үртогим эли. Ранги оқариб, юрагини ушлаб пекелаяпты.

— Юрмайсанми? — дедим уни тут тагида кутиб. — Ҳаммадан орқада қолиб... Ие, нима бұлди?

— Пахтага келганимиздан бери үша тепалик томон қараёлмайман, — дардини ёрди у, — билмадим, нега.

— От касалига учрагандирсан? — ўсмоқчилаб сұрадым ундан.

— Баъзан тепаликларга отларни боғлаб қўйишади, атроф пахтазор бұлса, яна қаерга ҳам боғласин.

"От касали"ни ўзим үйлаб топғандым. Бир замонлар отамдан әшитғанман. Денгизга илк марта чиққан тоғлик йигитлар күнгли айниб, кусиб, денгиз касаллигидан азият чекишигап экан. Қуруқликка ўрганған вужуд бетиним чайқалишидан дардланиб қолиши Мирвалининг хасталигига ўхшарди. Эсини таниғандан бүён от миниб юрган бола ўқишигә үтади-ю отсиз яшай бошлайди. Гапларини әшитған одам дунёда от касаллиги ҳам бор экан-да, деб үйлаши табиий эди.

— Бас қил ҳазилингни! — деди Мирвали ва сувсиз ариқдан үтиб кенг далага тикилғанча ҳолсиз үтириб қолди.

— Битта-битта чекамиз, — дедим сигарет қутисини чиқарип.

Аммо чеккимиз келмаётган эди. Шунда менинг ҳам юрагимда оғриқ турди, бошим айланди. Тепаликка қарадиму юрагим увишиб кетди. Қачонлардир (эллик-олтмиш йиллар муқаддам) шу ерларга келгандек бўлдим. Қишлоқ бор эди, мени кутган чамандагул дўппили қиз... Ва тўйимиз... Кейин у ўлди, мен ҳам...

Хаёлларимни Мирвалининг ҳайқириғи тарқатиб юборди. Қарасам, у дала ўртасига қараб чопаяпти. От кишнайди. Яхшилаб тикилиб, отни кўрдим. У оқ от эди, негадир одамга, айнан Мирвалига ўхшарди.

Яна бир қарасам, Мирвали ўша отга миниб олган, эгатдан чоптириб кетаяпти.

— Тўхта, Мирвали! Мени ҳам миндир! Тўхта деяпман! — Ортидан югураман, қани ета олсам.

Курсдошлар тугул бутун олам унтилиб, номаълум томонга чопиб кетавердик. Оёқларим отникига айланиб қолгандек, дутурлагандек бўлади. Умримда бу қадар шитоб-ла учмаганман. Еўзалар шарт-шурт урилиб, барглар сочилиб кетади, ёнғоқдай қўсаклар бандидан узилиб, тўп ўқлари каби отилаётганини кўраман.

Бир маҳал Мирвали ва оқ от ер ютгандек фойиб бўлди. Рўпарамда экскаватор қазиган зовурнинг қум аралаш дўнглиги, қамишлар кўринди. Узоққа сақрашим керак эди, акс ҳолда зовурга шалоплаб тушишим тайин. Оёғимга шундай куч бердимки, нақ том бўйи ҳаволаб, ўн қадам нарига учеб тушишимни ҳис этдим. Афсуски, зовур ичига йиқилиб, оғзи-бурним қумга тўлди.

Бошимни кўтарганимда Мирвали зовурнинг нариги лабида чўнқайиб ўтиради. Ёнига тирмашиб чиқдим, таассуб солиб мен ҳам ўтириб олдим. Нигоҳимиз битта нуқтада эди: олислаб бораётган оқ отда. Кейин сирли от уфқдаги тутлар бағрига сингиб кетди.

— Худо сени бир сақлади, жўра, — деди Мирвали юзимга қарамай.

Шу куни домладан уриш эшилдик. У бизни ишёқмасликда айблади, баҳона кутди, лекин Мирвали ҳам, мен ҳам от ҳақида лом-мим демадик.

Тушлика тепаликдан сезилар-сезилмас тутун күтарилганда, қовоғидан қор ёғиб ўтирган Мирвалининг чеҳраси ёришиб, бригадирдан сўради:

— У ерда бирор яшайдими, ака?

— Саримсоқ бованинг уйи шу-да. Тут ёқалаб келганларингиз учун куничиқар томондаги уйи, отхонаси сизларга қўринмаган. Ўн йилдан бери қишлоқда яшамайди. Ўзи асли бизнинг уруғдан, яхши одам.

— Отхонаси бор дедингизми?

— Ҳа, лекин биронта ҳам оти йўқ. Бир кунда сўйиб, сотилган. Тўгриси, сотилмаган ҳам. Йўлда чириб-битган.

Бригадир фожиали бир воқеани сўзлаб берди. Ўн йил бурун атрофда от ўғриси пайдо бўлибди. Бир, икки, учтагача от йўқолибди. Саримсоқ бова от ишқибози бўлиб, отларнинг рангига ҳам қизиқар экан. Қора, қизил ва араби оқ оти тепаликда кишинаб тургани ҳалигича бригадирнинг кўз олдидан кетмасмиш. Бова ўғрилардан қўрқиб, тепалик биқинидаги отхонасида отлар билан яшай бошлабди. Бояқиш кампиди ҳар куни овқат ташир экан. От ўғриларини милиция ушламагунча чол қишлоққа қайтмасликка аҳд қилибди. Бироқ кунларнинг бирида кампиди келмабди. Ҳавотир билан кечгача кутибди. Қоронғи тушгач, икки ҳамқишлоқ йигит қўриниб: "Момомизнинг мазаси йўқ, бораркансиз, отларга биз қараб турамиз", дейишибди. Чол минг хил қора хаёллар билан уйига етиб борибди-ю ҳайрон қолибди: кампиди овқат солинган тугунни кўтариб, кимнидир кутиб ўтирганмиш. "Тинчликми?" — сўрабди бова. "Э, йилқи деб уйингизниям унутдингиз, — зор қақшабди кампиди. — Пешиндан бери одам келади. Дам газчи, дам электрчи. Бир-бири билан тортишиб, қувурларни симларни роса текширишди. Икки соатдан вақтимни олди..."

Саримсоқ бованинг кўнгли бир шумликни сезиб, сўрабди: "Отхонага борган йигитлар сени касал дейишуви, нега алдади экан?" Кампиди дастурхон ёзишга уннаб, дебди:

"Келганларнинг бари бегоналар. Мазам йўқлиги етмагандай чолимнинг олдига ҳам боришим керак, дегандим, қўшни йигитларга хабар беришганми, атрофида парвона бўлиб қолишиди. Қўярда-қўймай сизни чақириб келишга жўнатишиди. Нима бало, отхонага икки соатда етишибдими? Бунча кеч келдингиз? Кута-кута йўлга чиқмоқчи бўлиб турувдим..."

От ишқибози учун қорин ғамидан муҳим нарса бор эди. Дарҳол изига қайтибди, аммо ҳадеганда манзилга етавермабди. Ниҳоят, етиб қараса, ҳамқишлоқ йигитлар бир-бири билан тортишаётган эмиш: "Сен айтасан! Сен биринчи қочдинг!"

Шунда Саримсоқ бова отларидан бир умрга айирилганини тушуниб, инграб юборибди. Йигитларнинг айтишича, бова кеттанидан сўнг уч барзанги пайдо бўлибди, бирининг кўлида милтиқ бор эмиш. Қоровулларга жон ширинлик қилибди, ўғрилар отларни миниб, бир нафасда кўздан йўқолибди.

Орадан бир кун ўтар-ўтмас Тошкент йўлида юк машинаси ҳалокатга учрабди. Унга сўйилган учта от ортилган бўлиб, қизил, қора, оқ отлар экан. Суриштирувнатижалари даҳшатли эди: отлар Саримсоқ бованинг отхонасидан ўғирланган. Ўғрилар ҳамқишлоқлар – ўша йигитлар.

Аммо нимадир бўлдию йигитлар қамалмади, ота-оналари уялмай-нетмай кazzоб фарзандларини қамоқдан сақлаб қолишиди. Бовани эса от учун одамни қаматишгача борган худбин кимсага чиқаришади.

"Отларим сенларнинг фарзандларингдан яхшироқ эди", – дейди бова ва шу кўйи қишлоққа қайтмайди.

– Лекин, – деди бригадир, – ўшандан кейин ҳам кечаси Саримсоқ бованинг от миниб юрганини кўрганлар бор. Қизиги, у киши от сотиб олган эмас, ҳаммамиз биламиз буни...

Мирвалига қарайман, унинг нигоҳи қотиб қолган. Тўсатдан эрталабки оқ отни ўйладим. Туманданми, тутунданми иборат шарпа эмасмиди у? Ўйлаган сайин тা�нимни ихтиёrsиз кўркув эгаллади, ичимда калима қайтардим.

Эртасига Мирвалини касалхонага жўнатдик. Тушгача

Азамат ҚОРЖОВОВ

Саримсоқ бованинг уйи ёнида пахта тердик. Тушлик овқат келишини кутиб, зериккан йигитлар қаровсиз ётган отхонани томоша қилмоқчи бўлишганда, мен ҳам эргашдим. Алоҳида алоҳида учта хона бор эди. Бундан ташқари емхона, пичанхона, эгар-жабдуқлар хонаси — барчасига ичкарима-ичкари кириларди. Энг охирги хонанинг эшигини очмоқчи бўлганимизда, ортимиздан кимдир келаётганини пайқадик.

— Хой йигитлар, — дейиши билан ялт этиб қараганимизда, нуроний бир онахон жилмайиб турарди.

Ҳаммамиз салом бериб, узр сўрай бошладик. У эса бошқа гапирмади, фалати жилмайғанча эгар-жабдуқлар хонасига бурилди.

— Қочдик! — тапир-тупур югуриб кетди Усмон деган йигит.

— Думи бор... момонинг думи бор... отникига ўхшаш... У от момо!.. От момо!..

Ўпирилган деразадан чиқиб, қарғиш урган отхонани ортда қолдирдик. Момонинг думи борлигини пайқаганлигини пахтазорга етганимизда яна бир курсдошимиз айтди. Бирор ишониб, бирор ишонмай тортишиб турганимизда, қишлоқдан келаётган машинага — деканнинг уловига кўзим тушди. У дала бошига бунчалик шошиб келмас эди, хавотирланиб қараб қолдик.

Декан аввал домламиз билан гаплашди, кейин бизга титроқ овозда мурожаат этди:

— Гап бундай, ҳаммангни битта-битта чақириб тергов қилишади, ортиқча гап валакламанглар, тушунарли-я?.. Ҳозир... ярим соат аввал Мирвалидан айирилиб қолдик... Жигари титилиб кетган экан бояқишининг...

Қизлар ув-ув йифлагани ҳамон эсимда. Отхонадаги кампирга келсак, уни Саримсоқ бованинг хотини деб ўйлагандим. Бригадир отхона воқеасини эшишиб, калима қайтарди ва бованинг кампир-вафот-этганига беш йилдан ошганини айтди.

Отхонадаги охирги эшикда нима борлигини эса ҳалигача билмайман.

ТОГЛИК ЖУВОН

Баҳорда сел келди. Менга хабар беришганида ишдан бўшашиб учун эндинги ариза ёзмоқчи бўлаётгандим.

— У ёққа сизни ҳам юборишади, — деди ҳамкасбим. — Аҳоли даҳшатга тушиб қолган. Шундай пайтда ишдан бўшашингиз хиёнат эмасми?

Ярим соатдан сўнг йифилиш бўлди. Юз берган ҳалокат элликка яқин қорамонни, юздан зиёд қўй-эчкиларни нобуд қилган, қанча дов-дараҳту пастлиқдаги айрим иморатларни олиб кетганди.

— Психиатрларга ҳам иш кўп, — деди бош ҳаким ва нигоҳлари-ла мени ахтара бошлади. — Восвосга тушиб қолганлар, қўркувдан қутуломаётгандар бор... Уларга... ҳимм...

— Бошлиғимизнинг нигоҳи менда тўхтади. — ...Сиз кераксиз. Бир ҳафта қатнаймиз. Ҳар куни туман марказидан машина жўнайди. Айтилган шифокорлардан биронтаси сабабсиз бормаслигига қаттиқ чора кўрамиз.

Кейин яна талафот ҳақида гап кетди. Сел олти-етти чақиримгача жуда қутуриб оқсан; қоп-қора лойқа ичида қучоққа сифмас дараҳтлар, одам бўйидан баланд харсангтошлар аралаш-куралаш гувиллаб, этни сескантирувчи шамоли билан бостириб келаверган. Икки қишлоқ оралаб ўтгач, учинчи қишлоқдаги кўлга қўйилган. Кўлдан тошиб чиқсан лойқа сув ўн беш чақиримгача ўз изини қолдирган. Анҳор ва зовур ёқаларидаги экинзорларни ювиб ташлаган.

Хозирча ариза ёзмасликка қарор қилдим. Ишимдан кўнглим совиб, тиббиётга бекор кирибман, энди фақат адабиёт билан шуғулланаман деб юрганимда кутилмагандага ҳаётимда қизиқ воқеаларга бой саҳифа очилган эди.

Селдан талафот кўрган ўша қишлоқларга қачонлардир борганим. Ўшанда ҳам баҳор эди. Бир умрга етгулик таассуротлар билан қайтганман. Ўн икки-ўн уч ёшларда эдим. Ҳадеб тоф қизларига қарайверганим учун дадам кулиб: "Бу ерларнинг қизлари курашчи бўлади, — деганди. — Белингдан тутиб, бошидан айлантириб отади, қайтиб яқинлашмайсан".

Үша гүзәл масканларда сел кетганига ишонгим келмасди.
Гүё гүзәл қизлар бирдан қариб қолганди.

* * *

Шифохонанинг оқ "Дамас" и сарғиши тупроқли тоғ олди даласини кесиб ўтгач, қирларга етдик. Күлнинг бурунги жамолини эсладим. Унинг кўм-кўк суви-ю офтобда жимирилашидан асар қолмаганди. Шоҳ-шабба, чорва ўликлари, турли луш-лушларга тўлган эди. Сувдан тортиб олинган ўлимтиклар юқ машиналарига ортилиб, дала четидаги янги қазилган ҳандақларга ташилмоқда эди.

Мени энг ичкари қишлоққа юборишиди. Сел шу ердан бошланган эди. Беморлар кўп эмасди. Аммо биттаси тушгача вақтимни олди. Оддий тоғ йўлида ҳам юролмай қолган эди, нуқул қирларга қочмоқчи бўлади. Хаёлида дақиқа сайин устига сел бостириб келаётгандек. Ростини айтганда, ўзим ҳам шифокор ёрдамига муҳтож эдим. Восвосга тушган йигит жонимни ҳиқилдоғимга келтириди.

— Уйингизга сел етиб келишининг умуман иложи йўқ, — дедим унга. — Қишлоқ бўйича энг баланд нуқтада яшайсиз. Сув пастлиқдан оқади, бу ергача келиш учун осмондан Ниагара шаршарасидан сув қуйилгандай қуйилса, эҳтимол, чўкиб ўларсиз.

— А? Чўкиб ўламан?

— Селда ўлганлар чўкиб ўлди ҳам дейилмайди, — йигитнинг қулоғига шивирладим, — оқиб кетди дейишадими, тошлару дарахтлар орасида мажақланиб ўлди, дейишадими, чарчаганман, сўз топиб беролмаяпман... Қисқаси, жонимга тегдинг! Бугун ариза ёзиб, ишдан бўшашим керак эди. Восвосинг билан зиғирчаям ишим йўқ, тушундингми? Умуман олганда, сендақа касал одамларни кўравериб жонимдан тўйдим. Аслида биттанг ҳам касал эмассан. Дунёни ўзларингга мослаштириб ололмай бақирасанлар.

У кўзларини олайтиб, меровсираб қараб қолди.

— Эл бошига ташвиш келганда,—дедим.—Эркак бўлиб, енг шимириш ўрнига нега бунча ваҳима қиласан? Ўрнингда турда, ҳамқишлоқдарингга ёрдамлаш! Бўлмағур хаёлларни бир сония ҳам хаёлингта келтирма!

Боядан бери қирлар орасидаги мўъжазгина ҳовлига тез-тез нигоҳим қочаётганди. Ҳалиги йигитни қаттиқ койиганимдан сўнг ўша ҳовлидан бир қиз тўғри биз томонга келаверди. Ҳовли селдан мўъжиза туфайли омон қолганди. Уй олдида қулаб ётган катта тол ҳам буни исботларди. "Хойнаҳой, восвосга чалингнларнинг каттаси ўшá уйда яшаса керак", — деб хаёлимдан ўтказдим. Ахир, икки қаватли уйдай баланд сел қир оралигидан отилиб чиқиб, ҳовлининг яримини ювиб ўтган...

Йўқ, у ёш қиз эмас экан. Турмуш қурганига бир неча йил бўлган жувон эди.

— Ассалому алайкум... сиз дўхтирмисиз? — худди йўлимни тўсгандек олдимдан кесиб чиқди у.

Рўмолини пешонасидан танғиб олган оҳу кўз жувонга ихтиёrsиз равишда тикилиб қолдим. Ундан чорва суги аралаш ёқимли ҳил уфуарди. Ёш бўлса-да, катта хотинлардек жиддий ва қатъият-ла боқарди кишига. "Бир камим энди шу жувон ҳақида ўйлашим қолувди", дедим ичимда.

— Ҳа, лекин кетмоқчи бўлиб турибман. Эрта-перта келарман.

Сой ёқасидаги йўлга қараб юрдим. Жувон ортда қолиб кетмади, қарасам, изма-из келаяпти.

— Бизнинг дўхтирлар, тўғриси, яхши дўхтирлар эмас, — деди у дадиллик билан, — сел баҳонасида қишлоғимизга келган экансизлар, боламга бир қараб қўйинг. Илтимос сиздан, ака.

Тўхтадим. Яна бир оз ўйландим. Жувон томон ўтирилганимда, менга ҳамон умидвор тикиларди.

— Сел яна келишидан ваҳимага тушаяптими? — сўрадим ундан.

Айни дамда одмироқ кийинган қишлоқ келини тимсолида кўнглимнинг аллақаेридаги сирли торларни чертган бегона оҳанг кучлироқ, ёрқинроқ жилва қилди. Умримда бундайлар билан гаплашмаганман, аммо ҳозир чироқ иси босган нимқоронги уйда соchlарини силагандек бўлдим, жувоннинг эҳтиросли кўзлари кўринди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Уйқудан уйғонғандай түсатдан атрофга аланг-жаланг боқдим: у ва мен, бошқалар олисда. "Менга нима бўляяпти? — лабларим қуриди. — Эсимдан оғаяпман шекилли".

Жувоннинг кўзларида чиндан-да мен кутган маъно бор эди. Саволимга кулимсираб жавоб берди:

— Ўғлим селдан ваҳимага тушмайди, у ҳали бир ёшда.

— Қаери оғриган?

— Вақтидан аввал суннат қилдириб ташласамми деяпман, пешоб қилишга қийналаяпти. Бир кўринг, ана, уйимиз яқин. Тез-тез кучанади, йиғлайди, уйқусида безовта бўлади.

— Буни урологлар яхши билади, — дедим.

— Сиз ҳам барибир... врачизиз-ку.

— Тўғри...

Ўша ҳовли сари йўл олдим. Сойдан ўтганимизда сўрадим:

— Сел даҳшат бўлиб келгандир?

— Кўйхона, тандирхона, таппиҳона кетди, тол ҳам қулади.

— Уй ичида эдингизми?

— Ҳа.

— Жуда кўрқиб кетгандирсиз?

— Йўқ, — деди у хотиржам оҳангда. — Ҳаётда бундан ҳам кўрқинчли нарсалар бор-ку.

Беихтиёр тўхтаб, жодуваш кўзларидан кўз узолмай қолдим. Тобора унга сеҳрланиб борардим.

— Қишлоқда яшаш қийин-а? — деб йўлимда давом этдим.

У эса:

— Оиласиз борми? — деб сўради.

— Менинг оиласми?

— Ҳа.

— Ажрашганман, — дея очигини айтиб қўя қолди.

Назаримда, жувон кулгандек бўлди, ялт этиб қарагандим, кўзларини олиб қочди.

— Врач эри бўла туриб ҳам ажрашадиган аёллар борлигини тушунмайман, — деди у.

— Ислмингиз нима?

— Ойхол, — деди жувон қадамини илдамлатиб менга этиб оларкан. — Болаларим учта: икки ўғил, бир қиз. Сизнинг фарзандларингиз борми?

— Фарзанд күришга ҳам улгурмадик.

Ховлининг нариги четида бир йигит жон-жаҳди билан ҳандақ қазимоқда эди. Үлган чорвасини кўммоқчидир-да, деб үйладим. Биз уйга кираётганимизда, бошини ҳам кўтартмади. Йигирма беш-ўттиз ёшлардаги бу йигит руҳан мажруҳ эканини пайқаб, жувонга саволомуз қарадим. Жувон эса уйига шошилди.

Жулдур фуфайкасининг енги билан бурнини обдон ишқалаган йигит бир лаҳза ишдан тўхтади. У бизни узоқдан кўргани аниқ эди. Ҳозир тикилаётганимни сезди, лекин яна кетмон урди, ураверди.

— Кириңг, — илтифот қилди жувон.

Хаёлимдан ўтган чироқ иси босган ўй эди бу. Деворлари сариқ лой билан сувалган, тўрдаги токчаларга ёстиқлар тахланган, шифт фанерсиз. Бурчакка ҳинд киноактрисасининг сурати ёпишиширилган.

Болани текширдим. Жинсий аъзосида ҳеч қандай касаллик аломати кўринмасди.

— Кўп безовта бўладими? — ёнимга ўтирган жувонга боқдим.

— Кечаси йиғлайдиyo... Унчаликмас... — қўлини қашиб жавоб берди у.

— Туман марказидаги поликлиникага... урологнинг хонасига олиб боринг, — дедим. — Ўғлингиз соппа-согға ұштайди. Шунда ҳам мутахассис бир курсин-чи. У менинг ҳамкасбим, сиз ҳақингизда айтиб қўяман.

Бола онасига талпинди. Жувон уни қучоқлади. "Уйнинг соҳиби ким экан? — деб үйладим. — Чукур қазиётган телба йигит эмасдир..."

— Катталар қаерда? — дедим эшик-деразага қараган киши бўлиб.

— Катта қизим билан ўғлим экскаваторларни томоша қилгани кетди, қайнонам ўн йил бурун, қайнотам яқинда ўлган.

— Эрингиз...

— Эримни ҳовлида кўрдингиз-ку, ҳожатхона учун чукур қазияпти.

— ... эрингизми? Хаёлимга келмабди... Сўрашмади ҳам... Хайр, мен борай.

— Тұхтанг, бир пиёла чой ичмай кетасизми?

— Бошқа вақт.

— Ахир, боламни текширдингиз, вактингизни олдим.

— Хижолат бұлманг. — Шундай деб пойгакка етдим. Оёқ кийимимга әнгашаётіб, деразага құзим түшди: йигит тизза бүйи чуқурлиқдан тупроқ чиқармоқда әди. Бояғидан ҳам важоқат ила ишлаётгани юрагимда алланечук ҳадик уйғотди.

— Бирпас үтириңг, — очиқасига ялинди Ойхол.

— Узр, нариги қишлоққа боришим керак.

— Сизда ишим бор, ақа.

Туфлимни кияётган жойимдан құз қиirimни ташладим.

— Менда? Нима иш экан?

— Эримнинг ақволини құрайапсиз, у туғма касал, ақл-хуші жойидамас...

— Синглим, құринишиңгиздан лоқайд аёлга үхшамайсиз. Шифокорларга мурожаат қилмаслигингиз мени ажаблантираяпти. Эрингизнинг касали билан ҳам шүгулланадиган мутахассислар күп.

— У бечора энди одам бұлмайди. Қариндошларим мажбурлаб беришган мени. Тұхмат сабаб фотиҳам бузилиб, ҳеч ким совчи юбормай құйғанди... — Жувоннинг құзлари пирпиради. — Кейин шу хонадондан келған совчиларга розилик беришди. Ноилож, йигитта узатиши-ю ҳеч бири ҳолимдан хабар олмайди, құшнилар билан чиқышмайман, доим гийбатимни қилишади. Гүёки... — жувоннинг құзлари ёшланди. — ...Уч боламнинг отаси әрим әмас әмиш. Яқында вафот этган қайнотам... Хуллас, умрим тұхматда үтаяпти. Мен... менга "медпункт" ҳам узоқ... мен...

Хұнграб йиғлаб юборса керак, деб тахмин қилғандым. Йүқ, у үзини құлға олди.

— Нимадир демоқчимисиз?

— Касалман... мазам йүқ... — деди жувон.

— Нима безовта қиласы? Айтинг.

Ойхол деразадан ҳовлини бир зум кузатиб, менга ғалати қараб қолди.

— Касалингизни айтинг, — дедим юрак ютиб, — қулоғим сизда.

— Ўн кундан бери баданимда тошма бор, уйқуга ётсам қичишади. Кеңадан бошлаб янада кўпайди.

— Тошмами? Кўриниши қанақа?

— Шу... қизил-қизил... Кўлимга ҳам тошган. Мана.

У енгини шимариб, оппоқ билагини очди. Аллергия белгиларини кўрдим. Тирсагидан ушлаб, енгини юқорироқ шимардим.

— Бу хавфли эмас, дори ёзиб бераман.

— Мен ҳам хавфли эмас, десам... Шунча кун қилмаган давом қолмади, қайтага кўпайиб бораяпти... Елкамга ҳам тошган...

У тиззалаб ўтирди ва ёқасини кенг очиб, елкасини кўрсатди. Дарвоқе, елкасидаги тошмалар қўлидагидан кўп эди.

— Ўзингизча даво қилманг, — деб енгил койиди, — узоқ бўлса ҳам "медпункт"га бориш керак эди. Булар... — тошмаларга яна бир кўз югуртиридим. — Аллергия билан ҳазиллашиб бўлмайди. Мен айтган дориларни оласиз ёки "медпункт"га боринг. Кўрмагандай булиб кетасиз... Узр, қўнволроқ бўлса ҳам сўрайман, синглим, тошмалар фақат кўл ва елкангиздами?

Жувон бош силкиди. Тўсатдан кўзлари ярқ этиб очилди-да, ёқасини туширди.

— Сизга касалимни кўрсатмаслигим керак эди, — деди у жаҳл аралаш.

— Дўхтир эканимни унутманг.

— Барибир... эркак кишисиз.

— Тиббиётдан анча узоқлашиб кетибсиз, — дея ўрнимдан туроётгандим, қўлимдан маҳкам ушлади.

— Кечиринг, ака... Мен бу уйга тириклай кўмилганман... Ҳатто, оддий тошмаларимни ҳам даволатмаяпман... Сел келди-ю тақдир сизни юборди...

— Тақдир мени юборгани йўқ. Ўзингиз қирга чиқиб келдингиз.

— Қишлоғимизга келмаганингизда, бегона врачни бу атрофда қаердан ҳам учратардим.

— Құлимни қүйіб юборинг. Касалингиз менга таниш. Эртага ҳам қишлоғингизга шифокорлар келади. Сизни даволайдыган аёл врачни юбораман.

— Нега "Касалингиз таниш" деяпсиз?

— Эрингизнинг ақли заифлиги, ўғлингизнинг безовталиги, баданингиздаги тошмаларни назарда тутмадим. — Шундай дея жувоннинг бошига ишора қилдим. — Ҳамма гап анави жойингизда.

Шу пайт ташқарыда әшак ҳангради. Ойхол сапчиб туриб, хона ўртасига чопди. Нима қилишни билмай бир зум қаққайыб қолди. Ниҳоят, боласини құлға олиб, деди:

— Дұхтир ака, келган одам қайнотамнинг яқын дүсти, жуда бадгумон киши. Иккимиз уйдан бирга чиққанимизни күрса, гап-сұз қиласы.

— Мен врачман, — туфлимни кийдим. — Ҳозир учала қишлоқда ҳам шифокорлар оралаб юришибди. Ызингизни шундай тұтсангиз, ҳар қандай одам шубҳага боради.

— Сиз ҳам мени ёмон хотин деб үйладингиз-а?

— Йүқ, сиз бир умр шундай ҳадикла яшаётганингиз учун ҳам үзингизни нобуд қиласыңыз. Ҳаётта очиқ күз билан қаранг. Одамлар яхши. Одам одам билан тирик.

Олтмиш ёшлардаги киши әшагини тол шохига боғлаёттан экан, мени құриб хиёл тараффудланди.

— Салом, отахон, — дедим құл узатиб. — Туман касалхонасидан келган врачман, уйма-уй юрибман. — Кейин жүрттага сұрадым: — Сиз шу ерда яшайсизми?

— Йүқ.

— Қайси қишлоқдансыз?

— Пастки.

— Бұлмаса, уйингизга бориб күтинг. Биз ҳар кимни ҳар қаёқдан ахтарып юрмайлик. Осон тутманғ дұхтирларға ҳам.

Унга әшак ипини ечишга күмаклашиб, йүлга кузатиб қўйдим. Ойхолнинг эри шунда ҳам менга қиё боқмади. Агар уни кимдир тұхтатмаса ер қаърига кириб кетгүдек фақат ер қазирди, қазирди.

Үч боланинг отаси эканлигига шубҳаланиб қолдим.

* * *

Эртасига туман шифохонасига бириңчилардан бўлиб келдим. Тоқقا жўнайдиган машинани сабрсизлик билан кутдим. Бир вақт бош ҳаким ҷақириб қолди.

- Сизга бошқа топшириқ бор. У ёқقا одам етарли.
- Лекин кеча беморларга ваъда бергандим.
- Беморлар рўйхатини манзили билан бирга бошқа врачга топширамиз. Оғирроқ касал бўлса, "Тез ёрдам" машинаси олиб келади.

Шундай қилиб, тоқقا бормайдиган бўлдим. Кун бўйи хонамда зўрға ўтиредим. Негадир хаёлим Ойхолга кетаверди. Яқинда якун ясамоқчи бўлганим шифокорлик фаолиятим сўнгида ў менинг қурбонимдек туюлди. Ахир, уни тушкунлик домидан халос этишим мумкин эди-ку.

Кечқурун, ҳамкасларим тоғдан қайтмасдан аввал совуқ хабар келди: терапия бўлимида ишлайдиган йигитни тоғликлардан бири кетмон билан уриб ўлдириб қўйибди. Бояқишиш-ишга келганига атиги бир йил бўлганди-я!

Зудлик билан бош ҳаким хузурига чопдим. Кўз олдимда жоду кўзларини пирпиратаётган Ойхол, ер қазиётган ақли заиф эри...

Шу пайт тоғдан машиналардан бири қайтиб, уларга пешвоз чиқдим.

- Нима бўлди? Нега бундай?.. — сўрадим шошиб.
- Э, ҳайвон экан! — сўкинди ҳамкасбим. — Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, хотинини шифокордан рашқ қилибди. Ҳовлисидаги чукурга кўмаётганида, ушладик. Айтишича, анча вақтдан бери хотинидан шубҳаланиб юрган экан. Хиёнат устида ушласам, кўмаман; деб уй олдидан гўр қазиб қўйганмиш. Ақли заиф хавфли одамни участка нозири ҳам, қишлоқ врачи ҳам вақтида руҳий касаллар шифохонасига юбормаган.

- Хотинини ҳам ўлдирибдими?
- Йўқ... Э, кеча ўша уйга сиз ҳам борган экансиз-ку! Нима. тентаклигини сезмадингизми?

У жағл биілән ерға туфлади-да, оқ қалпоғини гижимлаб нари кетди. Миям фув-фув этарди. Кимдир ёнимга келиб вайсай бошлади:

— Тұрт йил ишлаб-ишламай кетаман дейсиз, одамлар үттис өшда иш бошлайди бизнинг соҳамизда! Энди-и... терапевт йигитимиз үша психхинг хотинига суйкалган дейишияпти. Одамларнинг айтишича, жувонда ҳам кўп гап бор экан. Кўрдингизми, қаётда қанақалар учрайди. Уларни даволаш керак, бир бошидан даволаш...

Шифохона ҳовлисидан чиқдим. Қаёққа кетаётганимни ўзим ҳам бўймасдим. Шифохонадан чиққаним ростми ё шифохонага кириб келаяпманми, англаёлмасдим.

— Одамлар тоғдаги селни эмас, Ойхолни гапира бошлиашди. Бир енгилтак жувонни деб телба эри кетмон кўтарган, бегуноҳ шифокор ҳалок бўлган. Ҳа, ҳаммасига Ойхол айбдор эди гўё. Ҳатто сел ҳам унинг гуноҳлари эвазига жазо сифатида юборилганмиш.

Мен ариза ёзмадим.

УЧИНЧИ КАЛИТ

Шифохона биносидан чиққан Баҳром сигарет тутатди. Эшик ёнидаги ўриндиқда ўтирган аёллар, назарида, ачиниб қараётгандек туюлди. "Демак, энди умид йўқ, — деди ичида. — Касал эканман, ҳа, мен касал эканман... Ҳеч қачон фарзандли бўйлмайди, деган тамфа бу!"

Тутун буруқситиб, ҳовлидаги асфальт йўлақдан одимлади. Қаерға боришни ўйлади. Ошхонага кирадими? Ё ишга жўнайдими, худди ҳеч нарса бўлмагандек.

Шунда хотинини кутиш кераклиги эсига тушди. Ахир, у ҳали ичкарида-ку!

Шу пайт бинодан сарвқомат, шаҳло кўз, дуркун ҳамшира чопқиллаб чиқди. Оқ-халати-этагидан тиззалири кўриниб турарди.

— Ака, сизни қидираётгандим, — деди Баҳром сари шошиларкан.

Баҳром "Кидирсанг нима бўпти? Сен энди нима каромат кўрсатасан?" дегандек тажанг нигоҳ ташлади. Айни пайтда жувон гўзалигига ярашган бўйнидаги ялтироқ тилла занжири билан ҳам оҳанрабодек тортди.

— Янгам ичкаридалигида бир гапни айтиб кўяй, — деди у. — Натижаларни мен ҳам кўрдим. Шундай эркаклар бўладики, бошқа аёл билан яшаса касаллиги секин-аста даво топа бошлайди. Мен профессор ҳам, оила бузувчи ҳам эмасман, ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман.

— Хўш, нима мақсадда?

Ҳамширанинг юзига сезилар-сезилмас қизиллик югорди.

— Қандай мақсад бўлиши мумкин? Бир нимани билганим учун умидсиз кетишинингизни истамадим. Одам организмини тибиёт юз фоиз ўрганиб чиқмаган. Баъзан дўхтирлар "ўлади" деган бемор яшаб кетади. Нима учун "ўлади" дейишади? Тиббий текширувлар касаллик ўтиб кетганини кўрсатади. Аммо кўзга ташланмайдиган бошқа бир нажот йўли бўлади. Агар ўша ҳолат юзага чиқса, бемор ўлмай қолади.

— Яхши, яхши. Нега оддий ҳамшира бўлиб юрибсиз? Ажойиб мавзўингиз бор экан, диссертация ёзиб, доктор-покторлик ёқласангиз-чи!

Ҳамширанинг қора кўzlари пирпиради, нафис бўялган лаблари қўмтилди.

— Афсус, тушунмадингиз, — деди момиқ қўлларини халати чўнтакларига солиб. — Бу гапларни сизга шунчаки айтдим-кўйдим, деб ҳисоблайман.

У бурилиб кетаётганида шифохонадан Баҳромнинг хотини лорсиллаб чиқди-да, пала-партиш турмакланган сочининг бир тутамини пуллади. Шифокор "Сиз соғ-саломатсиз, эрингиз айбдор" деган бўлса, керакки, у хафа эмас эди.

Ҳамшира атайн тўхтатди.

Азamat ҚОРЖОВОВ

— Опа, натижаларингизни кўрдик, сиз соппа-соғсиз. Албатта, фарзандли бўласиз.

— Вой, хўжайинимни анаقا дедилару...

— Қанақа? — жилмайди ҳамшира. — Бунинг қўрқадиган томони йўқ. Бизда сунъий уруглантириш ҳам йўлга қўйилган. Урологияда ҳам балки айтишгандир?

Баҳромнинг хотини фаросатсизларча кулиб юборди.

— Қўйсангиз-чи, синглим. Мен кўнмайман.

Ҳамшира хайрлашди-да, уч-тўрт қадам юриб, ортига ўтирилди ва афсус маъносида бош чайқади.

Баҳром кун бўйи ҳамширанинг гапларини эслаб ўтиреди. У ишлайдиган бошқарма бўлими қофозларга тўла эди. Кўзлари қофозда-ю, хаёли учиб кетган. Баҳт ва баҳтсизлик оралиғида охири йўқ хаёлот.

Кечқурун қайтаётib пиво ичди. Яна сигарет туттарткан, оёғи уйига тортмаётганини ҳис этди. Ёқимсиз туйғу эди бу.

Кутганидек хотийни ғолибона пешвоз чиқди.

— Чарҷадингизми? — сўради у. — Кўзларингиз қизарибди.

— Сенингча, қанақа бўлиши керак? Чақнаб турса, кўнглинг жойига тушадими?

Баҳром ванинага кириб, хотини кечки овқатга чақиргунча бир нуқтага тикилиб ётди. Ошхонада мингирилаб, аллақандай қўшиқни ўзича куйлаётган ким? Шунча йиллик ёстиқдошими? Тавба, Баҳромнинг кайфиятини чоғ қиласман деб, қовун тушириши нимаси?

Севиб турмуш қурган эдилар.

Йўқ, севги ҳам хилларга бўлинаркан. Спортчиларники каби соғломлик уфуриб турган бўй-бастига ошиқ бўлган эди. Тўйдан сўнг якунланадиган муҳаббат шу бўлса керак-да, юраги жиз этмай кўйди. Йиллар ўтди. Болали бўлмагач, хотин гоҳ табибга, гоҳ шифокорга қатнади. "Сиз ҳам текширтиринг" деганда койиб берди уни Баҳром:

Ва бугун устига бир уюм тошни ағдариб юборишгандек камга кўмиб ташлашди.

Шошилмасдан артиниб ошхонага чиқди. Столда кечки овқат мунтазир эди. Диққат қылса, хотини ўзини ҳар доимгидек тутаяпти. Фақат у энди бошқача кўринарди, бутунлай бошқача.

— Керагидан ортиқ семириб кетмаяпсанми? — деди Баҳром совуққина оҳангда.

— Озишга қатнайман, кўрасиз ўшандা.

— Фойдаси йўқ, энди сен ўзгармайсан.

— Бўпти, қани, овқатдан олинг. Билсангиз, ишхонамида менга ҳавас қиласиганлар кўп. Пуф деса учиб кетадиган қилтириқ хотинлар урфдан қолган. Битта қўполроқ кассир бор, нима дейди денг? Шишахоним.

— Кимни айтади? — ўқрайди Баҳром.

— Менга шунаقا дейдими? Оёгининг учида қилпанглаб юрадиганларни таърифлайди.

— Сен-чи, сен ўзингни таърифлатмайсанми?

— Жинни-пинни бўлмаганмисиз мабодо? Бунча тескари гапириб қолдингиз?

Хотинининг қош чимириб, уф тортиб қўйиши Баҳромга унинг ички дунёсининг юзага чиқиши бўлиб туюлди. "Менга шунаقا муомала қиласиган бўлиб қолдими?" — деб ўйлади. Бирдан ҳамшира эсига тушди. Нега у ортидан югуриб чиқди? Кўзларида ҳаяжон бор эди...

Кейинги кунлар Баҳромга татимай қолди. Хотинининг гаплари, қилиқлари, шунчак вақтдан бери кўнишиб кетган одатлари нафсониятига тега бошлади. Бечора хотин қаттироқ йўталиб юборса ҳам айбдор эди. "Эркакка ўхшаб деразани зирилларатасан, аёллардек назокат билан йўтал", дерди Баҳром.

Хотини ҳам атайин қилаётгандек телевизорда биронта болакайни кўрсатишса, нариги хонага чиқиб кетар, шифтга термулиб, нималарнидир ўйларди.

Бора-бора Баҳром турмушидан буткул совиди. Пивохонага тез-тез кирадиган бўлди. Аммо пиво ҳам, сигарет ҳам кор қилмай қўйганини тушунди.

Бир куни бадбўй қовоқхонада кўп ўтирди.

— Кетишим керак, — соатига қаради у, — думалаб қолмаслик учун ҳам кетишим керак... Фурбатга шошиб нима қилдим?..

Азамат ҚОРЖОВОВ

Серқатнов құчагача аңча бор эди. Йүл тобора юқорилаб боравергани боис Баҳромнинг қадами унмади. Йўловчилар ундан ўзиб кетишарди. Бола етаклаган бир аёл ҳам икки-уч қадам олдинга ўтди-ю, қайрилиб қаради. Ўғилчасига:

— Амакинтга салом бер, — деди ва Баҳромга кулимсиради.

Аввалига танимади. Ҳамшира хушбичим ҳарир қўйлакда бутунлай ўзгача кўринаркан. Баҳром сеҳргарга йўлиққан қашшоқ мисоли чапак чалиб юборди.

— О-о, менинг жияним шуми? Қани, кўришайлик. Оҳ-оҳ, полвон бола!.. — У ҳамширага тикилди. — Дўхтир опа, шифохоналар тинчми? Турибдими жойида?

— Сизни бу ерда учратаман деб ўйламагандим. Ўша кунги ўқтам йигит қани? Тўғриси, орқангиздан танимабман. Нима юриш бу?

— Ишхонам нариги кўчада. Бугун бир дам олдим-да, йўл-йўлакай.

— Шу гапйнгизга ишонмадим-да, ака. Сизни шу атрофда биринчи кўришим эмас, адашмасам, тўрт ё бешинчи.

— Э, қўйинг менинг муаммоимни! Ундан кўра ўғлингиз билан таништиринг. Жиян, отинг нима?

— Асадбек, — деди болакай.

— Ойинг ёлғончими?

Бола бош чайқади.

— Дўхтий, — деди чучук тилда.

— Дўхтирми? Ҳа, ҳа... Ҳамма нарсани биладиган дўхтир!.. Ойинг сени ҳар куни шу кўчадан олиб ўтадими?

— Калит йўқолса, олиб ўтадилай. Шуниям билмайсизми? — дедя Асадбек онасининг кўлидан ушлади.

— Калит йўқолганда ахтариб чиққанмиз, ўшани эслаяпти,

— изоҳ берди ҳамшира.

— Топилдими, ишқилиб?

— Ишқилиб, топилди.

Баҳром ёйилиб кулди. Ҳамшира бурунгидан-да гўзал суратда кўзига сингиб борарди. Шу тобда ҳамшира ҳам хайрлашишни истмаётгани сезилди.

Учови кўча бошигача юрдилар.

— Исмим Шабнам, — деди ҳамшира. — Қаерда ишлашимни биласиз.

Баҳром ҳам ўзини таништириди. Шабнамга тақлидан:

— Беморингиз эканимни биласиз, — деб қўшиб қўйди.

— Тушунмадим, нима демоқчисиз? — сўради Шабнам.

Баҳром жувон ундан хафа бўлмаётганини, ҳатто маст киши билан гаплашишдан чўчимаётганини энди пайқади. Шундагина калласи ишлаб кетди: Шабнам уни аввалдан шу кўчада кўп учратган, ёқтириб қолган, шифохонада шу важдан дангал гапирган; ҳозир ҳам калит баҳона ўғлини етаклаб чиққан. Ва Асадбекнинг дадаси йўқ...

Ҳозир аниқлади.

— Бу... Нима демоқчийдим?.. — Баҳром гапни айлантириди. — Музқаймоқ олиб берсам...

Асадбекнинг томоги оғрийди. Кўяверинг, бошқа сафар.

— Сизга.

— Менгами?

— Ҳа, сизга. Лекин дадаси кўриб қолса, рашқ қилмайдими?

— Бу билан дадаси борми-йўқми демоқчимисиз? Ўғлимиккимиз яшаймиз. Эрим билан келишолмадик.

Улар анча ўтириб қолишиди. Баҳромнинг тургиси келмасди. Кўп йиллар хаёлан кутган, юрагини жиз-жиз куйдирган болали, соҳибжамол жувон рўпарасида. У эшик таққиллатмай кириб келган, айнан кўнглидаги париваш эди.

Баҳром уйига битта қарор билан қайтди: хотиним билан ажрашаман, Шабнамга уйланаман.

Эрталаб хотини дардини очди:

— Оз-оздан ичиб келдингиз, индамадим. Енгиллашсин десам, фирт пиёнистага айланиб қолаяпсиз. Кечаси шунаقا сасидингизки, эрталабгача кўнглим айниб ўлдим...

— Ўчир овозингни! — Баҳром бақириб юборганини билмай

Азатат ҚОРЖОВОВ

қолди. — Минғиллашларинг ҳиқилдәкімга келди! Одамдек яшашимга құясанми ё йүқолиб кетайми бир умрга?! Нима қилсам қутуламан сендан?

— Жа тайёр турган экансизу, гугурт чақиб қўйибман мен бечора, — деди хотини. — Ҳамма гапимни қўтаради десангиз, адашасиз. Кўп осмондан келаверманг, менинг ҳам фурурим, ўзимга ярашга ҳурмат-иззатим бор.

— Фуруринг, ҳурмат-иззатинг бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди! Чунки сен ноз-карашма-ю, аёллик латофатидан йироқсан! Тилинг чиқиб қолишига ҳам калтафаҳмлигинг сабаб! Нима, соғман, айб бунда экан, деб бошимга чиқиб олмоқчимисан? Бир умр ҳушомад қиласди деб ўйладингми?

— Тұхматдан қўрқинг!

— "Доно" гапларингни бошлама! Манави еримга келдинг! — Баҳром томогини арпа қилиб қўрсаатди.

Баҳром бошқа гапирмади. Нонушта ҳам қилмасдан ишга жүнади. Шабнамни учратмагани учун расво кайфиятда қайтди. Тўрт хонали, серҳашам уйида хотини кўриимасди. Стол устидаги хатга кўзи тушди: "Мен ота-онамниги кетдим. Ортимдан ахтариб борманг. Сиз билан яшамайман".

Хатни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Оппоқ қоғоз топди-да, эшакдек ҳарфлар билан ёзди: "Талоқсан!"

Шундан бери ҳар куни ишдан келган заҳоти қарайди, хатга кўл теккизилмаган. Балки хотини келгану талоқ хатига кўзи тушиб, қайтиб кетгандир, балки бошқа эркак билан яшаса, фарзандли бўлишини ўйлаб, эридан воз кечгандир.

Баҳромни Шабнамдан ўзга ҳеч ким қизиқтирамай қўйди. Уни тасодифан учратишни ортиқ кутолмади, ишхонасига борди. Ресторанга таклифни эшитган Шабнам шошиб қолди. Гоҳ у хонага, гоҳ бу хонага киради, "Ҳозир ишимни тугатаман" деб узрроҳ жилмаяди. Кимдир Баҳромга шифохона йўлагида турмасликни буюргач, ташқарига чиқди. Шабнам албатта баҳт ато этилишига ишониб бўлган эди.

Ресторанда алламаҳалгача ўтиришли. Шабнам ижара уйда яшашини, ўғлига энага ёллаганини сұхбат бошидаёқ айтган эди.

— Илтимос, меникига борайлик, — деди Баҳром. — Асадбекни ҳам олиб келамиз.

— Хотинингиз келиб қолса... Биз — меҳмонларни түғри тушунмайды... Үйланг-да, ахир.

— Талогини берганман, наҳотки, ишонмаяпсиз! — Баҳром жувоннинг қўлидан тутди. — Уйимни кўрасиз, сұхбатни давом эттирамиз. Қисқаси, сизга үйланмоқчиман.

Улар такси ёллаб, болани олиб келишиди. Асадбек бегона уйга қизиқсиниб, бир соатлар, чамаси, ухламади. Ниҳоят, Шабнам уни койиб берди.

Баҳром ва Шабнам ёлғиз қолишиди.

— Менга үйланишга бунча тез қарор қилдингиз? Сабаб? — сўради жувон.

— Фақат сиз билан баҳтли бўлишимни кўнглим сезаяпти.

— Асадбек менинг бойлигим. Уни...

— ...Уни ўғлим дейман.

Шабнам бир зум уйга толди.

— Уй-жойсиз, ижарама-ижара қандай қийналганларимни билмайсиз, Баҳром ака, — деди. — Эрсиз аёлга қийин экан.

— Энди шу уй сизники, — Баҳром Шабнамнинг қўзига сархуш боқди.

Эрталаб Баҳром үйлади: "Шабнамдек хушсуват, ишбилармон жувонлар хор бўлмайди. Мана, бир кунда мендек эр, тўрт хонали уй насиб этди. Хотиним эса бепушт деб ташлаб кетди ўзича. Кўрамиз. Ким баҳтли бўлар экан..."

Шундай қилиб, Баҳромнинг кунлари хуш-хандон ўта бошлади. Шабнам ҳар кеч бир-биридан мазали таомлар тайёрлар, ўзига бетакрор оро беришга ҳам асло эринмасди.

Баҳромни тез-тез шифокор ҳузурига олиб борадиган бўлди. Бир ой деганда хушхабар эшилди. Даволанса, фарзандли бўлиши мумкин экан.

Даволанди ҳам. Ва ниҳоят, Шабнам суюнчи олди:

- Биз Асадбекка укача кутаятмиз, Баҳром ақа!..
Баҳром уни күтариб гир-гир айланар экаң:
- Айтинг, нима қылсам сизни хурсанд қиласман? — деди.
Шабнам бирдан хомуш бўлиб қолди.
- Хотинингиз билан суд орқали ажрашиб, уйни менинг номимга ўтказинг.
- Уй иккимизники бўлаверади, — эътиroz оҳангидагапирди Баҳром. — Ортиқча ташвиш нимага керак?!
- Бусиз мен туғишига қўрқаман. Асадбекнинг отаси ҳам шундай деганди, қасам ичганди. Оқибат нима бўлди? Болам билан кўчада қолдим. Эртага хотинингиз даъво қилса, икки бола билан қаердан ижара уй ахтараман?

Баҳром рози бўлди. Фақат бунга бир оз вақт кераклигини айтди. Баҳт учун битта уй тугул ўнта уйни ҳам Шабнамга расмийлаштиришга кўнгли амр этарди.

Шундай кунларнинг бирида Баҳром Асадбекни энаганикidan ўзи олиб келишига қарор қилди. Қайтишда шаҳарнинг нариги чеккасида янги очилган истироҳат боғига боришиди. Шабнам қўнфироқ қилиб сўраган эди, Баҳром қаерда юрганликларини айтди.

— У ёқда нима бор? — қичқириб юборди Шабнам. — Ҳозироқ уйга қайting, Баҳром ақа! Энаганикига ҳам ўзим боришим керак эди. Нега бундай қўллаяпсиз?

— Эсинг жойидами? Шунга шунчами? — жеркиди Баҳром ҳам. — Янги паркни ўзим ҳам бир кўрмоқчийдим.

Баҳром телефонини жаҳл билан ўчириди. Асадбек ҳам ҳар кунгидан ўйчан, ҳар кунгидан мунгли боқарди.

— Нима бўлди сенга, ўғлим? — сўради Баҳром кўчага чиқишгач.

— Дадамни соғиндим, — боланинг ўпкаси тўлиб-тошиди.

— Даданг?.. Даданг мемман, ўғлим...

— Йў-ўқ, дадам анави ёқда! Дадамга бояман!.. — Асадбек йиғлаб юборди.

Шунда Баҳром аччиқ ҳақиқатни тушунди. Шабнамнинг дастидан бола ўз отасидан жудо этилган эди.

— Даданг қаёқалигини биласанми?

— Ха, — деди Асадбек, — анави сув четидан бойсак, дадамнинг устахонасига етамиз. Аввал кўп келайдим...

— Юр, — Баҳром Асадбекни етаклаб кетаверди, бола йўл кўрсатаверди.

Йўл четида эски кийимда бир йигит этикдўзлик қилиб ўтиради. Асадбек узоқдан таниб: "Дада!" дея чопди.

Баҳром Шабнамдан ҳам, этикдўз йигитдан ҳам нафратланди.

— Э, ўғлим, мени нега соғинаверасан? — деди этикдўз хириллоқ овозда. — Шабнам опанг билан юравер. Маза эмасми?

— Йўқ, — деди бола, — у ўзини "оий", манави кишини "дада" дегизади.

— Э, лаънати! — сўкинди эркак. — У яна маккоралигини бошладими? Қасам ичганди-я! Ўғлим, сени бувингларга топшираман, хўпми? У ерда ҳеч ким хафа қилмайди. Ҳар ойда бориб, сендан хабар оламан, ўйинчоқлар олиб бераман.

Баҳром қулоқларига ишонмади.

— Нималар деб валдираяпсиз? — деди йигитнинг устига бостириб бориб.

— Мен валдирамайман, ўртоқ, — кўзларини ғалати олайтирди этикдўз. — Сен лақиллаб юрибсан. Ҳойнаҳой, учинчи калит бўлсанг керак.

— Қанақа учинчи калит?

— Шабнам сендан аввал икки одамни алдаб, уй калитларини кўлга киритган.

— Нима?

— Тез орада сенинг ҳам орқангга тепади. Турган-битгани туллак аёл. Менинг тилимни қисиқ қилиб кўйган жойи бор. — Этикдўз шундай дея Асадбекка қараб кўйди. — Бунинг ойиси ўлганига... мен сабабчиман... Шабнам гувоҳ... Ундан қўрқиб, шу вақтгача тилимни тийиб яшадим.

Шу пайт кўча бошида чопиб келаётган жувон кўринди. У Шабнам эди. Фишт қолипдан кўчганини сезиб, таққа тўхтади.

— Шабнам! — чақирди Баҳром фазаб билан.

Жувон такси тұхтатди-да, орқа ўриндиққа үтирди. Машина бир зумда күздан йүқолди.

Орадан уч ой үтгач, ахлатхоналарнинг биридан ёшгина аёлнинг мурдаси топилди. Терговга Баҳромни ҳам чақиришди.

- Уни танирмидингиз?
- Ҳа, бир ой бирга яшаганман.
- Охирги марта қачон кўргансиз?
- Уч ой муқаддам.
- Мархуманинг қўлида учта калит бор экан. Бу калитлар сизга танишми?
- Иккитасини аввал кўрганман. Учинчи калит эса нотаниш, аммо шубҳасиз, қотилга тегишли.
- Сизники эмасми?
- Худо асрари, — деди Баҳром. Шундан сўнг Шабнамнинг ҳийласини, ҳозирда ўз хотини билан ярашганини, бола кутишлётганини сўзлаб берди.

ЭБЖИН АЛВАСТИСИ

Эбжинга анча вақтдан бери қадам босмаган эдим. Болалигимда кўп кезардим бу атрофларни. Энг чеккасига — жарликлару чангальзорларга тулаш бехосият маконга ўша кезлари ҳам яқин йўламасдим. Бульдозерлар коллеж стадиони учун жарлик яқинигача ер текислаганини кўриб, очифи, хурсанд бўлмадим. Ёш-ялангни жин чалади демоқчимасман. Бу ерлар нимаси биландир барибир қора ерлигача қолгади, назаримда.

Бульдозерлар кучанди, мўрконларидан қора тутунлар ҳавога отилиб-отилиб чиқа бошлади. Каттакон тошлар, бетонлар, жипслашган фишлар тупроқ юзига чиқди. Қудратли машиналар уларни чангальзор сари суриб бораверди.

— Бугун ер текислаш ишини тугатамиз, — деди ишбоши. — Негадир кўнглим хижил, бирон ишкал чиқмасдан битириб олсак яхши бўларди.

— Тўпни қаттиқроқ тепса жарликка учиб кетмайдими? — сўрадим мен.

— Югуриш майдончаси, томошабинлар ўриндиги, иннанкейин баланд симтүсиқ қурилади. Жарликка ошириш учун камида Марадона бўлиши керак.

Ўзимга ўзим гапиргандек:

— Ҳа, жарлик ҳам кичрайиб қолибди, — дедим.

— Нима?

— Жарликни айтаман-да.

Ишбоши бульдозерларга хавотирланиб қараб қўйди. Афтидан, у ҳам одамлар оғзидан юрган ваҳимали гапларни эшитганга ўхшайди.

* * *

Кишлогим Эбжин адогидаги қутуриб оқаётган сой ортида эди. Мактабда ўқимасимдан аввал ҳам амакиваччаларим билан мол-кўй боқардим. Сой бўйида ёзнинг ўргаларигача ўт мўл бўларди.

Эбжин алвастиси ҳақида илк марта ўша чоғлар эшитганман. Молини сой бўйига ҳайдаб чиққанлар ўйинлардан чарчаган вақтда давра қуриб олишарди-да, фаройиб воқеаларни сўзлашарди. Жон-қулоғим билан тингларканман, кўз ўнгимда ғалати манзаралар, мен оддий одам деб ўйлаган ёвуз кимсалар, умримда эшитмаган нарсалар намоён бўларди.

Эбжин юз йилдан бери бехосият жой эди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида эски бир сарой бузилиб, яроқсиз фиштлари, пойдеворлари, кукунга айланган сувоқлари шу ерга келтирилади. Турли гап-сўзлар яна болалаб қолади. Эмишки, саройда бир замонлар одамлар сўйилган, ўттизинчи йилларда маҳбуслар ўлган, уруш вақтида бир қочоқ аскарни бўғизлаб кетишган, урушдан кейин асиirlарга вақтинчалик казарма қилинган. Эбжинда ажина бор деб четлаб ўтишарди, саройнинг қонсираган қолдиқлари ташиб келтирилгач эса ҳадик янада кучаяди.

— Менинг акам, — деди бир бола, — кечкурун Эбжинда оқ эчки кўрган, уч кун ўтиб, бирдан ўлиб қолди. Энамнинг айтишича, акам ўладиган тунда ўйимиз орқасидан нимадир дупурлаб ўтган, маъраган, қўнфироқча чалинган.

— Намоз мулла ифтордан қайтаётиб одам қалласини учраттан, — ғапни бошқа бола давом эттирди. — Калланинг оғзи капакапа очилаётганмиш, юз-қўзи қонга беланганимиш. Мулла тинимсиз калима қайтариб уйига зўрға етиб борибди. Агар бошқа одам бўлганида қўрққанидан ўлиб қоларди.

— Ҳаммаси Эбжин алвастисининг иши.

Бир оз жимликдан сўнг четда ўтирган камгап бола луқма ташлайди:

— Жума қўёнчиқ алвости-палвастингдан қўрқмайди, ишонмасанг, ана сойнинг остининг болаларидан сўра.

Сойнинг ости — ҳозирги колледж қурилишига яқин қишлоқ. Жума қўёнчиқнинг у ёқда улфатлари кўп эди.

Болалардан кейинчалик ҳам эшитдим: Жума узоқ йўлни яқин қилиб, кўпинча ярим кечаси Эбжин сўқмоғидан қайтаркан. Одамлар "Жумавой, у ёқдан юрма, ёмон жой", дейишса, "Алвастингдан қўрқмайман, олдимдан чиқса, сочидан судраб уйга опкеламан-да, Америкага сотаман", деб мазах қиласкан. Бир гал дўкон олдида оёқда зўрға туриб бақираётганини ўзим ҳам эшитганман: "Ким айтди алвости бор деб? Ким айтди? Қандай исботлайсан? Агар бор бўлса, нега биология китобига киритилмаган? Ҳе, ҳаммангни... ўша алвастиларингни ҳам..."

Жума қўёнчиқнинг кайфияти бузилса, кўринган одамни сўкарди. Ҳатто ўз қизи ҳақида гапирганда ҳам оғзидан ҳеч қурмаса яримта сўкиниш чиқарди. Бир гал мени ҳам шалоқ сўзлар билан сўкканида, "Эй Худо, нега бунаقا одамлар тирик, минг бир азоб билан ҳаммамизнинг кўз олдимизда жонини олмайсанми? Хор қилмайсанми?" деб ичимда йигланганман.

Ёшим улғайган сайин Эбжин алвастиси афсона деган фикрга бора бошладим. Сойликка оқаётган зовур сувлари бир неча чақирим жойни йиллар давомида ўпириб, турли ўнгирулар, форлар ҳосил қилиб, одам юролмайдиган ахволга солганди. Жар тагида (баъзи жарликлар терак бўйи) жийдалар, буталар, турли алафлар ўсиб ётарди. Чангальзорларида илон-чаёнларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Сарой фишлари ва ўтгизинчи

йиллардан қолған бетон бұлаклари гүё зиналар, айвонлар, уйчалар шаклида қалашган. Уларнинг орасида нималар яшашини ким билади дейсиз! Лекин алвасти... Унинг борлигига ишонгим келмайди. Одам құрқинчли макондан сесканади-да, ахир. Бироқ сесканиш кифоя әмас, ким алвастини аниқ құрган? Ҳеч ким. Қизиқиш амри ила Эбжин сүқмоғидан кундуз куни үтганман. Бирор қақырғандек туолган. Айниқса, жарлик тагидаги жилға бүйіда мунғайиб үтирган оқ кийимли кишини құргандек бұлғанман. Овоз құшники, киши эса оқ харсанг эканлиги алвасти йүқлигига ишончимни орттирган.

Узоқдан келин бўлиб тушган Худиста чеча деган аёл қўшнимиз эди. Турли дуоларни билгани учун кўпинча ажина, алвасти, сариқиз ҳақида сўрардик. Чеча ишонч билан:

— Ҳаммаси бу дунёда бор маҳлуқлар, — дерди. — Овлоқда ёлғиз юрманглар, ухлаб қолманглар. Ажиналар ярим кечаси ёки қоқ тушда жуда ҳаддидан ошади, үзини-үзи қитиқлаб, чидаёлмайди-да, ким йўлида учраса, шартта ёпишади. Улар шунаقا шўх, шунаقا тентак. Оддий гапга қулоқ солмайди, шунинг учун манави дуоларни ўқиши керак, ёдлаб олинглар...

Кунларнинг бирида чечаникода Абди деган одам пайдо бўлди. Биринчи кунданоқ томорқада ишлади, ариқ тозалади, үтин майдалади. У ҳеч кимга гапирмасдан фақат ишлар, гавдаси меҳнатданми, ғамданми букчайиб қолганди. "Ғамданми" деганимнинг боиси Абди ниҳоятда ғамгин эди. Дуч келганида салом берардим, у эса бош қимирлатиб қўяркан, мунгли кўзларини қадарди. Бу кўзларда ўнлаб маънолар кўринарди: "Нега бу кўйга тушдим?", "Қайси гуноҳим учун бошимга фожиалар ёғилди?", "Нега қарайсан?", "Мени ким ҳам тушунарди?.." ва ҳоказо.

Тез орада эшитдим: Абди ўз акасини ўлдирган экан. Қамоқдан тұғри Худиста чечаникига келибди, узоқ қариндоши эмиш.

"Әнди она қишлоғига умрбод қайтмаса керак, — ўйладим мен. — Уни қайси қариндоши ёқтиардарди?! Ота-онаси-чи? Улар ҳам сиғдиришмаса керак..."

Кўп ўтмай Абди ҳақида Худиста чечанинг ўзидан эшилдим.
Онамга шундай сўзламоқда эди:

— Қайта уйланмайман деяпти. Ҳадемай қирққа киради.
Жудаям акс бола-да! Қамоқда ҳам ўзгармабди бу! Хотини
ёшгина келинчак эди, бояқиши Абдижон қаттиқ севарди. Саккиз
йил кутмайман деб магазинчига тегиб кетди келинчак
тушмагур... Нега қамалган дейсизми? Ҳа, рост, туфишган
акасининг ўлдириб қўйган. Орияти кучли, салга ловуллаб
ёнадиган, мағрур йигит эмасми, акаси маст бўлиб "онангни
сенинг..." деб сўқавергач, чидолмаган. Ўзи ёмон бола эмасди,
қалтис жойига уриворган, фалокати қурсин!

Шундан сўнг Абдига баландроқ овозда салом берадиган
бўлдим. У борган сайин очикроқ чеҳралиқ билан алик оларди.
Бир неча ой ўтиб балки дўстлашиб ҳам кетардим. Кутилмаган
фожия бутун қишлоқни ларзага келтирди...

Онам дўконга юборди. Етган ҳам эдимки, Жума қуёнчиқ
кўзлари олайиб, ҳаллослаб рўпарамдан чиқди. Бунақа
ҳовлиқкан ҳолда биринчи марта кўришим эди.

— Келгинди шу ёқдан қочдими? — сўради мендан. —
Худистанинг хизматкори! Оти Абдимиidi ҳаромининг?
Кўрмадингми деяпман сендан, гарант?

— Йўқ, — дедим ва атрофга алангладим.

Наҳотки, Абди қалтак еб, сўкиш эшитиб, боз устига ура
қочган бўлса? Мана, Жума қуёнчиқ қишлоққа эшитиладиган
қилиб Абдининг онасини сўкмоқда. Шишадошлари келиб
дўконга судраб олиб киргунча сўкинаверди...

Кечки овқатни еб бўлган ҳам эдикки, Худиста чечанинг
ҳовлисида қий-чув кўтарилди. Ташқарига отилиб чиққанимда,
Жума қуёнчиқнинг сўкинишини шовқин-сурон ичидан таниб
олдим. Бир пайт фақат Худиста чечанинг бир маромдачуввос
солишигина қолди, бошқа овозлар ўчди. Ариқдан ҳатлаб
ўтганимни биламан, кўз олдимда даҳшатли манзара намоён
бўлди: Худиста чеча бошини чангалилаб қотиб қолганди, кўча
эшикдан аллакимлар қочиб чиқмоқда, айвонча бурчагига

қисиниб олган Жума қүёңчиқнинг оғзи катта очилган, құллари ҳавода қалтира, Абди аямасдан пичоқ санчарди... Ахийри, Жуманинг оғзидан қони келди.

Құрқәнимдан хүшимдан кетдим. Анча вақт касал ётдим.

Бошқаларни билмадimu, аммо мен Жума қүёңчиқнинг ўлганига, Абди үзини баланд жарликдан ташлаб, сой тубида fойиб бұлганига ҳеч күниколмасдим. Үтирсам ҳам, юрсам ҳам иккови ҳақида үйлайман.

Шу-шу Абди дом-дараксиз кетди. Милиция унинг ўлигини ҳам тополмади. Қиши кунларининг бирида Эркин қассобникига үгри тушди. Пўстин, мол териси, "Э.А." ёзуви туширилган пичоқ ва егуиклар ўғирланди. "Қассобнинг ўғли тунги меҳмонни танибди, у Жумани ўлдирған келгинди эмиш", деган мишишлар тарқалди. Миш-мишларга қараганда, Абди сойдан эсономон нарига қирғоққа чиққан ва Эбжин жарликларига яширинган. Балки унга Худиста чека ош-нон етказиб турар? Балки Абди овчилик ва үгрилик билан кун кечира?

Бироқ Эбжинда шунча вақтдан бери яшаб келаётганига күпчилик ишонмади.

* * *

Чуқур тин олиб, ортимга бурилдим. Коллеж стадиони учун текисланған ерда кетиб бораяпман. Хаёлимда Эбжин алвастиси. Энди бу алвастининг қаеринидир Аблига ҳам ұхшатишиади. Тунов куни қулоғимга чалинди: подачи шу яқин-атрофдан бузоқ ахтариб юрса, бир одам лип этиб қоронфиликдан чиқиби-да, "Жума қүёңчиқ эмасмисан?" деб сүрабди. Капалаги учган подачи "Йўқ", деган экан, шарпа кўздан йўқолибди. Унинг юз-кўзлари марҳум Жуманикига жуда ұхшармиш. Лекин соchlари узун эмиш. Қоронфиликдан "Мен Абдиман!" деган сас келибди.

"Нақадар чалкашлик", – дедим ичимда.

Шу пайт бульдозерларнинг уни ўчи. Ишбоши хуштак чалиб мени чақирди. "Скелет! Одам скелети!.." – бақиришарди тракторчилар.

Одам сүякларини қабристонга олиб кетадиган бўлиши. Жунли тери қолдиқларини кўрган ишбоши: "Бу алвости! — дэя менга анграярди. — Пичоқقا қаранг, "Э.А." ёзувлари. Ё тавба, у пичоfigа "Эбжин алвастиси" деб ёздирибди! Қизиқ... жуда қизиқ..."

Бульдозерлар пайшанба кунигача ишламади. Қўй сўйдириб, арвоҳларга атаб тиловат қилинди. Ўша кеча бир туш кўрдим. Эбжиндан юзлаб одамлар чиқиб, қабристон томон кетишаётганмиш. Уларнинг орасида Абди ҳам бор эмийш. Негадир Жума акани — кўз ўнгимда ваҳшийларча ўлдирилган боякиш ҳамқишлоғимни ахтарибман. У ҳам, алвости ҳам ҳеч қаерда кўринмабди.

КЕКСА ҚАЙНОТАНИНГ ВАСИЯТИ

1

Машхур ҳукуқшунос Абдулбосит Мамараҳимов етмиш бешга тўлишига бир ҳафта қолганида юбилей оқшоми бекор қилинди. Наврўз айёмига тўғри келадиган бу санада қўшалоқ тантана бўлиши керак эди. "Аёлининг мазаси йўқ экан" деган мишиш тарқалди. Бирорлар икки ўғли отасининг Зарзаминдаги қўш қаватли уйининг мероси масаласида тортишганмиш деса, айримлар "Ҳамма гап Абдулбосит аканинг келинларида", дейишарди.

Бир неча кун ўтиб, кампиршонинг хасталиги хусусидаги гап-сўзлар ҳақиқат либосини кийди. Абдулбосит юристнинг таваллуд кунида шаҳар шифохонасида беканинг жони узилди. Жанозага тумонат одам тўпланди. Худойиларнинг бошида ҳукуқшуноснинг ўғиллари — Бекпўлат ва Муродбек туришди. Абдулбосит юрист эса дунё ишларига бефарқдек ўтиради. Кампирининг ўлимидан кейин унинг учун янги ҳайёт, эҳтимол, мусибатларга қоришган оғир йиллар бошланётган эди.

— Марказда яшаш яхшидир балки, — деди Худойберган aka икки ўғилга. — Аммо энди отанглар ёлғиз. Иккалангдан биринг

Зарзамиңга, шу ҳовлиға күчиб келинглар. Дұстим биронтанғизниңда яшамайды. Бу – аник. Қолаверса, туғилем-үсгән қадрдан ҳовли-жойларинг.

– Хұп, амаки, маслағатлашиб құрамиз, – деди Бекпұлат.

Абдулбосит юристнинг тұнғичи Бекпұлат ишбилармен зди. Үкаси Муродбек уйланғач, у шаҳар ичкарисидаги үйини қуриб-битириб, күчиб кетди. Шаҳарнинг саноат ҳудудида цех ташкил этганды. Муродбек бир қанча идораларда ҳисобчи булиб ишлагач, касбидан құлини ювіб, құлтиғига урди-да, бозордан дүкөн очди. У ҳам отасининг ҳовлисіда яшамады. Үй-жойи акаси яшайдыған мавзега яқын зди. Хотини аввали-бошдан овсини-ю қайнона-қайнота билан чиқышолмади. Жанжаллардан ҳориган юрист үшанда кенжасининг оиласи бузилиб, невараси бўзлаб қолишдан чүчиб, алоҳида чиқартырди. Зарзамиңдаги уйга Бекпұлат қайтиши керак зди. аммо унинг хотини ҳам эндиликда күхна ҳовлида қайнона-қайнотаниң хизматини қилишни хоҳламади. Тұнғичининг оиласида ҳам жанжал олови гуриллаганидан хабар топғач, Абдулбосит юрист мажбуран келадыған келинни рад этди. Миннатли хизмат кимга керак? Эр-хотин иккала келиндан ҳам куйғанликларини аллақачон тушуниб етгандилар.

– Ҳар биirling үз оиланғ билан тинч бўлсанг бас, – деди она ўғилларига. – Машиналаринг бор, Зарзамиң бир қадам йўл, соғ-саломат келиб турсанглар бўлди.

– Тўғри, биз билан яшаши хоҳламайдыған келиндан маош олиб ишлайдыған хизматкор яхши, – деди Абдулбосит юрист. – Европага кўп борганман. Бу – оддий ҳол. Биз ҳам ўрганиб кетармиз.

Раҳматли аёли эрига мунғайиб қараганди. Абдулбосит юрист маъракаларда кампирининг ўша нигоҳини эслаб ўтирган бўлса-чи?

– Хўш, қандай қарорга келдиларинг? – сўради Худойберган aka кейинги пайшанбада.

– Отам уй кенжаники бўлади, деганди, – бошини қашиди Бекпұлат. – Шунга... хотинни кўндириб бўлмаяпти. "Васила бориб яшасин", деяпти. Кап-катта аёлни уриб бўлмаса...

- Сен нима дейсан? — кенжага құз ташлади Худойберган ака.
- Акам ҳам, мен ҳам үзимизга түқмиз, — бошини эгди Муродбек. — Биз ҳозир ҳовли талашаёттанимиз йўқ шекилли.
- Бу билан нима демоқчисан? — укасига ўқрайди Бекпўлат.
- Мен ҳам хотинимни уриб-калтаклаб келтиролмайман, ака, — деди Муродбек.
- Бас қилинглар, бўладиган гапдан гапиинглар, — Худойберган ака қўлини силтади.
- Мурод билан Василага қоладиган уйга хотиним ўлиб қолса-ҳам хизматга келмайди, — асабийлаша бошлади Бекпўлат. — У ўша томонини ўйлайди. Хотин-да, ахир! Мен нима қиласй? Ўлдираими? Ундан кўра, марҳамат, тинчгина Мурод оиласи билан кўчиб келаверсинг. Нима муаммо?! Барибир эртан-индин шундай қиласи, нега пайсалга солаяпти, тушунмаяпман.
- Яна ўша гап! Мен мерос маъносида сўрамаяпман, — Худойберган аканинг овози дағаллашди. — Зарзаминга қайси бирининг келиб яшайсан? Келиб яшаганга мерос қолса, шу адолатли бўладими? Гапиинглар!
- Мен отамнинг қийналишини хоҳламайман, — Муродбек қизарди. — Хотинимни уриб-калтаклаб ҳам, алдаб-сулдаб ҳам кўндиrolмагандим. Энди бир чорасини топмасам бўлмайдиганга ўхшайди...
- Сендан аниқ бир қарор сўраяпти, — уҳ торди Бекпўлат. — Кенжамисан, шу уй сенга қоладими, кўчиб кел-да, отамга қара! Мен ҳам ҳар куни хабар оламан, лекин кўчиб келиб яшаш бошқа масала.
- Шу ҳам гапми? Уят-е сизларга! — Худойберган ака икки ўғилға ғазаб билан бокди. — Хотинларинг қанақа инсон ўзи? Нега қайнотасига хизмат қилишдан қочади? Қанақа тарбия кўрган??!
- Амаки, — деди Бекпўлат, — менинг хотиним ҳам, укамнинг хотини ҳам жа-оқибатсиз эмас. Улар Зарзамидаги эски ҳовлида яшашни хоҳлашмаяпти, муаммо шу. Янги

уйларига, кўни-кўшниларга кўникиб кетишган, маҳалладан гўзаллик салонлари, ательелар очишиган. Отам иккимиздан биримизницида яшаса, бошига кўтаришади.

— Эй Худойим-ей! Бир мерос дейсан, бир хотинларнинг хоҳиш-истакларидан гапирасан!

— Отамнинг олдига навбат билан ҳар куни келиб, овқатини пишириб...

— Йўқ, — бош чайқади Худойберган ака. — бунақаси кетмайди. Отангларга оила керак, кирини ювиб, овқатини пиширадиган хизматкор топилади.

— Сиз "Отангни уйлантириб қўйиш керак" демоқчимисиз?

— Бекпўлат қовоқ солди.

— Уйланса уйланар, — деди Худойберган ака. — Мен боғдан, сизлар тоғдан келаяпсизлар. Тезроқ бир қарорда тўхтанглар.

Ака-ука ўйга толишли. Улар "Отамнинг қанча умри қолган экан?" деб бош қотираётгандек туюларди кишига.

2

Абдулбосит Мамараҳимов шогирдининг адвокатлик фирмасига ҳафтада бир-икки марта ишга чиқарди. "Кўнгилни ёзиб келдим", дерди у. Кампири вафот этгач, беш иш куни ҳам борадиган бўлди. Шанба-якшанба қунлари боғларни кезар, мархуманинг қабрини зиёрат қиласар, гоҳ тўнфич, гоҳ кенжак ўғлиницига бирров бош суқиб, невараларини ширинлик ва турли совғалар билан сийларди. Уйланмади, ўғиллариникига ҳам кўчмади. Хизматкор аёл овқатини пишириб, кийим-кечакларини ювиб, дазмоллаб, уйни сутуриб-сидириб кетарди. Гоҳ ё тўнфичи, ё кенжаси оиласи билан меҳмонга келар, кўхна ҳовли ғала-ғовурга тўларди. Икки келин рўпара бўлмаслик учун эрлари орқали битим имзолаганга ўхшарди. Абдулбосит юрист келинларини қачон бирга кўрганини эслайлмади. Эҳтимол, шулар иноқ яшаганида, кампирининг ҳам умри қисқармай, ҳозиргача тирик бўлармиди?

Азамат КОРЖОВОВ

— Менга қаранглар, Бекпұлат, Муродбек, — деди Абдулбосит юрист кампирининг вафотидан сүңг учинчи Наврӯз байрами арағасида, — ёшым саксонга яқынлашди. Эрта-эндин кетиб қолсам, уй талашиб жанжаллашиб юрмасликларинг учун васият ёзмоқчиман.

— Э, ота, — ўрнидан турди Бекпұлат, — мен уй талашмайман.

У "Хуқуқшунослик илмини сув қилиб ичган отам менга мерос талашишга имкон қолдирмай, уйни укамга хатлаб қўяди", деган хаёлда эди.

— Ўтири! — стулга нуқиди ота. — Сен талашмасанг, хотининг талашади, фарзандларинг талашади, невараларинг талашади. Ҳайҳотдек қўшқават уйни, мевали боғу мебел-себелни талашмайдими? Ёзда оқаётган ариқ қишида музлайди, унутма!

— Ота, — деди Муродбек, — келинларингиз уришиб қолиштан, биз уришмаганмиз.

— Борди-келди қиласынларми?

— Борди-келди қиласынмиз-ку, ота, — елка қисди Муродбек.

— Бирорлар ёмонлаб келса, ишонаверманг-да.

— Сен акантникига, акант сеникига боради, қачонки, оилаларингда бирор тадбир бўлса! — тутикади хуқуқшунос. — Бошқа пайтда бир-бирингга қорангни ҳам кўрсатмайсан. Хотинларинг-чи? Қачон борди бир-бирингникига? Ҳатто, тўй-маъракада ҳам қадам босмайди! Онасининг қовоқтумшуғига қараб, фарзандларинг ҳам оқибатсиз! Шуми борди-келдиларинг?! Тўй-маъракага бегона ҳам келади, ахир!

Ака-ука жимиб қолишиди.

— Уй учун беш юз миллион сўм сўрашаяпти, — деди Абдулбосит юрист сукутни бузиб.

Ўғиллари унга ялт этиб қарашибди.

— Уйни сотмоқчимисиз, ота? — сўрадилар бараварига.

Муродбекнинг чап қовоғи пир-пир учди.

— Йўқ, васият ёзаман дедим-ку!

— Яна шу гап, — тўнғиллади Бекпұлат ва негадир укасига ўғринча қараб қўйди.

— Уй келинларимдан бирининг номига ўтади, — деди ота. — Сен, ҳўв, Муродбек, кенжа ўғилман, уй меники, деб ҳомтаъма бўлма.

— Мен ўзимга тўқман, бунаقا гаплар нима керак? — бўзарди Муродбек.

— Сен эса, Бекпўлат, бир хас ҳам ололмайсан, — деди юрист тўнгичига.

— Керакмас, — йиғлаб юборгудек бўғриқди Бекпўлат.

— Қайси келин ҳақида гапирайпсиз унда? — сўрашга журъат этди Муродбек.

— Шу уйга келиб, ош-овқатимга қараган, кир-чиrimни ювган келинга васият қиласман, — сўзлади Абдулбосит юрист. — Балки у ўз келиним эмас, қўшнининг келини бўлиб чиқар? Балки... у бирор ижарачи жувон бўлар... Кейинги ойдан бошлаб хизматкор хотинни ишдан бўшатаман. Овқатсиз, қаровсиз қолиб ўлиб кетсам-кетаманки, хизматкордан фойдаланмайман. Бу уйни нариги дунёга олиб кетолмайман ҳам. Шундай экан, ё оқибатли аёлга мерос қолдираман, ё ош-овқатсиз, кир-чир кийимда хорзор бўлиб ўласман.

— Ана холос, — дераза томон юрди Муродбек. — Отам бизга уруш эълон қилди!

— Ота, бизга, ўз ўғилларингизга аччиқ қиласайпсизми? — деди Бекпўлат ҳам. — Хотинига кучи етмайдиган ландовурлар деб ўйлајпсизми? Нима қил дейсиз? Ҳозироқ соchlаридан судраб, оёқларини ерга текклизмай келтиришимизни истайсизми?

— Йўқ, — бошини чайқади Абдулбосит юрист, — аксинча сенлар менга аччиқ қиласайпсанлар! Мен ғалати шарт кўйдимми? Шунчаки оддий гап айтдим, холос. Ҳоҳласаларинг хотинларингни шу ерга юборинглар, ҳоҳласаларинг ўзларинг келиб, овқатимни қилинглар, киримни ювинглар. Агар иккиси ҳам қўлларингдан келмаса, мен ё тўшагимда хор-зор бўлиб ўласман, ё уй-жой керак бирор аёл нотариус билан шартнома тайёрлаб келади-да, менга имзо чектириб, меҳрибоним бўлади-қолади. Ҳартугул, ҳозирча буни бегоналарга айтганим йўқ, васият ҳақида икковинг биринчи эшилдинг.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Дүстіңтіз... Худойберған ақа билан гаплашамаң, — бурчакдаги диванга ўтирди Бекпұлат. — Отам бизни қүрқитаяпты, дейман. У киши сизга мос аёл топады, ҳаммаси из-изига тушади. Васият, мерос, ижарачи жувон... Бунақа совуқ гапларни айтмай құясиз.

— Үз отанға уялмай-нетмай нима деяпсан? — қошлари чимирилди Абдулбосит юристнинг.

— Ёлғиз қолған отани уйлантириш мусулмон фарзанднинг бурчи, — юзини четта бурди Бекпұлат.

Ота дам түнгичга, дам кенжага қарапкан, бошини сараксарап қилди.

— Үзимни ўйлаганимда, аллақачон уйланардим, — деди оғир танаффусдан сүнг. — Менинг хаёлимда фақат уй. Озмунча пулми?! "Сотиб, пулини иккиге бўлиб олсак бўлади-ку, юрист отага шу ҳам муаммоли?" деяпсанларми? Йўқ, масалани икковингга қолдирмайман. Раъйларингга қараган онанглар келиннинг хизматини кўрмай ўтиб-кетди: Нега энди хотинини йўлга сололмаган шахсларнинг йўриғига мен ҳам юрарканман? "Отам уйланмоқчи" деб ўйлаганлари-чи буларнинг! Эҳ, хомкаллалар!

— Энди бу ёғи ошиб тушди, ота, — ух тортди Бекпұлат. — Худойберган ақани чақираман, сиз билан ўзи гаплашиб қўяди.

— Қариб, мияси суюлиб қолди, деяпсанми? Ҳа, балки миям суюлгандир, лекин... лекин қонун суюлмайди, у ҳамиша ҳак. Уй... — Абдулбосит юрист деворлару шифтга киртайган кўзларини югуртирди. — ...Қонуннинг бир пух дейиши билан уй икковингдан ҳам учади-кетади.

Ака-ука ҳам беихтиёр деворларга, шифтга, мебелларга қаради. Наврўз тантаналари яқин эди. Ҳар бири ўз бизнесига алоқадор шахсларга байрамда тўкин дастурхон ёзиш ташвишида юрарди. Ўйлаб қарасалар, яна бир оз ўз ишларига чуваланиб қолинеа, бир-чимдим меҳрни деб ярим миллиард сўмдан айрилишлари ҳеч гап эмас.

Тұнғиң келиннинг исми Маҳмуда бўлиб, раҳматли отаси бир вақтлар Абдулбосит юрист билан прокуратурада бирга ишлаганди. Маҳмуда қавму қариндошини мақтаб чарчамасди. Ҳақиқатан ҳам қариндошлари пулдор ва мансабдор кишилар эди. Бироқ ҳар кимнинг ўз рўзгори бор. Уруғ-аймоги тўй-маъракаларда, туғилган кунлардағина молиявий кудратларини намойиш этишарди. Абдулбосит юрист танишининг қизини келин қилаётганида ҳаммаси бошқача бўлишини тасаввур этганди. Маҳмуда келинчаклик давридаёқ кибр билан саллониб, овқат пиширишни эплаёлмай, қўлини совуқ сувга урмай қайнотанинг ҳафсаласини пир қилди. Хийла худбинлиги, одам исини ёқтираслиги, ҳар жиҳатдан укувсизлиги ҳам яққол сезилди-қолди. Ҳар қандай хукуқшунос талабчан бўлишни хоҳладиди. Абдулбосит юрист бундай келинга талабчанлик қиласа, мижғов қайнотага айланишдан чўчиди. У келинли уйда гап ётишига ишонмасди.

Кенжекелин Васила университет доцентининг қизи эди. Муродбек севишиб уйланганди унга. Гарчи Васила ўқитувчининг қизи бўлса-да, уришқоқ ва манман онасининг тарбиясини олған чоғи, на гап кўтарарди, на мұаммоларни тинч ҳал этарди. Абдулбосит юрист дастлабки кунларданоқ уни ҳам ёқтирамади. Васила гоҳида "отажон, отажон" деб муомалани қийиб қўярди, қора меҳнатдан қочмасди, пазанда ҳам эди. Аразлаши, тап тортмасдан гап қайтариши, уятни йиғиштириб қўйиб, ади-бади айтишавериши қайнона-қайнота ва унинг ўртасида катта жарлый ҳосил қилди. "Камчиликсиз дўст ахтарсанг, дўстсиз қоласан" дейишганидек Абдулбосит юрист икки келиннинг ҳам феъл-авторига кўнди. Ота уйидан эндиғина учирма бўлган келинчаклар янғи мухитдан, эрларининг таъсиридан ранг олади, деб ўйлади. Афсуски, чучварани хом санаган экан.

Абдулбосит юрист икки ўғлини хузурига чақириб, васият ҳақида гапирган куни ҳар бирининг уйида яна жанжал қўлганди.

— Васила думини ликиллатиб, ҳаммасига эга чиқади, кўрасиз! — дерди Маҳмуда эрига. — Сиз ҳам ўғлисиз-ку! Қандай қиласиз, билмайман, уйнинг ярми бизники бўлсин! Тамом-вассалом! Ҳа, камида ярми! Бугунлай эгаллаб олишига нега қонун йўл қўяр'экан, тавба-тавба!

— Кўчиб бориш керак! — қичқирди Бекпўлат. — Бошқа йўл йўқ, тушундингми?!

— Шаҳар чеккасидаги "музей"да яшамайман, деб кечагина калондимоғлик қилаётган Маҳмудаҳон энди оёғини қўлига олиб югуриб бормоқчидир?! — чийилларди Васила ўз уйида. — Кўрсатиб қўяман у танингга! Тушини сувга айтсан! Уй бизники! Битта стулни ҳам бермайман! Отангиз ҳам қариб айнидими, нима бало, нега бирдан тўнини тескари кийиб олди? Яқинда Наврўз бўлса! Туғилган куни бўлса!

— Уй керакми, кўчиб бориш шарт! — столни урди Муродбек ҳам. — Бошқа йўл йўқ, нега тушунмайсан?! Ҳаммаси сенинг касофатингга бўлаяпти! Кичик келинмисан, ота-онамнинг хизматини қилишинг керак эди! Ҳушинг бўлганда уйни супуриб-сидириб, овқат пишириб, хушомад уриб келишингни бошимга ураманми! Висият ҳақида гап-сўз йўқ эди. Уй ўз-ўзидан бизга қоларди. Вазиятни сен издан чиқардинг! Сен! Сен!

Шундай қилиб, икки оиласда кўчиш тадориги бошланди.

4

— Ота, — кўнғироқ қилди Бекпўлат эрталабки саккизда, — келинингизга айтдим, рози бўлди. Бугун кўчиб борамиз. Невараларингизнинг ўқиши шу ерда бўлгани учун улар уйда қолишади. Мен "промзона"га Зарзаминдан қатнай қоламан. Машинам бўлеа, йўл нима деган тап. — Гапи охирида Бекпўлат кулди. — Ўзи шаҳар шовқинидан чарчагандим, тўғриси:

Отаси билан құнғироқлашғач, Бекпұлат хотинига бош иргади.

— Ҳозир, дадаси, чиқаяпман, чиқаяпман, — шошилди Маҳмуда.

Эр-хотин үтирган машина шаҳар ташқарисига йўл олди. Улар ўзларига мерос қолиши керак бўлган уйни қўлга киритиш илинжида ўй ўйлаб боришарди. Бекпұлатнинг болалиги ўтган Зарзамин осмони булатли эди. Кечаси ёққан ёмғирдан асфалътлар, дараҳтлар, томлар ялтиради. Эрта баҳордаги яланғоч дараҳтлар, ярим кулранг, ярим қорамтири булатлар, онда-сонда учрайдиган тунд қиёфали кишилар бир тан, бир жон эди гўё.

— Ҳалитдан юрагим сиқиляпти, — деди Маҳмуда. — Чекка жойда қачонгача яшайман... А, дадаси, мум тишладингизми?

— Ҳув анави томни қўраяпсанми? — Бекпұлат тераклар ортида қўзга ташланган малла черепициали чордоққа, фишти мўрига ишора қилди. — Беш юз миллион сўм туради. Агар оғзингга эрк бераверсанг, ўша том тагида овсининг яшashi мумкин. Қанча яшашини билмайман-у, аммо у беш юз миллион сўмни куртдек санаб олиши турган гап. агар сен...

— Нима мен? — ўпкалади Маҳмуда. Шу ондаёқ қайнотасининг мерос фақат келинлардан бирига тегиши мумкинлиги ҳақидаги гапини эслади. — Сиз билан нотариусдан чиққанда гаплашаман.

— Қанақа нотариус, Маҳмуда?

— Меросни тасдиқловчи нотариус. Қўнглим сезаяпти. Қайнотамнинг қўнглини мен забт қиласман. Мен дуосини оламан. Уй ҳам менга қолади.

Бекпұлат "Хўҳ-хӯ-хӯ-у" деб кулган бўлди. Маҳмуда "тавба" деганча юзини буриб, намикқан дунёга ҳиссиз нигоҳ қадади.

— Марҳамат, меросни қўлга кирит, — деди Бекпұлат кулиб бўлгач, — отамни алдай оласанми? Айтмоқчиманки, ростдан ҳам тер тўкиб ишлашинг, хизматини беками кўст қилишинг керак. Семириб, зинадан ҳам зўрға чиқадиган бўлиб қолгансан.

Кўча эшиги очиқ эди. Иккита сумкани кўриб, Маҳмуданинг

юраги шиф этди. Наҳотки, овсини ундан олдин келган? Албатта-да. Бойликдан курук қолмаслик учун қараб ўтирмаса керак. Қолаверса, қүш қаватли уй шундоқ ҳам кенжаники эди, түнгичга қаёқдан күөш чиқди? Маҳмуда қайнотасининг саройи жанг жадал билан кўлга киритилишини, зотан овсини анойилардан әмаслигини, ҳам тулкилил, ҳам бўрилик қилишини юракдан туйди. "Бўш келмайман", — деди у.

Ичкаридан хизматкор аёл чиқди-да, сумкаларини ердан узди. Афтидан у ишдан бўшаб, уйига кетаётган эди. Маҳмуда енгил тортди.

— Отангизнинг мазаси йўқ, — деди Бекпўлатга. — Биринчи қаватда, ўз хонасида ётибди. Уколлари эсдан чиқмасин, ҳамширага эслатиб қўярсиз. Мен ишдан бўшадим.

— Нега менга хабар бермай, индамасдан кетаяпсиз? — афти бужмайди Бекпўлатнинг. — Эс-хушиңгиз жойидами? Агар бугун келмаганимда-чи?

— Сизга хабар бермоқчи эдим, укангиз телефон қилиб қолди, ҳаммасини тушунтирдим. Муродбек ҳам, отангиз ҳам телефонда сизга ҳеч нарса демадими?

— Ҳеч ким ҳеч нарса демади! — овозини баландлатди Бекпўлат.

— Вой, асабийлашманг! Ота сизники. Индамасдан кетиб қолганимда ҳам барибир отангизга қўнгироқ қиласдингиз. Ана, қизи бошида ўтирибди. — Хизматкор илдам кета бошлади.

— Қизи? — Бекпўлат ва хотини кўз уриштириди.

— Узр, адашибман, келини, — қайрилиб қаради хизматкор.

— Келини?! — баттар ҳайратланишиди эр-хотин.

Улар ранг-күтлари ўчиб, бир сўз қотишга ярамай, уйга шошиб кирганларида, Абдулбосит юрист кув-кув ўйталганча оппоқ чойшаб ёпиниб ётарди. Ошхонадан коса-товоқнинг шақир-шуқири, сувнинг вошиллаши эшитилди.

— Биз келдик, ота! — деб юборди Бекпұлат саломни ҳам унүтиб.

Абдулбосит юрист сесканиб тушиб, тұнғич үғли ва келинига норизо тикилди.

— Юрагимни ёрвордиларинг, — деди ёстиққа бош ташлаб. — Солия кириб, ким келганидан мұлойимлик билан огохлантираарди. Афсуски, бугун унинг жавобини бердим.

— Кетса кетаверсин, энди кераги йўқ, — деди Бекпұлат ишонч билан.

— Майли, үтиргилар, — қулини қимирлатди ота. — Ўзи анчадан бери кутиб ётгандим.

— Бизними? — сумқаларини гиламга қўйди Бекпұлат.

— Йўқ, касал бўлишимни, — ўқрайди ота. — Шундагина кеча айтган гапим кучга киради. Тұшакка михланиб, Солияни ҳайдаб юборсан, ҳаммаси тез тугашига ақлым етди. Касал ҳолимда узоқ вақт ёлғиз қолмайман. Организм қариган, умр ниҳоялаган, ӯлимим яқин.

— Бу гапларни қўйинг, ота...

— Ҳа, унақа деманг, — Маҳмуда қайнотасининг каравотига яқинлашиди. — Совуқ сув ичдингизми? Йўталаяпсиз?

— Кеча ертўладаги жўмрак очиқдек туюлди. Тушдим, ҳамма ёқ тинч. Жўмракни текшираётгандим, бошимга сув қўйилиб кетса бўладими. Мен ҳам ўчираман деб канадай ёпишибман. Қочмайманми?! Кийимимни алмаштиргунимча ишим пиши.

— Айтсангиз, ӯзим қилиб берардим-ку! — жигибийрони чиқди Бекпұлатнинг. — Доим шунақасиз. Ӯз қўлингиз билан бажармасангиз ҳисобмас.

— Ертўлага хоҳлаган пайтим тушаман, шу вақтгача жин ҳам урмаган. Нима, ростдан ҳам шу ерда яшашга келдиларингми?

— Бутунлай қўчиб келдик, — дея Бекпұлат ошхона томонга қараб қўйди. Ошхонадаги одам ақл бовар қилмас тезлик билан шақирилатиб коса-товоқ юварди. Аммо Бекпұлат гапираётгандан, идишлар шовқини бир нафас тинди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Уканг билан Васила келинга ҳам инсоф берди, — деди Абдулбосит юрист инқиллаб, — улар ҳам шу ерда.

— "Тез ёрдам" чақираман; — Бекпўлат телефонини чиқарди.

— Телефон қилма, — ўқрайди Абдулбосит юрист. — Тинчгина ўлишимга кўясанми, йўқми? Жойига сол телефонингни!

— Вой ўлмасам... — ёқасини ушлади Маҳмуда. — Ўғлингиз сизнинг соғлигингизни ўйлаяптилар, сиз эса...

— Нималар бўлаяпти ўзи сизга, а? — ранги ўчган Бекпўлат уф тортди.

Шу пайт эшикда енги шимарилган Васила пайдо бўлди.

— Муродбек акамни шошибинч чақириб қолишиди, ишга кетди, — деди у. — Ассалому алайкум, aka, яхшимисиз? — сўрашди Бекпўлат билан. Кейин овсинига ҳам кўз ташлаб кўйди: — Келинг, опа.

— Худога шукр, бўлар экан-ку, — деди Абдулбосит юрист. — Мен ҳамиша нимадан хавотирланганман? Мехр-оқибатнинг тирилмаслигидан. Ҳаммангинг уй-жойинг, ишинг, пулинг, бола-чақанг бор. Лекин... қаричиликмикан, билмадим, восвостга тушдим. Шуларни ярашган ҳолда кўрармиканман, дедим. Икки келин бошингда парвона бўлса, ўлмайсан киши. Ҳа, бари яхши бўп кетади. Мол-мулк... ҳаммадан қолади... Баҳтли ҳолингда ўлганга нима етсин.

Бекпўлатнинг чап қовоғи учди. Кекса отаси қош кўяман деб, кўз чиқармаса гўрга эди. Ўзи бир аҳволда ётган бўлса, ит-мушукка айланган келинларидан меҳр умидворми? Келинларининг жаңжалини кўриб, ажалидан беш кун бурун ўлмаса эди.

Телефонида европача мусиқа жаранг сочди.

— Ўчир телефонингни, — деди Абдулбосит юрист. — Муштаккина телефоннинг оркестрдек мусиқа чалиши бирам ёқмайдики... Бугундан бошлаб хонамга киргандарингда телефонларингни ўчириб қўйинглар! Ҳамманг! Эшитдиларингми?

Чолнинг инжиқликлари келинларининг бир дақиқада ёқ асабларини таранг торттирган эса-да, иккиси ҳам иложсиз турарди. Бекпўлат қўшни хонага чиқди.

— Ақажон, қаердасиз? — деди ёрдамчиси ташвишли оҳангда. — Базага туширилган молларни тамғалаб кўйишибди. Тезроқ келинг.

— Нимаси нотўгри экан ишимизнинг?

— Билмадим, менга айтишмади. Хўжайинингни чақир, дейишиди.

Бекпўлат отасининг хонасига сўлиб қайтди.

— Ишга боришим керак, — деди хотинига. Сўнгра отасига кўз ташлади: — Чақиришибди, ота. Кечкурун келаман.

— Уйда ким қолади? — кўзини очди Абдулбосит юрист.

Келинлар бараварига жавоб беришибди:

— Мен.

— Мен...

5

Васила яна ошхонага кириб, қўлларини сочиққа тез-тез артди-да, чангютгични кўтариб, иккинчи қаватта ўрмалади. Сал ўтмай чангютгичнинг гувиллаши эшитилди. Маҳмуда қайнотасининг олдиди ярим соат у-ёқдан бу-ёқдан тап-сотиб ўтиргач, хонани тарк этиш вақти келганини тушунди.

— Ота, тушликка нима пиширай? — оғир кўзгалди у.

— Овқатни Василага айтганман, сиз кийимларимни юва қолинг, — кўзларини юмди қайнота. — Шошмасдан ювасиз, дазмоллашингиз ҳам чиройли. Раҳматли қайнонангиз шу жихатингизни кўп мақтарди.

— Раҳмат, — деб Маҳмуда қайнотасининг кийимларини бир тофора қилиб, ҳаммом томон юрди. Бироқ ҳаммом ёнидаги хонага киргач, кирмашинани ишлатолмади. Чивиннинг кўзидек қизил чироқчаси ҳам ёнмади. Дарҳол эрига кўнфироқ қилди.

— Солиянинг телефон рақамларини беринг, — деди жеркиниб. — Кир ювадиган машинани бузиб кетибди-ку ярамас! Бугун отамнинг кирини ювмоқчиман.

— Арзимас нарсалар билан бошимни қотирма! — деди эри. — Сенга айтдим-ку, Хитойдан келган молларимни базада

тамғалаб қўйишибди, деб! Шундай пайтда кирмашина-ю, хизматкор билан безовта қилмасанг-чи! Кир-чирни гапирасан! Тогора бордир? Тогорада юв!

— Насибани чақираман...

— Насиба ҳозир университетда! Танаффус пайтида Зарзамингача йигирма беш километр йўл босиб, кир ювиб кетадими? Кечқурун ҳам чақирма! Имтиҳонлариға тайёрлансан! Уқдингми?

Маҳмуда эллик ёш остонасидан басавлат хотин эмасми, тогорага энгашолмас эди. У қайнотасининг кийимларига юқоридан ижирғаниб қаради. "Фуф, шуларни кўтариб келдимми?" Момиқ қўллари тогорада кир эзмаганига ҳам йигирма йилча бўлиб қолганди.

— Вой дод, — зорланди ўз-ўзига. — "Гап"даги хотинлар ҳолимни кўрса, кулгидан ўлиб қолишса керак. "Қайси келин яхши хизмат қилса, уй ўшанга", деган бало бобойнинг миясига қай гўрдан кела қолди, а? Уйни иккига бўлсин эди! Етади икки юз эллик миллион! Аnavи Васила илоннинг олдида шармандам чиқиб, икки қўлимни бурнимга тиқмасам эди ишқилиб... Уф-ф!

У ўпқасини босиб, чукурроқ ўйлаб ўзига таскин берди: "Қаёққа кетаман? Чидайман! Уй меники. Беш юз миллион сўмдан ҳам қимматга кетади бу кошона. Энг камида ярмидан хомтама бўлған Василага гутурт чўпу ҳам тегмайди. Уй кенжага қолиши керак эди. Бу мусобақа аслида бизга "шанс" бўлди. Фақат озроқ машаққат чекаман. Менинг ёшимдаги хотинлар бозорда тўрт-беш сўм учун қатиқ сотиб ўтирганида, битта кирни эплаб юволмайманми? Бир тогора кир учун шунча нарсадан айрилиш... Худо сақласин! Ҳақиқатан юрист одамдан кўрқиши керак. Мияси айниб турибди. Аямайди..."

— Кирмашинага нима қилган? — У қўлини белига тираб, овсинига қаради.

Чангютгич халтасини бўшатишга чиққан Васила энсасини қотириб:

— Ит билибдими? — деганча чиқинди қутиси томон ўтиб кетди.

— Ҳе, ўл-э, муомалангта кўтири чиқсан, — пи chirлади Маҳмуда. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Васила супур-сибирни тугатди. Энди у ошхонада куймалана бошлади. Қизиган ёғга тушган гўшт жазиллади. Маҳмуда дарвозага чиқди. Кўчадан ўтаётган жувон унга салом берди. Таниди: сутчурушнинг келини.

— Исимингиз Нафисамиди, Маҳфузамиди? — тилла тишларини ярақлатиб, жилмайди Маҳмуда. — Сизни бир ҳашарга айтсам дегандим, келинжон. Умрингиздан барака топинг, илойим.

Жувон уйидан рухсат олиб келди-да, кир ювишга тутинган ҳам эдики, Васила бостириб кирди. Важоҳатидан от ҳуркарди.

— Нима қиласяпсиз, Нафисахон? — Василанинг ранг-рўйи гезарди. — Қайнотамнинг кийимларини ювяяпсизми? Ташланг! Тез ташланг!

— Узр, Маҳмуда опамлар айтганди...

— Опа, нима қилганингиз бу?! — овсинига ўгирилди Васила.

— Бир кун ювдирасиз, икки кун ювдирасиз, кейин-чи? Ҳали қайнотамнинг тувагини ҳам қўшниларга тозалатарсиз? Шуми меҳрингиз? Найрангбозлик-ку, ахир!

— Ўчир! Менга жириллама! — туфук сачратди Маҳмуда. — Ошхонага кир-да, овқатингни қил! Қачондан бери менга гапирадиган бўп қолдинг? Ҳатто, ҳол-аҳвол ҳам сўрама!

— Ҳозир отамга кириб айтаман, — қулини силтаб-силтаб гапирганча Васила уйга чопди. — Келинларнинг меҳрини кўрай деб бизни чақиритирдингиз, лекин анави бойнинг бақалоги дарров чўрига қилдираяпти, дейман! Ҳа, ҳозир кўрасиз мендан! Совуқ сувга қўл урмаган Қиммат ёш келинлигига одам бўлмаганида, эллигида қойиллатармиди!

Сутчурушнинг келини умри бино бўлиб қирқ беш-эллик ёшлардаги бойвучча аёлларнинг ўтинга сепилган ермойидай пов этиб ёнишини кўрмаганди. Хайр-маъзурни насия қилиб, бир зумда кўздан йўқолди. Маҳмуда ичкарига ноилож кирди. Ҳозир остона ҳатламаса, бир дақиқадан сўнг Васила қайнотаси чақираётганини итдек акиллаб айтади.

— Маҳмуда, — ёстиқقا суюнди Абдулбосит юрист, — ўз қўлингиз билан кир ювишингизни хоҳлагандим. Отангиз

раҳматли ҳаракатчан, ичи ва ташқариси бир хил инсон эди. Прокуратурада бирга ишлаган көзларим ҳавас қылардик. Шундай одамнинг қизи қайнотасининг кийимларидан ирганса...

— Бу, — дея овснинга құлини бигиз қилди Маҳмуда, — туҳматни дүндирайпти. Оиласида шунақа тарбия күрганини ҳув ўша янги келинлигидәёқ айтганман. Кийимларингиздан ирганганим йўқ, ота! Ўзбекчиликда қўни-қўшни келинлар ҳашарга чиқади. Нимаси ёмон? Васила қўшнининг келинини "чўри" деди. Шаллақи-да!

— Оғзингизга қараб гапиринг! — ўшқирди Васила. — Яна қайтараман: бу ҳашар эмас, қайнотасининг кийимларидан жирканиб, чўрига ювдириш, дейилади!

— Бас! — Абдулбосит юрист тумба устидаги соатни деворга улоқтирган эди, қарсиллаб синди. — Ўлаётган касал қайнотанинг бошида жанжаллашишни ким ўргатди? Қайси халқда, қайси мазҳабда бор?! Ҳа, шунча вақт индамай келдим! Сизларга бақирмадим, ўғилларимни сўкмадим, ҳаммангизни ўз ҳолингизга ташлаб қўйдим! Бошимда қаққаймай, ўтиринглар стулга!

Келинлар ранги гезариб, стулларга чўклилар.

— Охирги кучимни соатга сарфладим шекилли, — заҳарханда қилди Абдулбосит юрист шифтга ҳолсиз термуларкан. — Соат синдиридимми? Соатни-я?.. Ҳаҳ-ҳа-ҳаҳ-ҳа...

Келинлар илк бор бир пайтнинг ўзида учинчи шахсдан хавотирланиб, бир-бирига хайриҳоҳлик-ла қўз ташладилар. Кампира вафот этгач, одамови бўлиб қолган чол, уларнинг назарида, эндиликда эсдан оғаётган эди.

— Маҳмуданинг чўчиб тушганини пайқадингизми, Васила? — кўзлари ёшланди қайнотанинг. — Сиз-чи, Маҳмуда, Василанинг кўзлари қандай олайганини кўрдингизми? — Абдулбосит юрист ёш боладек кўзларини Василага тақлидан ўйнатди. Сўнг бирдан жиддий тортди. — Мияси суйилган мен — аҳмоқни кечиринглар, ҳурматли келинжонларим! Нималар қилаяпман, ё алҳазар! Умримнинг охирода шунақа бўлиб қолишимни туш кўрибманми? Келинглар, яхшиси, қарғанмасдан, ғазабланмасдан бир оғиздан

гапиринглар. Нима тап ўзи? Нега доим жанжаллашасызлар? Икковингиз ҳам яқинда қиз чиқариб, ўғил уйлантириб, қудандали бўласизлар.

— Гап келинларда эмас, узр, ота, — деди Васила мудойим, аммо хиёл қалтироқ оҳангда. — Гап келинларнинг бирида. Тўғри, мен жуда оппоқ эмасман. Лекин бошиданоқ Маҳмуда опа сепларимга паст назар билан қараган. Ота-онаси ҳам доим байрамларда менинг ғота-онам берган совғалардан қимматроғини олиб келарди. Уларга Маҳмуда опа қўнгироқ қилиб атайлаб тайинларди ва албатта ғалабасининг натижасини ҳам онасига ҳисобот тариқасида айтарди. Шу овсин туфайли ёш келинлик даврим фурбатда ўтди: Уй ишларини қилмаслиги-чи? Уйида ўрганмаган экан, шу ерда ўргансин эди...

— Кизицмай гапирдингиз, раҳмат, келин, — Абдулбосит юрист қўлини кўтарди. — Сўз сизга, Маҳмуда. Кизишиш, қарғаниш тақиқланади. Келишдиқми? Яна бирор нарсани синдиришга мажбур қилманглар, илтимос.

— У, — дея ияги билан Василани кўрсатди Маҳмуда, — бирорва бор бўлса, кўролмайдиган, фақат ўзим бўлсам, дейдиган тоифадан: Сеплари меникидан пастлигини кўриб, ўз-ўзидан гайирлиги қўзигани кечагидек ёдимда. Нега мени ёмон кўрарди? Сабаби, бой хонадон қизи эканимда! Чунки у ўз ота-онасининг совға-саломлари тўқис, ҳамманикидан қиммат бўлишини, эрининг хонадонида айнақ ўзи папаланишини истайди. Қараса, мен борман, чучварани хом санабди, бояқиш. Ўшандан бери мен ёмонман-да.

— Сизга ҳам раҳмат, келин, — деди Абдулбосит юрист. — Иккингизни ҳам жуда яхши тушундим. Гап келин дегани бой ё камбагал, ўқимишли ё ўқимишсиз оиласдан чиққанида эмас экан. Гап унинг одам бўлолмаганида...

- Мени айтаяпсизми? — сўради Маҳмуда.
- Йўқ.
- Меними? — ранги оқаринқиради Василанинг.
- Йўқ, — такрорлади Абдулбосит юрист иккисига бир-бир назар солиб. — Сизларни ҳақорат қилиш ниятим бўлганида,

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҳузуримга чақыртириб, меҳрингизга зор бўлармидим? Ҳаётимда иккита меҳрибон аёл қолди: Маҳмуда ва Васила, яъни сизлар. Иккисининг ҳам отаси вафот этган. Бироқ яна бир оталари бор — камина; мана шу қурқшаган вужуд. Умри ниҳоялаб қолган қайнотанинг охирги кунларида бирингиз дуоларимни олиб қоласиз. Дуо билан бирга уйни ҳам.

— Ниятингиз бизни яраштириш, тушунаман, — деди Маҳмуда.

— Уйни Василага қолдирсам, у билан ярашасизми? — сўради Абдулбосит юрист. — Икки дунёда ҳам! Аксинча, Маҳмуда, сизнинг номингизга васият ёзсан-чи? Василадан омон қолармикансиз? Шундай экан, нега иккингиздан бирингизга уйни қолдирмоқчиман? Умрбод бундан-да баттар қирпичоқ бўлишиларингиз учунми? Йўқ.

— У ҳолда мақсадингиз фақат вақтинча меҳр кўришми? Уй учун сохта меҳр топиш сизга нимага керак? — қовоғи янада уйилди Маҳмуданинг.

— Сиз менга сохта меҳрибонмисиз?

— Рол ўйнаёлмайман, сизни ҳам қайнотам, ҳам фарзандларимнинг бобоси сифатида қаттиқ ҳурмат қиласман, меҳрим бўлакча, — деди Маҳмуда. — Мен Василани назарда тутдим. У нега аввалроқ яшашга келмади? Мен эса "Уй кенжаники, агар кўчиб бориб, қайнотамнинг хизматини қила бошласам, уйни эгаллаш мақсадида найранг ишлатаяпти", деган туҳматга қолишдан кўрқдим. Аслида, ҳаттоқи, улушпулуш ҳам керакмасди.

— Керак бўлмаса, жўнанг! — жёркиди Васила.

— Отам фақат сендан эмас, мендан меҳр истаб, уй баҳона шу ерга чақыртирган бўлса-чи? Буни сен қаёқдан биласан? — деди Маҳмуда овсинига. — Менга ҳеч нарса бермаса ҳам, ўғли учун, неваралари учун бир нима берарди. Ахир, Бекпўлат ака ўтгай эмас-ку?

— Бас! Жанжаллашсаларинг... яхшиси, кета қолинглар, уйни камхарж оиласаларга берганим маъқул... — бўғриқди

Абдулбосит юрист Иккингизни ҳам бир күз билан күраман, нега мени кийнайсизлар? Ит билан мушук эмас, одам болаларисиз-ку!.. Телефонларингизни беринглар. Уй ишларини бажараётиб аллақаёқтарга құнғироқ қиладиган, валақладыған келинларни жиним сүймайди.

Абдулбосит юрист келинларининг телефонларини учирди-да, ёстиғи тагига тиқиб қўйди.

— Невараларингиз хавотирланади-да, отажон, меникини бера қолинг, — ялинди Васила.

— Менга ҳам ўғилларим тез-тез құнғироқ қиласы, — Абдулбосит юрист нигоҳини ўқдек қадади. — Буни улар "мехрибончилик" деб аташарди. Билсам, алданган эканман. Мехр күзда, меҳр оиласа. Шунинг учун, Василахон... Хуллас, телефонларга күп ҳам ишонманг. Хавотирланишга ўрин йўқ. Сиз на чангальзордасиз, на девнинг уйида.

Кекса қайнота Маҳмудага кир ювдирди, Василага таом пиширтириди. Сунг учаласи бир дастурхон атрофида тушлик қилдилар. Дастваб Маҳмуда овсими пиширган овқатни ейишдан бош тортди, шунда Абдулбосит юрист деди:

— Кечки овқатни сиз пиширасиз, Васила ҳам ейди. Бир луқма овқат учун кетиб қолиб, дуо ўрнига қарғишимни олмоқчи бўлсангиз, сизни мен таниган улуф инсоннинг қизи эмас, деб ўйлайман. Ҳа, шундай ўйлайман ва... қўлимдан келган барча ишни қилиб, кейин ӯламан...

— Кечиринг, ота, — бош эгди Маҳмуда.

Васила бу гал мийифида заҳаролуд кулиб қўймади. Зотан иккиси ҳам ёмон оилаларнинг қизлари эмасдилар. Турмушга чиқишишга, эр хонадонидаги муҳорабаларга муккасидан кетган адашган аёллар эдилар, холос. Уларни кимдир ёруғликка олиб чиқиши керак эди. Бир-бирига тузатиб бўлмас ёмонликлар қилиб қўймасликдан олдин, албатта.

Ҳамшира беморга укол қилди. Уни ҳеч ким чақирмаса-да, олдиндан тайинлаб күйилгани учун ўзи келди. Ҳайҳотдек уйда овсинларга юмуш тиқилиб-бижғиб ётарди. Аксига олиб, пешиндан сўнг газ ҳам, электр ҳам ўчди. Симли телефоннинг бузуклигини кўриб, Васила фазабдан тишларини гижирлатди. У қирқ ўшдан ошган бўлса-да, овсини каби семириб кетмаган, ўрта бўйли, хушбичим, қошлиари чимирилган, тетикгул аёл эди. Шаҳар марказидаги гўзаллик салонида ёш ва ҳаракатчан қизлар ишласа-да, кўпинча ўзи ҳам ишга уннаб кетарди. Ҳали-хануз бир жойда тинч ўтиrolmasdi. Муаммоларни шартташартта ҳал қилишга ўрганиб қолган, сабрсиз аёл эди. Маҳмудадан кутулишга кўзи етмагач, уни заҳарлаш ҳақида ўйлаб қолди. Ўлмасин, аммо бир нави бўлиб, бу ердан йўқолсин.

Ҳамширанинг ортидан дарвозага чиқиб, ёлғонни қалаштириди:

— Қайнотамга қараб ўтириб, бир китоб ўқидим. Касал одам ҳақида экан. Душмани унга ўнта демидрол бериб, ўлдириб юборади. Менга асар ҳаётий туюлмади. Ўнта таблетка одамни шунчалик тез, сездирмасдан ўлдирадими? Ўнтадан ками-чи?

— Опа, касал одамга ўнтадан ками ҳам етарли, — деди ҳамшира. — Лекин демидрол қўшилган сув ёки чойнинг тахири чиқиб кетади. Бемор индамай ичаверибида-да, а?

— Шунинг учун ишонмадим-да, — тарвузи қўлтиғидан тушди Василанинг.

У Маҳмуданинг қон босими тез-тез ошиб туришидан боҳабар эди. Бир неча демидролни чойнакка ташлаб қўйса, тахир таъмли чойни овсини ичмаслигини тушунди. Ичган тақдирда ўлиб қолса...

"Шайтонга ҳай берганим маъкул, — ўйлади Васила. — Бошқа чорасини топаман. Жанжал қўтарсан, қайнотам паттамни қўлимга тутқазади, уйни Маҳмуда оппа-осон олади. Ўлдириб қўйсан, уволига қолишим етмагандек қамалиб ҳам кетишим мумкин. Яххиси, жигига шундай ўхшатиб тегаманки, уйдан қочиб чиқсагина мендан кутулишини тушунади".

Кечқурун эрлари ишдан қайтганида тунаш учун овсиналар ўзлари учун хона ҳозирлай бошладилар. Абдулбосит юрист Маҳмудани уйнинг ўнг қанотидаги, Василани чап қанотидаги хонага келин қилиб туширганди. Гарчи кўчиб кетишган бўлишса-да, ҳар бирининг келинлик уйида гиламлар, мебеллар, тошойна ва ётоқ дивани қолдирилганди. Бекпўлат ва Муродбек оиласари билан Зарзаминга меҳмонга келишса, ўзларининг ётоқхоналарида ётишарди.

Васила иккинчи қаватга илдам чиқиб, эшик-деразаларини очиб, хонани тозалашга киришди. Маҳмуда ошхона олдида шошилмасдан куймаланаарди. Кечки овқатни тайёрлаш унинг гали. "Имилламай ўл", деб қарғанди Васила.

Бир оздан сўнг қўшниникига чиқиб, Муродбекка сим қоқди:

— Дадаси, телефонларимизни отангиз олиб қўйди. Симли телефон ҳам ишламаяпти. Газ-свет йўқ. Соат нечада келасиз? Хит бўп кетдим-ку!

— Дўконни тафтишчилар босди, бугун боролмайман, — Муродбек дағал оҳангда гапирди.

— Кечқурун бўшарсиз...

— Бўшамайман! — деди Муродбек. — Ярим кечагача прокуратурада ўтираман!

— Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи, дадаси!

— Сотувчининг аҳмоқлиги туфайли колбаса ва консерва учун энди каллам билан жавоб бераман! Ҳаммаси қўлбола экан! Таркибидан совун чиқди!

— Совун? Гавба, қанақа совун? — кўзларини ола-кула қилди Васила.

— Ўлик ювадиган совун, тушундингми? — гўшақдан тутулаш эшитилди.

Васила оёгини қўлига олиб, қайнатасининг ҳузурига чопди. Абдулбосит юрист инқиллаб-синқиллаб телефонлардан бирини ёқди-да, Муродбек билан гаплашди..

— Ҳеч нарса бўлмайди, сен ишлаб чиқармажансан-ку! — деб ўғлини койиди.

— Дадасининг ҳам молларини тамғалаб қўйишган, — мўлтиради Маҳмуда.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бемор ота Бекпүләтга ҳам құнғироқ қилиб, унга-да танбек берди:

— Текширишга ҳақлари бор, ваҳимага түшма! Шұнақа ваҳимакаш ва сабрсиз бўлсанг, бизнесдан қўлингни ювиб, қўлтифингга ур!

— Тинчликмикан ишқилиб? — келинлар кекса қайнота умидвор тикилишди.

— Тинчлик, — лабини бурди Абдулбосит юрист ва телефонни ўчириб, ёстиқ тагига қўйди. — Нима ҳам бўларди? Бу ёқда мен ўлмоқчиман, у ёқдаги иш шунчаки текшир-текшир. Агар билсаларингиз, келинларни ҳам назорат қиласидиган шундай ташкилот бўлганида, ҳолларингизга маймунлар йигларди. Қани, оиласиј альбомимни келтиринг, Васила! Сиз — Маҳмуда стол устидаги дори-дармонларни йиғиштиринг. Ҳозир сизларга альбомимдан оиласија душманларини кўрсатаман. Улар авлодларимни йўқ қилишмоқчи! Бутунлай! Ва ҳеч қандай куролсиз! Мен қарий чол эса оёқ узатиб ётибман.

Васила қайнотасиининг кутубхонасиға кириб, қалин фотоальбомни топди. Айни дамда қия очиқ кўча эшиқдан бир жувон пусиб кирганини деразадан қўриб қолди.

— Сизга ким керак? — ҳовлига чиқди Васила.

— Маҳмуда опани чақирворинг, — нотаниш жувон кўзларини бежо ўйнатди.

Васила зийрак эди. Нотаниш жувон нимадир келтирганини сезди. Ҳақиқатан, жувон муштумини қисиб, ҳайбатли уйнинг деразаларига аланглади.

— Менга бераверинг, — деди Васила. — Сизни кейинроқ келади, деганди.

— Ўзлари айтдиларми? — ажабланди жувон. — Шахсан қўлига топширишимни тайинлаганди.

— Бераверинг, ўртамиизда сир йўқ, — қўл чўзди Васила.

Нотаниш жувон дастрўмлолга ўралган кичик тугунчани узатиб, деди:

— Сичқонларингиз роса қириладиган бўлди-да, опажон!

Васила уйта кириб, тугунчани очди. Маргимуш! "Демак, овсиним мени ўлдирмоқчи", — ўйлади у. Қайнотасининг хонасига кираётиб, сир бой бермасликқа тиришса-да, лаби қимтилиб, қоши чимирилиб, ранг-кути ўчганини сезди. Одатда, оғир-босиқ кишилар сир яшироларди. "Маҳмуда шұнақа сездирмас, — хаёлидан ўтқазди Васила. — Наҳотки у мени ўлдириш учун маргимуш буортма берган? Пасткаш! Ҳозирнинг ўзида заҳарни башарасига отсаммикан? Милиция қақырсаммикан?"

Бироқ у кутишга қарор қилди. Балки собиқ ҳамкасбининг қизи ўч олиш борасида жиноят оламидаги кazzоблардан ҳам қолишмаслигини қайнотасининг ўзи фош этар? Душман ҳақида бекорга гапирмади.

— Отажон, — деди Васила альбомни узатаётиб, — авлодларимизни йўқ қилмоқчи бўлган душманимизнинг расми нега оиласий альбомимизда сақланаяпти, деб ўйлаб қолдим. Бундан чиқди, у оиласиз аъзоларидан бири экан-да?

— Келин, — Абдулбосит юрист кўзойнагини тақди, — нега сиз доим "бири" деб гапирасиз? Боя ҳам "Гап келинларнинг бирида", дедингиз. Мен сизга айтсам, ёмон ёлғиз чиқолмайди, уни икки ва ундан ортиқ одам етиштиради.

Қайнота альбомни авайлаб очди. Сурат анча йиллар бурун олинган, устига чизиқ тушган, хиёл сарғайган эди. Абдулбосит юрист ва раҳматли рафиқаси тўрг ёшлардағи Бекпўлат билан бир ёшлардаги Муродбекни тиззаларига олиб ўтиришибди. Келинлар бу суратни аввал ҳам кўришган эди. Ҳозир қандайдир сирли туюлди.

— Менинг оиласи, — деди Абдулбосит юрист. — Беғубор болажонларим, бечора аёлим. Умр ўтди-кетди.

Кейинги саҳифада Абдулбосит юрист ҳам, хотини ҳам ўтгиздан ошган, ўғиллари мактаб ўқувчилари. Альбом варақланган сайин ҳақиқатан умр ўтиб борарди. Ота-онанинг сочига оқ оралаши, фарзандларнинг бўйи чўзилиб, мўйлов

қўйиши. Альбом саҳифалари охиrlаб, суратлардан ота-она ғойиб бўлди. Икки ўғил, ёнларида келинлар. Навбатдаги саҳифаларда ҳар бир ўғли ўз оиласи билан алоҳида тушган суратлар...

— Ҳаёт альбомида сизлар пайдо бўлдингиз, ҳурматли келинларим, — Абдулбосит юристнинг ажин босган юзида қайгу акс этди. — "Эрни эр қиласидиган ҳам, қаро ер қиласидиган ҳам хотин", дейдилар. Нега менинг ўғилларим ота-бобосининг боғларини гуллаб-яшнатмасданоқ икки ирмоққа ажралиб, бутунлай бошқа далаларга оқиб бораяпти? Ўзларидан бегона боғларни қолдириш учунми? "Авлодни авлод қиласидиган ҳам, барбод қиласидиган ҳам келинлар", деган мақолни киритмоқчиман. Нима дейсизлар?

— Мени ҳам шунчалик душман деб ҳисоблаяпсизми? — Василанинг фифони кўкка ўрлади. — Отажон, ёнингизда қотил турибди! Ҳозиргина шериги маргимуш келтириб берди. — У тугунчани очиб, қайнотасига тутди. — Маҳмуда опа кимни заҳарламоқчи? Мени ва сизни! Ё шу аёл сичқонларга қарши курашадими? Осмон узилиб ерга тушса ҳам!

— Тұхмат қилма, ярамас! — Фазаб отига минди Маҳмуда. — Маргимушни сичқон учун буюргандим, уқдингми? Күрпамнинг бир четини ебди. Аслида маргимушни сенга берсам ҳам бўларди. Вирусинг сичқонларницидан ҳам кўп.

— Йўқол бу ердан! — Сенсираб қичқирди Васила.

— Сен йўқол, қораялоқ! — Маҳмуда овсинининг ёқасига ёпишди.

Иккаласи касал қайнотанинг бошида даҳанаки жангни бошлиган ҳам эдик, эшик очилиб, Худойберган aka ва таниш нотариус йигит важоҳат билан кириб келишди.

— Уят сизларга! — хитоб қилди Худойберган aka.

Яқинда қайнона бўламиз, деб юрган кап-каптта хотинлар (ўзларича ҳаддан ташқари обрўли, бойвучча, баодоб эди) ҳайратдан қотиб қолишди. Бегоналарнинг олдода улар ҳамиша сино-ва-тарбияли тутишарди ўзларини. Кўча эшик қуяф эди, Худойберган aka ва йигит уйга қайдай киришди?

Абдулбосит юрист альбомни оҳиста ёпиб, хотиржам сўради:

— Худойберган, айтганингиз рост чиқди. Бу иккови қайнотам ҳам бор демай, уят-пүятни йиғиштириб, жанжаллашаверар экан. Кун бўйи кийим жавонида бекиниб, чарчаб кетдиларингиз чоғи.

— Кийим жавонида? — ёқасига туфлади Васила. — Уйни тозалаётганимда, фичирлагандек туюлди десам, ҳали булар биқиниб ўтиришганми? Вой ўлмасам!

— Ота, сизнинг ҳийлангизми? — қизарди Маҳмуда ҳам. — Мен кетаман! Бизни бегона эркакларга пойлатиб қўйибсизми? Уй-пуйингиз керакмас.

— Тўхтанг, келин, — деди Абдулбосит юрист. — Ҳеч ким сизни пойлагани йўқ. Биринчидан, улар менинг соғлигим жанжалларни кўтарадими, йўқми, кўрмоқчи эдилар. Иккинчидан, қўшни хонадаги жавонда ўтириб, қулоқ солишаётганди, холос. Учинчидан, жанжалга гувоҳ бўлиши. Биринчи кунданоқ бир-бирига қилич қайраган душманларнинг урушига гувоҳ ҳам керак гоҳида. Уяладиган ишни сиз қилгансиз, улармас. Бир умр аразлаб яшадингиз, умримнинг охирида йиғиштиринг ўтка-гинани!

— Буларга нимани исботламоқчисиз? — Маҳмуданинг ранги оқарди. — Оилавий жанжалларимизнами?

Худойберган ака маргимушни очиб кўрди.

— Хафа бўлманг, Абдулбосит ака, — деди у. — Уйингизда ростдан ҳам сичқон бор. Биз кўрдик. Ўйлайманки, Маҳмуда келин дорини ростдан ҳам сичқонларни қириш учун келтирган. Ахир, ўта тажрибали юристнинг уйида бировни заҳарлаб, сувдан куруқ чиқолмаслигини яхши билади.

— Ҳай-ҳай-ҳай, — кулимсиради Абдулбосит юрист, — невараларимнинг оналаридан мудҳиш қотилликларга тайёрланишда шубҳаланиш яхшимас. Боя ҳамшира ҳам қўнғироқ қилди. Васила келиним қанча демидрол одамни ўлдириши ҳақида сўраб, уни ўйлантириб қўйганмиш. "Сизнинг ҳаёtingиздан ташвишланаяпман", дейди ҳамшира қурмагур. Келинларим бир вақтлар оддий буюмларнинг дастидан бир-бирини ёмон кўриб, ҳалигача жазоларини тортиб юришибди. Яхши келин оддий

матодан минг баравар қиммат шу мулкка ўз-ўзидан эга бўларди. Нима, энди одам ўлдириб, қамалиб кетишинми? Ким заҳар берганини бир соатда аниқлашади. Аниқлаёлмаса, ёрдамлашиб юборамиз.

- Бу қийинмас, — тасдиқлади нотариус.
- Ҳеч кимни ўлдиримоқчи эмасман, Худодан қўрқинглар,
- деди Васила. — Демидролни уйқудан қийналмаслик учун сўраганман.
- Мен эса маргимушни сичқон учун олганман, — Маҳмуданинг чап қовоги учди.
- Қасрдек уйдан қуруқ қолиб, озодлигидан айрилиб, уруғаймогининг умрбол юзини қаро қилиб шу қадар тубанлашадиларми? — давом этди Абдулбосит юрист. — Келинларим ҳам келажагини, фарзандларининг тақдирини ўйлайди. Эртага қуда-андали бўлишмоқчи. Қотил аёлнинг болаларига ким совчи қўйиб, ким қиз беради?
- Яна бир марта уят сизларга! — дея Худойберган aka икки келинга ғазаб-ла боқиб, шартта ортига бурилди. — Хайр, Абдулбосит aka, мен кетдим. Ортиқ чидаёлмайман. Эрта-перта келарман.
- Абдулбосит aka, — дея папкасига ишора қилди нотариус, — васиятни кейинга қолдирсан. Маҳмуда опа ҳам, Васила опа ҳам биздан хафа бўлиб қолишиди. Жавонда бекиниб, ҳазилни қаттиқ қилиб юбордик шекилли. Яхшиси, тенглик билан иш кўринг. Оловга мой сепиб юбораяпсиз-да, устоз.
- Маслаҳатингни йифиштир, — шогирдини койиди Абдулбосит юрист. — Кетавер! Уч кундан сўнг ўзим чақираман. Тағин бирор жойда келинларимнинг жанжалларини гуллаб қўйманглар. Невараларимнинг шаънига доф тушишини истамайман.
- Улар кетгач, Маҳмуда ҳам, Васила ҳам уф тортиб, Абдулбосит юристга қарадилар.
- Отажон, шунча томоша зарилмиди? Биз одам ўлдиримоқчи эмасдик.

- Менга қараб, уф тортманлар, — кўзларини юмди қайнота.
- Нима бўлса, ўзларинг қилдиларинг. Бир-бирингни заҳарлашга уринганларинг учун қамалиб кетишиларинг ҳам мумкин эди. Бахтларингта бегоналар эмасмиз. Маҳмуда, сиз сичқон дориларни уйга сепиб ташланг. Васила, сиз росдан демидрол топиб кўйинг. Кечки овқатдан кейин қотиб ухламоқчиман.

7

Маҳмуда ўчиқда бир амаллаб ош тайёрлади. Васила ётоқхонасининг деразасини очиб кўйиб, Анна Германнинг, сўнг Андреа Бочеллининг кўшиқларини жаранглатди. Маҳмуда тўйлару гаплардагина кўшиқ эшитар, лапанглаб рақс тушар, аммо ҳаммаси миллий кўшиқлар эди. Уйида, айниқса чарчаган кезлари тинчлик сақлаш қатъий қонун эди.

— Нима бу? Пасайтиrsa бўлмасмикан магнитофонни! — дея чўмични қозонга урди. Овсинга кор қилмагач, ўчиқда хўл ўтиналарни ташлаб, буруқситиб тутатди. Васила ноилож деразасини ёпди, лекин ҳайҳотдек уй-ичра-нотаниш мусиқа сузуб юарди.

Васила қайнотасининг хонасига чироқ ёқаётиб, деди:

— Отажон, Европада кўп бўлгансиз, уларнинг классиклари ёқадими?

— Худди Польшадами; Италиядами ётгандайман, — жилмайди Абдулбосит юрист.

— Э, батарейкалари қачон ўтириб, қачон овози ўчаркан-а?
— енги шимарилган Маҳмуда ичкарига кирди. — Онам аллани ўзбек тилида айтгани учунми, негадир ўзбекча қўшиқларни ёқтираман.

— Маҳмуда опа, илтимос, мусиқий саводингиз йўқлигини отамнинг олдида сездириб, шарманда бўлманг, — чақиб олди Васила.

— Саводингиз ошиб-тошган бўлса, айтинг-чи, оркестр ва хонанда иштирок этадиган мусиқий асарни нима деймиз?

— Ит билибдими, — кўрслигини такрорлади Васила.

— Концёрт дейиладі, — ғолибона кулди Маҳмуда. — Аввал саводни чиқарыб, мусика тинглаш керак, ақлли!

— Саводимдан нолимайман, шунинг учун классик қүшиқлар күйилганды, қозонни тарақлатыб, ўчоқни тутатмайман, — деди Васила.

— Хой, барака топкурлар, гуруч, түшт, сабзи иштирок этадиган таом пишдими ишқилиб? — кесатди Абдулбосит юрист.

— Пишди, ота, — жавоб берди Маҳмуда. — Анча йил бұлибди овқатта құл урмаганимга. Сизнинг шарофатингиз билан яна келинлик хизматига қайтдим.

— Маҳмудахон, энди... Василахон сизга сингил қатори. Қўйинг, ёқтирган қўшиқларини меҳмонлар келгунча эшита қолсин, — деди Абдулбосит юрист. — Жанжалларни тўхтатинглар, ярашинглар-да, келинжонлар. Васият бир гап бўлар.

— Канақа меҳмонлар? — келинлар қўз уриштириши.

— Кўрқманглар, ҳеч кимни чақирганим йўқ, — деди Абдулбосит юрист. — Шунчаки қўни-кўшничилик анъанаси...

У ўғилларига телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўради. Тадбиркор фарзандларнинг ташвишлари бошларидан ошиб ётарди. Маҳмуда ва Василага ҳам ўғил-қизлари билан гаплашишга қайнотадан рухсат тегди.

— Васила келинойимга салом айтинг, — хурсанд бўлишибди Маҳмуданинг ўғил-қизлари. — Бобомга биргаликда қараётганларингиздан қанчалик хурсандлигимизни билсангиз эди. Шанба куни биз ҳам борамиз.

— Маҳмуда опоқимларни сўраб қўйинг, — дейишибди Василанинг фарзандлари. — Ўқишимиздаги Наврўз ўтсин, дадамнинг машинасида йўлга чиқарканмиз. Зарзамиnda учрашунча, ойижон!

Овсинлар ўртасидаги йигирма беш йиллик уруш хотима топаёттанидан икки оила беҳад шод эди. Абдулбосит юрист ҳам ҳузур қилиб жилмайди. Деворга илинган фотосуратдаги мархума қайнона ҳам кулимсирагандек туюлди.

Мойчироқ ёқилганига күп бўлмай, дарвоза тақиллади. Бирин-кетин қўшни эркаклар, аёллар кириб келишди. Хотинларнинг қўлларидаги тогоралардан таомларнинг иссик тафти ва хушбўй ҳиди димоққа урилди.

— Бизнинг Зарзаминга Тошкентдан бирйўла икки келин ҳам қайнотасини парвариш қилишга келганини эшишиб, очиғи, қулоқларимизга ишонмадик, — дейишиди қўшнилар. — Оиласий тотувликка, меҳр-оқибатга нима етсин! Дунё — чархпалак. Кекса одамнинг хизматини қилаётганларнингиз изсиз қолмайди, албатта ўн чандон яхшилик бўлиб қайтади.

Беморнинг хонасига эркаклар, қўшни хонага аёллар учун дастурхон ёзилди. Маҳмуда ва Васила мақтовлардан эриб, уларга чаққон-чаққон хизмат кўрсатишиди. Васила дастурхон безаш бобида назири йўқ эди, Маҳмуда кечки овқатни ўз қўли билан тайёрлаганидан шод бўлди. Негаки қўшнилар ошни мақтаб-мақтаб едилар.

Гап ўзани касаллик, рўзгор ташвишлари, уруш-жанжалларга бурилди.

— Дунёдаги энг баҳтли оила эканликларингиз ҳавасимизни келтиради, — деди оқ рўмолли гапдон хотин Маҳмуда ва Василага. — Эрим ёш ўлиб кетган, ёнимдаги ҳожи онанинг иккита ўғли вафот этган, маҳалламиизда эри қамалган, қизи ажрашган, оиласига бегона аёл раҳна солган яна қанча оилалар яшайди. Сиз — овсинларда мустаҳкам соғлик, бутун оила, туганмас бойлик — ҳамма нарса бор. Тўқис баҳтларингизга ҳеч қачон қўз тегмасин!

— Омин, — дуога қўл очди ҳожи она, — шу хонадонда тўйлар бўлсин! Абдулбосит акамиз ҳам согайиб кетсин!

Маҳмуда ва Васила қўшниларни дарвозага кузатиб қўяётганларида, баҳор осмонида чақмоқ чақиб, зулмат қўйнидаги қучা бир зум ёришди. Совуқ шамол юз-кўзга урилди, ёмғир томчилади.

— Тўқ билан газ шунаقا тез-тез учадими? — сўради Маҳмуда оқ рўмолли хотиндан. — Авваллари бунаقا эмасди-ку.

— Биринчи марта шундай бўлиши, — деди қўшни. — Негадир бу йил каламушлар ҳам қўпайди.

— Каламушлар? — оғзини бекитди Васила. — Сизларнида борми?

— Фақат бизнида эмас, ҳамма уйда изфийди улар. Эртага дорилаб кетишади, хавотирланманг, Василахон.

Овсинлар дарвозани кулфлаб, коса-товоқ ювишди. Ёмғир шаррос қуя бошлиди. Ҳар замонда чақмоқ чақиб, момақалдироқ даҳшат ила гулдираганда; икки хотин сесканиб, бир-бирига қарапдилар. Шу тобда уларнинг кўнгилларига гина-кудурат сифмасди, ёнма-ён туришга ҳаракат қилишарди.

Нихоят, ишлар тугаб, ҳар ким ўз ётогига кўтарилиди. Демидрол ичган Абдулбосит юрист қилт этмай ухларди.

— Қўрқмайсизми? — сўради Васила овсинидан.

— Калима қайтариб ётаман, — деди Маҳмуда.

Ёмғир тинди, олам сукунатга чўмди. Эрларисиз, фарзандларисиз ёлғизликка маҳкум икки овсин ўз хоналарининг эшикларини ичкаридан қулфладилар, шамларни ўчирмасдан тўшакларига кирдилар. Ҳолдан тойганларига қарамай кўзларига ҳадеганда уйқу илинавермади.

Ярим кечаси алланиманинг қитирлаши, пилдираши, чийиллаши эшитилди. Маҳмуда қўлида шам билан эшикка борди, аммо очишга журъат этолмади.

— Опа, — шивирлади нотаниш овоз эшик ортидан.

— Кимсиз? — титраб-қақшаб сўради Маҳмуда.

— Мен Василаман... Очинг...

Маҳмуда калитни буради ва кўрқувдан кўзлари олайган Василани кўрди.

— Эшитдингизми? — деди Васила қўлидаги полтаёқни маҳкамроқ қисиб. — Ҳозиргина йўлакдан кимdir ўтди.

— У одам эмас, сичқон-пичқон...

— Юринг, биргаликда қараб чиқайлик.

Аввал иккинчи қаватни кўздан кечиришга, кейин пастга

тушишга қарор қилишди. Зинапояга яқинлашган ҳам эдиларки, нимадир заиф чийиллади. Овсинлар қичқирғанча шам тутишди. Не күз билан күрсінларки, бир неча сичқон жон талвасасида типирчилаб ётарди.

— Минг лаънат! — уйни бошига күттарди Васила.
— Мероси бошидан қолсан! — қарғанди Маҳмуда ва шу захотиёқ йиглаб юборди. — Қаёқдан ҳам келдим! Оёғим тортмаганди-я!

Улар зинапоя томон қандай қочиб ўтишни ўйлаб, тараддулланғандарыда, орқадаги меҳмонхонанинг әшигиги ғириллаб очилди.

— Ким бор? — овсинларнинг юраклари тұхтаб қолаёзди.

Шам ёруғи тушган гиламға жуссаси мушукникидан қолишмайдыған, думларининг туки түкілған, күзлари йилтираган маңла жониворлар — қаламушлар етиб келишди. Меҳмонхонанинг қия очиқ әшигидан зааркунандаларнинг яна үнлаб шериклари пидираб чиқаёттган эди, чамаси.

Каламушлар иккى аёлға совуқ нигоҳларини қададилар. Бир қанчаси ҳавони ҳидлаб, жойларидан жилмаган бұлса, бир неча довюраклари чий-чийлаганча девор ёқалаб иккى тарафдан яқинлаша бошлаши.

— Вой, ойижоон! — Овсинлар нола-ю, фифон күтариб, құлларидан шамлари үчиб, зинапояга чолдилар. Қайнотани ҳам унугиб, үпкаларини құлтиқлаганча ҳовлиға қочиб чиқишиди. Бүрон турған эди, зим-зиә ҳовлидаги яланғоч дарахтлар шамолда гувиллар, томдаги тунукалар тарақтар эди.

— Құшниларни чақирамиз, — деди Маҳмуда. — Тез бұлинг, Василахон!

— Дарвозанинг калити йүқ, — дир-дир титради Васила. — Боя қайнотамнинг түмбаси устига қўйгандим, ўзи шуни тайинлаганди.

— Опчиқинг! Нега қараб турибсиз?
— Мен олиб чиқаманми? Каламуш босған қоронғи уйга кириб-а? Ҳе-е, йў-ў-қ...

— Шам-чи?
— Шамнинг иккови ҳам тепада қолиб кетди-ку! Полтаёқ ҳам! Алаҳисирайпсизми, Маҳмуда опа!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Улар дарвозани кафтлари ила гурс-гурс үрди. Аксига олиб бўрон янада кучайди, маҳалладаги омонат тунукалар, шоҳшаббалар қасир-кусур учуб, шовқин-сурон қўпди.

— Ёрдам беринглар-у-ув!.. Кўшнилар!.. — зорланди Маҳмуда.

— Юринг-э! — жеркиди Васила. — Отамнинг хонасидан қалитларни бирга бориб оламиз!

— Ёстиғининг тагида телефонларимиз ҳам бор!

Овсинлар уйга қараб шошилганларида, иккинчи қаватда шуъла кўринди. Кўшнилар чиқса, кулгига қоламиз-ку!

— Худо урди! Уй ёнаяпти! — қичқирди Васила.

— Вой ўлмасам! Энди нима қиласми? — Маҳмуда семиз. эмасми, ўпкаси бўғзига тиқилиб, Василани қувиб етди. — Ёниб турган шамларни нега ташладик?

Улар Абдулбосит юристнинг хонасига кирганларида, чол ҳамон тошдек қотиб ухларди. Ёстиқнинг остида ҳам, тумбада ҳам телефонлар кўринмасди.

— Ота, уйғонинг! — Иккови қайнотани силтадилар. — Тепага... иккинчи қаватга ўт тушди!

Абдулбосит юрист кўзини очмади.

— Калитлар! — дея бобиллади Маҳмуда. — Тез, Василахон, қалитларни топинг-да, қўшниларга хабар беринг!

— Калитлар ҳам йўқ! — чинқирди Васила. — Қай гўрга қўйди экан-а?

Тутун сизиб кирди. Икки овсин беморни икки ёндан суюб, эшик сари юрдилар. Йўлларини қаламушлар кесиб ўтишганида, шундай қичқириб юборищдики, Абдулбосит юрист сесканиб:

— Нима бало қиласизлар? — дея гудранди.

— Уй ёнаяпти! — деди Васила. — Телефонлар қани? "Пожарний"ни чақириш керак!

Абдулбосит юрист келинларини ўзидан нари итариб, деворга ҳолсиз суюнди ва атрофга ўқрайиб кўз югуртириди. Уйқу тўлиқ тарк этмаган мияси бир неча сониядан сўнг маромида ишлади чоғи, деди:

— Ҳар бир ади-бади айтишганларингда биттадан телефонни үлимга ҳукм қилдим, мажақладим, касрларингга қолдирдим! Дарҳол ертўлага тушиб, сув жўмрагини очинглар! Бўлмаса, "Пожарний" келгунча уй ёниб, қулга айланади!

— Дарвоза калитлари қани? — йиғлоқи овозда сўради Васила.
— Мен қўшниларни ёрдамга чақираман, Маҳмуда опа ертўлага тушиб, жўмракни очади.

— Қўшниларни мен чақираман! — қичқирди Маҳмуда. — Пастга тушмайман!

— Тушасиз! — буюрди Васила.

— Шунақа пайтда ҳам сансалорлик қиласанларми! — ўшқирди Абдулбосит юрист. — Сенларни келин қилган кунимга лаънатлар бўлсин! Наҳотки, бир умр эсларингни еб яшасанглар?! Сендек товуқмиялар бир парча мато деб эртага келинларини ҳам қон қақшатади! Бемаъни "анъана"ларинг авлоддан авлодга ўтаверади. Келинларинг олдиларингда "Ойижон! Ойижон!" деб, орқаларингдан туфлайди. Шунақа қайнона бўлишни орзу қиласанларми? "Сохта меҳрни нима қиласиз?" дейсанлар. Аслида сенлар умрбод сохта меҳр қуршовида яшайсанлар. Ҳатто фарзандларинг ҳам феълларингни ёқтирумайди, онаси бўлганларинг учун шунчаки хурмат қилишади, холос...

— Ота, уй ёнаяпти ахир! — деди Васила. — "Панд-насиҳат"нинг мавриди эмас!

— Йўқ-йўқ! — жазаваси тутди Абдулбосит юристнинг. — Келинларинг туфламайди! У пайтгача етиб бормайсанлар! Чунки бугуноқ дўзах оловида ёниб ўласанлар!

Абдулбосит юрист эшикка гандираклаб борди-да, кулфлагач, калитни отиб юборди. Калит қоронғи бурчакдаги буюмлар орасига тарақлаб тушди.

— Нималар қилиб қўйдингиз?! — икки келин қайнотага қараб дод солди.

— Ё буюмлар орасидан калитни ахтариб топиб, уйдан қочиб чиқасизлар, — деди Абдулбосит юрист, — ё уй ичидағи оловни ўчириб, умрларингнинг охиригача баҳти яшайсизлар! — У

ертұла қопқаси томон судралди. — Мен уй ичидаги лаънати оловни ўчиришга қарор қилдим. Ким мен билан бўлса, ортимдан юрсин.

Махмуда буюмларнинг тит-питини чиқариб, калитни ахтарди. Васила ҳам эмаклаганча, жон ҳолатда пайпасларди. Қоронғи уйдаги ашқол-дашқоллар орасидан калитни топиш осон эмасди.

— Қотил! — вишиллади Махмуда.

— Ўзига қўшиб бизни ҳам қўшмозор қиласди, — ҳансиради Васила.

— Келасизларми, йўқми? — деди Абдулбосит юрист. — Ертўладаги жўмракни очсак, иккинчи қаватнинг қувурига катта босим билан сув чиқади. "Шланка" иккинчи қаватда.

Абдулбосит юрист ертўлага элтувчи эшикни очди.

— Тушинглар, — гугуртни чақди у. — Оёқнинг тагига кути қўйиб, қувурнинг фиддирагини буранглар! Бир кишининг кучи етмайди. Бурашдан олдин резина уламанинг симларини маҳкамлаб қўйинглар. Ана, омбур! Тағин бошларингга сув қуишилиб, менга ўхшаб шамоллаб қолманглар!

Ертўлада на сичқон, на қаламуш кўринди. Овсинлар заарқунанда махлуклар нега иккинчи қаватдаги ҳашаматли меҳмонхонадан чиққанига ҳайрон бўлишди. Буни ўйлаб ўтирадиган вақт эмасди. Васила кути устига чаққон чиқдида, жўмрак кулогини буради. Кучи етмади. Махмуда ҳам қутига инқиллаб-синқиллаб оёқ қўйди. Иккови битта жўмракка жон-жаҳдлари-ла тармашдилар. Шу пайт резина улама бардош беролмай сув вошиллаб отилди. Оғирликни кўтаролмаган кути ҳам синиб, овсинлар гурсиллаб йиқилдилар. Муздек сув устларига аёвсиз қуишилиб, гўёки юракларидаги адоватларни ювиб юбормоқчӣ бўларди. Дод-войдан қулоклари батанг бўлган Абдулбосит юрист:

— Турсаларингиз-чи тезроқ! — деб депсинди. — Шамоллаб қоласизлар ахир! Уй ҳам ёниб, фақат шу ертўла қолишини хоҳлайсизларми?

Ўламан! — зор қақшади Махмуда.

— Ўлама-а-н... — увиллади Васила.

Улар алам ва оғриққа чидаёлмай болалардек ҳұнг-хұнг үйеглардилар. Йиллар давомида кибр тошлари остида ётган соғ түйғулар йиғига қоришиб намоён бұлған эди гүё. Абдулбосит юристнинг ичидә нимадир узилди. У ота эди, пастдагилар эса қыздлари. Қайси ота қыздларига жони ачишиб ёрдам бермаган? Қайси ота қыздларини азоблаган?

— Кечиинглар, — күзлари ёшланди Абдулбосит юристнинг.

8

Құшнилар ёрдамга келишиди. Үт үчириш машинаси Зарзамин күчасига кирганида, ёнғин аллақақон сұндирилған, одамлар Абдулбосит юристнинг уйини каламушлардан тозаламоқда әдилар. Газ ёнди, электрни ҳам құшишиди, ҳовли чароғон бұлды. Ҳатто табиат ҳам юмшаб, бүрон тинди.

— Наврұз келди, — деди кимдир.

— Абдулбосит аканинг туғилған кунини бу йил катта қилиб нишонлаймиз, — вайда берди маҳалла оқсоқоли. — Зарзаминда ҳали ҳеч ким фалокатта қарши булардек биргаликда курашмаган. Қаранг-а! Саксонни уриб құяёзған қайнота, әлликка яқынлашған икки келин бир тан, бир жон бұлиб ҳаёт-мамот курашини олиб боришибди! Бу — қаҳрамонлик!

Маҳалла оқсоқолининг мақтовига Худойберган акагина құшилмади. Абдулбосит юрист билан холи қолғач, деди:

— Тошбағир экансиз. Сиздан буни кутмагандим. Үзингизни касалликка солиб, үғилларингизга муаммолар уюштириб, икки келинни ёлғыз қолдирғач, уч кун ичидә яраштириш режанғиз ёлғон экан. Аслида үзингизга ҳам, келинларингизга ҳам, уйингизга ҳам үт қўйиб, кампириңгиз учун қасос олмоқчи әдингиз, шундайми?

— Сафсата, — деди Абдулбосит юрист.

— У ҳолда сейфингиздаги васиятингизни үқисам бўладими?

Абдулбосит юрист сейфни очиб, васиятни олди-да, гугурт чақиб, үт туташтириди.

— Яхшиси, шу қоғоз ёниб кетгани маъқул, — деди у. — Мабодо воқеалар бошқача тугаганида, ҳақиқатни васият орқали билиб олардингиз. Худо сақлади.

— Худо сақлади, — деди Худойберган ака. — Ўйлайманки, энди бундай васият ёзмайсиз, каламушлару балои баттарлар билан биргаликда ижросига киришмайсиз ҳам.

Келинлар шифохонада битта палатада даволанишди. Фарзандлари ҳар куни хабар олиб туришди. Абдулбосит юристнинг юбилейида иккови ҳам шифохонадан чиқиб, Зарзаминга келдилар, қайнотага, ўлимдан қутқарган қўшиларга беармон хизмат қўрсатиши.

— Умримнинг охирида бир нарсани орзу қиласапман, — деди Абдулбосит юрист меҳмонларга. — Мендан кейингиларга бойлик эмас, меҳр-оқибат мерос қолсин. Шундагина яшаган умринг зое кетмаганидан мамнун бўлиб, ўлимингга ҳеч қандай найрангсиз, ҳалолу пок тайёр турасан киши.

ҚОРА-ҚИЗИЛ ЭШИК

Беш қаватли ғиштин уйнинг иккинчи қаватидаги квартирага қизиқиб қолдим. Шаҳарнинг энг обод гўшасида жойлашган эди. Уй орқасида боғ яшайди. У турли ўйинлару томошаларга тўлган истироҳат боғига туташган. Атрофда ўн чоғли озиқовқат дўкони. Шоҳкўчадан бироз юрилса, бозорчага етиш мумкин. У ердан ўнгга қайрилса, пастликда катта бекат. Туманларга қатнайдиган микроавтобуслар, енгил машиналар бекати...

Уй нархини эшитиб ҳайрон қолдим: ўн беш минг доллар. Бир танишим "Марказдан уй ахтарма, икки хоналиси ўттиз мингдан кам эмас", деганди.

— Ростдан ҳам ўн беш мингми? — сўрадим ҳайронлигимни яширмай.

— Ука, уйларнинг нархи тушаяпти, — деди уй эгаси тескари қараб, — лекин бунаقا уйлар ҳеч қачон арzon бўлмайди. Яrim нархига оляпсиз.

Очиғи, йигирма минг "кўқ"идан тўплаган эдим. Ҳар эҳтимолга қарши танишларимга икки минг доллар қарз юклагандим. Дарров бирига кўнфироқ қилдим.

- Уй топдингми дейман? — сўради у.
- Топдим. Марказий кўча, 161-уй. Беш қаватли, иккинчи қават, икки хонали. Яхшигина таъмирланган, пишиқ фишт.
- Бўлди, бўлди, нархини айт. Йигирма бештами, ўттизтами?
- Йўқ, арzon! Жуда ҳам арzon!..
- Ҳовлиқмасанг-чи! Қанча?
- Ўн бешта.
- Ўн бешта? Доллардами?
- Ҳа.
- Нарҳ ҳали бу қадар тушмаган-ку?

У бир зумда етиб келди. Иккимиз юқорига кўтарилидик. Дўстим уй эшигига кўзи тушиши биланоқ таққа тўхтади.

- Назаримда, у товланяпти, — деди ҳайратланиб. — Хамелеон шекилли, қара.

Беихтиёр эшикдан кўз узолмай қолдим. Эшикнинг пастки қисми қорамтири тусга кирганди. Яқинлашганим сайин яна аввалгидек қизил рангга айланди. Эшикнинг пўлат каби мустаҳкамлигидан, ялтироқлигидан, ғалати қизил рангидан кувондим, буқаламундек ўзгаришидан чинакам ҳайратта тушдим.

Дўстим ялангоч хоналарга қараб, сирли бош чайқаб қўйдида, уй эгасидан сўради:

- Амаки, уй қачондан бери сотувда?
- Бир ҳафта бўляяпти.
- Оилангиз қаерда?

Уй эгасининг ўсиқ қошлари тагидаги укки кўzlари совуқ ялтираб кетгандек туюлди. Суяниб ўтирган жойидан турди-да:

- Ким бу ўзи? — деб менга тикилди.
- Ўртоғим, — дедим. — Олаётган уйимни кимгадир кўрсатиш им керак-ку.
- Кўрсатинг, истаганингизча кўрсатинг! Аммо мени тергов қилимасин! Худога ишонган одамман. Нима бирорванинг уйини сотаяпманми? Ҳужжатларнинг ҳаммасини кўрсатаман. Бошқа вақт бўлганда, ўлсам ҳам ўн беш мингга сотмасдим.

Дўстим қулоғимга шивирлади:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бир ишқали борга ўхшайди-ю, барибир, олиб қўйсанг ютқазмайсан. Нақ ўнг минг доллар фойда кўрасан. — Кейин эшикка имо қилди. — Төвланувчи эшикнинг сирини сўра.

Эшик ҳақида секин суриштирдим. Уй эгасининг хаёли шунда ҳам аллақандай паришонликдан чалғимади.

— Эшик яхши... мустаҳкам... қулфни алмаштиринг, бўлди, — деди у деворни силаркан.

Шундай қилиб, уйни эгалладим. Ўша куниёқ пастки қаватда бир аёл ёлғиз яшашини, ён қўшнилар кўчиб кетишганини, фақат юқори қаватлардагина қўшничилик ришталарини боғлаши мумкин бўлган одамлар яшашини билиб олдим. Бироқ бу масала мен учун майда-чуйда эди. Кўпқаватли уйда қўшни ахтариш шартми, деб ўйладим. Шаҳар марказидан уй топдинг, бас, истасанг, ҳеч ким билан қўшничилик қилма, атрофда "дом"лар кўп, таниш-билишлар, ҳеч бўлмаса, тумандошлар чиқади.

Эртасигаёқ кўчиб бордик. Хотиним ҳам, болаларим ҳам курсанд эди. Ниҳоят, шаҳар ташқарисидаги хароб ҳовличадан кутулгандик. Қолаверса, беш минг доллар тежалди. Азалий орзўйим — машина. Ҳозирча оппоқ "Жигули" олсам, бир йил пул йиғиб, яп-янги "Матиз"га пул тўлайман.

Юкларни ташиётганимизда уч-тўрт қўшни ҳадиксираб қараб ўтишди. "Уларга ёқмадим шёкилли" деб кўнглимдан ўтказдим. Бир аёл келиб узоқ тикилди. Юк машинасига жавоб бериб, эндиғина подъездга кираётгандим:

— Хой, ўғлим... — дея мен томон шошилди.

Салом бердим. У алик ҳам олмасдан сўради:

— Шу подъездга кўчиб келдингми?

— Ҳа.

— Биронтаси ижарага қўйиши ҳақида эшитмаган эканман.

— Ижарага келганим йўқ.

Лёлнинг кўзлари ярқ этиб очилди.

— Уй сотиб олдингми? — деди. — Тавба, қайси бири писмиқлик қилиб, бизга билдириласдан сотди?

— Иккинчи қават, қизил эшик... Ҳе, йўқ, қора эшик, — дедим-да, шартта подъездга кирдим.

Аввалдан шунаңа серсавол аёлларни ёқтирмайман. Мусулмон аёли бўлсанг, бирор билан бидиллашингга бало борми!

Бироқ бу подъездда нимадир кўнгилдагидек эмаслигини сездим. Юқори қаватдагилар хавотир билан оёқ учида тушишади. Кулишиб келади-ю айнан иккинчи қаватга етганда, овозларини ўчиришади. Деразадан қарапканман, ўриндиқда суҳбатлашиб ўтирган рус кампирлар ҳам иккинчи қаватга ахён-ахён қизиқувчанлик-ла нигоҳ ташлаб қўйишганига шоҳид бўлдим. Шундагина бу уйнинг нимасидир бор, деган гумон тушди кўнглимга.

Дўкондан нон олиб қайтган хотинимнинг ранг-рўйи ўзгариб қолганини кўрдиму юрагим орқага торти.

— Нима гап?

— Вой... эшикни қулфланг. — Хотиним қулидаги сумкасини даҳлизга ташлади. — Жоним чиқиб кетмаса гўрга эди. Бизни қаерга кўчириб келдингиз, дадаси? Бу уйда одамлар ўлдирилган экан-ку! Битта эмас, учта!.. Оилавий!.. Кўшнилардан бир оғиз сўрамайсизми? Энди нима қиласиз? Қандай яшаймиз?

— Ваҳима қилма! — дедим сир бой бермай. — Ким нимани гапириди, аввал бундоқ тушунтир. Уйни сотган одамнинг манзилини биламан, ёқмаса, пулимизни қайтариб оламиз.

— Бериб бўпти!

— Э, бермаса сотиб юбораман. Йигирма минг долларга индамай олади.

Хотиним сув ичди. Сочлари тўзғиб, хона ичига кўз югуртириди. Ўғилларим ҳеч вақони сезмай дупур-дупур чопиб юришарди.

— Уни сотган одамдан олдин бу ерда бир оила яшаган экан, — деди хотиним. — Эри темир ўлда каттароқ лавозимда ишлаганмиш, хотини кинотеатрда кассир бўлганмиш. Икки ўғил, бир қизи бор экан. Бир куни эр-хотин йўқлигига қотил кириб, учала болани ҳам ўлдириб кетишибди. Қонхўр ҳозиргача топилмаганмиш. Кейинчалик уй сотилибди. Болалари ваҳшийларча ўлдирилган жойда бечора ота-она яшолмабди. Майли, қон тўкилган жой эканига чидашимиз мумкин, лекин

Азамат ҚОРЖОВОВ

бизга уйни сотган ҳам қўп яшолмабди. Нотанині одам бозовта қиласвергач, бизга сотиб кутулибди. Кўрқаяпман! Эрга-индин ўша кимса келадигандек.

— Бу гапни ким айтди?

— Ким айтарди, қўшни аёллар.

Аламимдан сўкиниб, подъездга чиқдим. Юқори қаватдаги қўшнининг эшигини тақиллатдим. Ичкаридан хавотир аралаш овоз эштилди:

— Газ-светни ўзимиз бориб тўлаймиз.

— Газ-светдан эмасман.

— Унда нима керак? Эшикни очмаймиз!

— Янги кўчиб келганман, 13-квартирага. Илтимос, қараворинг, бир нарса сўрамоқчиман, холос.

— Эрим келса сўрайсиз.

— Менга қаранг, босқинчи деб ўйлаётган бўлсангиз адашасиз!

Ичкаридагилар жимиб қолишли. Бошқа эшикларни тақиллатишдан ҳам ҳеч бир иш чиқмади. Уйимга қайтиб тушаётгандим, йўлимни мўйловдор барзанги тўсди.

— Ҳозир меникига келган сизмисиз? — ўқрайди у. — Пастдаги дўконда ишлайман. Хотиним телефон қилиб, эшикни нотаниш киши тақиллатди, деди.

— Ҳа. Эшикни очишимади. Мен иккинчи қаватга кўчиб келган янги қўшнингизман. Подъезддагиларга нима бўлган ўзи?

Барзанги зинапоя тутқичига сунди.

— Ҳойнаҳой, квартирани сўрамай-нетмай олганга ўхшайсиз. Биласизми, уйингизда нима юз берган?

— Ҳозиргина эшитдим, шу ҳақда аниқроқ билиш учун чиққандим.

— Аллақандай гиёҳвандми, савдои қотилми кириб, сабаб-бесабаб уч болани ўлдириб кетган. Қачон дейсизми? Ўтган йили. Қиз мактабни тамомлаганди, болалардан бири бешинчи, кенжаси иккинчи синфда ўқирди. Шу ёшимгача бунака ваҳшийликни эшитмаганман. Болаларда нима айб? Кимда ўчинг бўлса, ўша билан гаплаш! Тўғрими?

— Тўғри.

— Уйингизга яқинлашишга ҳамма күркади. Хотинларнинг айтишича, қора-қызил эшикдан тортиб, уйнинг ҳар бир хонасигача балои қазо уя қурганмиш. Шундай жойда яшаётганингизни "дом"дагилар ҳазм қилолмаяпти. Эшик тақилласа, хотин, бола-чақа чүчиб тушадиган бўлиб қолган, сиз эса... ичкарисида яшаяпсиз.

Кайфиятим буткул бузилди. Зинадан бир-икки пофона тушиб, мен ҳам тутқичга суюндим.

— Оилангиз билан келгансиз-да, а? — сўради мўйловдор.

Бош қимирлатдим-да, дедим:

— Эгасига қайтараман... Эҳ, бир оғиз қуни-қўшнидан сўрамайманми?! — Сўнг кўнгилни хижил қилаётган иккинчи гапга ўтдим: — Уйни менга сотган киши бу ерда узок яшолмаган эканми?

Мўйловдор елка қисиб, қулочини ёзди.

— Одам ўлдирилган жойда ухлаш, чой ичиш, болалар билан уйнаш... Яшолмади, кетди. Кимлардир дўқ-пўписа қилган ҳам дейишади. Ким билсин, ўзидан сўраб кўринг. Болаларидан айрилган одам ҳам унга алдаб сотган, кейин у сизга алдаб сотди, энди сиз ҳам...

Уйга кириб, бор гапни хотинимга айтдим. У кечагина қандай хурсанд эдим, бу бало қаердан қараб турган экан, деб роса куюнди. Кейин менга қатъий шарт қўйди:

— Бугуноқ уй эгасини топиб, пулни сўрайсиз! Алдаб сотгани учун жавоб беради! Қани, пулни қайтармасин-чи! Керак бўлса, судга бераман! Арzon-парzon уй керакмас! Майли, қиммат нархга бир хонали уй олинг, тинч бўлсин!

Болаларим тушуниб етмаган эса-да, ўйинларини бас қилишди. Тун жуда узун бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши ёстиқ остига пичноқ қўйиб ухладим. Ваҳшийларча ўлдирилган болаларни ўйласам, ваннахонаданми, ошхонаданми йиги эшитилаётгандек туюларди. Ўйламаслик учун хаёлимни юзлаб марта чалғитишга уриндим. Қонли жасадлар кўз олдимга келаверди.

"Улар нега бегонага эшикни очишиди экан? — дедим ўзимга ўзим. — Кирган заҳоти бирини ўлдирган, қолганлари қанчалар даҳшатта тушган-а?! Навбатма-навбат... ҳаммаси тамом бўлган... зулмат!.."

Шу пайт тўсатдан эшик ҳақида ўйладим. Товланувчи эшик аслида мустаҳкаммикан? Аксига олиб бугун қулфларни алмаштирамбман-а!

Сапчиб туриб, бўсағага чиқдим. Жимжитлик хукм суроётган подъездга қулоқ солдим. Калитини ён ҳолатда қолдирдим. Хунхўр қелса, нариги томондан калит тиқиб, ичкаридагини тушириб юборолмайди.

Үй сотгани кишини кун бўйи ахтардим. Кечкурун оёғимни судраб остона ҳатларканман, эски қулфларни бугун ҳам алмаштирамаганимни ўйлаб, асабим баттар бузилди. Лезвия кутисини буздим-да, ўн жойга яшириб чиқдим. Хотинимнинг дезодарантини очиб, қалампир қоришмали сув тайёрладим. Эшикка халтча илиб, қўлбола қуролни солиб қўйдим. Эшикни очганимда бир қўлим халтачада бўлади. Мабодо босқинчи келса, юз-кўзига қалампирли атир пуркаб юбораман. Қўл-оёғимни боғлаб, уйнинг қайси хонасига ётқизиб қўймасин, лезвияларим тайёр.

Кечки овқатни еб бўлган эдик, эшик оҳиста тақиллади.

— Ким у? — деб сўрадим. Овозим беихтиёр қалтираб чиқди.

— Очинг, милиция!

Қўзчадан қарасам, қоронғида шарпа кўринди, кимлигини билиб бўлмайди. Тавакқалига очдим, ростдан формали киши экан.

— Мен участка нозириман, — деди у. — Уйни сотиб олган киши сизмисиз?

— Ҳа, мен.

— Эртага кабинетимга киринг, гап бор.

— Тинчликми? Кўчиб келганимиздан бўён фақат ваҳимали гаплар эшитаяпмиз.

— Қулоқ сизники, — деди нозир дағаллик билан, — ким ниматапирса эшитасиз. Хуллас, ҳозирдан айтиб қўяй, қачон, қаерда кимdir таҳдид қиласа, биринчи галда менга ётказасиз.

Биласиз-а, бу ерда жиноят содир бўлган, ҳалигача очилмаган. Одам қизиқ, уйни сотади-ю ура қочади. Узунқулоқ гаплардан кейинчалик эшитсак, қандайдир сирли кимса "Квартирани бўшат, акс ҳолда сўйиб кетаман", деб пўписа қилганмиш. Ўзларидан сўрасак, ёлғон, дейди. Жиноятчани яшириб нима керак? Эртага яна қонсирайди унақалар.

Алоқ-чалоқ тушлар кўриб ётган эканман, телефон жиринглашидан уйғониб кетдим. Соатга қарадим, ярим тун. Минг бир хаёлда гўшакни кўтарсан, таниш овоз эшитилди:

— Ука, сизга уйни сотган одамман. Бугун мени қидирган экансиз, ҳозиргина келдим. Азбаройи қизиққанимдан сим қоқаяпман, тинчликми?

— Қонга ботган уйни сотишга алкаш-палкашни топмабсиз-да, ака! Шуми мусулмончилик? Шуми Худодан қўрқишингиз? Қонсираган уйингизда ортиқ яшолмайман. Иккита ёш болам борлигини ҳам инобатга олмабсиз...

— Тўхтанг, бунча ловуллайсиз? Авваламбор, уйни мен олганимда ҳам қон изи йўқ эди, сизга сотганимда ҳам. "Қон... қон", дейсиз, бу дунёда инсон қони томмаган ер борми? Бунчалик ичи тор, гумончил, иримчи бўлманг! Истасангиз, уйни сотиб юборинг. Жудаям арzon олгансиз, олиб сотарларга нима фарқи бор, пул қолса бўлди-да. Ҳозир ҳар бир қадамда кўчмас мулк биржаси. Боринг, учрашинг!

Бир оз тортишувдан сўнг сўрадим:

— Нега ўзингиз яшамадингиз? Қўшнилар айтаяптики, қотиллар сизга ҳам дағдаға қилишган экан.

— Менга ҳеч ким дағдаға қилмаган! Ўзимга маъқул келган бошқа уй топдим.

— Худо урсин денг-чи!

Афтидан савдогар иккиланиб қолди. Негаки, алланечук фўлдирашлари эшитилди.

— Хўп, — деди жаҳл оҳангида, — айтаман! Уйда одам ўлдирилгани мени ташвишга қўйгани йўқ, сизга ўхшаб арzon эканлигига учдим. Кўчиб бордим. Кунларнинг бирида бозордан

қайтиб, эшикда пічоқ изларини күрдим. Кимдир қулфни очишга урингани яққол сезиларди. Ичкарида ўғилчам ёлғиз қолғанди, тушунаяпсизми? Бу даҳшат эди! Уйда болам ёлғиз эканини лаънати қаердан билди, деб эр-хотин анча бош қотирдик. Шундай хulosага келдим: бунда бир сир бор, сирни биз ечолмаймиз, қисқаси, кетиш керак, тамом-вассалом.

— Шуларни бир оғиз айтмадингиз...

— Балки менга шундай туюлғандир деб ўйладим. Ким билади, уйга ўғрилар кирмоқчи бұлғандир. Қисқаси, ука, мен қуруқ ваҳима бўлиб қолганман. Мана, ҳозир ҳам ўша кунларни эслаб, қалтираб борајпман.

— Ўша кунларни? Демак, бу ҳол бир неча марта такрорланган экан-да?

— Ука, уйга ўзим харидор топиб бераман, — деди савдогар бутунлай таслим бўлиб.

Сўкиниб юборищдан ўзимни зўраға тийдим. Ички ишлар нозири ёдимга тушди.

— Нега милицияга бормадингиз? Бугун участка нозири келди, бир гап бўлса хабар етказишимни тайинлади. Сиздан ҳам гумони бор экан,

Савдогар аччиқ кулиб:

— Ўшаларга ишонасизми? — деди. — Нима, қотил овсарми? Ўчини болалардан олдими, шу вақтгача ҳеч ким тополмадими, у энг разил, энг маккор кимса! Менга бир душманчилиги йўқ, бор-йўғи квартирадан кетишм керак эди. Шундай экан, тинчгина кетганим афзал эмасмиди? Мелиса билан тил бириктириб нима зарил? Юз минг доллар берса ҳам рози бўлмайман, чунки мен фарзандимни яхши кўраман. Унинг ҳаётини қалтис ишларга тикмайман. Майли, телефонда кўп валақламай. Шанба ё якшанба бораман, харидор топамиз. Тағин қарғаб юрманг. Қарғиш — дунёдаги энг ваҳший қотил.

Гўшакни кўйдим. Уйқум ҳаром бўлди. Шунча favgosi бор уйни индамай сотиб кетганига жиним кўзириди. Инсофини сўнгги мисқолигача еб битирган ичиқора кимсага учратган қисматимдан қуюндим.

Шанба куни ҳам, якшанбада ҳам савдогар қорасини кўрсатмади. Уйлар нархи ҳақиқатан тушиб бораради. Қайси сабаб билмадим, уйимга ҳадеганда харидор чиқмади. Шу орада муаммолиздан қариндошлар хабар топишли ва мени васвосга чиқариб қўйиши.

— Уйинг одамлар ўлдирилган жой эканлиги ёмон, — деди отам, — харидор чиқса, олган нархингда сотиб юборавер. Лекин бизни ҳам пойлаб юрган бўлиши мумкин, деганинг ваҳима. Сенда кимнинг ўчи бор? Бегуноҳ болалар ўлдириб кетилган бўлса, бу қасосдан бошқа нарса эмас. Сен оиласнгни хавф остига кўядиган қайси номаъкулни еб эдинг?

Савдогарнинг гапи таъсирида милицияга бормадим. Қулимда ҳеч қанақа далилу сабаб йўқ эди. Қилган ишим: қулфларни алмаштириш, занжир ўрнатиш, бегонага эшик очмасликни оила аҳлимга ҳар куни тайинлаш эди.

Кун ўтган сайин жумбокли жиноят ҳақида шунчалик кўп ўйладимки, миям тажрибали изқуварларникideк ишлай бошлади. Уй атрофидаги ҳар бир кимсанинг хатти-ҳаракатини синчиклаб кузатардим, мудҳиш қотиллик тафсилотларини сўраб-суриштириб мулоҳаза юритардим. Ўйлайвердим-ўйлайвердим ва ахийри...

Йўқ, қотилни топмадим. Шу яқин-атрофда ёвуз тел/ба яшашини тушуниб етдим. Мўйловдор қўшним билан яна бир гаплашганимда деди:

— Ўша куни мен дўконда эдим. Ҳамсоялар ишга кетишган, болалари ёлғиз. Эрталаб ўнлар эди чоғи, бирдан қий-чув бошланди. Чопиб борсам, иккинчи қаватдагилар... ўлиб ётишибди. Экспертлар ҳеч нарса аниқлаёлмади, ит ҳам ҳид ололмади. Терговчилар нуқул ҳамсоянинг эски душманларини суроққа тутади. Қани натижা чиқса? Ҳовлида ўтирган ўрис кампирлар ҳам бирон-бир шубҳали кимсани кўрмаганлар. Кимдир кўл телефонида гаплашиб, "дом"ни айланган бир йигит ҳақида маълумот берган, шекилли, милиция ўшани аниқлашга кириши. Ҳеч замонда қотил ҳаммага кўринарли жойда қўл телефонида гаплашадими?

Мүйловдорнинг гапидан сўнг атрофга қараб, шоҳкӯчадан подъездлар яққол кўринишига туришига эътибор бердим. Назаримда, қотил узоқ вақт уйни пойлаган эди. Модомики, ҳеч зоф қотилни кўрмаган экан, демак, у шоҳкӯчадан кузатган, худди автобус кутаётгандек. Йўловчиларни ким ҳам эслаб қоларди.

Кечкурун эшик тақиллади. Аллақчон этикдўзлар бигизини сотиб олиб, маҳсус филофчада чўнтағимда сақлардим, лаҳзалар ичидаги босқинчининг бўйнига санчишим мумкин эди.

Шартта очсан, эллик ёшлардаги эркаксифат хотин буқчайиб турибди.

— Ман биринчи этаж, — деди у.

— Хўш, нима бўпти? — дея қўрслик қилдим асаб торларим таранг тортилиб.

— Бачаларга айтинг, кўп сакрамасин. Пастда одам яшайди.

— Шу холосми?

Хотин разабдан титраб кетди. Еб қўйгудек тикиларди.

— Гапингизни тутатган бўлсангиз, хайр. — Эшикни ёпаётгандим, у чайир қўли билан тутиб қолди.

— Бу эшикни алмаштиринг, — деди палағда овозда. — Қаёқдан ҳам ўрнатди, фалокат бўлди. Кўрмаяпсизми, у товланади. Яқиндан қизил, узоқдан қора. Ҳаммаси қоннинг ранги. Болаларни эшик ўлдирганини милицияга айтдим. Мени телба деб ўйлашибди.

— Сиз... кимсиз ўзи? — дедим баданимда чумоли ўрмалаб.

— Биринчи қаватдаги ҳамсоя.

У эшикни кўйиб юборди-да, ортига чекинди. Сўнг чаққон бурилди-да, лапанглаган кўйи зинадан тушиб, қўздан йўқолди. Эшикни кулфладим-у бошимни чанглаб хонамга кирдим. Миямдан бирйўла юзлаб тахминлар ўтар, қайси бирида тўхталишни билмасдим. Ниҳоят, биттасини танладим: болаларни ақлий жиҳатдан зайдроқ, аммо пухта тайёрланган қотил ўлдирган. Уни ҳовлида ҳеч ким кўрмаган, чунки ташқаридан келмаган. Қотил ичкарида, яъниким шу подъезддаги

үйлардан бирида. Ва унга болаларнинг полни дупурлатиши, қора-қизил эшик ёқмайди. Ўлдирилган болалар ҳам эшикни бежиз очишмаган, сабаби бор: тақиллатган киши таниш бўлган. Ўта ваҳшийлик қўлидан келадиган, жисмоний кучли.

Аммо милиция ити... Нега ит ҳид ололмаган?

Юқори қаватга чиқиб, мўйловдор қўшнидан сўрадим:

— Қотиллик содир бўлган куни уй тутатиб кетилганмиди?

— Тутатилганда қандоқ? Кўрпа-ёстиқларнинг паҳтасига ўт қўйган, плита устига сасидиган резина ташлаган.

Уйга қайтиб, у ёқдан-бу ёқقا юриб, ўлай бошладим: "Биринчи қаватдаги хотин қотил бўлиши мумкинми? У соғ эмас! Кўзларида нур йўқ эли, қўллари ҳам чайир... Қотиллар бир сўмга ҳам тегинмаган дейишганди... фақат қон учун..."

Яна бир нарса ўйлантириди: эксперглар қўлқоп тукини топгани ҳақида ҳеч нарса дейишмади, демак, қотил резина қўлқопдан фойдаланган. Албатта, қўлқопни дорихонадан олган. Шоҳкўчада бойида уч-тўртта дорихона бор.

Эртасига участка нозири чақирди. Тахминларимни айтгандим, ёзиб олди.

Ўша ҳафта уйга харидор топилди: уй-жой савдоси билан шуғулландиган хусусий ташкилот сотиб оладиган бўлди.

Шаҳарнинг бошқа томонидан уй топиб, зудлик билан кўчиб кетдим. Ваҳималар уяси бир умр узоқлашганидан хурсанд эдим. Бироқ орадан бир ой ўтгач, жиноят қидирув ходими кабинетига чақирди.

— 161-уйдаги 13-квартирага кўчиб бориб, дарров кетган экансиз, — деди у папирос тутатиб. — Участка нозирига ҳам сабабини айтган экансиз. Мен бир оз ойдинлик киритмоқчиман.

— Тинчликми?

— Манави аёлни танийсизми?

Суратга боқдиму ичим шув этди. Бу ўша эди, биринчи қаватдаги телбасифат хотин.

— У сиздан болаларнинг полни гурсиллатмаслигини талаб қилган экан. Қора-қизил эшикни ҳам алмаштиришни сўраган, шундайми?

- Ҳа. Болаларни эшик ўлдирган, деганди. Бир гап бўлдими?
- Кичик кўринган далиллар одам қиёфасидаги қонхўрнинг башарасини чизишда ёрдам беради. Бирорнинг фарзанди тугул, эшигидан ҳам нафратланса, шовқин-сурон учун тиф кутаришгача борса... Шу ҳам одамми?
- Уйимни олган одамга... болаларига ҳеч нарса қилмаганми, командир? Одамни қўрқитманг!
- Котиллик бўлган.
- У... лаънати хотин... б... бола ўлдирдими?
- Йўқ, ултуролмабди. Яхшиям, уй бекасининг укаси бор экан, қаттиқ олишув натижасида босқинчি хотин оғир жароҳат олиб, касалхонада жони узилган. Айтгандай, у босқинчиликдан сал аввал дорихонадан резина қўлқон сотиб олган. Участка нозирига шундай бўлиши ҳақида гапирган экансиз, ра//ҳмат сизга.

Енгил нафас олдим. Одам ўлдирилганидан умримда биринчи марта қувондим ўшанда.

АФСУН

Ярим кечаси тўйдан ширақайф қайтаётган Салмон йўлдан адашиб, бир жийдазорга кириб, донг қотиб ухлаб қолди. Уни уч кун қилиришди. Тўртингчи куни эрталаб чала ўлик ҳолда бир подачи топиб, қишлоғига хабар берди. Шу-шу Салмон ярим йил тўшакда ётди, гапирмади, кулмади. Хотини азайимхонга, фолбинга чопди, ирим-сирим қилди. Кунларнинг бирида у оёққа турди ва инс-жинсларни ҳайдовчи, иссиқ-совуқ қилувчи афсунгарга айланди. Ҳеч қандай мулла ҳисобланмаса-да, авом ҳалқ орасида Салмонхон мулла номи билан ном чиқарди. Айтишларича, жийдазорда оқ шарна эмас, қора шарпага дуч келганмиш.

Ҳа, Салмонхон етти йил мобайнода манаман деган рақибларини додга қолдириди, ҳар қандай тугунларни ечиб, ким кўп пул тўласа, ишини ўнглаб, бегуноҳларни чаппа ағдариб

юборадиган нафаси ўткир дуохон сифатида донг таратди. Уни мақтагувчилар ҳам кўп эди. Кимнинг иши юришса, ким касалдан соғайса, албатта, Салмонхонни кўкларга кўтарарди, тўй-маъракаларда уйининг тўрини берарди. Собиқ майхўр тез бойиди, ҳовлисини кенгайтирди. Энди унга ёш ва гўзал хотин керак эди. Бу нима деган гап? Бир тола соч кифоя. Тун бўйи дуо ўқиса, соч соҳибаси эрталаб эшикни тақиллатади.

— Салмонхонга Худо бас келмаса, бандаси ожиз, — дейишарди одамлар.

Хар нарсанинг чек-чегараси бор. Шундай қилиб, қисмат енгилмас афсунгарга душман юборди. Бу душман гайб илмидан умуман бехабар оддийгина гўзал қиз эди.

* * *

Осмон кўнгил каби тиниқ кунларнинг бирида шамоллаб қолган Дилнозанинг дардиде Салмонхонникига келган она гўё файб кўчасига ҳам даъво истаб келганди. Аёл бу дуохоннинг дами ўткирлигини анча вақтдан бери эшишиб юради.

Дилноза ўшанда ўн етти ёшда бўлиб, бўйи бўйига, эни энига тортган, парилардек соҳибжамол, фунча лаблари ҳаёила қимтилган, оху кўз қиз эди. Унга бир назар солган киши қоп-қора кўзларининг оҳанраболи порлашидангина эмас, рангининг нақадар тиниқлигидан ҳам, минг сир-асрорга йўғрилган қоматидан ҳам беихтиёр телба бўлиб қоларди. Хола ва аммалари бегоналардан қизғаниб, "Биз келин қиламиз" деб қайта-қайта айтишар, лекин Дилнозанинг кўнгли қишлоғидаги Фолиб деган йигитда эди.

Улар Салмонхоннинг эшигига қадам босганида, афсунгарнинг қаримсиқ хотини Дилнозага тенгқур синглисини кўчага кузатиб кўйишга чиқаётган эди. Дилнозага беихтиёр суқланиб қараб қўйди. Қиз хасталиги боис бошини кўтаришни-да хоҳламади, шунинг учун хотиннинг маъноли қарашини сезмади.

Тутун иси анқиган кичик деразали, пастак шифтли уйда ўн етти ёш баҳор билан қирқ йиллик қаҳратон учрашиди. Қиз эти жунжикиб, ичидан қалтиради. Онаси бўлмаганида "дод"

Азамат ҚОРЖОВОВ

деб юборарди. Салмоңхон ўзи билган энг ўткир дуоларни ишга солди. Қиз ҳузурига кириб келганданоқ бутун фикри-ёди санамнинг васлига етиш истаги билан чулғанди-қолди. Авваллари бўнчалик васваса ила хуруж қилмаган эди. Балки шу кунлари дуолари сувни тескари оқишга мажбур этаётгани ўзига бекиёс ишонч уйғотгандир?

Дарвоқе, бу йил уйланганига ўн беш йил тўлди. Янги очилган гул билан чимилдиқقا киргиси келаётганини хотинига аллақачон сездирган, шу важдан боя хотини Дилнозага рашк аралаш наззора айлаган эди.

— Қизим... — дея она энди дийдиёсини бошлаётган эди, азайимхон тўхтатди. У қизга тикилди, икки нигоҳ тўқнашди. Икковининг ҳам қалбida туғён шиддат урди. Афсунгар Дилнозанинг узун соchlарини силаш учун қўл юборишдан ўзини зўрга тўхтатди. Дилноза унинг оқ яктак кўриниб турган кўксига бош қўйиб ором олгиси келди: шунчалик истадики, ҳаёл илдизлари зўрга бардош берди.

Дуолар тинди. Аёл қизини ташқарига олиб чиқди. Салмонхон улар ўтирган жойда бир дона соч толаси ётганини кўрди. Бармоғига ўраб, узоқ тикилди. Агар қизнинг ихтиёрини бугун ололмаган бўлса, эртага шу тола билан албатта олади. Афсуннинг кучи нишон бўлмоқликда. Мана, нишон! Аммо бу қизникими ё онасиники? Шу қил орқали жаннат эмас, дўзах мунтазир бўлса-чи?

Салмонхон кутишга аҳд қилди. Дилноза уйига қайтгач, хомуш бўлиб қолди. Уни дармонсизлик эмас, бошқа нарса қийнамоқда эди. Кечагина севгилиси Фолибни бирор билан кўриб, рашк ўтида аразлашиб қолган асов қиз энди сал кам отаси тенғи, хотин, бола-чақали одамга жиловини бериб қўймоқчи.

“Қанийди ўша уйда бўлиб қолсам, — дерди ичида. — Нима бўлсам бўлайин... Лекин қандай бораман?.. Кайси юз билан?..”

Эрталаб яна шу ўй билан уйғонди. Ёқасини фижимлаб ўтирган эди, деразадан қўшнининг қизчаси мўралади.

— Бу сизга, опача! — дея у чиройли, хушбүй атиргул узатди.
— Фолиб акамдан.

— Қачон келди? — сұради Дилноза.
— Кеча, — деди қызча чопиб кетаркан.

Қиз атиргулни құксига босди. "Атиргул, жон Атиргул, —
хаёлан гулга ялина бошлади. — Дардимни ол, мени құтқар..."
Тиканлари кириб ачишса-да, құймади қиз. "Наҳотки, рост
бұлса... Девдай одамни-я!.. Девдай одамни севиб қолдимми?..
Үлганим яхши..."

Шунда Дилнозанинг тилига ҳам афсун етиб, алжирай
бошлади:

— Мулла, жон мулла!.. Дардингни олай...

Яна бир күн үтди. У Фолибни узокдан күрди. Шаҳар ҳавоси
анча ўзгартириб юборибди. Хаёлига бир үй келди: "Фолиб
доришунослик бүйича ўқийди-ку! Балки дардига даво
бұладиган дорини топиб берар..."

Сирли ва маҳзун оқшом чүкди. "Хақиқий давони мулладан
оламан", деб үйлади қиз. У Саломонхон мулла хонадони сари
йўл олди. "Бирров бориб, дарров қайтаман. Онамни эргаштириб
нима қилдим. Ўзимни ўқитаман, ўзимни топшираман..."

Ногоҳон йўлида Фолиб пайдо бўлди. Ҳол-аҳвол сұради,
ваъдаларини эслатди.

— Гапни чўзманг, — деди Дилноза, — Қачон уйланасиз?

Йигитнинг оғзи очилиб қолди. "Менми?" деди-ю, саволидан
ўзи ҳам уялди.

Қиз шартта ортига бурилди-ю уйига кета бошлади.

— Ие, тұхта, Дилноза!

— Уйланасизми? Совчи юборинг унда! Нега анграясиз?

— Дилноза, сени севаман, — деди Фолиб қувончдан
ирғишлиар экан.

Совчи келди. Онасининг "Қизим ҳали ёш, олдин ўқисин"
деган гапига Дилноза шундай жавоб берди: "Фолиб aka шаҳарга
кўчади, ўзи ўқитади".

Тезда унаштирув маросими бўлди. Катта тўйни кузга
мўлжалладилар.

Дилноза иш билан овуниш учун юмушлардан бош күтартмади. Шунда ҳам юрагига үрнашган ғалати дарддан халос бўлолмади. Кечалари оёғига шиша синиқларини ўраб ётар ёки каравотга чилвир билан чандиб ташларди. Ёстиқни тишлаб, жойидан турмасликка, Салмонхоннинг ўткир кўзларини эсламасликка ҳаракат қилас, аммо ўша хона, ўша одам тинимсиз ёнига чорлайверар эди.

Салмонхон мулла ҳам Дилнозага совчи келганини, қиз рози бўлганини эшигди. Ичидан зил кетди. Бироқ асраб кўйган сочга дуо ўқишига барибир юраги дов бермади. Қандай қилиб Дилнозанинг соч толасини қўлга киритишини ўйлай бошлиди. Агар сочга афсун ўқиса, тилаги ижобат бўлмасдан қолмайди Бунги имони комил эди. Шунингдек, у Дилноза онаси билан келган кундаги афсуннинг гаъсирида эканига, минг чиранмасин, Фолибга ёр бўлмаслигига ҳам ишонарди.

— Мен ютиб чиқаман, мен, мен... — дерди Салмонхон кечалари шам ёруғида дуолар ўқиб.

Эртасига эшикдан кирган одамга "Менинг маҳвашим эмасмикан?" деб илтижоли қаради. Қиз кундан-кунга узини олдириб, озиб-тўзиб, ранги сарфайиб борарди. Икки марта оёғини шиша кесди, бир марта кўприкдан йиқилиб (ўша кўприкдан кечаси ўтиш қийин), шифохонада ётиб чиқди. Номаълум куч Салмонхонникига чорларди, чорлайверарди.

Ниҳоят, тўй куни белгиланди. Салмонхон муллага бу тушда аён бўлди. У чироқни ёқиб, сандиқдан соч толасини олди-да, дунёдаги энг кучли афсунни ўқишига киришди. Деворларга жон кириб, тоқиларгача қасир-қусур қилди. Дуохон афсунни ўқиб тугатгач, пешонасидаги совуқ терни артди-ю тўшагига кулади. Шу зайлда тошдек қотиб ухлаб қолди. Кимнингдир йигисидан уйғонганида, тонг оқара бошлаган эди. Унинг қошида ички кўйлакда бир қиз ўтиради. Даставвал Дилноза деб ўйлаб, "Келдингми, жоним? Ўзим сени баҳтли қиласман" демокчи эди, бирдан бу оппоқ вужуд, бу билаклар бошқаники эканини билиб сесканиб тушди. Гугурт чақиб қараса, хотинининг синглиси.

— Сен? — ортга тисланди Салмонхон.
 — Мен, — сеҳрли шивирлаб, унга сүйкалди күзлари бежо қиз.
 Салмонхон Дилнозага ишқини бир зум унуды. Иккиси шу ернинг ўзида келин-куёв бўлди.

* * *

Ажойиб куз кунларининг бирида Дилноза ва Голибнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Салмонхон эса она-сингилни кундошларга айлантириб, ўзи орзу қилган чимилдиққа кирди. Бироқ у барibir Дилнозани унугомади. Айниқса, паривашни келинлик либосида учратиб, бир дардига ўн дард қўшилди. Умри гарифликда ўтаётганидан нолиб, кечалари йиғлаб чиқарди. Нола-ю фифони дарчадан, уй орқасидаги жарликка оқиб тушар ва бу ерда бир маҳлуққа айланарди. У бир қараашда одамга, яна бир қараашда хўқизга, яна бир қараашда тўнғизга ўхшарди. Маҳлуқни кўриб қолган хотини эси оғиб ўлди. Одамлар синглиси кундош бўлгани учун куйиб ўлди, деб гап тарқатишли. Дин ҳам она-сингил кундош бўлишини ман этарди. Аслида Салмонхон динни-да унугтан банда эканини кўпчилик кеч тушунди.

Дилноза ҳомиладор эди. Худога қилган етти юз кунлик илтижолари ижобат бўлиб, Салмонхониг афсунидан қутулди. Вакти-соати етиб, қўчқордек ўғил туғди. Бола тез улгайди. Голиб туман дорихонасидаги ишга ўтгани учун қишлоқдан қатнаб ишлар, шаҳарга қўчиб кетишмаган эди.

Дилноза она бўлгач, аввалги қизлик латофатидан аёллик латофати ўн чандон ортди. Қади-қомати янада тулишган: оппоқ тишлари-ю қора қошлари, заррача ҳам сохталик сезилмайдиган қараашлари-ю кулишлари кишини асир айларди. Салмонхон баттар азобга қолди. У энди соҳибжамолнинг эрини йўқ қилиш орқали ўзига йўл очишни ўйлади. Тўйда Голиб билан ёнма-ён ўтиришнинг иложини топди ва костюмидан бир ипни юлиб олишни улдалади. Ўша куни эрталабгacha дуо ўқиди.

Голиб ишдан бир алфозда қайтиб, хамир қориётган Дилнозага ўшқирди:

— Уйга келгани, нега ҳар доим иш билан бандсан? Қачон

Азамат КОРЖОВОВ

мени очиқчеҳралик билан кутиб оласан? Ё чиройингга ишонасанми? Бир умр таъзим қилиб яшashi керак, дейсанми? Биласанми, ким ялинган? Сенинг ўзинг! Сенинг ўзинг тегаман дегансан!

— Дадаси, сизга нима бўлди? — ёқа ушлади Дилноза.

— Ёшсан! Гўзалсан! Мен ўлсам, садоқат қилмайсан! Дарров бошқасига тегасан! Ўшанинг уйини гуллатасан! Ҳа, менинг ўлимимни кутиб, хаёлингда ҳар хил эркакларни чамалаяпсанми?

— Нималар деяпсиз? — йифлаб юборди Дилноза.

— Бугун сенинг туғилган кунингми?

Фолиб шундай дея ўзи олиб келган совғани бурда-бурда қилиб ташлади. Кейин эса хиринглаб қулганча ўзини у хонадан бу хонага уриб, ёш-боладек ўйноқлаб чопди.

— Талоқ! — деб қичкирди у хона ўртасида тўхтаб! — Талоқсан, жўна уйингга! Ўзингга бошқа эр топ! Хоҳласанг, Салмонхон муллага тег!

Фолибни руҳий касаллар шифохонасига ётқизишида. У бутунлай эсини йўқотган, ҳатто ҳожатхонага ҳам боролмас эди. Одамлар дорихона мудирлигига даъвогар бўлмиш кишилар кучли дори бериб, миясини суйилтириб қўйибди, деб мишмиш тарқатишиди.

Рўзгор ташвиши Дилнозага қолди. Дастлаб бошига тушган ташвишдан довдиради, фам-аламдан ҳўнг-ҳўнг йифлади, аммо курашмокдан бошқа йўл йўқлигини англади. Тез-тез эридан хабар олиб тураг, бор аламини ўғлига меҳр бериш билан ўлдирап эди.

Товуқларни кўпайтирди, соғин сигирларни иккитага етказди, томорқани ҳам яшнатди. Бир куни бева эркақдан совчи келган эди, анграйиб қолди.

— Одамлар мени эри йўқ деб ўйлайдими? — деди жилмайиб.

— У киши эшитса, нима бўлади? Талоқ айтган, лекин қайтадан никоҳ ўқиттанмиз... шифохонада...

Ўша куни қайнонасиникита бориб, эрини шифохонадан келтириб, уйда парваришлаш режасини айтди. Дилнозага совчи

келишини улар олдиндан эшитган, эрта-индин бирор кишига розилик беради, деб ўйлашарди. Дилнозанинг гапларидан ҳамманинг юзи ёришиди, илло Голиб бедаво дардга чалинганини билганилари учун келинни юпатишиди, режаси амалга ошмаслигини ётиғи билан тушунтиришиди.

Дилноза фикридан қайтмади. Елиб-югуришларидан сұнг эрини она қишлоғига, үз уйига қайтарди. Ҳар куни очиқ ҳавода, ҳовлида айлантирап, беш маҳал тоза кийим кийгизар, тез-тез табиби чақыртиради. Голиб ҳамон гапиролмас, қараашларida маъно йўқ эди. Баъзан бу меҳрибон аёлга ҳайрон боқарди, холос.

Салмонхон бева эркаклар Дилнозага уйланишни истаётганини яхши биларди. Париваш хотин устига хотин бўлиш у ёқда турсин, бўйдоққа ҳам рози бўлмаслигини-да тушунарди. Дилнозанинг ихтиёрини ўғирлаш нақадар мушкул эканини тан олиб, сұнгги куч-қудратини ишга солиб, яна висол йўлига қадам ташлади. Бунинг учун унга Дилнозанинг бир тола сочи керак эди.

Даставвал чорасиз уринишлардан куйиниб юрди. Кўчада уйнаётган Дилнозанинг ўғилчасини учратиб қолгач, ниҳоят, калит топилганидан суюнди. Болага конфет бериб, авради.

- Уйларингда кимнинг сочи энг узун?
- Аямнинг. Лекин дадамнинг сочи йўқ. Аям қириб ташлайдилар.

- Аянгнинг сочи узун бўлса, бир дона олиб кел-чи, шунда ишонаман. Айтгандай, буни аянг билмасин, хутми?

Салмонхон болага йул-йўриқ курсатиб, уйига жўнатиб юборди. Эртасига болани чақириб, кўлига шоколод тутқазди-да, сочни сўради.

- Мана, — деди бола қизариб.
- Салмонхон бир қаради-ю, дилига шубҳа соя солди. "Бу Дилнозанинг сочи эмас. Айёр хотин сезиб қолибди".

У сочни олмасдан, боладан узоқлашди. Уйига келгач, чой дамлатиб, шифтга термулиб ётган эди, бир аёл бўйланди. Қаради-ю энтикиб кетди. Ниҳоят, оstonада Дилноза бош эгиб турарди.

— Ишқимда ёнаётганиңгизни биламан, — деди у. — Лекин нима учун эримни дуоибад құлдингиз? Мақсадингиз менми? Ихтиёrimни сизга топширсам, у кишини аслига қайтарасизми? Бечора қийналиб кетди-ку.

— Сенга ишонса бўладими? — сўради Салмонхон.

— Шуни ҳам сўраб ўтирасизми? Мана, сочимдаи бир дона бераман, ўзингизга ҳозироқ иситиб олинг. Унутманг, ақлу хушим жойида экан, сизга ўлсам ҳам рози бўлмайман. Эримни севаман. Шундай афсун ўқинғки, мен нима бўлсам бўлай, эрим соғайиб кетсин. У хор-зорликда яшашига ортиқ чидаёлмайман.

Дилноза бошидан бир тола узиб, афсунгарга узатди.

— Бағишладим...

Дилноза жойидан туриб, уйига отланди. У боласи ва эрини қайнонасига топширишини, кечқурун жийдазор ёнида кутишини, бу уйга бирга келишини айтди.

Кечқурун Салмонхон қўшни қишлоқ йўлидаги жимжит жийдазорга яқинлашар экан, тўйдан маст бўлиб қайтган кунини эслади. Юрагини ғалати вахима қоплади. Дупурлаган туёқ товушлари эшитилганида эса шоша-пиша қўйнидан толани чиқариб, гугурт чақди. Тола одам боласининг сочига ўхшамади. Шу ернинг ўзидаёқ пицирлаб дуо ўқиди. Бироқ у кечиккан эди. Кўзларидан телбавор ўт чақнаган катта қора от қуюндеқ чопиб келарди. Даҳшатга тушган Салмонхон жийдазорга қараб қочди. Бир вақтлар маст бўлиб ётган жойида от кувиб етди-да, туёқлари остида топтаб ташлади...

Ҳа, Дилноза унга от ёлини берган эди.

Эртасига Салмонхонни дағн этишди. Қонга беланганд жасади, пачоқланган мияси абадул-абад кафан ичида қолди. Қабристонни айланиб чопиб юрган отни эса қутурган деб ўйлаб отиб ташладилар. Ўлигига ўт қўйиб, кулини етти қават ер остига кўмдилар. Уни телба қилган дард ер юзига чиқмасин, дейишди.

Кечқурун Дилноза молларга ўт ўраётган эди, Фолиб

ташқарига чиқиб акса урди ва атрофга, ўз уст-бошига ҳайрон бўлиб қаради. Дилноза жодудан кутулган эрига ҳайрат-ла тикилиб қолганди.

— Қачон ишдан келдим, Дилноз? — сўради Фолиб. — Бугун туғилган кунингми?

УНУТИЛГАН ОДАМ

Машина светофорга яқинлашган чоф Ҳусан ака қизил чироқ ёнганини кўрди. Ва унинг алланечук майдада майдада қизил тантачаларидан иборат эканлигига қизиқсиниб қаради. Ҳали бунчалик аниқ-тиниқ кўрмаган эди светофорни.

Бир лаҳзадан сўнг Ҳусан ака чорраҳа ўртасига етди. Машинани қайси томонга буришни ўйламаётган эди. Шу пайт фиддиракларнинг даҳшатли чийиллаши эшитилди. Ён томондан оппоқ "Нексия" бостириб келарди. Музда тойгандек, кела-келгунча кўндаланг бўлди, Ҳусан ака ҳам тормозни босди. Машина қарсиллаб, кучли силтанди, эшик ойнаси тўкилиб тушди. Бир зумда ўнлаб одам тўплантанига ҳайрон бўлган Ҳусан ака эшикни очди. Бир йигит тушишига ёрдамлашаркан:

— Ҳеч нима қилмадими, ака? — деб сўради.

Жавоб бермасиданоқ атрофдан таъна-дашномлар ёғилди:

— Кап-катта одам экан, кўзига қараса бўлмайдими?

— Оқ дўпли кийиб олибди-ю ичганига ўлайми?

— Нега қизил чироқда ўтди? Соғмикан?

"Нексия"дан рангпар йигитни суяб туширишди. Бечоранинг бурни қонаган эди. Орқа ўринидикдаги хотини икки боласини кучоқлаб йиғларди. Гўдаклари ҳам онасига жўр бўлишди. Ҳусан ака сал бўлмаса, нафақат ўзи, бирорвинг оиласи ҳам ўлиши мумкинлигини англаб, товонигача музлаб кетди. Шунда ҳам тўқнашувнинг сабабини тушунолмади. Ким айбдор? Қизил чироқда ўтишим керакмиди, йўқми?

— Жинни бўлганми бу киши?! — Одамлар Ҳусан акани маломат қилишда давом этардилар.

"Мен айбдор эканман-да?" — ўйлади Ҳусан ака. Сўнг қаерда турганини, нима воқеа бўлганини, қаёқдан келиб, қаёқка

кетаётганини эслаёлмай бошини чангаллади. Йигит сүкинди. Ҳусан акани дүпослаш учун тараддуудланди, лекин йиғлаётган болаларини овутиш учун бирдан ортига қайтди.

"Нексия"нинг орқа бурчаги пачоқланиб, фарасининг бир кўзи синган, "Москвич"нинг эшиги хиёл букчайган эди.

Кимдир ақл ўргатди:

— Машиналарингни олиб четга ўтинглар, "ГАИ" келмасдан ремонтни келишинглар. Худо сақлади, энди гап-сўзни кўпайтирасдан келишиш керак.

Ҳақиқатан, атрофда йўл ҳаракат хавфсизлиги ходимлари кўринмасди. Ҳусан ака аллақандай кенг, осуда, сердараҳт кучага кириб тұхтади. Қизиқ, у шаҳарга биринчи марта келгандек бу жой нотаниш эди. Юз-қўлларини ювган йигит Ҳусан акадан чучигандек тўрт қадам наридан деди:

— Паспорт... гувоҳномаларни беринг.

Ҳусан ака хужжатларини ахтариб топгач, йигиттга тутқазди.

— Анави банкнинг орқасидаги устахонада учрашамиз, — деди йигит. — Устахона учун ёнингизда пулингиз борми?

— Йўқ.

— Унда топиб келинг.

"Нексия" кўздан йўқолди. Ҳусан ака машинасига суюниб, бошини хам қилди. Боягина қишлоқдан хуш-хандон келётган эди. Анча йилдан бери машина ҳайдайди, аммо бу қадар қўпол равишда қоида бузмаганди.

— Тезликни пасайтирамадим, бу ҳақда ўйламадим ҳам, — ўзига ўзи гапирди Ҳусан ака. — Светафор шундай чиройли порладики... Қизил эди, қип-қизил...

Миаси қотиб қолди. Нима қилиш керак? Шундай тураверадими энди?

"Москвич"га ўтириди-да, газни босди. Ҳар гал светофорга яқинлашганды, чирокларга қўрқа-писа қааради. Беш-олти светофордан ўтгач, чарчаб, машинани йўл четида тұхтатди. Бу аҳволда машина бошқаролмасди. Ахир, йўл ҳаракати қоидаларини буткул унутиб бўлганди.

Бир йигит йўлакдан кекса онасини етаклаб ўтди. Улар қаёққа кетишашаپти экан, деб Ҳусан aka ички бир сезги ила атрофга аланглади ва шифохонага қўзи тушди.

— Касалхона! — бақириб юбораёзди у. — Мен касалхонага келаётгандим-ку!

Шу лаҳзада хотинининг жаврашлари қулоги тагида жаранглади:

"Олтмишга кирмай ҳамма нарсани унутиб қўяяпсиз. Бир-икки йилдан сўнг мени ҳам танимай қоласиз. Ӯғилларингиздан "Кимнинг боласисан?" деб сўрайсиз шу юришингиз бўлса..."

"Нима қил дейсан?! Единг-ку миямни!"

"Сиз касалсиз! Шаҳарга бориб дўхтирга кўрининг. Келинингизнинг ҳамсояси бор экан, етмишдан ошган чол. Склерозини вақтида даволатмагани учун нима бўлибди, биласизми?"

"Нима бўпти? Хотинини чеча дептими?"

"Айтишга тилим бормайди. Яхшиси, эртагаёқ дўхтирга боринг..."

Ҳусан aka "Э, мен ҳеч қандай касал-пасал эмасман, шунчаки хотирам чатоқ" деб машинага ўтирганини ҳам эслади.

— Ҳозироқ шифокорга учрашаман, — деди Ҳусан aka ва машинадан тушиб, шифохонага шошилди.

Бир зумда дарвозага етган бўлса-да, нега келаётганини, бу ер қандай макон эканини унутиб қўйди.

— Ассалому алайкум, келинглар, келинглар... — Шундай дея Ҳусан aka қўлини кўксига қўйиб, ҳалиги она-болани шифохонага манзират қилди. Ўзи ҳам остона ҳатларкан, нега карнай-сурнай йўқ, деган хаёл лин этиб ўтди кўнглидан.

"Тавба ҳақиқатан касалим зўрайиб кетибди, — ўйлади бир оздан сўнг, — нима, мен тўйхонага келаяпманми? Ахир, шифохонадаман-ку! Бир нафасда эслаб, бир нафасда унутиб қўяяпман! Врачга тезроқ учрашай!.."

Шифокор уни хушчақчақ қарши олди. Ҳол-аҳвол сўрашишни ҳам қийворди. Ҳусан aka ўзини ўзи егудай ўтиради.

— Сал бошқача кўринаяпсиз, aka? — деди шифокор.— Соғлик қандай?

Хусан ака шифокорнинг сўровига елка қисиб қўя қолди.
Ниманидир гапиришни истарди-ю, эслолмасди. Нега келди?
Ким бу одам?

— Хим, яхши, яхши, — кулимсиради шифокор, сўнгра соатига қараб қўйди. — Кетдикми?

Хусан ака довдираб қолди.

— Ҳозирми? — тили зўрға айланди.

— Тушдан кейин вақтим йўқ, — деди шифокор.

Шифокор ўз машинасига эргаштириб борди-да, эшикни очди.
Йўлда кетишяяпти. Ҳусан ака шаҳардан четга чиқишаётганини
кўриб турибди, бошқа ёққа йўл олишганини англайпти, миқ
этолмайди. Назарида, вужуди ўзиники эмасди.

— Онангизнинг қон босими нега тушмаяпти, ўйлаб
кўрдингизми? — маъноли қаради шифокор. — Хафа бўлманг-
ку-я, бу сизнинг қилиқларингиздан. Нечага кирдингиз?

— Элликдан ошдим... — деди Ҳусан аканинг тили. — Ароқни
ташлаганимга анча бўлди. Бу... дўппини бекорга кийиб юрганим
йўқ.

— Элликдан ошдим? — шифокор мийигида кулди. — Ёшини
аниқ билмайдиган одамга ўхшаб гапирасиз-а? Аниқ нечага
киргансиз?

Ҳусан ака индамади. Машина катта йўлдан ўнгга бурилиб,
шаҳар яқинидаги қишлоққа кириб борди.

— Қаёққа ҳайдаяпсиз? — сўради ахийри Ҳусан ака.

— Онамнинг мазаси йўқ дедингиз-ку боя, телефонда.

— Онам яхши... Менинг мазам йўқ, менинг... Бошим
айланиб, тентак бўп қолдим. Нимайди бу касалликнинг номи?
Шунга боргандим...

Шифокор тормозни босди. Жаҳл чиққани сезилди. Жаҳл
ижирғанишга айланди.

— Айтгандай, бугун тўй-ку! Мелиқўзи зубнойнига алдаб
олиб келаяпман денг? Келиб-келиб сизни ёлладими, ярамас?
Онангиз оғирлигини эшитиб юргандим, сиз... шундан
фойдаландингизми? Ҳе садқаи одам бўлмай кетинг-е!

Ҳусан ака телбаларча бош чайқади. Шифокорнинг аччиқ гапларидан эмас, хотирасини бўтунлай йўқотганидан довдираб қолганди. "Исмим нима эди? — деди ичида. — Ҳаким... Ҳошим... Содик... Э, Худойим, нима бўлаяпти менга?"

Шифокор машинасини бурмоқчи эди, орқадан "Мерседес" сигнал чалди. Шифокорнинг юзига қон югурди. Машинасидан туша солиб кўришмоқقا шошилди. Фовур-фувур эшитилди. Шифокор рулга қайтди-да, тўйхонага ҳайдади. Тўй эгаси ҳаммани очиқ-чеҳралик ила кутиб оларкан, Ҳусан акага хўмрайиб:

— Қаёқда юрибсиз? Сизга ишонган одам ҳаром ўлади, — деди.

Ҳусан ака тўй эгасини ҳам танимади. Тўйхонада қўпчилик Ҳусан ака билан салом-алик қила бошлади. Салом-аликлар замирида қандайдир менсимаслик, мазах ётганини сезгач, бирини силтаб ташлади.

— Ие, акам... ўзимнинг акам... Мени танимадингизми? — деди маст.

— Танимадим! Йўқол! — баттар ғазаби қўзиди Ҳусан аканинг.

Ўзининг ким эканини унугани сайин шахсиятига нисбатан нафрат уйфонаётган эди. "Мен ким эдим? Нега пасткаш, майдакаш бўлиб яшаётгандим? Бировга берган ваъдамни бажармаганман, ит билан ҳам, бит билан ҳам улфатчилик қилганман, ароқ ичганман, ҳаттоки, онам ҳам мени деб касал ётибди... Ё алҳазар!"

Тўйхонани тарк этиб бораркан, атрофдан "Бугун ичмабдиларми?", "Алкашга оқ дўппи ярашмайди", "Нима жинурди, ўвв..." каби хитоблар қўлогига ҷалинди. Кўчага чиқаверища йўлини бир йигит тўсди. Ҳусан акага жуда-жуда ўхшарди.

— Катта онам... сизни сўради, — деди у. — Қаерларда юрибсиз?.. Катта онам... вафот этди...

Бугун Ҳусан ака учун энг қора кун эди. Онаси ўлди. Онаси билан бирга гўё сўнгги хотираси ҳам ўлди. На онасини, на маңави йигитни, танияпти.

— Онажон... — шивирлади Ҳусан ака. Бироқ ачиниш ҳиссини

Азамат ҚОРЖОВОВ

түймади. Одайлар пастға урганича бор әкан, эс-хуши жойидалигидә ростдан пасткаш, бемеҳр, одам қиёфасидаги махлук бўлиб яшаган кўринади.

Хусан ака жанозада бошдан-охир ўз фамига қоришиб ўтириди. "Онам оғир әкан, таниш дўхтирини чақириб келишга борибману тўйхонага ўтиб кетибман. Воҳ, қандай разилман! Шунда ҳам онам бояқиши мени сўраган. Атрофида қанча неваралари, жигарлари... Шунда ҳам мени сўраган..."

Бир неча кундирки Хусан акада ўзгариш сезилмагач, кампирнинг маъракасига келган қариндошлар унинг бошида тўпланишди.

- Нега бундай ўтирибди? — сўради бир чол.
- Ҳеч нимани эслаёлмаяпман, деяпти, — жавоб берди хотини.
- Яна ичаяптими?
- Ичгани йўқ... — йифламсиради хотини. — Ҳамманг бегонасан, биттангни ҳам танимайман, мени уйимга олиб бориб қўйинглар, деяпти.
- Ўқитиб юбориш керак, — деди чол. — Минг марта айтдим, бу одам бўлмайди деб! Ўтиришинг қурсин, мендай бовай одамсан сен ҳам!

Хусан ака қулоқларини беркитди. Ўзининг жирканч одам эканлигини ҳазм қилолмади. Яқинлари қўлини бигиз қилиб кўрсатаяпти, ёш боладек ўртага олишаяпти. "Ахир, мен оиласминг каттаси, маслаҳатгўйи, мўътабар кишиси эмасмидим? — ичиди қон йиглади. — Наҳотки, барчаси туш бўлса?! Наҳотки, мен шу оиласминг иркит вакилиман? Онасига ҳам аза тутолмайдиган ҳайвондан баттар кас!.. Дайди!.."

Эртасига Хусан акани шифохонага олиб боришиди. Кўзойнак таққан семиз шифокор bemor тарихини тинглагач, бир оз текшириб кўрди-да, бош қашиди.

- Исмингиз Ҳасанми ё Хусан?
- Хус...Хус..ан.

— Бир неча кун бурун "Москвич"да авария қилгансиз, түрими?

— Түппа-түғри! Лекин пиёниста эмасман! Қизил чироқда түхташни унугиб, "Нексия"га түқнашиб кетдим.

Хотини бобиллади:

— Вой, бу кишида "Москвич" нима қиласы, дүхтир? Бирор билан адаштирма пысизми? Ўзи зўрға юрса, машина ҳайдоладими? "Права"си ҳам йўқ-ку, ахир! Боши айлангани учун "Москвич" у қандайдир авария ҳақида тўқиб чиқарајапти!

— Чорраҳада юз берган автоҳалокат ҳақида мен гапирайпман, — дея шифокор ғаладонни очиб, эълон қофозини чиқарди. Унда Ҳусан аканинг сурати бор эди. — Агар бемор биринчи бўлиб гапирганида эди, хаёлот деса бўларди.

— Тавба, тавба!.. — Хотин қофозга анграйганча тикилди.

— Ҳусан ака, — деди шифокор, — сиз қидирудасиз, милицияга хабар беришга мажбурман. — У ҳайрон тикилди турган яқинларига қаради. — Сизларга ҳам қойилман! Бу киши Ҳасан ака эмас! Бутунлай бошқа одам! Охирги пайтларда уйга келмай қўйтгани учун бир оз ўзғарған деб ўйлагандирсизлар, эҳтимол. Чунки... ҳақиқатан қуйиб-қўйтгандек ўхшаркан.

Ҳусан аканинг ҳақиқий қариндошлари етиб келишди. Орасида мункайган онаси ҳам бор эди. Бояқиши Ҳусан ака онасини соғ-саломат кўриб йиғлаб юборди.

— Дада, "Москвич" гаражда, — деди ўғли. — "Нексия"ни ҳам таъмирлатдик, эгасини рози қилдик. Хотиржам, бемалол даволанаверинг, ҳеч нарсадан асабийлашманг.

— Склерозингизни вақтида даволатинг, бўлмаса, чукурлашиб кетади, деб кўп айтардим, эътибор бермасди, — мунғайди хотини.

Ҳусан аканинг қари онаси ярим аср муқаддам йўқолган Ҳасанининг дарагини эшитиб, атрофга жавдиради. Барча ҳаяжон ичра Ҳасан акани ахтара бошлади. Катта эгизакнинг ҳадеганда дараги чиқавермади. Айтишларича, у шаҳарнинг қайсиидир бурчагида инсон эканлигини унугиб бўккунча ичиб ётганмиш.

ЕТТИТА ДҮННИ

Самолёт Санкт-Петербургга кечаси учиши керак эди. Күтиш залы үртасида қылт этмай турган киши хавфсизлик ходимларида қизиқишини уйғотди шекилли, бири сүради:

— Кечирасиз, отахон, боядан бери қарайман, кайфиятингиз йүк, балки ёрдамим керактир?

— Питерга кетаяпман, — күрс оқангда жавоб берди киши.

Эрта қариганлик аломатлари яққол сезиладиган бу одам аслида эллик ёшни ҳам қораламаган эди. Одми кийими, күзларидаги фалати маъно, қордек оппоқ қалин сочи, офтобда қорайтан серажин юзи... ва ёнидаги каттакон оқ жомадон — барчаси ходимга янада сирли туолди.

— Кечираңыз, хужжатларингизни күрсам бўладими?

Киши дарров паспортини узатди. Афтидан у фаромуш кўринса-да, ҳаммаси қандай бўлишини олдиндан сезаётгандек тайёр турарди. Хавфсизлик ходими дам паспортга, дам эгасига қарапкан, ним кулимсиради.

— Ирисбой ака, сиз йўловчисиз, мен давлат хизматидаги одам. Хизматдан ташқари шунчаки қизиқаяпман, тағин кўнглингизга олманг, жомадонингиз анча қимматбаҳо, кийимларингиз эса оддий. На сайдёхга, на ишлагани кетаётганга ўхшайсиз. Энди, бу ёғи шахсий қизиқиш, ака, ўзи нимага бораяпсиз? Ё ўғилларингиз чақирирганми?

Ирисбой ака кўзини лўқ қилиб, бошини оғир чайқади. Саволига жавоб ололмаслигини сезган ходим дарҳол жиддийлашди, паспортни қайтариб берди.

— Майли, сизга оқ йўл, — деди кетаётib жомадонга зимдан қараб қўяркан.

Ирисбой ака Тошкент — Санкт-Петербург рейсидаги самолётга йўловчилар чиқарила бошлагач, жойидан жилди. Хужжатларида камчилик сезилмади. Жомадон енгил эди, гўё ичида ҳеч вақо йўқдек.

— Ростдан сизникими? — сўрашибди Ирисбой-акадан.

— Ҳа.

— Бу ёққа юринг.

Алоҳида хонага киргандаридан сўнг жомадон очилди. Ходимлар бир-бирига ҳайронлик-ла нигоҳ ташлашди. Етти дона қалампирнусха дўппи жойлаштирилган эди, ҳар бирининг ичига қоғозлар юмалоқлаб тиқилган. Қизифи, дўппиларни қатлаб чўнтакларига жойлаштире ҳам бўларди.

— Бу нима? — деди ходимлардан бири.
— Кўрмаяпсизми, дўппи-ку, — Ирисбой ака ҳам аччиқланди.
Ходимлар қоғозларни титкилаб кўришли, итга ҳидлатишиди, ҳеч қандай сир-синоат йўқ. Шунчаки оддий дўппилар. Қатланиб қолмаслик учун қоғоз тиқилган, холос.

— Тушунмадик, бу дўппиларни Россияяга дабдаба билан олиб бориб нима қиласиз?
— Ман этилганми?
— Ман этилмагану, лекин...

Барибир Ирисбой ака жўяли жавоб бермади. Самолёт ҳавога кўтарилиди.

Орадан уч ой ўтиб, аэропортнинг кутиш залида, худди ўша жойда ҳайкалдек қотиб турган киши хавфсизлик ходимларига таниш туюлди. Бир оз чўкиб қолганини айтмаса, ҳеч ҳам ўзгармаган бу одам Ирисбой ака эди. Ходимлар унинг исмини ҳам эслаб қолишган экан.

— Сиз Ирисбой акамисиз? — сўради ходим юкларни текшираётib. — Ўтган сафар келганингизда еттита дўппини...

Ходимнинг гапи бўғзида қолди, чунки бу сафар ҳам жомадон енгил эди. Очиб кўрганлар бир-бирига маъноли қарашди. Не кўз билан кўрсинларки, бу гал ҳам ичиде еттита дўппи бор эди. Зудлик билан эксперталар чақирилди. Ирисбой аканинг тоқати тоқ бўлиб, бошлиқقا бақириди:

— Канақа одамсиз? Дўппи олиб кетишим билан нима ишларинг бор? Қонунда тақиқланганми? Агар ҳозир қўйвормасаларинг, самолётдан қолиб кетганим учун шикоят ёзаман.

— Кечиравасиз, шубҳа уйғотган буюмларни текширишга...
— Қўйсангиз-чи шунақа гапларни! Булар оддий дўппилар-ку! Нимаси шубҳали экан?
— Жомадонингизда бошқа ҳеч нима йўқлиги шубҳали.

— Жомадонда яна нималар бўлиши керак? Мажбурий рўйхат борми?

Ирисбой аканинг яшаш жойи ёзиб олинди. Учишга рухсат этилди. Самолёт негадир ҳавога қийналиб кўтарилиди. Гўё сирли одам тарозилар сезмайдиган тоғ мисоли оғир жомадони билан юзлаб кишиларнинг ҳаётига ҳавф солиб, Санкт-Петербургга учиб бораётгандек эди.

Ўша куни Санкт-Петербург аэропортидаги полициячиларнинг гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашувчилари аэропорт биноси ичидаги мўъжазгина хонага жамландилар.

— Ўтган сафар "Оқсоч" еттига бош кийим олиб келганида, — деди катта лейтенант, — сизларга шубҳали эканлигини айтгандим. Ўзбекистонда яқинда бўлганман, уларни яхши биламан. "Оқсоч" дехқон эканлигини, Питерни томоша қилишга келганини гапирди, ҳақиқатан бир ҳафтадан сўнг қайтиб кетди. Хўш, бу ерда сир борлигини, наҳотки, кўрмаяпсиз? Дехқон етти дона дўппини кутидек жомадонга солиб, Питерга келади, дўппилар аллақаёққа фойиб бўлади, дехқон эса юртига хотиржам қайтади. Уч ойдан сўнг у яна келади. Жомадонда еттига дўппи. Етти кундан кейинги рейсга чипта олган. У жинними? Аммо бунақа жиннилик учун, ҳеч бўлмаса, чиптага пул керак-ку!

— Майли, бу иш шахсан сизга топширилади, — деди бўлим бошлиғи, — ҳозироқ кузатишни бошланг. Ёрдамчи куч керак бўлса, хабар берасиз.

Катта лейтенант фуқаролар кийимида бўлғанлиги боис ҳеч қандай тадориг кўриб ўтирумади. Шу заҳотиёқ Ирисбой аканинг изига тушди. Мана, дехқон чиқиш эшиги томон юрди. Таксига ўтириди-да, манзил сари жўнади.

"Топаман, — ўйлади катта лейтенант, — сирингнинг калитини албаттa топаман. Нима биландир шуғулланишинг яққол сезилаяпти. Улар оддий дўппилар эди, ҳеч қандай тарихий буюмлар эмас. Питерда ҳозир ўрта осиёликлар кўп, дўппилар ҳам талайгина. Агар дўппи беш юз ёки минг доллар бўлганида, ўшалар сотиб юборарди дўпписини, савдо авж

оларди. Бу ҳақда хабар топардик. Йүқ, эски фикримда қоламан: бош кийимлар орасига усталык билан "қорадори" жойлаштирилган. Бунақаларларнинг қанчасини кўрдим. Улар нималарни ўйлаб топишмайди.

Такси кичикроқ меҳмонхоналардан бири ёнида тұхтади. Ирисбой ака жомадонини күтариб, атрофга кўз югуртирди-да, ичкарига шошилди. Катта лейтенант телефон тутгачаларини босди.

— Объект "Салют" меҳмонхонасига кирди, доимий кузатиш талаб қилинади.

Ўша куни Ирисбой ака номердан чиқмади. Овқатни меҳмонхона хизматчилари киришиб беришди.

Иккинчи куни эрталаб кузатувчилар Ирисбой акани пастда кўриб сергак тортишди. Кечадан буён хонасига шубҳали шахслар кирмаган, ўзи эса телефонда гаплашмаган, демак, ким биландир ҳозир учрашади, деб ўйлашди улар.

Ирисбой ака қўлини орқага қилиб, бир-бир қадам ташлаганча аллақаёққа жўнади. Одам кам, кузатиш осон; жосус юз қадам масофа сақлаб, унга эргашди. Афт-ангорига қайгу нақш солган бу деҳқон айни дамда хотиржам одимларди, шошилмасди. Худди ўз қишлоғида мол-ҳолдан хабар олишга кетаётгандек.

Бир пайт у дарё томон бурилди. Тұғри бораверди. Панжарага кўкрак бериб, дарёга узоқ тикилиб қолди. Бирорни қутаяпти, деган қарорга келган жосус катта лейтенантга хабар қилди.

— Дарё бўйида учрашув белгиланганга ўхшайди. Қўли куруқ Жомадони йўқ.

— Ўзларингни сездириб қўйманглар. Бирон ҳаракати эътибордан четда қолмасин, ҳозир етиб бораман.

Ирисбой ака шу лаҳзада қўйнига қўл солди-да, бир нима олди, ҳидладими, ўпдими, полиция хуфяси кўролмади.

Сўнгра қўл силтади. Сувга отди шекилли.

Катта лейтенант етиб келганида Ирисбой ака меҳмонхонага қайтмоқда эди.

- У сувга нима отди? — сўради катта лейтенант жаҳл билан.
- Айтаяпман-ку ахир, орқа ўгириб турганди. Керакли нарса бўлганида сувга отармиди!

Катта лейтенант мушт тушириб қолмаслик учун ўзини зўрга тийди. Сўкинганча машинасига ўтирида, дарё томон елдирди.

Кузатув давом этарди. Сирли дехқоннинг қаңдай юмуш билан келганини аниқлашнинг ҳадеганда иложи бўлмади. Кейинги кун Ирисбой ака дарё ортига, курилиши яқинда битган кўпқаватли бинога борди. Бир четда узоқ ўтириди. Дурбин билан кузатган катта лейтенант дехқоннинг лаблари алланималарни пицирлаётганини пайқади. Шу куни ҳам унинг атрофига ҳеч ким яқинлашмади.

Тўртингчи куни, ҳар доимгидек бир хил вақтда кўчага чиққан Ирисбой ака тўсатдан катта лейтенантга еб кўйгудек тикилди. Ходим кўзини олиб қочишга кечикди. Дехқоннинг юз-кўзизда фазаб аломатлари зоҳир бўлганини кўрган катта лейтенант нари кетаркан, хаёлидан ўтказди: "У анча зийрак, анча қаҳрли, анча ёвуз..."

Дехқон Санкт-Пётрбург кўчалари бўйлаб ортидан жосусларни дум қилганча кўздан йўқолгач, катта лейтенант меҳмонхонага кирди. Ёнидаги калит билан эшикни очиб, остона ҳатлади. Жомадон бир четда ётибди, куфланмаган. Очиб қаради-ю уч дона дўппига кўзи тушди. Ўтган кунлар мобайнида тўргта дўппи аллақаёққа гум қилинган эди.

Катта лейтенант ўйга толди. Қўйнидан худди жомадондагидек қалампирнусха дўппи чиқариб, бирини алмаштириди. Орадан бир соат ҳам ўтмай дўппи эксперталар томонидан обдон текшириб кўрилди. Оддий мато, ип, қофоз — мана унинг таркиби. Ҳеч қандай қимматбаҳо нарса ёки гиёхвандлик мoddалар йўқ.

— Бир жиҳатга эътибор бериш керак, — деди катта лейтенант, — жомадонда учта дўппини кўрдим. Аэропортда еттига эди. Ба "Оқсоқ"нинг Россиядан чиқиб кетиш муддати ҳам етти кун. Уч кундан сўнг у кетади, учта дўппи қолган. Бу нимани англатади?

— Наҳотки дўппиларни кимгадир элтиб бераётганини биронта одамимиз аниқлаёлмаса! — ўшқирди бўлим бошлиғи.

— Оддийгина жумбоқнинг ҳам тагига етолмайсизлар! Сиз ҳам, — деди у катта лейтенантга, — лапашангликда ходимларингиздан қолишмайсиз. Дўппини алмаштирибсиз, бу — яхши, аммо датчик ҳам ўрнатиш керак эди.

— Менда яна бир фикр бор, — катта лейтенант қовоқ уйди.

— Ирисбой Негматовнинг таржимаи ҳолини сўраб ўзбекистонлик ҳамкасларимизга илтимоснома юборамиз. Ёки бўлмаса, хавфли жиноятчи деб у ҳақда маълумот сўраймиз.

Охиригина Ирисбой ака яна дарё бўйига борди. Атрофда қанча одам кузатайтгани билмасди, эҳтимол. Бир эмас, икки давлат одамлари...

— Мана, кенжатойим, — деди бояқиши ота, — сенинг ҳам дўппинг сувларда оқади. Иккита аканг, амакиларинг — ҳамманг шу атрофда кезиб юргандайсизлар. Курганларинг ўша бино битибди. Кўп йиллар қад кўтариб туради, кимлардир шаҳарнинг кўрки дейди, кимлардир биз курганмиз дейди... Лъянати калбошлар... фашистлар... қонхўрлар... Бошида на дўпниси, на жуни, на ақли бөр-манқуртлар... Ифлөсларни скинхедлар дейишар экан... Уларни Худо урган... Сизларга ҳамиша дўппи топилади... Алвидо, жигарларим... Мен яна келаман... Дўппилар тугамайди...

Ирисбой ака аэропортга жўнади. Дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортганини кўрган полиция хуфяси катта лайтенантга хабар берди:

— У ибодат қилди, балки диний гурух одамидир?

— Яхшилаб кузат, — деди катта лейтенант.

Кечқурун олисдан хабар келди: "Ирисбой Негматов, шу иили уч ўғли, ака-укаларининг тўрт ўғли — жами етти киши Санкт-Петербургда бир кечада скинхедлар томонидан ўлдирилган. Айблари — дўппи кийганлик... ва ҳакозо... ва ҳоказо..."

Деҳқоннинг исм-шарифи қора рўйхатдан ўчирилди.

— Хайрият, — дейишди полиция ходимлари. — Биз на гиёҳфурушни, на террорчини ўtkазиб юборибмиз. У мархумларни хотирлашга келадиган зиёратчи экан, холос.

Ирисбой ака йўл пули тополмади шекилли, қайтиб аэропортларда кўринмай қолди. Дарёда оққан дўппилар эса дунёнинг нариги чеккаларига йўл олди.

БАХТСИЗЛИК БИР ҚАДАМ

Ўн уч вагонли поезд тоғ оралаб темир излардан тун бағрини ёриб шитоб-ла кетиб бораарди. Айнан ўн учинчи вагонда, охирги купеда уч аёл ўтирарди. Иккиси, ёшлари ўтинқираб қолганлари, хотиржам кўринар, учинчиси буларнинг тескариси: пошнасини дамба-дам полга уриб, ниҳоятда безовталигини намойиш этарди. Ахийри, сумкасини тиззасига олди-да, шерикларига бир-бир кўз ташлади.

— Айланай, нимадандир безовта кўринасиз? — сўради лўппи юзли аёл.

— Юрагимга қил сигмайди. Ҳаммаси эримнинг дастидан.
— Ёш кўринасиз, ҳали ҳаёт олдинда.
— Олдинда? — ажабланди ёш хотин. — Шўрим қуриб қопти-ку.
Оёқ узатиб ўлиб кетаверсам бўларкан. — У шундай деб купе деразасини очди ва сумкасини ташлаб юборгудек баланд кўтарди.

Шу пайт эшик очилиб, назоратчининг "Киринг, бова" деган овози эшитилди. Учала аёл ҳамроҳлари кимлигини билиш учун бирпас кутиб қолишид. Оппоқ соқолли, бунинг устига оқ саллали барваста чол кўринди. У қорачадан келган бўлиб, кўзлари кўм-кўк эди. Нимаси биландир бошқа чолларга ўхшамасди.

Сумка кўтарган жувон чолнинг салобати босган каби кунжакда қўнишиб ўтирас, сумкасини ташлаб юбориш ниятидан қайтган кўринарди.

— Нечага кирдингиз, бобо? — лўппи юзли аёл тикилди чолга.
— Бир кам тўқсонга.
— Вой-бў, бунақа ёшда ёлғиз йўлга чиқиб нима қиласдингиз?
— Касбим шунаقا.

— Тавба, шу ҳам қасбми? — деди лўппи юзли. Сўнг картмончасини олиб нимадир қидира бошлади. — Тавба, тавба, — деб қўярди у ишида давом этиб.

— Минг сўм эвазига одамларнинг келажагини кўрсатаман, — деди чол. — Фақат нимани ушласам, шунга қараб...

Лўппи юзли аёл "Телба эмасмикан?" деб хавотирланди. Чол ҳам эринмаслардан экан, картмонга ишора қилди.

— Шуни ушласам сизга ҳам келажагингиз қуринади.

Аёл беписанд кулиб қўйди.

— Буни ҳеч кимга ушлатмайман, ишонганим шу-ку, ахир, — деди у.

— Сизнинг ишонганингиз рўмолча эмасдир, — дея чол ўртадаги аёлнинг қўлига назар солди. — Кизим, рўмолчанинг бир учини ушланг, иккинчисидан мен, кўзингизни юмасиз, бунинг нимаси қийин?

Аёл унинг айтганини қилди. Рўмолчанинг бир учини ушлаб ўтириди. Қўзларини очганда дунёга қайтадан келгандек ҳаммага ҳайратланиб боқди-да, ёш бола каби йиғлашга тушди.

— Раҳмат... Қамалиб кетган укам оиласи бағрига қайтганмиш... Худли ўнгимдагидай... Тушлигига одамнинг ишонгиси келмайди-я... Авлиёлик хислати бор экан сизда, бобо.

Тасодифан гувоҳ бўлган киши аёл ва чол муғомбирларча томоша қўяяпти деб ўйлаши мумкин эди. Бироқ чол бегона, икки аёл эса ўзаро таниш бўлиб, ўла қолса ҳам майнавозчилик қилмасди. Шундай экан, лўппи юзли аёл чолнинг кароматига ишонмасдан иложи қолмади.

— Йиғлашни бас қилинг, — туртди ҳамроҳини. — Беш дақиқа ҳам ўтмади-ю қанақа гипноз бу?

Иккинчи аёл ҳамон йиғи аралаш уҳ тортар, рўмолчаси билан бурнини артар эди. Чол лўппи юзлининг картмонига қўл теккизди.

— Сиз ҳам қўринг. На туш, на гипноз. Бўладиган воқеалар.

Аёл шаддотлик қилмоқчи эди-ю, аммо қўзлари юмилиб-юмилиб кетди, гапиришга жуфтланган лаблари шалвираб, жонсиз қиёфага солиб қўйди уни. Буларнинг бари сумка кўтарган жувонни хийла қизиқтириб қўйганди. Бир пайт лўппи юзли сапчиб тушди-ю ранг-туси оқариб, қўзларини очди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Астағириулло, астағириулло! — деди күзлари олайиб. — Илон... арвоҳ... Сув... сув бер-е, нега қараб турибсан?! — У ёнидаги аёлни сенсираклаб, шундай туртдики, биқинини ўйиб юбораёзди.

Навбат сумка күтарган жувонга келганди. Чол яқинроқ сурилди. Ҳалиги иккиси рўпарасида ўтирган эди, бу эса ёнида, шу важдан сумкага шундоққина қўл узатиб қўя қолди.

— Мен... — деди жувон сумкасига даҳшат билан тикиларкан.
— ...Мен буни ташлавормоқчи эдим, чунки...

Шу лаҳзада чақин чаққандай купе эшиги шиддат-ла очилиб, момақалдириқдек гулдираган товуш эшитилди:

— Ҳеч ким қимирламасиң! Милиция!

Лўпти юзли аёл чолдан халос бўлганларига шукр қилиб, севиниб кетди, лёкин пўрим кийинганлар унинг эмас, бояқиши жувоннинг бошига келишди.

— Сумкани беринг! Биз билан юринг!

Орадан кўп ўтмай, поезд тоғларни ортда қолдириди ва чиройли бир шаҳарнинг яқинда таъмирдан чиққан вокзалда тўхтади. Ходимлар жўвоннй ўшойлипинч/равишда ички ишлар бўлимига олиб киришди. Сумкани очишиди.

— Исм-фамилиянгиз?
— Дилинур... Бек... Беккулова...
— Сумка сизникими?
— Меники.
— Бу-чи?
— Меники...

Шу тариқа Дилинурга бир неча саволга "меники" деб жавоб берди. Албатта, клёнқага усталик билан ўралган ярим кило гиёҳванд моддани ҳам рад этолмади. Бўлар иш бўлган, Эгамқулнинг гапига киргани бир, сумкани отиб юбормагани икки, қўлга олингани уч — бирин-кетин келган бахтсизликлар адойи тамом қилди-қўйди. Энг даҳшати, у озодликдан, озодликка кўшиб болаларидан ҳам жудо бўлган эди.

— Бунинг учун неча йилга кетишингизни билармидингиз?
— деб сўради бири.

Дилинурга йиглаб юборди. Агар вақт орқага қайтганида эди, лаънати қорадориларни эрининг башарасига улоқтиради. Атиги

бир шаҳардан иккинчисига ўтказиб, икки соат ичидаги миллион сўм ишлаб олиш имкони келганини айтиб оғиз кўпиртириди, кўзлари чақчайиб қош қорайгунча ялинди. Фотима келиб қолмаганида яна қанча вақт ялиниб-ёлворарди.

Эри кечаси ухлагани кўймади.

"Дилнур, — деди ароқ сасиёттан оғзини яқин келтириб, — тушун, бошқа вақт бундай одамларни тополмайман, эрталабки поезд жўнаб кетса, тамом, қуруқ қоламиз, кейин менга икки дунёда ҳам ишонишмайди. Ўн марта чиқсансан ўша поездга. Айт-чи, қачон сумкангни бирор текширгандики, энди текширса?"

"Вокзалда текшириб қолса-чи?"

"Нима, вокзалда сумкангни текширганми ҳеч? — Эри нафрат билан авради: — Таваккал қилган одам бирдан эришади, қачон яхши яшарканман, деб йиллаб кугмайди. Фотима синглингга қара. Ўқишига ўтганидан бери опа бўлиб бир нима олиб бердингми? Иккитагина қизинг бор, нима қилиб бердик уларга? Жон-жон деб ўша зормандани ўзим элтардим, аммо бир-икки марта милиция билан жанжаллашганман, танийди улар мени. Кўринишим ҳам ўғриларникига ўхшайди. Сендан, хокисор аёлдан бирор шубҳаланмайди..."

Дилнурга ҳибсонада ўтириб, эрини қарғади. Қарғиш билан вақт орқага қайтармиди? Бир неча ҳафталик кутишдан сўнг суд ҳукми ўқилиб, Дилнурга олис-олис йиллардан кейин кўринажак озодлик тўйнуигига умид боғлаб умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Қизалоқлари хўнг-хўнг йифлаб хайрлашдилар, Фотима синглиси ҳам кўз ёшларини тўхтатолмас, "Ёш болаларингиз бор-ку, келгуси йил аминистияга илаштирасалар керак," деб юпатишга уринарди.

Эгамқул тик қараёлмади, хайр дейишга-да ярамади. Эсдан оғсан керак, деб ўйларди Дилнурга. Бироқ ўлим ҳам ундан юз ўғирди. Қуруқ танаси қолди бечоранинг. Фарзандларини ювиб-тараб мактабга кузатолмайди, тўйларини кўролмайди, иссиқ-совуғида ёнида бўлолмайди. Худди ўлган каби. Ўлгандан ҳам баттар сезди ўзини.

Воҳ, кунларнинг бирида Дилнурани авф этишди. Орадан йиллар ўтиб кетган, эди. Дилнурга уйига қанот боғлаб учди. Эшикни синглиси очди. Ҳомиладор эмасми, қийналиб йўл берди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Эрга тегдингми, Фотима? — сўради Дилнурा. — Болаларим қани? Поччант-чи?

Фотима кўз ёшларини тиёлмай ётоқقا кирди. Бу ётоқ энди уники эди, поччаси эса почча эмас, эр.

Дилнурा суд ҳукми қайта ўқилгандай қалқиб тушди. Бир вақтлар кимгадир элтиб бериши керак бўлган ўша қорадори ҳамон умрини қора рангларга бўяшдан тўхтамасди.

— Қизларимни олиб... кетаман, сен яшайвер, — деди Дилнурा ниҳоят.

Пиёниста отадан кун кўрмаган фарзандлар кўчадан паноҳ топишган эди. Дилнурा эшикка юрганида, синглиси:

— Опажон, — деди, — мени кечиринг... Уларга хола эмас, она бўлдим, менга ўрганиб қолишган... Сиз уларни тарбия қилолмайсиз... Отаси инсофга кирав, уларни оиласа қайтаришга сўз бераман... Ишонинг, опа...

— Нега ўз болаларимни тарбия қилолмас эканман? — титраб кетди Дилнурा. — Қамалгансан, демоқчимисан?

— Опажон, ўрнимда бошқа бўлганида "Болаларинг билан йўқол", дерди. Мен...

— Бир ифлоснинг гапига кириб қамалиб кетдим! Майли, умрим чирисин қамоқларда!

Дилнурा ошхонага чопиб кирди. Пичноқ неча йиллардан бери бекасини кутиб ётарди. Ажал қисиб Эгамқул ҳам келиб қолди. Ва кўксига пичоқ урди адашган аёл...

Фотима чинқириб юборди, аллақаердан қизлари ҳам пайдо бўлди. Ҳаммалари Эгамқулнинг бошига тўпланиб жон беришини қузатишдан бошқа иложлари қолмаганди.

— Нима қилиб қўйдингиз, опа?! — кичқирди Фотима.

Шундагина қизлар қотил ўз оналари эканлигини тушунишди. Нигоҳларида чексиз нафрат муҳрланиб турарди. Дилнурा ҳаёт тугаганини ҳис этди, пичноқни ўз юрагига санчиш учун яна кўтарди...

Поезд сигнали эшитилди. Темир йўл яқин бўлмаса, боз устига кўлқаватли уйга поезд қаердан келади, деб Дилнурा анг-танг ҳолда атрофга алант-жалант бокди. Уй секин чайқалиб купега айланди, мурда ҳам, Фотима-ю қизлари ҳам ғойиб бўлди.

— Ҳой қизим, күзингни оч. — Кимдир Дилнурага тикилиб қарамоқда эди, оппоқ соқол, оппоқ салла, күк күзлар...

Дилнурасе сканиб ўзини орқага олди, поезд ҳуштак чалди, фидириклар тарақа-туруқ, тарақа-туруқ ҳамон илдамлар, ўтган неча йиллик умри оқ кийимли девона чолнинг руҳониёна иши бўлиб чиққан эди.

— Ҳаммамидан ҳам сиз қўрқиб кетдингиз, — кулди лўппи юзли хотин, — қалай, келажагинғизни кўргандек бўлдингизми? Бу гипноз, бу туш, қўрқманг. Манг, сув ичинг.

Дилнурасумкасини оёқлари остига ташлаб жон-жаҳди билан тепкилади, сўнг деразадан улоқтириди. Зулмат бағрида эшилиб оқаётган дарё бир лаҳза ялтираб кўринди. Жинни бўлиб қолди деб ўйлаган ҳамроҳлари Дилнурани қучоқлаб, ўртага олишлари билан ўкириб йиглаб юборди.

Фаройиб чол эса купедан чиқиб кетди. Уни қайтиб ҳеч ким кўрмади.

ДАРБАДАР ХОТИН

Учинчи куни бир одам келди. Ҳамма билан қўл бериб кўришиб чиққач, каттамиз кимлигини сўради.

— Мен, — деди Алимназар ака.

— Отим Халил, — деб бошқатдан кўришди у. — Сомонхона қурмоқчийдик.

— Бўпти, қуриб берамиз, — ҳар доимгидай тез жавоб берди "раис"имиз.

— Сомонхона иккинчи қаватда бўлиши керак.

— Пулини тўласангиз қураверамиз.

Буюртма берувчи худди кесак отгандек қўлинини кескин силтади. У бизни кўндиришдан ҳам кўра ўзининг розилигини олишга қийиналаётганга ўхшарди.

— Қанча бўлади?

Алимназар ака дўпписини бир-икки қоқди. Пешонасини тириштириб:

— Ишимизга яраша ҳақ сўраймиз, — деди. — Бўйи баландлиги, ёпилиши... Хуллас, эл қатори.

Тоғнинг нариги томонига жўнадик. Юк машинаси қирлар оша кичикроқ қишлоққа яқинлашганда суви жилдираб оқаётган ариққа дуч келдик. Фидираклар лойқатиб ўтди, ниҳоятда чанқадим. Шукрки, юк машинаси устидамиз. Алимназар аканинг эски "Москвич"и бўлганида, шундай иссиқда момомизни кўрардик.

Тор, айланма кўчалардан қишлоқ ўртасига – Халил аканикига кириб бордик. Кенг, қия ҳовли. Кўча томон молхона. Этакда олма, ўрик дараҳтлари, бедазор кўринади.

Бир-бир қосадан шўрва ичдик. Гап ишга тақалди. Ўтирган жойимиздан қайирилиб молхонага кўз тикдик. Халил ака тушунтириди:

– Анави ўтихонагача жовлик усти очилади. Қайтадан ёпилиб, сомонхона поли тайёрланади. Кейин девор, том. Айтгандай, сомонхона оғзи олдиндан эмас, орқа томондан очилади.

– Нега? – эътиroz оҳангода сўради Алимназар ака. – Шамолга қараб қолади-ку. Ёмғир ҳам ўша томондан уради. Булар ҳам майли. Ичадиган, чекадиган одам сизларда ҳам бўлса керак. Мастликданми, атайлабми, сигарет отиб юборса, худо кўрсатмасин, ёниб кетади.

Халил ака томоқ қириб, қатъий оҳангда деди:

– Ҳаммаси ўйланган, уста. Сиз у ёғидан ташвиш чекманг.

Алимназар ака қаттиқ турмади. Ўзингиз биласиз, дегандек мавзуни курилиш материалларига бурди.

* * *

Мактабда жуда яхши ўқирдим. Мен ҳам, отам ҳам пулни ёмон кўрардик. "Пул жонсиз нарса, – дерди отам, – лекин одамнинг қўлида шундай рақсга тушадики, эгасини ҳам, бегонани ҳам расво қиласди".

Минг-минглаб одамлар умрини пул топишга баҳшида этаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳа, пул деб умр ўтади. Мен бошқача йўл тутаман.

Бироқ ўқишига ўтолмаганимда, илк бор пулим йўқлигига ўқиндим. "Қанийди отам бадавлат бўлганида-ю энг кучли

репетиторларда тайёрланиб, университетда ўқиганимда эди... ", — дедим ичимда. Энди нима қиласан? На мактаб, на ўқиши. Қора мәхнатга ёлланиб күн кецираман, шекилли.

Бир ой ҳеч қаерда ишламадим. Ота-онам ҳам финг демади. Күнглим чўкиб юрганим учун индамай қўя қолишгандир. Бекордан бекор юриш ўзимга тўғри келмади. Гоҳ дўкондордан, гоҳ кўни-кўшнилардан қарз бўлардик. Қарзни узиш вақти келади. Пул эса йўқ. Мулзамлик, тажанглик, уф тортишлар...

Енг шимариб ишга киришдим. Аввал ўз томорқамизни эпақага келтирдим. Сувоқсиз ётган оғилхонани сувадим. Алимназар aka чақириб қолгунча ишладим. Шундан бери бигта гуруҳмиз.

Ҳамон пул ҳақида ўйлайман. Пулим кўп бўлганида, ҳозиргидан баҳтироқ ҳис этармидим ўзимни? Нега отам пул деса юзини бужмайтиради? Пул ёмон бўлса, нима учун отам унга зор?

Шундай кунларнинг бирида қўшнимизнинг ўғли университетдан ҳужжатларини қайтариб олди.

— Мухтор, — деди у, — сен ҳам йиқилгансан, ҳужжатларинг архивда қанча узоқ ётса, шунча кўп пул тўлайсан.

Шаҳарга жўнадим. Ҳужжатлар солинган папкани қўлтиқлаб, университет дарвозасидан хомуш чиқиб бораётгандим, бир аёл чақирди.

— Юрфакда ўқийсизми? — сўради у менга журъатсиз яқинлашаркан.

Ўттизлар атрофидағи тўлача, қоматдор аёл жилмайиб туар, нозли қараётганга ўхшар эди.

— Мен ўқимайман... — дедим чайналиб. — Лекин ёрдамим тегиши мумкин.

Аёл айтсамми йўқми, дегандек иккиланиб қолди. Менга эргашиб хиёбон сари юрди.

— Э, ўқимас экансиз-да, — деди афсусланиб.

— Ўқиганимда нима илтимос қиласдингиз?

— Кир-чирини ювиб берсам, овқатини тайёрласам дегандим.

Ҳайрон бўлганимни сездирмаслик учун лоқайд бир алфозда дедим:

— Э, шунақами? Ўзи талаба бўла туриб маош ҳам тўлайдими сизга? Ундан кўра кир ювдирадиган оиласларни топишингиз осон, менимча.

— Юрфакда бойнинг болалари кўп дейиши. Икки-учта бўлиб битта шинам уйни ижарага олармишлар. Икки юз-уч юз долларга! Катта пул-а?

— Ҳа, катта.

— Мен кўп сўрамайман. Бу атрофда бекорга юрмасангиз керак. Танишларингиз бўлса айтинг. Тағин ёмон хаёлга боришимасин. Қишлоқдан келганман, кўнглим очик, яхши аёлман. Оиласларга хизмат қилишни ёқтирумайман. Шаҳарга ҳеч кимга тобе бўлмаслик учун келганман.

— Оилангиз борми?

— Ҳа, иккита болам, эrim, ҳовли-томорқам, молларим...

— Квартирада яшаяпсизми?

— Вақтингчалик турибман. Агар пулдор йигитлар топилса, уларнинг квартирасини тозалаб бераман, овқатини қиласман, шанба куни эса уйга кетавераман. Талabalарни укамларнинг ўрнида қўраман. Бир тийинига ҳам кўз олайтирумайман.

— Бу... қандай бўларкин? Эрингиз эшитса...

— Эй-й... ука, эrim нима дейди?! Ўқиша ўқиёлмадим, шаҳарда ишломмадим. Марҳамат, шароитимни қилиб берсин. Тўгрими? Нима, мен ҳаром-ҳариш юрибманми? Кундуз ошхонада ишлайман. Кечга яқин талabalарга энагалик...вой, узр, опалик... Қаери ёмон танлаган ишимнинг?

Елка қисиб, унга норози нигоҳ ташладим.

— Шу ерда беш дақиқа ўтирайлик, — деб ўриндиқни кўрсатдим.

Аёл ўзини оқладай бошлади:

— Одам дунёга бир марта келади. Ҳали кўп нарсани тушунмайдиганга ўхшайсиз. Нимадир бўғзингга тиқилиб келса ёмон, жуда ёмон. Мен... талаба бўлиб яшагим келади. Ҳар ҳафта уйга бораман, болаларим соғиниб, "опам келди" деб чопиб чиқади. Хўжайнинга ҳам тўрт-беш сўм берардим, қўли пул

кўрарди. Ҳам талаба, ҳам оила бокувчи... Шунақалар йўқми?

— Сизга ўхшаган аёлни биринчи учратишм. Бу... яхшимас. Агар хотиним берухсат бировникида юрса, етти-ёт талабалар билан кечкурун ёлғиз қолса, кийимларини ювиб, овқатини қилса, тўғриси, уни ҳайдаворардим.

— Ҳамма эркаклар бошида шунақа бўлади, кейин "Қанийди хотиним ҳам пул топса" дейди. Хотинингиз борми?

— Менингми?.. Уйланганга ўхшайманми?

Аёл ишвали қўз ташлаб қўйди. У соғ эмас эди. Билмадим, қанақа қишлоқдан, қавм-қариндош, эр, ота деганлардан ростдан бормикан?

Хужжатларимни қўлтиқлаб қайтарканман, қўз олдимдан аёл ва пул нари кетмасди. Талаба бўлишни, айниқса, ҳуқуқшунослиқ факультетида ўқишини шунчалар истай бошладимки, бу қора қунлар бошимга нега тушди, деб аламим кўзирди.

* * *

Ўтган йили хиёбонда учратганим ўша аёлни, пулнинг кудратини, пасткашлигини бежиз эсламадим. Халил ака, қинфир-қийшиқ кўчалар, бесўнақай сомонхона — барчаси кишида бошқача яшаш иштиёқини уйғотарди. Бир марта берилган умрда, бой ва баҳтли умр кечирсан, дейсан.

Алимназар ака кечкурун деди:

— Халил, сомонхона оғзини кўчага қаратганингиз ишингизни енгиллаатди. Пичанми, сомонми, кўчага тўқтирасиз-да, шундоқ панشاҳа билан отаверасиз. Шуни ўйлаб кўйган экансиз-да, а?

Ўй эгаси елкасидаги кир сочиқقا қўлларини артаётib:

— Йўқ, ака, боя айтган эътирозингиз тўғри, — деди. — Шамол учиради, ўт кетиши мумкин.

— Ие, бўлмаса, нега бундай курдираяпсиз?

— Овчиликдан хабарим бор, ака.

— Тушунмадим, сомонхона оғзининг кўчага қараб курилиши билан овчиликнинг алоқаси нимада экан?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сизга бир гап айтай: шоирлар фақат шеър ёзмайды, ошпаз тинимсиз қозон ковламайды. Шеър ёзиш учун кузатиш, ўлаш, илҳом келишини кутиш керак, овқат пишириш учун чамалаш, масаллиқ тайёрлаш, қозон-ўчоқдан бохабар бўлиш шарт.

— Жуда-а топишмоқ билан гапириб юбордингиз, — кулди. Алимназар ака. — Бунинг жавобини қелиндан бўлак ҳеч ким тополмаса керак.

Халил аканинг туси ўзгарди. Тўғриси, хаёлим тўлиқ уларда эмасди. Ҳамон киши бой бўлса, бунаقا хароб жойда яшамайди, деб ўйлаб ўтиргандим: Алимназар ака қанақа аччиқ гап айтиб юборди экан, дея сергакландим.

Халил ака индамай ортига бурилди. Биз унинг ошхонага кириб нимадир тўғрай бошлаганини кўрдик.

— Эътибор бердиларингми, хотини йўқ шекилли, — деди Алимназар ака.

— Эна-пенасиникига кетгандир-да, — шивирлади шеригим, — аёлсиз рўзгор қилишига ишониш қийин.

Мол бокиб қайтган беш-үн ёш атрофидаги иккита бола бизга қизиқсиниб қаради, каттаси салом берди. Кичиги ошхона томон шаталоқ отиб чопди. Унинг "Дада, овқат пишдими?" дегани эшитилди.

Бир оздан сўнг хонтахтага дастурхон ёзган Халил ака нон, узум, помидор, чойнак-пиёла кўйди. Айронни ўғли қўтариб келди. Алимназар ака болани обдон мақтаб, секингина сўради:

— Аянг қаерда?

— Мен ая демайман. — Бола бошқа ҳеч нарса гапирмай ошхонага шошилди.

Биз ота ва болаларни зимдан кузатардик. Ўғли нимадир дегач, Халил ака биз томонга икки-уч ўғринча кўз ташлади. Сўнгра ўғилларига ўша ерда дастурхон ёзиб, овқат солиб берди.

Ош еялмиз. Халил ака кафтини тўлдириб гуруч ошалар экан, қайсимизнинг пиёламиз бўшаса, чой куярди.

— Сўраганинг айби йўқ, — деди Алимназар ака, — келин кўринмайди?

— Кетган.

— Кетган? Қаерга?

— Айтмасам, ҳамсоя-памсоялардан ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларни эшитасиз. Ундан күра ростини айтиб құя қолай: хотин шаҳарда.

— Ҳа-а, — чўзиб тасдиқлади Алимназар ака, — бу дейман, шаҳарлик экан-да?

Халил ака бош чайқади. Биздан хижолат чекаётгани сезилди. Аммо сўзлаб бермоқликни бўйнига олди.

— У ўзимизнинг даштлик. Аввал уришдим, сўқдим, кейин урдим. Яна қўл кўтарсанг, судга бераман, деди. Бир оиласда яшаб судга берувчи сенми, дедим-да, талогини айтдим. Шунда ҳам йигламади. "Эрга тегиб хато қилган эканман, отам битта новвосни сотиб ўқитарди, энди йўлим очилди", деб отасиникига жўнади. "Болаларни ҳаётда бермайман, сен тентаксан, тентаклигинг учун ҳам ота-онанг эртароқ эрга бериб қутулган", дедим. Бундай олиб қараганда, эндиликда у менга хотин эмас. Одамлар "Халилнинг хотини бузилиб кетибди", "Халилнинг хотини студент йигитлар билан яшармиш" деб оғзига келганини гапиришади. Нима қилай? Бориб ўлдрайми?

— Ўзига инсоф берсин, — деди Алимназар ака.

— Ўйимга қадам босса, пешонасидан отаман Болаларим мени тушунади, кечиради. Унақа онанинг уларга ҳам кераги йўқ. Тавба, сен пул топмайсан, овлоқда яшаяпман, шаҳарлик бўлолмаяпман, дейди тентак. Дардлари шунақа эмиш. Ё алҳазар, шу ҳам дардми?

Халил ака гапирайти-ю мен мулзам тортаяпман. Ҳозиргина ўша хотинга ўхшаб фикрламадимми?.. Тўхта-тўхта, "Талабалар билан яшармиш", дедими? Ҳалиги аёл эмасмикан? Ҳуқуқшунослик факультетининг пулдор талабаларини ахтараётган қишлоқлик фалати хотин...

— Шундай бўлган бўлса, бошқа хотин олинг. Ўзингиз кир ювиб, ўзингиз овқат қилиб юраверасизми?!

Уй эгаси Алимназар акага қарамай деди:

— Бир оз пул топдим, мана, сомонхона курдираяпман. Шу пулга уйланишим ҳам мумкин эди. Ор санадим.

Ҳаммамиз баравар тикилдик. Қизиқ одам экан. Хотини шаҳарда аллакимларнинг ижара уйида яшаб юрибди, у эса бошқасига уйланишга ор қиласди.

- Иккинчи марта уйланиш түғри келмайдими?
- Гап бунда эмас.

Халил аканинг сирли гаплари шу ерда тугади. Биз сомонхонани битириб, қишлоқ билан хайрлашгунимизча мазкур мавзуда бошқа оғиз очмади.

* * *

Анча-мунча пул ишладим. Ота-онам қўярда-қўймай университеттага юборди. Абитуриентлар, ота-оналар ҳар қадамда учрайди. Хиёбондаги ўринидикда ўтирганларни кўриб Халил аканинг хотинини эсладим. Болаларини, эрини, рўзгорини ташлаб, шаҳарда юришни афзал кўрган аёл дунёда борлигига, ўтган йили уни шу ерда учратганимга, ёзда эриникида ишлаганимга ишонгим келмасди. Ҳаёт мазмунни фақат пулдан, орзулар ушалишидан, ҳою-ҳавас ортидан қувищдан иборат эмас-ку. Одам "энг яхши инсон" деган номга сазовор бўлиш учун дунёга келмайдими? Бежиз гўдак ширин эмас. У кейинчалик ҳам суюмли жиҳатларини сақлаб қолиши керак...

"Ўқиши тутатгунимча файласуф бўламан", — дедим ўшанда. Бироқ олдинда мени етти ухлаб тушимга кирмаган воқеалар кутарди. Ўқишига ўтиб, қўшни вилоятлик йигит билан дўст тутиндим. У бой хонадон фарзанди эди. Дадаси олиб берган уйидан менга ҳам жой ажратди. Ҳукуқшуносликда ўқийдиган амакиваччаси — учаламиз яшардик. Улар менга, ҳатто, нон ҳам олдирмасди. Шунга қарамай ул-бул тансиқ нарсалар кўтариб келардим.

Наврўз байрамида лотереядан яп-янги машина ютдим. Сотдим-да, эскироғидан олиб, ортган пулларга қишлоқдан дўконча очдим. Ишим яна юришса шаҳардан ҳам дўкон курмоқчи эдим.

— Қисқа муддатда биздан ҳам бойиб кетдинг-а? — ҳазиллашди ўрготим. — Отамиз берган пулга яшайпмиз. Сенинг машинанг, магазининг бор.

— Пул қўлнинг кири, — деди амакиваччаси. — Анча вақтдан бери айтолмай юрибман. Эллик минг-эллик мингдан ташласак бир аёл келиб овқатимизни қилиб беради, киримизни ювади, хоналарни тозалайди. Бошқа ишларга ҳам кўнадиганга ўхшайди. Кақирамизми?

У бизга қараб муғомбирона кўз қисди. Хоҳолаб кулишдик.

— Ўзи қаерлик экан? Ёши нечада? — сўрадим мен.

— Икки йилдан бери шаҳарда юрармиш. Асли чекка қишлоқдан дейишди. Уни факультетимизнинг ярми танийди. Чиройли хотин.

— Майли, опке, — дўстимнинг кўзлари чақнади.

Иккови менга саволомуз боқди. Розилик билдиришга билдиридим кечаси билан ухломай чиқдим. Кўз олдимдан Халил ака ва икки ўғли кетмасди.

Аммо дўстимнинг амакиваччаси ўша аёлни тополмади. Учинчи куни бир гап эшишдик: аёл қишлоққа борибди, лекин уйига яқинлашган пайт эри самонхонадан ўқ узибди. Тонг ҳали отмаган эмиш. Бечора кўчанинг ўртасида жон борибди.

— Қизик, — деди дўстим, — тонг-саҳарда отиб ўлдирибдими? Демак, эри уйида эмас, сомонхонада ухлар экан-да?

— Қаерда ухлаши билан нима ишимиз бор, — амакиваччаси сабзи тўғрашга киришди. — Хизматкорсиз қолдик-ку!

— Хизматкорсиз?.. — Миямда оғриқ турди.

— Эшишимча, эри уни шунча вақтдан бери пойлаб ўтирашибди, — деди амакиваччаси. — Мен бу гапга ишонмадим. Ким ҳам енгилтак аёлни ойлаб ухламай пойлайди? Эрининг уйи йўқми? Ундан ҳам ғалатиси, аёл дегани болаларини куришга тонгда келадими? Бу ерда бошқа гап бор.

— Нима гап? — сўради дўстим.

— Билмасам, — елка қисди амакиваччаси. — Ҳамма гап шу жумбоқда-да.

Мен юзимга фотиҳа тортдим. Кеч бўлган эди. Тез орада шаҳарга қоронғилик чўқди.

ОТАСИНИКИДАН ҚАЙТМАГАН КЕЛИН

Умумий маълумот

Бир ёшли ўғилчасини эмизиб ухлатган ва қайнинглисига: "Отамнига бориб келай", деб уйидан чиқсан, аммо қайтиб келмаган Турсунойнинг аянчли тақдири кўпчиликнинг юрагини эзди. Ўша кунги воқеани имкон борича қамраб олган ушбу ҳикоя сизни ҳам фожиали саргузашт шоҳидига айлантиради. XX асрда яшаб ўтган жаҳондор бир ёзувчининг "Ўлиқлар ёшлигича қолади" деган асари бор. Айтмоқчимизки, Турсуной ҳам йигирма беш ёшида қолди. Унинг учун вақт тўхтади, борлиқ тўхтади. Фарзандлар нидоси эса тўхтамади. Вақт-соати келиб улар онаизорларининг бошига етган бало нима эканини тушуниб етадилар.

Бироқ...

Нафақат тушуниб етишлари, огоҳ бўлмоқлари ҳам даркор. Зеро, бу балои қазо авлодларга ҳам таҳдид солишда давом этади.

Уйдан чиқиши манзараси

Турсуной эрта тонгда уйидан тетик чиқсан. Юз-қўлини ювиб, ошхонада бир оз куймаланган. Қайноаси ҳам уйғониб, уй олдида юрган. Сигир ва бузоқ безовта бўлгач, келинини ундалган:

— Ҳов, бўлинглар, сигирни соғиб, подага қўшиш керак!

Турсуной қийшайиб қолган рўмолини қайта танғир экан, остона ҳатлаб бир лаҳза тўхтаган ва қайноасидан:

— Бугун қайси кун? — деб сўраган.

— Пайшанба, — деб жавоб берган қайноаси.

— Отамнинг туғилган куни ҳам келиб қолибди.

Бу гапини ўзига гапиргандек ерга қараб молхонага шошилган. Қайноаси кейинчалик, яъни келинининг жанозасидан сўнг қўшни аёлларга:

— Энг яхши келиним эди бечора, — деб йифлаган.

Нонушта пайти ҳам Турсуной қайнона-қайнотасига оёғи

олти-қули етти бұлиб хизмат қилған. Қайнотаси "Бас, үзинг ҳам чойингни ичиб ол" дегач, чорпоянинг бир четига үтириб чой ҳұплаган. Бирон киши фожиадан сұнг "Турсуной қийналиб кетған эди" деган гапни айтмаган. Овсинарлар ҳам унинг ҳамма иш қулидан келадиган эпчилгина келин эканлыгини эътироф этишган. Фақат Нигорагина (балки барази сабабдир) Турсунойнинг түй ва зиёфатларда ҳудди ичған одамдек ғалати бұлиб қолишини ҳаммага әшиттириб гапирған. Аёллардан кимдир: "Хозир қицлоғимиздеги түйларда аёллар ҳам ичаяпти, бунинг нимаси ҳайрон қоларлы, овсинаи үзича айб топмасин, мархұмнинг ҳурматини қылсын", деган.

Қайнотаси бозорга, қайнонаси дүкон томонда яшовчи синглисеникіга кетған, тұрмуш үртоги Мавлон ишга жұнаган. Үйда катталардан ҳеч ким қолмагач, яна бир соатлар үй юмушлари билан машғул бұлиб, вақт үтказған-да, ичкари үйига кириб, ҳеч чиқавермаган. Бир ёшли Нурбек үйғониб, "Ая" деб үйғлаган ва аммачаси уни күтариб, янгасининг орқасидан кирса, сандиқдаги жамики нарсани ёйиб мұлтираб үтирган экан.

— Янга, Нурбек үйғлаяпти, сиз ҳаёл суриб үтирибсиз, — деган қайнингил.

Турсуной гапга парво ҳам қилмай, тұнғич фарзанди Гулафзани сұраган. Гулафза келгач, бошини силаган-да, маңзун кайфиятда үғилчасини әмисзган. Гулафза матоларни ушлаб, саволлар бераверса-да, она биронтасига жавоб бермаган.

Қайнинглисенинг күнгли бузилиб, ҳозиргача шундай дейди:

— Янгам үлишини билған экан, бұлмаса, сандиғини очиб, ҳамма матоларини бирма-бир күздан кечирмасди. Күзларida видолашаётгандек маъно бор эди. "Менга насиб этмаган, энди бошқа аёлга қолади", деб үйлаганмикан?

Шу алғозда у қанча үтиргани номаълум. Бироқ қайнинглисенинг гувохлик беришича, Турсуной үйдан чиқаётгандан соат үн бирлар бўлған экан.

— Унгача янгам дүконга бориб келди, — дейди қайнингил.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сандигидан отасига ўнглироқ совға тополмади. Худди ўша дўконда қаердан ҳам синфдоши Жамилани учратган-а!

Кўпчилик Жамилани бир сўз билан фожианинг асосий сабабчиси деб ҳисоблайди. Ҳамма қарғади, ҳамма янада ёмон кўриб қолди уни.

Турсуной совғани қўлтиғига қистириб кўчага отланган. Орқасидан фақат Гулафза йилгаб қолган.

— Бир соатга қолмай келаман, — деган Турсуной.

Аммо-лекин бир умрга кетаётганини на ўзи, на қайнинглиси билган. Кичкина Гулафза ҳозиргача кўчага кўз тикади. Унинг назарида, онаси қайтиб келадигандек.

Нигоранинг ҳикояси

— Кичик овсиним Турсуной кўщни қишлоқдан келин бўлиб тушган. Икки қишлоқ ўргасидан сой оқиб ўтади. Овсинимнинг уйи, қайнотамницидан ҳисобласак, ўн беш-йигирма дақиқалик жойда. Негадир мен Турсуной билан чиқишолмадим. Табиатимиз тўғри келмаган бўлса керак-да.

Турсуной келин бўлиб келганда, биз ҳам қайнотамницида яшардик. Уйимиз битмаган эди. Бир куни болаларим уникига кириб кўрпасини чанг қилганида ўғлимнинг қулофидан тортиб, ҳақоратомуз гаплар гапирган.

— Чанг қиласа қоқасиз-да, шунга шунчами? — дедим.

— Болани эркалатавермай тарбия ҳам бериш керак. Эртага бошингизга чиқиб олмасин, — деб насиҳатгўйлик қилган эди, оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштирдим.

Уй ишлари дастидан ҳам кўп уришиб қолардик. Юмушларини елиб-югуриб бажаарди-да, бирор аралашса, дарҳол чаласини топиб, кўмаклашганингизга пушаймон қилдиарди.

Охирги пайтлари отасиникига фақат бирровга бораарди-келарди. Онасининг вафотидан кейин, очиги, ўғай онага кўникоғлади. Ҳаёлида ўша аёл отасига, сингилларига зугум қилаётгандек туюлаверарди. Бир-икки марта тирноқ орасидан кир-ахтариб-жанжал ҳам қилган. Қариндош-уруглари: "Сенинг уйинг бўлак, энди келаверма, буларнинг турмушига

аралашма, отанг шу аёлсиз қийналиб қолади, иккисини ҳам қийнама", — деганлар. Шундан сўнг аразладими, ҳарҳолда ётиб келишга бормасди. Ўгай онаси уйда йўқ вақтлари (у мактабда ишларди) бир-икки соатга борарди-ю қайтарди.

Тан оламан, Турсуной меҳнаткаш, жонкуяр, ўткир келин эди. Менга ёқмаган камчиликларидан бири — у ичарди, ҳа, қишлоқдаги тўйларда амакиларимизнинг хотинлари билан қадаҳ кўтариб турарди. Одатда, бизнинг қишлоқда катта ёшли хотинлар ўтиришларда-ю тўй-базмларда "қизишардилар". Эри бир неча марта уришди. Бир гал мен ҳам унга қўшилиб икки рюмка "шампанский" ичганман. Ишонасизми, қўл-оёғим шалвираб, бўш қопдек бўшашиб қолдим. Касофатни бошқа ичмасликка аҳд қилим. Бир куни менга аслида ичишни ёмон кўришини ҳасрат қилиб қолди. "Нотўғри яшаяпмиз", деди. Никоҳ тўйида, куёв чақирдида, бешик тўйларда унга бот-бот пиёла тутишадиган бўлишгач, даҳшатли виждон азобида яшаганини энди тушунаяпман...

Менга "Турсуной ўлибди" деб айтишганида ўкириб йиглаб юборганман. Унинг мурдаси топилгач, экспертиза ходимлари кафтини очиб, лой аралаш ўт илдизларини чиқариб олиштанини әшитиб, дод солганман. Этчил эди, тирик қолиш учун кўп курашган. Агар прокурор бўлиб қолганимда ўша уч йигитга ва қизга — тўртталасига умрбод қамоқ жазосини бергизардим.

"Ҳаётта тўймаган эди"

"Мен — Йқболов Мавлон, 1981 йил 7 февралда туғилганман. Миллатим ўзбек. Ота-онам нафақаҳўр. Ўзим дурадгор бўлиб ишлайман. Икки фарзанднинг отасиман: бир қиз, бир ўғил.

Умр йўлдошим Қозибекова Турсуной 2012 йил 22 июнь, пайшанба куни соат 10:00 ларда "отамникига кетаяпман" деб ўйдан чиқиб кетди ва қайтиб келмади. Биз ишлаётган хонадонга 16:00 да амаким келиб, хотиним ҳаётдан кўз юмганини айтди.

Тергов жараёнларида унга нисбатан куч ишлатилмагандиги, ўлим баҳтсиз ҳодиса сабаб содир бўлганлиги аниқланди. Сув

қүшилган ўткир спирт истеъмол қылғанлигини гувоҳлар ҳам тасдиқлаган. Мен суд чиқарған ҳукмдан норозиман. Хотиним Турсуной ўлдирилган. Унинг феъл-авторини жуда яхши биламан. Чекка жойда ҳеч қачон ёлғиз ўзи сандироқлаб юрмайди. Эмизикли боласи бўлса, қандай ичади ва қандай қилиб ўзини сувга отади? У тентак эмас-ку! Қолаверса, уйга шошиб келаётган бўлган.

Яхшилаб текширилса, қайнонамнинг қўли борлиги фош этилса ажаб эмас. Турсуной охиригина пайтлари ўгай онаси билан кўп уришарди. Ўша кунги йигитлар орасида-ўгай онасининг яқинда қамоқдан чиққан жияни бўлганлиги ҳам тасодиф эмас.

Яна бир муҳим жиҳат, ўша куни қайнонамнинг туғилган куни эмас эди. Қайнонам ҳам мактабга бормайдиган кун бўлган. Буни қаранг, ўгай она ва қиз ҳовлида ёлғиз учрашган. Менимча, қайнонам кўп гапларни яширмоқда...

Қайнонам менинг дастлабки даъволаримни эшишиб, "Сен уни ургансан, ҳаётдан тўйдиргансан", деб тухмат қилди ва Турсунойнинг ўлимига мени сабабчи қилишга уринди.

Наҳотки?! Ахир, у баҳтли эди. Ҳаётдан тўйиши мумкин эмасди..."

Дўкондаги учрашув

Турсуной дўконга шошиб йўл олган. Шунга қарамай йўлида учраган таниш қиз-жувонлар билан тўхтаб ҳол-аҳвол сўрашган. Унинг ўлими ҳақида хабар тарқалгач, ўша қиз жувонлар бир неча кун ухлаёлмай чиққанлар. Умрнинг нақадар ғаниматлиги, фалокат ҳар доим пусиб туришини ҳазм қилишолмаган бўлсалар керак.

— Тушларимга у жилмайган ҳолда киради, — деган бири. — Истараси иссиқ эди раҳматлининг...

Дўконга қадам босган Турсуной ароқ ичаётган тўртта эркакни кўрган, то дўкондор аллақандай юмушини бажариб ичкаридан чиққунча ўзини ноўнгай ҳис этиб, тескари ўтирилган қўйи турган. Эркаклардан бири — Мамашариф уни таниб:

— Ҳа, келин, отанг яхшими? — деб сўраган.

— Яхши, — деган Турсуной қизарип. Сўнгра дўкон эгасидан оқ кўйлакнинг нархини ва ўлчамини суриштирган.

— Кўйлак кимга? — деб сўраган Мамашариф бефаросатларча.

— Отамга, — деган Турсуной.

— Қайси бирига? — хахолаб кулган эркак. — Мен... айтмоқчиманки, ўзингнинг отангами ё қайнотанга?

— Ўзимнинг отамга! — деган Турсуной бир оз жаҳл билан.

Турсуной пулларини санаётганда дўкон олдига бегона машина келиб тўхтаган ва ундан иккита йигит тушган. Гувоҳларнинг берган кўрсатмаларига кўра улар жами тўрт киши бўлганлар: яна иккитаси (бир йигит ва бир қиз) машинада қолган.

Дўкондорнинг айтишича, йигитлар ичкарига кирган заҳоти пул санаётган Турсунойга зимдан қараб кўйишган. Турсуной пулни дўкондорга узатиб, ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлган, аммо аллақаёқдан бола етаклаган учинчи шахс пайдо бўлган. У Жамила эди. Дўконга кирибоқ ширинликлар пештахтасига қараган. Қизчаси шунга ундан бўлса керак.

— Турсуной, ўзингмисан? — тўсатдан ҳайрат ила Жамила Турсунойга талпинган.

Иккови бир-бирининг қўлини ушлаб, бир неча марта ўпишиб кўришганлар. Турсуной қизчадан ҳам ҳол-аҳвол сўраган.

— Вой, қачон келдинг? — деган Турсуной.

— Икки ҳафтадан ошояпти, — жавоб берган Жамила.

— Эшитмабман.

— Шунаقا-да. Тўй қилиб бераётганимни ҳам эшитганмагандирсан?

— Қанақа тўй?

— Қизим уч ёшга кирганини нишонлаб, бугун тушда онамларнинг ҳовлисида кичикроқ тўй қилаяпман. Аниқ кел, хўпми?

Шу пайт нотаниш йигитлар иккита ароқ, тўрт баклашса "Бонита", яна шунча пиво, ярим кило колбаса, иккита нон, "Пайн" сигаретаси сўрашган.

— Мен кейинроқ савдо қиласман, дугонамни кузатиб қўяй, — деган Жамила.

У Турсуной билан дўкон олдига чиққан. Гувоҳларнинг айтишича, улар беш-олти дақиқа жуда куюқ, шошилинчга ўхшаш сұхбат қурганлар. Нотаниш йигитлар дўкондан чиқаётгандан Жамила уларга сирли қараш қилган. Бироқ ички ишлар ходимлари олиб борган тергов-суриштирув чоғида Жамила улар билан таниш эмаслиги аниқланган.

Шу ерда синфдошлар хайрлашишган. Турсуной отасига олган қўйлакни кўлтиқлаб уйига шошилган.

Орзихол момо

Орзихол момони қишлоқ аҳли жуда яхши билишади. Йўл четига ўтириб, ўтган-кетганлар билан бир-икки оғиз сұхбатлашиб вақт ўлдиради. У ҳақда "тутун чиққан жойда ҳозиру нозир, bemaza кампир" дейишади.

— Мен, — дейди Орзихол момо, — ўша куни чорраҳада, шундоққина тутнинг соясида ўтиргандим. Ариқдаям, сойдаям сув кўп эди. Айнан шу куни сув кўтарилигини қаранг. Худонинг каромати-да. Аввал олдимдан бир жувон ўтди, қизчасини етаклаган. Мундай қарасам, таниёлмаяпман. "Хўв, энант айлансин, кимнинг қизисан?" деб сўрадим. Мирзакулнинг Жамила қизи экан. Эшитувдим эридан қайтиб келганини. "Бу қизча ўзингникими?" десам, унчалик гаплашишга хуши йўқ, "Ҳа", деди-ю шошди. Кечаги маъракада қулоғимга чалинувди, қизининг уч ёшга киришини тўй қилиб бераёттани. Ростмикан, деб униям сўрадим. Узокроқ юриб қўювди, орқасига қараб бир нималар дея қўл силтади. Жамиласи тушмагур мени тўйига айтаяпти, дедим-да, кайфимни чоқ қилдим. Тушгача анча бор, тўй қилса тушда қиласди-да.

Инанкейин бир енгил мошин келди. Тўхтади. Бизнинг қишлоқдан эмас экан. "Момо, шу қишлоқда магазин борми?" деб сўради бири. "Магазинсиз қишлоқ борми, болам? — дедим. — Шу йўлдан тўғри кетаверинглар, чап томонда магазиннинг ўзи кўринади".

Мундай тикилсам, орқада ўтирган йигит қизни қучоқлаб олган. Уяттагин, шарманда!

"Үв, болаларим, қаердан бұласизлар?" – дедим. Эшитмадими ё эшитмаганга олишдими, мошинни ҳайдаб, жұнаб қолишиди.

Күп үтмай улар қайтиб үтишди. Қиз үлгур ёмон йүлга кирган беэтак экани маълум эди.

Турсуной келиб салом берганида, ҳамон жойимдан жилмай үтирадим. Қишлоқдаги қиз-жувонларнинг ичидә битта шу Турсуной тузуккина эди. Салом бериб, ҳол-аҳвол сұрашарди, құнглымни күтарарди раҳматли. Уйда үтиrolмай қолганимни, иккита болам дунёдан ёш үтиб кетгани юрагимни күп сиқишини, түй-маърқа билан овунишимни ҳам угина тушунарди. Тушунарди әмас, ичимдагини топарди. Чорраҳадаги тут соясида нега үтираман? Ҳеч ким анигини айттолмайды. Одамлар ҳангомага үч деб үйласин, дея шу ерни танлаганман. Аслида... аслида қабристон тепалигига иккі боламнинг тоши күриниб туради. Мен кечгача улар билан гаплашаман, дардлашаман. Агар қабристонда үтирсам, қизларим күядими? Энам тентак бўпти, деб уйига қамаб қўядими?

– Турсуной, – дедим, – отангникига бораяпсанми?

– Ҳа.

– Ӯзингми?

– Туғилган куни эди, – деди бечора.

– Энанг үлиб кетди, – дедим. – Худонинг күрсатгани-да. Биз ҳам бир кун ўламиз-кетамиз. Бу... қўлингдаги совғами?

– Ҳа, кўйлак.

– Менинг болаларимнинг ҳам туғилган куни бўлганида кўйлак олиб берардим, – деб қўз ёшимни артдим.

– Момо, бу ерда үтираверманг, қизларингизникига боринг, қўшниларникига...

Турсунойнинг ота уйига сойдаги сўқмоқдан кесиб чиқилса яқин эканини билардим. Тағин анави уятсизлар сойдан балиқ тутишга келган бўлса, учрашиб қолмасин деб индамай қараб үтирдим. Турсуной асфальт йўлдан тўғри кетди, сўқмоққа бурилмади.

Жамила билан қизчаси келгач, "Боягиларни кўрдингми? Бетинг гўрда чиригурлар куппа-кундузи қучоқлашиб юрибдими?" дедим. Жамила "Оббо, момо-ей, шунақаларни

Азамат ҚОРЖОВОВ

қандай кўриб қўясиз-а?! деб кулди ва уларни танимаслигини, ҳозиргина дўкондан майдо-чуйда харид қилишганини айтди. "Менимча, сой ёқасига кетишиди", — дедим.

Жамила яна кулди. Мен ундан "Қизчангнинг тўйи тушдами?" деб сўрадим. У тўйига аниқроқ таклиф қилди. Менимча, эрига аччиқ қилиб, қиззасининг уч ёшга киришини бу ёқдаги уйида тўй қилиб, эри томонни айтмаётган бўлса керак. Шу ёшга кириб, бунаقا тўйни эшитмаганман.

Турсунойни охирги марта Мирзакулницидаги ўша тўйда кўрдим. Минг афсуски, кўзимга мастга ўхшаб кўринди.

Ихтиёрнинг терговда деганлари

Терговчи: — Қизни сиз топиб келдингизми?

Ихтиёр: — Ҳа.

Терговчи: — Ислом-фамилиясини, туғилган йилини биласизми?

Ихтиёр: — Ҳа, биламан. Фамилияси Иноғомова, исми Алина, туғилган йили 1996 йил.

Терговчи: — Қизни уч йигит билан юришга сиз мажбурладингизми?

Ихтиёр: — Ҳеч қанақа мажбурлаганим йўқ. У туман марказидан чиққан янгилардан.

Терговчи: — Суратдаги манави аёлни танийсизми?

Ихтиёр: — Танимайман.

Терговчи: — Танимасангиз эшитинг: бу аёл 1987 йилда таваллуд топган, иккита норасиданинг онаси. Йигирма иккинчи июнь куни сой ёқасидаги сўқмоқдан эрининг уйига қайтаётганида, уни Алина чақирган. Сизлар панада яшириниб тургансизлар. Кейин унга ташлангансизлар. Қозибекова воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Мурдани яшириш учун сувга ташлаб юборгансизлар.

Ихтиёр: — Йўқ, унаقا бўлмаган. Мен маст эдим, юз тузилишини эслаб мояпман, аммо биз ҳеч кимга ташланмаганмиз. Қишлоқлар яқин эди. Одамлар тошбўрон қилиб ташлашади-ю, акажон!

Терговчи: — Чүпчак айтманг менга! Сизлар Қозибековани ўлдириш учун олдиндан тайёрланғансызлар. Шунинг учун яшаш жойларингиздан етти километр нарига бориб базм уюштирғансызлар. Қотилликнинг сабаби нима?

Ихтиёр: — Бу қуруқ туҳмат! Биз уни ўлдирмоқчи эмасдик. Унинг ўзи масти эди... ўзи ўлди...

Терговчи: — Экспертиза мурданинг бўйин ва биқинида тирноқ изларини ва бу излар кимга тегишли эканини аниқлади.

Ихтиёр: — Тирноқ излари менини. У сой лабида, сиз айтган воқеа жойида ўлмаган, шундайми? Била туриб мени кўрқитаяпсиз...

Ўгай она

Мушарраф опа турмуши бузилгач, ота уйида бирмунча вақт яшаган. Эрдон акадан совчи келгач, турмушга чиқсан ва қишлоқ мактабида ишлай бошлаган. У иккинчи эрининг фарзандлари билан дарҳол чиқишиб кетган. Фақат Турсуной бундан мустасно эди.

Охирги катта жанжал ўн бешинчи июнь куни содир бўлган. Мушарраф опа эридан бир миллион беш юз минг сўмлик тилла занжир олиб беришни сўраган. Тақинчоқ харид қилингач, қизларга ёзги кўйлак-иштон кераклиги маълум бўлган. Сал аввал Мушарраф опа кўйлак тикирган, ёқмагач, бир кийиб шкафга солиб қўйган. Дарров ўшани бузиб, қизларга либос тикирган.

Турсуной уйидаги гапларни кенжা синглисидан эшитиб ўт-оташга айланган.

— Биз, — дейди Мушарраф опа, — чорпояда кечки овқатни еяётувдик. Бир вақт Турсуной ўғилчасини кўтариб келди-ю, салом-аликсиз бобиллаб кетди. "Сиз, — деди у менга, — нима учун бир ярим миллион сўмга занжир оласизу, сингилларимга эски-тускингиздан кўйлак тикирасиз? Энаси ўлган, ҳимоячиси йўқ деб ўйляяпсизми? Айтинг-чи, қайси виждан билан шундай қилдингиз? Нега энди сингилларим сиздан қолган эскиларни кияр экану сиз гердайиб тилла тақиб юаркансиз?"

Бундан ташқари яна қўп гапларни гапирди. Отам қанчалик буюмнинг фарқига бормаса, хотиннинг фарқига ҳам шунчалик бормайди, деди. "Ўзингни бос, ўзингни бос" дейишдан нарига ўтолмадим. Отаси аралашгач, бир оз ҳовуридан тушди. Отасини хурмат қиласарди. Умуман олганда, мени ҳам хурмат қиласарди, лекин кимдир унинг миясини тинимсиз заҳарлаб турарди. "Қизим, менга унақа гапирма, — дедим. — Сенга янга эмас, ўтгай бўлсан ҳам онаман". Йиғлаб юбордим, у ҳам йиғлади. Бир ҳафтадан сўнг бўладиган отасининг туғилган кунига таклиф этдим. "Етти кундан кейинми?" деб сўради у. Мен адашиб пайшанба дебман. Бояқиши қиз отасининг қайси санада туғилганини унугиб қўйганди.

Айрим оғзига кучи етмайдиганлар мени ҳам гап қилишди. Қизини ўлдиртирган, дейишди. Шу ҳам гапми? Менга қолса ўлимнинг асл сабабини куёвнинг қишлоғидан, уруғаймоғидан, уйидан ахтарардим. Қишлоғининг муҳити яхши эмас. Одамлари кимўзарга тўй-ҳашамлар қиласди, дўконлари атрофида доим пиёнисталарни ўчратасиз. Турсуной кўнглига тегадиган бирон гапга, уриш-жанжалга чидаёлмаган ва ўзини ўзи ўлдирган бўлиши ҳам мумкин. Жиянларим эса уни кутқараман, деб бошларини балога қўйицган...

Мушарраф опадан терговчи биринчи галда йигирма иккинчи июнда Турсуной билан бўлган учрашув ҳақида сўраганида, она шундай жавоб берган: "Турсуной келди. Туғилган кун ўтиб кетганини айтдим. Чорпояда кайфиятсиз ҳолда ўтирди, гапимиз ҳеч қовушмади. Уйга кириб, онасининг хонасида бир оз ўтириб чиқди. Туғилган кунга кимлар келганини сўради. Четдан ҳеч ким келмаганини айтганимдан кейин: "Ароқ опкелмадими ишқилиб?" — деди. Отаси ичишни ташлаганини айтдим. Хурсанд бўлгандек кўринди.

Чорпояда уй-рўзгордан бошқа гап бўлгани йўқ..."

Жамиланинг тергов қилиниши

Терговчи: — Сиз Турсунойни биринчи марта дўконга зиравор учун борганингизда кўргансиз, шундайми?

Жамила: — Шундай.

Терговчи: — Тўйга таклиф қилдингизми?

Жамила: — Ҳа, у боролмаслигини айтди. Иши кўп экан.

Терговчи: — Бироқ қандай қилиб у сизнинг тўйингизда иштирок этди?

Жамила: — Тўй қизиганда тасодифан кўчага қарасам, ўтиб бораяпти. Чақирдим.

Турсуной: — Дарров келдими?

Жамила: — Ҳа.

Терговчи: — Бироқ гувоҳларнинг айтишича, сиз унинг кўлидан тортгансиз. У "Уй кийимида ман, совфа-саломим ҳам йўқ" деган. Сиз ошхонангизнинг иккинчи хонасига мажбуран киргизиб, олдига яхна гўшт, нон, салат ва бир шиша ароқ келтириб кўйгансанз.

Жамила: — Мен уйдагиларнинг қўз ўнгида ичолмадим. Шерик ҳам йўқ эди. Турсунойга таклиф қилгандим, рад этмади. Юрагим эзилиб турганди, леди. Уйга киришга ҳам, ичишга ҳам мажбурламадим. Хотин киши тўғридан-тўғри бирор базмга киришга уялади. Уялиши четдан рад этганга ёки кимдир мажбурлаётганга ўхшайди. Буни мендан яхши тушунасиз. Ажрашганим, таваллуд-тўйи-қилишим, қишлоқ аёлларининг олдига ҳам ароқ қўйилиши — бу шахсий ишим, менга ҳеч ким хўжайин эмас.

Терговчи: — Эрингиздан қачон ажрашганингизни-ю қанақа тўй қилишингизни, аёл боши билан қадаҳ кўтараётганларни кўя турайлик. Бир саволга жавоб беринг. Кўчага қараганингизда Турсуной қайси томонга кетаётган эди?

Жамила: — Отасиникидан эрининг уйи томонга.

Терговчи: — Яъни нариги қишлоқقا, эриникига асфальт йўлдан кетаётган бўлган.

Жамила: — Билмасам...

Терговчи: — Нега билмайсиз? Уни асфальт йўл четида кўрдингизми?

Жамила: — Ҳа, асфальт йўл четида кетаёган экан.

Терговчи: — Тўғри йўлдан қайтариб, ароқ ичириб, сой бўйидаги сўқмоқقا буриб юборганингизни қандай тушуниш мумкин? Мақсадингиз нима эди?

Жамила: — Ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ эди. Асфалът йўлдан айланиб боргунча, сой бўйидан кесиб чиқиб, эртароқ борсин, дедим. Маст бўладиган даражада йичмаганди.

Терговчи: — Сой бўйида ширақайф нотаниш йигитлар ўтирганини билганмидингиз?

Жамила: — Йўқ.

Терговчи: — Аммо гувоҳларнинг айтишларича, сиз дўкондан қайтаётиб, Орзихол момонинг ёнидан ўтиб, анча наридан сўқмоққа бурилгансиз. Йигитлар сизга гап отишган, Алина деган қизни қучоқлаб, турли қиликлар қилишган. Эсингизга тушдими?

Жамила: — Ҳа, эсладим.

Терговчи: — Дугонангизни нега уларга рўпара қилдингиз?

Жамила: — Мен... тўғрисини айтсам... воқеа бундай бўлишини кутмагандим... Агар билсан эди...

Терговчи: — Турсунойнинг орқасидан "Эрим билан битта мен ажрашаманми?" дегансиз. Унга қандай фаразингиз бор эди?

Жамила: — Ҳеч қандай фаразим йўқ эди. Ҳазиллашгандим... Бу... ҳаммаси ҳазил эди... Ўлади деб ўйламагандим... Шунчаки шўхлигим тутиб кетганди... Қизимга тўй қилаётгандим, кайфиятим яхши эди, ахир...

Сатторнинг иқрори

Ихтиёр менга машинани ҳайдашни буюрди. Биз туман марказига бориб, Алинани чақирдик. У югуриб келиб машинага ўтирди. Йўлдан Саъдуллани ҳам олдик. Биз шаҳардан чиқдик-да, табиат қўйнига жўнадик. Дўкондан ҳар хил егуликлар, ичимликлар олиб, сой бўйига тушдик. Саъдулланинг холаси ўша атрофдаги қишлоқда яшаркан. Меҳмонга келганда, кўздан пана гўзалъ жойга кўзи тушган экан. Зиёфат авжига чиққанда, тепадан бир жувон қизчасини етаклаб ўтиб қолди. Оралиқ масофа унчалик яқин эмасди, аммо қийқиришларимизни эшитди шекилли, биз томонга анграйиб қаради. Афтидан қишлоқ аёли овлоқда йигитлар билан ўтирган

қизни биринчи марта күраётганди чофи. Ихтиёр жойидан туриб қилиқ қилди. Мен ёш болали аёлга хурматсизлик қилмасликни айтдим. Саъдулла ҳам уни койиб, қишлоқ одамлари эшитса, бир тўда бўлиб келишини, қолаверса, нариги қишлоқда яшайдиган холаси ҳам хабар топишини тушунтириди...

Саъдулланинг иқрори

Алина биздан хафа бўлиб кичкина дўнгликнинг орқасидаги шолчада ётганди. Тағин сойга тушиб, чўкиб кетмасин, деган хавотирда борсам, ёлғиз чўмилаяпти. Пусиниб бордим-да, ўзимни сувга отдим. У чинқирганча менга сув сепиб сой ўртасига қочмоқчи бўлди. "Бу ёққа кел, жонон!" дея кучоқладим. Изимдан келган Ихтиёр ҳам ўзини сувга отиб, "Кўйворма!" деб бақирди. Шу пайт қирғоқда Алина пайдо бўлди. "Тегманлар! У анави қишлоқнинг аёли!" деб қичқирди. Биз караҳт бўлиб, уни қўйиб юбордик. Аёл яна сойнинг ўртасига қочди ва сузолмай оқиб кетди. Маст эдик, уни кутқаролмадик. Қишлоқ аёли сой бўйида ҳеч ким йўқ деб ўйлаб ёлғиз чўмилиши тушимизга ҳам кирмаганди. Ҳақиқатан, уни Алина деб ўйлагандик...

Алинанинг иқрори

Йигитлардан ижирғаниб, панага ўтдим-да, тиззамгача сув кечиб, ювина бошладим. Атроф тепаликлар, жарликлар. Олисдаги асфалт йўлдан ўтаётгандарга бу ерлар кўринмасди. Кутимагандан "Хув қиз!" деган чақириқдан чўчиб тушдим. Қарасам, тор сўқмоқдан бир жувон келаяпти.

- Сув парисимисан? — деб сўради у.
- Йўқ, гуноҳкор қизман, — дедим.
- Мен ҳам гуноҳкорман, — деди у. — Дугонам алдаб ароқ ичирди, бошим айланаяпти. Майлими мен ҳам ювисам?
- Лекин... — дедиму йигитлар томон қарадим.
- Мусулмон қизиман, ёш болам бор, оиласам бор, не кўйларга туширди бу тўйлар, бу худбинлар, ҳалол-ҳаромни

билмаганлар... — Сувга аламзадалик-ла тушди жувон. — Ҳаётимни бутунлай ўзгартиришим керак... Эртадан бошлаб ўзгараман... Мунис аёл бўламан... Ҳозир бир марта чайиниб олсан бас... Худо бугунча кечирса бас...

Мен, унинг қаердан, ким эканини сўрадим. Ў саволимга жавоб бермай ювинавергач, сочиқ келтириш учун дўнглик пойига кетдим. Шу пайт Саъдулла унга ташланди...

Суд қароридан парча

...ўлим баҳтсиз ҳодиса туфайли содир бўлган...

УЗУК

Осмоннинг жумраги бузилди: шаррос қўйган ёмғир ариқларни тўлдириб, тизза бўйи ўтларни пайҳон қилиб ташлади. Яхшиям, подачи жарликлар ортидаги яйловдан молларни ҳайдаб келган, фақат катта йўл четидаги дараҳтзорни кесиб ўтишгина қолган эди. Шу ерда Гулбайрам деган жунфурушнинг қизил тусли қисир сигири гойиб бўлди.

— Молим топилмаса, тўлайсиз, бола! — ўшқирди Гулбайрам.
— Қўлимга битта узук оламан, деб қишлоқма-қишлоқ жун йиғиб, сигирли бўлувдим. Амакингизга ялинасизми, холангиздан қарз сўрайсизми, менга фарқи йўқ.

— Жарликдан ўтганда бориыйди, — деди Эшбек пешонасини тиришириб. — Дараҳтзорнинг нариги томонидан чиқиб, экинзорга тушган бўлса керак.

Подачи далага, жунфуруш дараҳтзорга жўнади. Гулбайрамдан бутун қишлоқ қўрқарди. Кимdir қарфиши ёмон деса, бошқа бирровлар юлгич, қўли эгри хотин, дерди.

Эшбек ортига қараб кўяркан, ўзига ўзи сўйлади:

— Қаттиқ норози бўлди есир хотин. Атайин қилибманми? Қарғаётган бўлса, илойим, ўзига урсин! Мен бечоранинг йўқотадиган нимам бор? Севгилим Василани айтмагандан...

Гулбайрамнинг лозими тиззагача жиққа-хўл, калишига лой-кириб, роса овораси чиқди. Ўт-ўланлар гуркираб ўсган дараҳтзорда ёмғирдан кейин юриш осонми?

Бир пайт катта йўлда тормознинг чийиллаши, қасир-кусур, сўнгра кучли гурсиллаш эшитилди. Гулбайрам ҳалокат содир бўлганини фаҳмлаб, шошилди. Адашмаган экан. "Нексия" анча ичкарига кириб, каттакон дараҳтга урилиб тўхтаб қолган эди. Гулбайрам машинага яқинлашди-ю қонга беланган эркакка кўзи тушиб, йўл томон шошилди.

Машиналар ҳалқобларни сачратганча, шувиллаб ўтар, "Нексия" абжағи чиқиб ётганини ҳеч бири пайқамасди. Йўл четида ҳалокат сабабчиси — қизил сигир ўлиб ётганини кўрган жунфуруш тақقا тўхтади.

— Энди нима қилдим? — деди у аламдан ўрганиб. — Биттаю битта сигиримдан ҳам айирилдимми? Ким тўлайди пулини?

Балки ҳайдовчи тирикдир, деган хаёл ўтди кўнглидан. Ортига қайтиб, эркакка оёқ учida тикилди. Қора қонига беланган, бир туки қилт этмайди.

— Ҳой-й, тирикмисиз? — овоз чиқарди Гулбайрам. — Телефонингиз бўлса, "Тез ёрдам"га хабар бермоқчиман.

Эркакнинг ёнида аёлнинг боши кўринди ва дарҳол кўздан йўқолди. Гулбайрам амаллаб эшикни очди, яхшигина кийинган жувон экан. Қўлтиғидан кўтариб чиқармоқчи эди, оёқлари темир-терсак исканжасида қолганини кўриб, ноилож, жойига суяб кўйди.

— Рўз... Рўзи... — деб ғўлдиради жувон, сўнгра бармоғидаги фируза кўзли тилла узукка ишора қилган кўйи жон берди.

Назарида, жувон узукни ечиб олмоқчи, кимгадир васият қилмоқчи эди. Жунфуруш умрида бундай қалин тилла узукни илк бор кўриши. Эҳтимол, узук кўзи ҳам қимматбақо жавоҳирдир?

"Ким билиб ўтирибди? — деди ичида. — Қолаверса, бу бойваччалар сигиримни ўлдириб кўйиши... Ечиб оламан... Ечиб оламану аста кетаман..."

Гулбайрам бир тортган эди, узук "энди сеникиман" дегандай осонгина чангалига тушди. Дараҳтзор этагидан чиқиб, йўлни кесиб ўтган дам кимдир чақирди. Қараса, Эшбек мол ҳайдаб келаяпти. Қисир сигир соппа-соғ.

— Янга, — деди подачи, — омонатингизни олинг. Мен кетдим, аnavи ерда бирорвнинг молини машина уриб кетганга ўшайди.

Шу кундан бошлаб Гулбайрам ўзгариб қолди. Юришлар бежо, бир гапириб ўн кулган. Кимнингдир маъракасига узукни тақиб борганди, бой хотинлардан бири қаердан олганини сўради.

— Икки йил пул йиққандим, — деди жунфуруш. — Шаҳарда арзони учраб қолди, бир миллион.

— Қўйсангиз-чи, бу узук камида ўн миллион туради. Ростини айта қолинг, қаердан олдингиз?

— Вой, бу билан нима демоқчисиз? Ўйнашим совға қилибдими? — Иккови жанжаллашиб қолишиди.

Шу-шу Гулбайрамнинг кўнглига гулгула тушди: "Ўн миллион сўм! Сотиб, уй-жойни ўзгартирсаммикан?"

Бир куни қисир сигир яна подадан қайтмади. Жиғибийрон бўлиб кўчага чиққан эди, темир йўлчи қўшнисига дуч келди.

— Келин, сигирингиз темир йўлдан ўтиб, тутзорга кириб кетди. Эшбекка ҳам айтдим, топиб келса керак.

Гулбайрам подачини қарғаб, темир йўл томон жўнади. Аксига олиб, узундан-узун эшелон келиб қолди-ю ярим соатча кутди. Уйида овқати тагига олиб кетмаса эди. Ана, тутзор четида сигири кўринди, охирги вагон ҳам ўтди...

Оғзидан қарғиш тушмай шошилганча темир йўл устига чиқди. Икки қадам ташлаганди ҳамки, иккинчи йўлдан поезд отилиб чиқди. Гулбайрам биринчи йўлдаги вагонлар фафлатда қолдирганини, баҳайбат яшил махлукни қисир сигирни — биронтасини ўйламади. Негадир хаёлидан лип этиб фируза қўзли тилла узук ўтди: "Мен ўлсам узук кимга қолади? Ахир, у ўн миллион сўмлик-ку..."

Сигирни тутзордан ҳайдаб чиқаётган Эшбек поезд тўсатдан секинлашганини кўриб, атрофга аланглади. Мол эгаси кўздан йўқолиб қолган эди. Чопиб борди-ю ўн қадам нарида чўзилиб ётган жасадга кўзи тушди.

— Янга! — деб қичқирганча мурдага яқинлашди.

Подачи жасаднинг очиқ қолган кўзларига бир зум тикилиб қолди. Икки қадам нарида миш-мишлар сабабчиси — ўн

миллионлик бойлик ётарди. Агар сал чаққонлик қилса, машинистлар тушгунча чүнтакқа солиб қўйиши мумкин. Василага уйланиш учун тўйга пулни қаёқдан олишни ўйлаб, ўйининг адогига етолмаётганди.

— Жонига жабр қилиб бунча шошди бу аёл! — деди машинист.
— Бир нафас кутмайдими? Ким ўзи бу? Шу қишлоқданми? Нега қотиб қолдинг, жўра? Ўликдан кўрқсанг нари тур!

Эшбек қофоздай оқариб кетган эди. Ортига тисарила-тисарила тутзорга кириб, боши оққан ёқقا қочди. Машинистлар жунфурушининг жасадини текисроқ жойга ётқизиб, устига рўмол ёлдилар. Торлик қилди шекилли, мурданинг чап қўли очиқда қолди. Бармоқларидан бирида яқиндагина узук тақилганини билдирувчи оқиши чизиқ кўринди.

Қишлоқ аҳли фожиага чалғиб, хосиятсиз узукни эсламади ҳам. Қийин-қийин Эшбекка қийин бўлди. Ўликнинг бармоғидаги узукни ўғирлабди, деб эл-юрт олдида шармандаси чиқиши, қишлоқдан ҳайдалиши, Василадан ҳам айрилиши ҳеч гап эмас эди. Бир ҳафта ич-этини егач, суюклиси билан учрашди.

— Амакимнинг мотоциклини миниб-келдим, — деди у. — Яқинда тўйимизни даҳшат қилиб ўтказамиш. Ишон менга, Васила. Эски бўлса-да, машина ҳам оламан.

— Тушунадиган қилиб гапиrint. Шунча пулни қаердан топасиз?

— Мотоциклга ўтири, ҳозироқ туманга жўнаймиз. Рўзитош заргар деган бовা бор, қимматбаҳо тақинчоқлар билан шугулланади. Ўтган йили эллик миллионга ҳалқа сотған, унда пул кўп.

— Гапларингизга умуман тушунмаяпман.

— Эшбек фируза кўзли тилла узукни кўрсаатди.

— Иккимизнинг баҳтимиз учун сир тутишга ваъда бер, Васила. Бу қадимги никоҳ узуги, мол боқиб юрганимда топиб олдим. Камида йигирма миллионга сотамиш. Кетдикми?

— Вуй-й, бунча ажойиб! Боргунча тақиб борай, Эшбек ака! Лекин никоҳ узукда кўз бўлмайди-ку?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Қадимги деялман-ку, Васила. Буни бир малика таққан.

Севишганлар мотоциклга ўтириб, туман марқазига жүнадилар. Васила панжасини ёзиб, тинмай узукка тикилар, Эшбек ўйлаб борарди: "Қадимги никоҳ узуги эканини, малика таққанини менга ким айтди? Тушимда күрдимми ё бирор кулоғимга шивирладими?.."

Эшбек олдиндаги тракторни қувиб ўтиш учун газни босиб, қарши йўлга чиқди. Эҳ, рўпарадан "Москвич" келаётган эканку! Жон ҳолатда рулни бурди. Бурди-ю катта хато қилганини англади, аммо кеч эди.

...Васила эрталабгача бардош берса, яшаб кетишини айтишди. Афсуски, саҳар чоғи реанимация ускунасида юрак уришдан тўхтаганини англатувчи бир маромдаги чийиллаган товуш эшитилди. Эшбек тутга боши билан урилгани учун сўнгги манзилга юзсиз ҳолда кетган эди.

— Дада, — деди шифохона жарроҳи телефонда, — келишга вақт тоғоласизми? Кеча авария бўлган қизнинг қўлида сиз кутаётган узукка жуда ҳам ўхшашини кўрдим. Айтган одамларингиз бир ойдирки келмаяпти. Йўқотиб қўйишган бўлса, қиз бечора топиб олгандир.

Рўзитош заргар узукни таниди. Мана у! Умр бўйи қидирғани! Водийдан қўнғироқ қилганларида, "Илтимос, тақмасдан олиб келинглар", деганди. Аттанг, қулоқ солишимаган кўринади.

Заргар узукни шартта суғурди-да, болалиги ўтган қишлоққа равона бўлди. Қора илоннинг белига бир амаллаб тақиб кўйгач, жарликка тушди ва бутазорга кўйиб юборди. Биладики, илонга манзил маълум. Шу-шу узукни ҳеч бир инсон тақмайди, ер остида абадул-абад ётади.

Бироқ кеч кузда тоғ ўйлида бир мурда топилди. Экспертиза ходимлари унинг бармоғидан қандайдир узук ечиб олинганини аниқладилар. Рўзитош заргарнинг қўнгли сезди ва ўғлидан марҳумнинг кимлигини аниқлаб беришни сўради.

Бир соатдан сўнг жарроҳ қўнғироқ қилди:

— Дада, исм-фамилиясини ҳозирча аниқлашолганича йўқ. Гувоҳларнинг айтишича, у илонфурууш экан. Оддий илонфуруушнинг қандай душмани бўлган, ҳамма ҳайрон.

Рўзитош заргар узук яна кимнингдир бармоғида эканини тушунди.

— Кимлиги тез орада маълум бўлади, — деди у бошини чангллаб.

ОҚ АТИРГУЛЛАР

Мўмин этакдаги тол тагида хаёл суринг ўтирган эди, кўчадан машина овози эшитилди. Кўшни вилоятдаги аммасининг ўғли Асад кўлларини чўнтагига солиб, гердайиб кирди ҳовлига. Орқада эшиги очиқ сутранг "Москвич"нинг мотори гуриллаб турибди.

Кучоклашиб қўришдилар.

— Вилоятингизнинг марказида ишим бор эди, тоғавачча, — деди Асад. — Қишлоқларингизга кириб ўтмасам уят бўлади, деб бурилдим.

Мўминнинг онаси қўшниникида эди. Мәҳмоннинг дарагини эшитиб, ҳаллослаб етиб келди. Асад, ҳатто, машина моторини ҳам ўчирмади.

— Вақт тифиз, бошқа пайт бемалол, — деди у. — Бора қолай.

— Ўтирсангиз бўларди, — қайғурди Мўминнинг онаси. — Бу дейман, тўйни ҳам тезлаштираяпсизми?

— Келин мактабни яқинда тамомлади, — ҳовлидаги райхондан узди Асад. — Институтдан йиқилди. Яна тайёрланаяпти. Э, барибир ўтолмайди. Билими йўқ.

— Кўйинг, ундей деманг. Худо хоҳласа, ўтиб кетади, тўйни ҳам қиласиз.

— Бир жойда пулим бор эди, тушмай турибди. Бўлмаса, тўйни бунчалик чўзмасдим.

Асад томорқага кўз югуртирди.

— Анави толгача йигирма сотих бор-ов, — чамалади у.

— Ўн беш сотих, — деди Мўмин.

— Саримсоқни шу ерга эккандиларингизми?
— Ҳа, — Мўмининг онаси уҳ тортди, — фойдаси рўзгордан ортмади.

— Томорқадаги дәхқончиликдан фойда йўқ, чеча, — дея Асад қўлларини чўнтакларига солди. — Мўмин тогамизни таклиф қилсам, пойабзал фабрикасида ишлайдими?

— Ишлайди, — деди онаси.

— Менга қаранг, Мўмин тоға, — дея Асад Мўминнинг елкасига қўл ташлади, — мактабни битирганингизга уч йилдан ойди. Бу юришингиз уйдагиларингизга жабр. Фабрикада бир йил ишлаб, шалоқ бўлса ҳам, "Москвич" олдим. Юк ташишга қулай. Бўпти-да камбағалга! Сиз-чи? Мактабни битириб, тогамларга нима қилиб бердийнгиз?

Буни ҳазилнамо гап санаб, кулган бўлишди.

— Фабрикада маошдан ташқари ҳам ул-бул ишлар кўп, — елкасига қоқди Асад.

— Мендан ўғри чиқмайди, — бош чайқади Мўмин.

— Ўғри? — Асаднинг қоши чимирилди. — Нималар деяпсиз? Қизиккисиз-а!

— Маошдан ташқари нима иш бўлиши мумкин?

Ўртага онаси қўшилди:

— Хафа бўлманг, бизнинг Мўмин шунақароқ.

— Ўғри ҳам бўлманг, тўғри ҳам, — деди Асад. — Ўртадан юринг, тоғавачча, ўртадан.

Мўминга иш топилганидан севинган онаси Асадни дую қилиб қолди. Кечки овқат чоғида оила аҳли олдида шу гап қўзғалди.

— Хўп, аммамлар томонга бориб ишлайман, — деди Мўмин.

— Фақат бир шартим — аммамницида ётмайман, фабрика жойлашган посёлкада ижарада тураман. Бирорга оғирлигим тушишини ёқтирумайман.

Эртасига Мўмин катта йўлга пиёда чиқиб, автобусга кўл силкиди. Юз чақирим йўл босиб, аммасининг остонасига етди.

Ижара ҳақида гапирган эди, аммаси ихтиёрини ўзига қўйди, лекин Асад бидиллади:

— Ахир, бизникидан қатнасангиз ҳам бўлади-ку, тоғавачча! Нима керак пул тўлаб, қандайдир ижара уйда яшаб? Овқат қиласиз, кирингизни юvasиз, энг ёмони, ҳар ойда пул тўлайсиз. Керакми шу муаммолар?

Мўмин барибир қўнмади. Эртасига тоға-жиян фабрикага йўл олди. Асаднинг саъй-ҳаракатлари или Мўминни ишга қабул қилишди. Фабриканинг кун ботиш томонида яшовчи рус кампир уни ижарага қўйди.

* * *

Мўмин ишдан қайтиб, деразани очди-да, ботаётган қўёшдан кўз узолмай, хаёлга толди. Бегона жойнинг уфқи ҳам фалати эди, алланечук юракни эзадиган.

— Уйга кетсам эди... — пицирлади у. — Афсуски, шу ерлардан пул топсамгина, йўл очик...

Кампирнинг уйидан нарида қамишлар ўсган кафтдеккина кўлбор эди. Кўл ортидаги янтоқзорда мол-кўйлар ўтлаб юарди. Мўмин кечкурунлари шу манзарага тикилиб ўтиришни одат қилди. Бора-бора мол-кўйларни, посёлка болаларини таниб қолди. Қурбақаларнинг вақиллашлари ҳам қулоғига ёқа бошлиди.

Бир куни ишдан чарчаб келиб, деразани ланг очди. Очди-ю кўл бўйидаги гўзал қизга кўзи тушди. У гулдор пушти кўйлакда эди. Кўйлагининг енги ўрнида парпарлари ҳилпираб, қизни янада жозибали кўрсатди. Қошу кипириги қоп-қора, соч турмаги жон олувчи бу пари қаердан пайдо бўлганига тушунолмади. Дераза рахига суюниб, қиздан кўз узолмай қолди. Умри бино бўлиб, ҳеч бир қизга бунчалик узоқ ва ошкора термулмаган эди. Ёлғиз ўзи овлоқда нима қиласяпти экан?

Қиз сочини тузатиб, оҳиста одимлаб кўлдан узоқлашди ва ердан кўз узмай ниманидир ахтарди. Топди шекилли, чўп билан кавлай бошлиди. Оралиқ масофа эллик-олтмиш қадам бўлса-да, Мўмин унинг нима қазиётганини билолмади.

Қуёш каттакон қизғиши лаганга айланди. Мўминнинг кўзлари толиб кетди. Қиз ишини якунлаб, халтачани кўтариб,

Азamat ҚОРЖОВОВ

посёлканинг ўрта кўчасига юрди ва тахта деворидан олчалар шоҳ ташлаган биринчи ҳовли ортида кўздан йўқолди. Мўмин ўзини каравотга ташлади. Ким экан у? Наҳотки, мўъжазгина шаҳарчада юрагини лафча чўғга айлантирган маҳлиқони учратди?

Фабрикада иш эрта бошланарди. Мўмин апил-тапил чой ичиб, кўчага чиқди-ю, бир зум тўхтади. Кечаги қиз кўл бўйидан нима қазиб олганини билгиси келди. Қолаверса, фабрикага кўл бўйидаги сўқмоқдан ҳам борса бўларди.

Мана, ўша жой! Қиз кеча халтасига нима солиб кетди экан? Мўмин энгашиб қаради. Оддийгина чириган гўнг!

Ҳа, гўзалликда тенгсиз соҳибжамол чўк тушиб, чириган гўнг қазиб олганди.

* * *

Цехга Асад кириб келганида, вақт тушликка етмаган эди. У собиқ ҳамкаслари билан салом-алик қила-қила Мўминнинг ёнида тўхтади.

— Ҳорманг, тоғавачча, — деди у. — Фокус кўрсатайми? Аллехоп!

Асаднинг қўлида фижимланган оқ атиргул пайдо бўлди. Бечора гул ваҳшийликдан эзилиб, адойи тамом бўлгани Мўминнинг таъбини тирриқ қилди. Гапни айлантириш учун:

- Иш нима бўляяпти? — деб сўради.
- Қандай иш? — талмовсиради Асад.

У гулни ўйнади-да, қалашиб ётган бўш қутиларнинг бирига ирғитди.

- Сизнинг ишинги.
- Ишни менга никоҳлаб беришганмиди, бир умр ажралмасам! Дарвоқе, никоҳнинг ўзи ҳам абадий эмас.

Тушликкача Мўминнинг ишини кузатиб ўтирди. Ишига аралашди, ёрдам ҳам берди.

- Сен боланинг юришинг чатоқ, — деди цех бошлиғи Асадга.
- Қара, бир нимани сезсан, мендан хафа бўлиш йўқ. Шусиз ҳам бошимизга қанча кўргилик тушганини биласан.

Асад худди урмоқчилик цех бошлиғининг устига бостириб борди.

— Нима демоқчисиз? — ўдағайлади у. — Ўша ўғриларга мени ҳам шерик қылмоқчимисиз? Бунақа гапни бир айтдингиз, иккинчи эшитмай, aka! Ё төғаваччамнинг қўли қінғир бўлиб туюлаяптими? Айтинг!

Цехи бошлиғи тайинли гап тополмай, минғирлаганча нари кетди.

— Биронтасидан қўрқманг, — деди Асад ғўдайиб, — Шаҳарчанинг шефи ўзим. Фиринг деганинг пўстагини қоқаман.

Фабрикада тушлик қылмай, кўчадаги ошхонага чиқиши.

— Коровул бўлиб ўтсам эди, — деди Асад. — Даромадли жой. Лекин цех бошлиғи секин-аста мени дарвозага ҳам яқинлаштирамайдиган бўлади.

— Нега? — Мўмин шунчаки сўради. Аслида унинг хаёли кечаги қиз билан банд эди. "Менимча, у гул ўстиради", — ўйларди Мўмин.

Асад оёғини чалиштириб, гавдасини орқага ташлади. Нимадандир безовта эканлиги Мўминга энди аён бўлди. Оғзидан пуф-пуф тутун чиқараарди.

— Кўлингиздағи нечанчи сигарет? — пешонаси тириши Мўминнинг.

Асад кўл силтаб, шундай деди:

— Ҳеч нарса абадий эмас. Иш ҳам, муҳаббат ҳам.

Ҳафта охирида Мўмин уйига жўнади. Дам олиш куни, аксинча, руҳан эзилди. Рус кампирнинг уйига боришни, дераза ёнида ботаётган қуёшни томоша қилишни, кўл атрофидаги ташландик маконга гулчи қизнинг келишини — барчасини кўз олдидан лип-лип ўтказди.

— Уни севиб қолдим, — шивирлади лаблари. — Бир кўришда!

* * *

Душанба куни кечки пайт Асад илмоқли савол ташлади:

— Мўмин тоға, "даром" масаласи ўйлаб кўрилаяптими?

— Қанақа "даром"?

— Даромад. Масалан, туфлининг тагчарми қанча туришини биласизми?

Азамат ҚОРЖОВОВ

Мүмин түшунди, Асад фабрикадан умід узолмаёттанининг сабабини-ю, қоровул бўлиш орзусини.

— Хўш, қанча туарар экан?

— Фабрика ишчиси сиз бўлсангиз, мен қаёқдан билай? — муғомбирликни қўймади Асад.

Иккевлон шаҳарча кўчасига кириб келганида, Асад йўл ўртасида паришон тўхтади.

— Менгина ўлай, — деди у масхараомуз. — Шоколад қолиб кетибди!

У қадамини илдамлатди. Мўмин эргашар экан, тунов кунги қиз шу кўчага кирганини эслаб, эшикларга умидвор кўз юргутирди. Дўкондан чиққач:

— Биттасида ишим бор эди, — деди Асад, — сиз квартирангизга кетаверинг, орқангиздан етаман. Бугун посёлкада қоламан.

Мўмин ҳозиргина ботган қуёш қизартирган уфқа хомуш қараб кўйгач, ижара уйга жўнади. Хонасига кириб, каравотга чўзилемоқчи эди. Ҳовлига қадам босди-ю, кўзларига ишонмади: гулчи қиз, гўзаллар гўзали Настя холага ниманидир куйибишиб тушунтиради. Нигоҳлар тўқнашди. Асрларга тенг интизорлик интиҳосида юрак қинидан чиқаёзди.

— Кел, йигит, — деди кампир. — Бунча қаққайиб қолдинг?

Мўмин уларга яқинлашди. Шунда кампирнинг қўлидаги оқ атиргулга кўзи тушди. Қиз Мўминга назокат-ла салом берди.

— Мен борай, Настя хола, — деди ийманиб.

— Шошмасант-чи, — кампир қизнинг билагидан тутди, — бу йигит Мўмин. Яқинда "обувний"га ишга ўтган. — Мўминга боқди. — Бу Зайнаб. Мактабни битириб, ўқишидан йиқилган. Врач бўлмоқчи. Ҳозир ўқишга тайёрланаяпти. Гул бўйича Зайнабдек мутахассис ҳеч қаерда йўқ.

Қиз уялиб, ерга қаради. Мўмин ўғринча кўз ташлаган эди, нигоҳларий яна учрашди.

— Бунча мақтавордингиз, хола, — деди Зайнаб ширингина жилмайиб. — Мен шунчаки... фақат оқ атиргулларни парвариш қиласман.

— Оқ атиргуллар, оқ атиргуллар, — тақрорлади кампир ва Мўминга деди: — Биз ҳам Зайнабга ўхшаб ҳовлиға оқ атиргуллар экамиз. Ҳедемай кўчат ўтказадиган вақт келади.

— Хўп, — деди Мўмин.

— Ну, маладес, — мамнун бўлди кампир. — Ўзинг гулларга қизиқасанми?

— Йўқ, — ўнгайсизланса-да, рост жавоб берди Мўмин.

Тўғри-да, у гулларга қизиқмасди. Қишлоғида гулга қарашиб кизларнинг иши. Боз устига бирор йигитнинг қизга гул совфа қилиши ҳам қулгига олинади. "Тақинчоқ совфа қил, рўмол совфа қил, эртага сўлиб қоладиган гулдан нима наф?" — дейишади кўча-кўйдагилар.

— Қанақасига... гулга қизиқмайсан? — Кампир ўзини жаҳли чикқандек кўрсатди.

Зайнаб хайрлашаётуб, Мўминга ҳам бош силкиб қўйди.

— Сен уникига борасан, ўрганасан, — деди кампир. — Манави ерни юмшатиб, жўяқ олиб, гўнг сепиб, тайёрлайсан.

— Хўп.

"Гул жонсиз нарса, — ўйларди йигит, — менга гул эмас, унинг соҳибаси керак..."

Ногаҳон Асаднинг оқ атиргул кўтариб, фабрикага келганини ўйлади.

— Посёлқада яна кимлар оқ атиргул экади?

— Зайнабдан бошқа ҳеч ким. Худо умр берса, Настя ҳам экади.

— Мабодо Зайнаб гул сотмайдими?

— Нега сотар экан? Қизиқсан, Мўмин. Гулга қарашиб унинг севимли машғулоти. Битта баргини ҳам узмайди. Лекин... — кампир қўлидаги атиргулни ҳидлади.. — ...Лекин яхши кўрган одамларига гул беради.

Кампир "Кўрдингми?" дегандек мақтаниб қўйди.

* * *

Ўша кечада Асад тунаб қолди. Мўмин кўнгли чўккан ғариф кимсадек мунғайиб ўтиради.

— Гап бундай, — деда Асад ёнбошлиди, — биз ажралмас тоға-

Азамат КОРЖОВОВ

жиянлармиз. Бир-биrimизгә қарашамиз, қўлдан келгунча ёрдамишимизни аямаймиз. Айтмоқчиманки, сизнинг бир ёрдамингиз керак. Ўғри деманг! Ўз улушимни олмоқчиман.

— Ҳеч нарсага тушунмадим, — деди Мўмин.

— Қулоқ солинг! Фабрика катта даромад кўраяпти. Ишчиларнинг маоши эса ўша-ўша. Хўжайндан сўкиш эшитганимдан кейин унинг нимасидандир юлиб, ҳазм қилиб, аламимни босадиган бўлдим. Ўзингизга маълум каучук ҳозир анча қўмматлашди. Накд эллик кило каучукни... гулдур-гуп дегандай... Қисқаси, сиз ишлаётган станок ёнида, шундоққина оёғингиз остидаги пол тагида менинг каучугум ётибди. Шуни секин-аста олиб чиқишининг иложини топиш керак. "Москвич"ни кеча якшанба сотдим. Каучукнинг пули тушса, тўйни бошлаб юбораман. Битта ўшанинг пули етмай турибди-да, тоғажон.

— Ўғирлик денг...

— Айтдим-ку ўғри деманг деб!

Мўмин йўталишга ўхаш қисқа кулди, лаблари чўччайиб, оғир ўйга толди. Ва ниҳоят, бош чайқади. "Бўлмайди, мени аралаشتirma, ўғри!" дегандек ўтқир нигоҳ қадади.

— Майли, бирдан эплолмайсиз, — деди Асад. — Яна бир ҳафта тинч ишласангиз...

— Эҳ, жиян, — тескари ўгирилди Мўмин, — бутун умр тинч ишламоқчиман.

Эртасига мўъжиза юз берди. Ишдан қайтаётган Мўмин челак кўтарган Зайнабга рўпара бўлди. Қиз қаердандир унумдор тупроқ ташиб келаётганди.

— Беринг, — қўл узатди Мўмин.

Зайнабнинг уйи олча шоҳ ташлаган ҳовли қаторида экан. Мўмин дарвозадан кирди. Уй олдидаги саҳн четидан бошлаб ҳовли ўртасигача оқ атиргуллар шунчалик чиройли очилиб турардики, Мўмин "Наҳотки, шу гулзорни Зайнабнинг ўзи ўстирган?" деб ишонолмади. Гўё Хитой, корёйс тақвимлари учун сураткашлар шу ердан нусха кўчиришган, хиндлар ҳам фильмларини Зайнабнинг ҳовлисида суратга олишган эди. Гулдан бунчалик ҳайратланмаганди ошиқ Мўмин.

— Раҳмат, — деди қиз.

Мўмин гул қирқиб берармикан, деган ихтиёrsиз ўйда муштоқ бўлди. Аммо Зайнаб атиргулини аяди. Балки Мўминнинг гулга қизиқмаслигини эшитгани учундир, балки фақат яхши кўрган инсонларигагина ҳадя этиши айни ҳақиқатдир.

Кечқурун Асаднинг ширақайф боши деразадан кўринди.

— Кирсам майлими? — деди у мазах қилаёттандек.

Мўмин унга яқин борди.

— Асад, ичиб хато қилаяпсиз, — деди жони ачишиб.

— Сиз эса Зайнабнинг ўйига бориб хато қилаяпсиз! — деди Асад. — Унга мен уйланмоқчиман! — Бир қулини қўтарган эди, барглари эзилган, хўрланган атиргул ботаётган куёш фонида жонсиз бош этди. — Гулни севаман деб аввал гулларининг, кейин ўзининг муҳаббатини қозондим! Осон кечмади! Йўлимга ғов бўлганларни манавиндай эзib ташлайман! Нима, тоғамнинг ўғли бўла туриб, Зайнабнинг атрофида ўралашаяпсизми? Қиз керакми? Айтмайсизми, тоғавачча, топиб бермасам, байналминал посёлкада нима қилиб юрибман?

Асад атиргулни шафқатсизларча эзғилаб, кўлмакка отиб юборди.

* * *

Мўмин шаҳарчага қайтиб келмади. Балки Настя хола ҳовлисига оқ атиргуллар эккандир, балки экмагандир. Мўмин Зайнабни ҳам, рус кампирни-ю фабрикани ҳам унугашга ҳаракат қилди. Асад эса тоға юрга келмай кўиди. Кўп ўтмай унинг тўйи бўлди. Келин Зайнаб эканини билган Мўмин оғир хўрсинди. Онаси тўйдан қайтганданоқ келинчакни мақтади. Бундай гўзал келинни ҳеч кўрмаганмиш. Келин-куёв саҳнаси оқ атиргуллар билан безатилибди, сон-саноги йўқ оқ атиргуллар...

Мўмин қаердаки оқ атиргулга дуч келса, бефарқ ўтиб кетолмайдиган бўлди. Ҳидлайди, баргларини силайди, ичидан нидо келади: "Гулни Асад эмас, мен севиб қолгандим-ку!.."

Зайнабнинг турмуши узоққа чўзилмади. Асаднинг

Азамат КОРЖОВОВ

ароқхўрлиги, жанжалкашлiği, ҳовлига гул-эмас, саримсоқ эктириб, фойда кўзлашлари, ўғирликлар. Ҳаммасига чидаган Зайнаб хиёнат юкини кўтаролмади. Эрини бир енгилтак жувон билан тутиб олгач, алвидо айтди. Ота-онасиникига ҳам бормади. Холасиникида яшаб, институттага тайёрланди ва талаба бўлди.

* * *

У ўқишини тамомлаб, холаси яшайдиган туман марказига қайтди. Қишлоқларнинг биридаги врачлик пунктида иш борлигини айтишди. Биринчи иш куни уни бемор қизалоқникига жўнатишди. Яқинда онаси вафот этган гўдак ичикиб, касал бўлиб қолганмиш.

Беморнинг ҳовлисига қадам қўйди-ю... таниш манзарадан бир зум эсанкираб қолди. Кўз олдида сон-саноқсиз оқ атиргуллар барқ уриб очилиб ётарди. Етти йил илгари унинг гуллари ўнчча эди, ўнчдай ифорли эди. Тушими, ўнгими? Бундай ўхшашлик бўлиши мумкин эмас.

— Дўхтир қизим келибди-ю, — дея оқ рўмол ўраган азадор аёл пешвоз чиқди. — Неварагинам иситмалаб ётиби, айланай, киринг ичкарига.

Аёл Зайнабга таниш туюлди. Шу пайт гулзор ичидা ишлаётган эркак бош кўтарди. Врач ҳам, эркак ҳам бир зум кўз узолмай қолишибди.

— Ие, Мўминжон ҳовлида экансан-ку, — ёзғирди аёл. — Дўхтирга киринг демайсанми? Боланг иситмалаб ётса ҳам гуллардан бери келмайсан.

— Ҳозиргина чиққандим... — фудранди Мўмин. — Ҳеч ким чақирмади... Келганини ҳам сезмабман...

— Гуллари ҳам касалланди, боласи ҳам, — қайфурди аёл. — Юра қолинг, дўхтир қизим, уйга кирайлик.

— Ҳа, аввал уйдаги гулни кўрайлик, — деди Зайнаб.
...Ўша йили Мўмин Зайнабга уйланди.

КИЧИК ЖУМОНГ

"Үйиндан үт чиқди..."

(Лев Толстой ҳикоясидан илхомланиб)

Жуман қызли бұлды. Узок кутилған үғилдан кейин беш йил үтганды.

— Минг қатла шукр, — деди у туғруқхона ҳовлисіда, — фарзандым иккита бұлды. Худо бераман деса яна беради.

Бирок акушер-гинеколог отасининг құлидан тутган кичкина Жаъфарнинг тимқора құзларига қараб сұради:

— Үғлингизми?

— Ҳа, бугун туғилған қыздарың яккаю ягона акаси, — деди Жуман.

— Қилич-камонлари бор экан полвон боланинг, — әркалаган бұлды шифокор. Сүңг ҳорғинлик ила деди: — Жуман ака, хотинингиз бошқа тұғмайды. Қизалоқнинг соғ-саломат дунёга келганига, онасининг ақвөли яхшиланғанига қувонаверинг. Мана, бир үғил, бир қыздың отасисиз.

Жуман розилик билдиргандек бөш қимирлатди. Қувончи тарқаб кетгани юз-құзидан маълум бұлды. Үғлининг эса шүхлиги тутиб ташқари эшик томон югурди-да, үйинчоқ қиличини қинидан суғуриб:

— Ҳамма жаңға! — деб қиңқирди. — Ойижонимни ҳимоя қиласмы!

Жуман ҳам, шифокор ҳам синиқ жилмайиб қўйишиди.

Барибир, уйда байрам бұлды. Кўнгил четидаги хижилликни босиши Жуманга мушкул әмасди. Ториқса ичади, телевизор қаршиисида сигарет тутатиб, уч-тұрт кунлаб ётади.

Қариндошлар табриклагани келишди. Айниқса, Жаъфарнинг чўпни от қилиб, қилич үйнатгандарини айтмайсизми. Ҳатто үзидан бир ёш катта Исматбек деган қўшни болани ортда қолдирди.

— Үн йил фарзандли бўлмадинглар, — деди дастурхон бошида фотиҳага қўл очган қайнона. — Худойим икки болани берди. Шуларнинг хузурини кўринглар, тўйини кўринглар.

Кунлар аввалгидек бир маромда ўта бошлади. Жуман ўзини баҳтли ҳис этишга қанчалик уринмасин, нимадир етишмас эди. Соатлаб телевизор қаршисида ётади. Телесериалларни кечаси қўрса, кундузи қайта томоша қиласди. Сериал намойиши чоғида Жаъфар ҳам ёнидан бир қадам силжимай қўйди, икки кўзи экранда. Кино тугар-тугамас қиличига ёпишади. Гуруч тишларини кўрсатиб, кучанганди:

— Мен Жумонгман! — дейиши бутун маҳаллага эшишилади.

Чақалоққа Баҳора деб исм қўйишиди. Чилласи чиқадиган кун қариндош аёллар келишиди. Товуқ гўштини тозалаётган янга Жуманга деди:

— Қайним, устахонада ишлайсизу пичоғингиз болтанинг ўзгинаси-я! Мундоқ чархлатиб қўймайсизми?

— Эсимдан чиқибди, — мингиллади Жуман. — Шокосанинг орқасига қайраб олинг, уйда қайроқ ҳам йўқ.

Кузатиб турган Жаъфар дадасининг ёнига келди.

— Сиз билмайсиз, — деди у аёлга, — бу пичоқ эмас.

— Нима бўлмаса? — Аёл товуқ қорнини ёраётиб сўради.

— Жумонгнинг қиличи.

Сабзи арчиётган аёллар кўлиб юборишиди.

— Жуман, ўғлингнинг роса эркалатибсан, — деди амма. — Унақа қилма-да. Тилаб олган бўлсанг ҳам бошидан маҳкам тут. Отанинг исмини жўрасиникидай айтиш яхшимас.

— У Жумонг деяпти-ку, — қизарди Жуман. — Ҳалиги корейс сериали қаҳрамонини танимайсизми?

— Жумонг?

— Ҳа. Жумонг. Наҳотки, уни билмассангиз?

— Сенга ўхшаб кеча-ю кундуз телевизор қўришга вақт қани?

— Кейин товуқ тозалаётган аёлни койиди: — Сизгаям ҳайронман. Қирққа кирган хотин ёш-боланинг олдида товуқнинг қорнини ёриб, томоша қилдириб ўтирибсиз. Унақа қилманлар-да! Боланинг олдида жонлик сўймаслик, қорнини ёрмаслик керак. У ҳали очилмаган фунча. Қонни кўриб улгайса, ёмон бўлади. Ҳой Жаъфар, уйга кириб, синглингнинг бешигини тебрат. Йиглашини эшиитмаяспсанми? Чоп!

Бола, танбех эшиитаман деб ўйламаганди. Қовоқ-тумшуғи осилиб уйга қараб юрди. Орқасида иштончасига қистирилган тўппонча кўрингач, бирори пиқиллаб кулди:

— Вой үлмасам, түппончали Жумонг ҳам бўларканми?

Шу пайт дарвозадан Исматбек бош суқди. Қулида каттакон милтиқ бор эди, ҳақиқийсининг ўзгинаси.

— Жаъфар, сени отаман! — мақтанди у. — Кўрдингми, тогамлар менга нима опкелди! Пақ, пақ!

Жуманинг ўғли оғзи очилиб қолганини яширмади, лекин Исматбекга ялинишни истамас эди. Йиғламоқдан бери бўлиб, қичқирди:

— Сенми ҳали!.. Мени отасанми?! Жангга-а-а!..

— Ўлдираман! — чийиллади Исматбек ҳам.

Қўшни бола оғзи билан "пақ-пақ" деб овоз чиқарди, Жаъфар камондан ўқ узди. Аёллар ҳам беихтиёр болакайларнинг ўйинини томоша қилишди. Учи ёпишқоқ ўқ Исматбекнинг пешанасига ёпишди, гурра кулги кўтарили. Изза бўлган қўшни бола ўқни қайириб ташлади ва чопиб чиқиб кетаркан:

— Бизникига бор, кўрсатаман кўзингга! — дея муштини дўлайтириди. — Билиб қўй, мен энди Дай Суман.

Чақалоқнинг тувагини тўкишга чиққан Жуманинг хотини ёзғирди:

— Юрагимни ёради булар! Қайси кўчага қарама Жанг Бого, Жумонг! Камонларига ҳақиқий ўқ қўйиб отаётгандар ҳам бор эмиш. Туғруқхонада эшиздим, қайси дир маҳаллада бир боланинг кўзи кўр бўлиб қолибди.

Аёллар гапини илиб кетишиди:

— Тўғри, бизникида ҳам битта Жумонг бор, эртадан кечгача таёқ кўтариб ўёқдан бу ёққа чопади.

— Маҳалламиздаги болалар кўчама-кўча уришади. Тунов куни бизнинг кўчадагилар енгилибди. Қайси бирининг боши ёрилган, қайси бирининг юзи шилинган. Ўртага оналари ҳам аралашди. Роса тўполон бўлди-ей.

— Сериали ҳам ўлсин.

Жуман зерикиб, соатига қараган эди, сериал бошланишига уч соат бор экан. Сигарет тутатган эди, аёллар унга бурилиб қарашди.

— Маҳаллани йигиб, — деди амма, — ота-оналар билан бир гаплашиш керак. Ёш болага сериал кўрсатмаслик шарт. Бола нимани тушунади, кўрганини қилади-да.

— Жин ҳам урмайди, — тутун пуллади Жуман. — Ҳаммаси аёлларнинг ваҳимаси. Биласизлар, шўро замонида карагэ киноларни қўймасди. Ўша пайтдаги фикрга кўра, ким "видео" кўрса, биронтасини уриб ўлдириб қўярмиш. Умрида жангари фильм кўрмаган одам бошида ўзини йўқотиб, довдираши мумкин. Вақти-соати келиб, кўникади, кинолар оддий нарса бўлиб қолади. Ҳар томондан қисаверсақ, ёш авлодга ҳеч вақо қолмайди-ку. Ё нотўғрими, чеча?

— Нотўғри, — деди янга аммадан куч олиб. — Катталар кўникади. Бола-чи? Ўшанга қараб тарбияланади. Мана, келинимнинг қизчаси! "Маша билан Айик" деган мультфильмни кўргандан бери без бўлди-қолди. Атайин тўполон қилади, косаларни афдаради, отасининг елкасига тирмашиб, қулоғидан тортади. Бу нима ахвол? Қиз бола нарсасан. Отангнинг елкасида бало борми? Келиб-келиб Машадан ўрнак оладими?

— Келинингизнинг қизчасими? — Жуман қўл силтади. — Танийман. У икки ёшга ҳам кирмаган-ку! Энди икки ёшли қизалоқдан тарбия талаб қиласяпсизми? Кўйинг-е, чечा!

— Мен нега куяман? Икки ёшли қизча нима учун айнан Машага тақлид қилиб, сурбетликни ўрганаяпти? Ўзимизнинг мультфильмлардаги одобли, ҳаёли қизчалардан ўрнак олса бўлмасмикан? Муштдеккина бола ҳам дарров ёмонликка оғиб кетади-ей. Яхшиликка ўргатиш қийин, қайним. Тарбия билан ҳазиллашманг.

Жуман ўзига ҳамфикр ахтармоқчи эди, тополмади. Унинг фикрича, телесериални кўришни бошлаганлар асли шу аёллар эди, болалар мўаммоси олдида ожизлар ҳам шу. Нима қилсин, битта рўзгорда битта телевизор. Дастурхон бошида томоша қиласидар. Жўжиқчаларни хонадан чиқариб, кино кўриш унчамунча одамнинг қўлидан келмайди.

— Ундан-кўра пичоқни ўткирланг, — деди товуқ гўштини майдалашга киришган янга, — сиз турганда мен шокосага ишқаласам, уят.

Жуман сигаретини оғзининг бир четига қистириб, пичоқни берилиб қайради.

Овқат ҳам пишиди. Бешикка солинган чақалоқ ухлаб қолди.

Момо дастурхонга фотиҳа ўқимоқчи эди, ташқаридан "Ия, ийя-я" деган хитоблар эшишилди. Туққан хотиннинг ранги оқаринқиради.

— Жаъфар деяпман! — эшикка юрди у. — Яна жўранг билан уришаяпсанми? Уйга кир, қулоғингни узаман ҳозир! Куйидирдинг мени Жумонгинг билан!

Бола бор шиҷоатини яшириб ўтирган эканми, овқатлар ейилиб, аёллар калишларини кияётганда, бурчақдан пусиниб чиқди-да, пичноқни шитоб-ла кўтариб, "санъати"ни кўрсатмоқчи бўлди. Шундай силкидики, ўзи ҳам чап беролмади: тиф қошию кўз остини тилиб ўтди. Онаизор боласининг қонга бўялган афт-ангoriga кўзи тушиб, чинқириб юборди:

— Вой, кўзи оқиб тушди! Энди нима қиламан!..

Тиф кўзга тегмагани маълум бўлгач, аёллар енгил тортишди. Кичик Жумонг жиддий жароҳат олмаган эди.

— Ҳе ўлсин ўша Жумонг, — қарғади амма олис Қуриядаги киноқаҳрамонни.

Кунлар бир-бирига ўхшамас, ойнаи жаҳондаги воқеалар борган сари ривожланар, маҳалладаги кўчалараро қиличбозликлар ҳеч ҳам кинодан қолишмас эди. Битта чумчук ўлса гурр этиб йигирмата бола тўпланадиган қишлоқлару эски маҳаллаларни катталар унугиб кўйганди. Болалар дунёси худди виртуал олам каби катталарники билан ёнма-ён яшарди. Биринчи оламда фильм намойиши давом этаётган бўлса, иккиласми оламда ҳақиқий жанглар бошланганди. Болалар лашкарининг раҳнамоси аввал, Жанг Бого бўлса, энди Жумонг эди. Улар бир-бирини чиндан ўлдириш қасдида олға ташланардилар, бир зарб билан Жумонг каби ерпарчин қилиб ташлашни исташарди. Аммо камон ўқлари тўмтоқ, қиличлар пластмасса. Зарб урилганда, душман сўзсиз йиқилмасди, ғазабдан қизарган юзидаги тугмадек кўзлар чарақлаб тураверарди. Ҳаёт барқ утарди, ҳаёт.

Жаъфар ярасига боғланган докалардан халос бўлган куни кўчага шошилди. Исматбек югуриб келиб, дарахт шохидан тайёрланган кўлбола камонни мақтанди:

— Мана бу ҳақиқийси! Сеникини чақалоқлар ўйнайди! Уйингда йиғлаб ётганингда биз стадионда душман армиясига қарши уришлик!

— Менам уришаман! — Жаъфарнинг қони қайнади.

— Сени мажақлаб қўйишмасин! Кеча икки ёш катталарнинг оғзи-бурни қонади-ку!

Жаъфар кечга яқин стадионга бормоқчи эди, онаси жеркиб ташлади.

— Сенга шу камми?! Қўзинг ўйилиб тушганда нима бўларди! Бор, синглингга қара! Овози чиққанини эшитсан, ўзингдан кўр!

Она овқатга уннали. Ота бу вақтда телевизор қаршисида узала тушиб ётарди.

— Кино кўришга қўяссанларми, йўқми? — бақирди у ошхона томонга. — Қаранглар Баҳорага! Нега йиғлаляпти? Тебрат бешигини! Ёки эмиз!

Ошхонадан овоз қайтди:

— Жаъфар! Синглингга қара!

Бола даласи ётган хонадан ўтаётиб, бир зум тұхтади. Экранда Жумонг! У қиличини яланғочлаб, бир тұда душманга ташланди. Үшін-сўлидан яқинлашганини усталик-ла тиғдан ўтказди.

— Ҳа? — Жуман бошини бурди. — Баҳоранинг овозини учирасанми, йўқми? Нега анқайиб турибсан?

Жаъфар ичкарига киргач, ҳақиқатан ҳам чақалоқ йиғламай қолди. Она шошиб остоңа ҳатларкан, деди:

— Эсим курсин, Жаъфар қани? Ирим қилиб бешикдаги ёстиқ тагига пичоқ қўйгандим, кеча сиз ўткирлаб келган...

Онанинг гапи бўғзидә қолди. Юз-қўлига анор сувидай қон сачраган Жаъфар йиғлаганча чиқди.

— Пичоқ тегиб кетди синглимга... Мен ҳеч нарса қилмадим...

Ота-онаси жон ҳолатда чақалоқнинг ёнига чопиб борганида Жаъфар "Бувимларниги қочаман" деган хаёлда остоңа ҳатлади. Қош қорайиб қолганди. У дарвозада тұхтаб, онасининг даҳшатли фарёдига бир он қулоқ солди. Шу пайт кимдир:

— Жумонг! — деб чақирди.

Жаъфар фирға-ширада дарвоза олдидә бир болани қўрди...

Ўқ узилди.

Құлбола камон үқига бешлик шприц игнаси маҳкамланган эди. Исматбек ҳозиргина үқни стадиондан топиб олғанди. Жаъфар аччиқ чинқириб, chalқанча ийқилди. Үқ күзига санчилған эди. То дадаси ахтариб чиққунча, жон берди.

Мусибатни күттаролмаган она ҳам күп үтмай вафот этди. Олти ой үтиб, сұққабош Жуманни болали бевага уйлантириши.

— Телевизор олайлык, — деди хотини. — Нега уйда телевизор йүк?

— Мозоротта күмиб келғанман, — пүнғиллади Жуман ва үгай үғлига мунгли нигоҳини қадади. Үгай үғил марҳум болакайдан қолған қиличнинг тигини силаб үтиради.

— Бир умр аза тутмаслик керак, — ух тортди хотини. — Эртага янги телевизор сотиб оламиз. Йиғиб қўйған пулим бор.

Үгай үғил қилич дастасини маҳамкамроқ қисди. Бу вақтда дунёнинг қайсиdir чеккасида "Падаркуш" телесериалини суратга олиш ишлари бошлаб юборилган эди.

МАРҲУМ КЕЛИННИНГ ХИЁНАТИ

Келини үладиган бўлди. Тонг-саҳарда булоқ бошига тушиб, икки челак сув ташиб, катта қозонга қуийбди. Қозон кечқурун сувга тўлиб турганини Рифат бобо ўз кўзи билан кўрганди, нима дейишни билмай гарангсиди.

— Тайёргарликни кураверинглар, — деди оқ "Дамас"да келган шифокор, — барибир одам бўлмайди, бова.

Кейин қўшни хотинларга бир-бир қараб чиқди. Оёғига кияётib, инқиллаш аралаш гап қотди:

— Бола-чақасининг ҳузурини кўрмади, кампири қазо қилгани етмагандай якка-ю ёлғиз фарзанди бевақт кетди. Ёлғиз шу келинига суюниб қолғанди, бояқиш бовам.

Келин ўлди. Одамлар хона ўртасида оқ сурпга ўралиб ётган Зийнатга эмас, Рифат бобога ачина бошлишди. Гүё келиннинг үлеми оддий ҳодисадек унда-бунда тилга олиб қўйишарди, холос.

Бобога яшаш оғир ботди. Уйда ёлғиз нима қиласди? Келини Зийнатнинг оstonага қадам босганига бугун ўн йил тўлган экан. Ҳисоблайверса, қора кунлар лоп этиб чиқаверди: раҳматли кампирининг ўлганига тўққиз, ўғлининг ҳалокатига икки йил...

Төбүт енгил күтарилимади. Бирваракайига олти чоғли одам билакларини ишга соганида, бир ёнга хиёл оғиб, шошириб қўйди. Оломоннинг охирги чопони кўздан йўқолгач, уй орқасида мунғайиб ўтирган чоллардан бири келиннинг ўлими ҳақида сўради.

— Азонда булоқдан сув олиб қайтаётса, кимдир чақиргандек бўлибди, — ҳассасига тикилиб сўзлади бобо. — Бунча жон куйдирма, тонг ёришганда ташийсан сувни, деб тайинлагандим. Кулоқ солмади. Баҳромжон ўлгандан бери юраги чатоқ бўлиб қолувди бояқишининг. Сувни қозонга афдарди-ю хонасига кирган кўйи чиқмади. Ҳеч бундай ётмас эди, томоқ қирдим, йўталдим, охири отини айтиб чақирдим.

— Ярим кеча туман тушиб эди, тонг қоронғисида булоқ бошига боришга эркакнинг юраги бетламайди-ёв, бекор қилибди-да, — деди кўса чол. — Қўрққанидан мияга қон куйилган, ўзи айтиби-ку, бирор чакиргандай бўлди, деб.

— Бирор чакиргандай туюлса туюлгандир, Маматбой, — эътиroz билдири дўпили, зиёлиномо ўртоғи. — Гап бунда ёмас. Зийнат келин жуда садоқатли чиқди. Ёш, бунинг устига ўртада бола йўқ эди, шунда ҳам Баҳромжоннинг уйидан кетмади. Кампири билан ўғли бевақт ўтган бўлса ҳам дўстимиз Рифатжон яхши яшаётганди, аттанг...

Чекка улус оқсоқоллари ҳам келиннинг вафодорлигини эшишиб, куйиндилар. Нима ҳам қилсин бечора Рифат бобо, чидайди-да.

* * *

Чоллар қаторида ўтирган бир одамгина нимадандир мамнун эканини Рифат бобо сал кечроқ, яъники кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмай безовталангандага пайқади. Бу — қўшниси Алижон эди. Эркаклар мозоротга жўнашди, нега у бормади экан? Кўзлари кулиб тургани камдек ҳар замонда оёқ учини кўтариб-туширади, нима бало, ичида патефон айланаяптими?

Алижоннинг хотини тез-тез аразлаб қолар эди. Ўртада икки боласи сарсон. Зийнат-эса-на-боласи, на-эри бўлса ҳам энамнинг уйи, демади. Бир марта нолимади-я гўринг нурга тўлгур. Туриб туриб Рифат бобо шу одамдан келинини рашк қилди. Эркак

одам Зийнатнинг хусн-малоҳати қаршисида кесак бўлмагани аниқ. Ҳа, келини кун-кун ора чиқиб турарди қўшнисиникига. Бирда Алижоннинг хотини бўлган, бирда бўлмаган.

Рифат бобонинг кўксига, "воҳ" деб юбораёзди. Аммо дарров аҳмоқона рашкни қарғаб, ўзини тентакка олди. Эртасига аzonлаб булоқ бошига тушди. Келинини чақирган жиннинг овозини эшитмоқчи, "Кучингни менга кўрсатсанг бўлмасмиди?" деб гаплашиб қўймоқчи эди. У ёққа-бу ёққа тентираб, ҳоли қолмагач, бир дўнгликка ўтириди. Туман ҳам туманга ўхшамас, тутун эди, иси бор. Худди бир нима куяётгандек.

Тонг ҳеч отавермагач, бобо тиззаларига таяниб ўрнидан турмоққа чоғланди. Шу пайт аллақаердан кулги эшитилди. Юраги гупиллаб ура бошлаган бобо дам ўнгга, дам чапга аланглади. Кимса йўқ. Яхшилаб кулоқ солса, кулги шундокқина дўнглик орқасидан келаяпти. Ортга бурилаётуб йиқилиб тушди, аммо бўш келмади: кулги соҳибасини кўргунча судралиб бўлса-да, бораверди. Туман пардаси сирилиб, оқиш рўмолга кўзи тушди. Не тонгки, бу келини Зийнат эди. Бароқ қошларини чимириб, вужудини кўзга айлантириди ва... даҳшатдан, йўқ-йўқ, ундан ҳам баттари номусу ордан тош қотди. Не тонгки, келини қўшни эркакнинг — жанозада рашкини қўзғатган Алижоннинг ёнида эркаланиб ётарди. Бобо инграб юборди.

— Ҳеч бўлмаса, маърака ўтсин, — деди Зийнат.
— Мингингичи марта қўйвордим, қайтиб келмасидан сенга уйланаман. Икки йилдан бери меникисан-ку, яна нима керақ сенга?

— Одамлардан уяламан.
— Кўйсанг-чи, Зийнат, муҳаббатнинг уяти йўқ. Ажрашган эркак эрсиз жувонни хотинликка олса, бунинг на уяти, на гуноҳи бор. Фақат яширинча учрашиб юрганимиз, мен учун эрингнинг уйидан кетмаганинг, қўшни эканлигимиз қишлоқнинг бир оз файирлигини келтиради, холос. Сал ўтмай унтиб юборишади, ҳаммаси из-изига тушиб кетади.

Рифат бобо қалт-қалт титраб, бир муддат ерга бовур босиб ётди, сўнг бир амаллаб изига қайтди. Келинининг хиёнаткорлиги етти ухлаб тушига кирмаганди. Ҳеч бўлмаса, қайнотам нима дейди, демади-я!

Азамат КОРЖОВОВ

Тұсатдан бобо таққа түхтади. Ахир, бу нимаси? Келини кеча ўлди-ку! Ўзи ҳам айтди, маърака ўтсин, деб. Мияси суйилган чол туш күраётгандык?

— Лекин, — деди чол ўзига-ўзи, — иккови ўғлим ўлганидан бері ошиқ-маышуқ экан... Йўқ, бунга индамай кетолмайман!..

Фазабонк қиёфага кириб, ҳассасини зарбли-зарбли уриб, дүнглилекка чиқди. Яна икки қадам ташлади-ю ҳозиргина келини ва Алижон ётган жой бўм-бўш эканини кўрди. Кимдир кеча олов ёқсан бўлса керак, кўрдан охиста тутун кўтарилаарди.

— Зийнат! Али!.. Хў-ўв... — Бобо бор овози билан чақирди. Унга жавоб берадиган ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким қалб жароҳатига малҳам бўлолмасди.

* * *

Алижонни ўлдириб қўядиган шашти бор эди. Қўшнисини ҳеч қаердан тополмай, уйига қайтди-да, тўшагига чўзилди. Бу не кўргилик, деб шифтга термулиб ётди. Икки йил ичидаги келинининг хиёнатини сезмабди.

Оқсоқолга воқеани айтишга жазм этган эди, тили бормаслигига амин бўлиб, фикридан қайтди. Йўлдан оздирувчи инс-жинслар Зийнат ва Али қиёфасига кириб, ўйнашган бўлишлари ҳам эҳтимол эди. Ўйлаб олишга вақт бор, ўтган йилларни, ойларни, кунларни, ҳаттоқи баъзи сонияларни ҳам эсламоққа уринди. Эҳ, хом сут эмган банда! Қозондаги сув ўтган тунда қаёққа ғойиб бўлди? Шу касофат қозонни тўлатаман, деб ўлиб кетмадими Зийнат?

Рифат бобо ўчоқ бошига борди. Ўтинларни, кулни, тоғорани кузатди. Ногоҳон яна Зийнатнинг овози эшигилди:

— Бугун ҳам одамлар келишади, кеча жанозани эшиитмаганлар бор. Кечкурун қари кампирлардан бошқа ҳеч ким қолмайди.

— Соддалигини айтмаса, — деди Алижон, — зўр одам эди. Қабристонга бормай, уй орқасида чоллар қаторида ўтиридим. Ишонасанми, Зийнат, худди унинг арвоҳи қараб тургандек туолди, рости, сескандим.

— Балки тириклигига тушунтиурсак, рози бўлармиди?

— Хотиним билан ажрашиб, келинига уйланишимгами?
Нималар деяпсан, асалим.

Шармисорлик Рифат бобони уйигача қувиб келган эди. Қаёққа қочишни билмай, ортига чекиндию бехосдан мушукни босиб олди. Бигиллаб юборди мушуги қурғур.

— Ошхонада кимдир борми? — сүради Алижон хавотир билан.

Иккиси дупур-дупур юриб, эшикда пайдо бўлишиди. Алижон дўппида, Зийнат аза кийимида эди, елкасига оқ рўмолни чиройли қилиб ташлаб олган. Негадир улар Рифат бобога қарамадилар.

* * *

Ўғли ҳовлида гурс-гурс ўтин ёради. Кампири урчуқ йигириб ўтирибди, атрофида оппоқ каптарлар чарх урмоқда.

— Келинг, бобой, — деди аллақачон вафот этган кампири. — Сизни кутиб зерикканимдан урчуқ йигирайпман. Баҳромжон ҳам ўтин ёришни соғинган экан, бир эрмак қиласай, деб...

— Ота... — Ўғли қучоқ очиб кўришди. — Нега бунча фамгинсиз?

— Кейин Баҳром ерга қаради. — Ҳамма нарсанинг жаъоби, ҳамма нарсанинг вақт-соати бор, ота...

* * *

Бирор у деди, бирор бу — Зийнат ва Алижон оила қуришди. Бироқ турмушининг олтинчи ойида (ўшанда қиш эди) булоқ бошига тушган Зийнат ҳеч қайтавермагач, эри ахтариб борди. Атроф қип-қизил қон, бўри излари.

— Бўрилар ҳам яшаси керак, — деди кўп ўтмай бир муаллим.

— Уларнинг ҳам нафси бор.

ЧАҚАЛОҚ

Кела-келгунча йиғлади қиз. Кўча чироғи ёруғида тўхтаб, билагидан тутди йигит.

— Нима бу?.. — деб дағдага қилди.

— Нимани айтаяпсиз? — қиз кўзидан оққан бўёқни шошиб артди. — Энди нима бўлади?

— Бу йиғи нимаси деялман. Бұнақа ишлар ҳеч кимга сездірилмайды. Сезіб қолса тан олинмайды. Тушунарлыми?

Қиз йигитта ишонар әди, телба бўлиб севганди. Бу кеча не ишга қўл урган бўлсалар, барчасини муҳаббатга афдардилар.

...Холбекнинг уйидагилар Нозгулни танирдилар. Кўча-кўйда Холбекнинг сингиллари бўлажак янга ҳақида эшитган илиқ гаплардан анча вақтгача сармаст юришарди. Таниган-танимаган борки, Нозгуллар оиласини обрўли, бадавлат, ўқимишли деб биларди.

Аммо тўй чўзилгандан чўзилди. Бир неча марта тўй кунини белгилашга уриниб кўрдилар. Қариндошлардан кимдир қазо қилади, тўй қолади.

Бир куни Холбекнинг сингиллари уйга хафа бўлиб кирдилар. Қизлардан бири "Бўлажак янгаларинг ола-сингилларига қараганда эркатойроқ, тегманозик экан" дебди. Бу үчиқораликка, ҳасадгўйликка йўйилди.

Ўша кунларнинг бирида Холбек шаҳарча четидаги ижара уйга Нозгулни эргаштириб келди. Қорни оғриётганидан юзи буришиб кетган қиз каравот четига ўтириди-да, йифлаб юборди.

— Мени ўлдиринг, ортиқ яшолмайман, — деди у.
— Йифлама! Йифлама деялман... Бу нима? Қорнингдагини айтаялман.

— Рўмол... Рўмоллар...
Холбек ишонқирамай қизнинг белини пайпаслади.
— Темирдан ҳам қаттиқ-ку. Жонингда қасдинг борми?
— Шарманда бўламан, Холбек aka!
— Атайин тўйни қечиктирганим йўқ, кўраяпсан-ку, вазият тақозо қўлмаяпти.

Нозгул оғриқдан бошини кўтаролмай қолди. Йигит серрайиб туар, қорнини шу қадар шафқатсизлик ила қисиб боғлаган қизга ачинаяптими, жаҳли чиқаяптими, билиб бўлмасди.

— Менимча, бошқа иложимиз йўқ, — деди Холбек юзини четга буриб.

— Нима?.. — Телбavor нигоҳ ташлади қиз.

— Вақтида олдириб ташлаш керак эди. Энди... түйдан кейин туғилса ҳам барибир... сиримиз фош бўлади, тушунсанг-чи, Ноz! Сен яширолмайсан, отанг, маҳалла-кўй эшитади. Икки хонадон шаънига ҳам тўғри келмайди.

— Ўлганим маъқул, — деди қиз изиллаб йиғларкан.
— Тўй бўлади! Бўлади! — деди Холбек. — Жанжал қилсам ҳам бир ойнинг ичидаги ўтказаман ўша никоҳ тўйни! Лекин тушунсанг-чи, тўйдан кейин дарров бола туғилса, барибир одамлар билади-ку, нега қўрқаяпсан? Кутулиб кетишнинг иложи йўқ!

— Қорнимни дугонамга боғлатганман, — деди бир оздан сўнг Ноzгул.

— Бу билан нима демоқчисан?
Киз ҳасрат билан нигоҳ отди.
— Сиримни билади... — Киз оғир бош чайқади. — Вақти соати келганда жонимни унинг қўлига топшираман.

Йигит ваъдасини бажаролмади. Тўй ёзга қолди. Ноzгул дўзах азобларига гирифтор бўлиб, шармандаликдан ҳамон ўзини сақлаб келарди. Ниҳоят, тўй куни белгиланганини эшитгач, инграб юборди. Ичига тортиб боғланған қөриндан қанақча чақалоқ дунёга келишини иккиси ҳам билмасди. Бу ёғи тўқиз ой бўлиб қўйган. Наҳотки, чақалоқ туғилиши айнан никоҳ кунига тўғри келса?

Узоқ қариндошлар бир кун олдин ташриф буюришди. Уларнинг гиргиттон бўлиши Ноzгулнинг ҳиқилдоғига келиб ўтирганда, ногоҳ қорнида чидаб бўлмас оғриқ тўлғонди. Оёғини судраб босиб, ваннахонага кирди. Юзини совуқ сувгá ювди ва... чинқириб юбораётди. Бу нима кўргилик?! Ваннахонада кўзи ёриётган эди. Оғриқдан кўкарғани, кўзлари қинидан чиқаётгани кўзгудан шундоқ кўриниб турарди. Ноzгул ўзини ўзи танимас, кўзгу шармисорлик оламига бир дераза эди.

Нозгул оғриқ ва қон кетишдан эмас, номусдан ўлишига кўзи етди. Ана, меҳмонлар ҳурсандлигидан хандон отиб кулишмоқда, тоғалари ҳам салобат билан сўрида ўтиришибди, умрларида юзи ерга қарамаган бообрў кишилар. Опасининг қайнонаси-ю

қайнинглисини айтмайсизми! Онасининг овсилари... Ҳамма-ҳамма бу хонадон шухратинй, тўйларининг донғи кетишини, эл-юрт ҳавас билан тилга олишини гапирмоқда. Сўзлардаги ҳар бир бўғин орасидан бол томаяпти.

Воҳ, шу тобда ваннахонадан Нозгулнинг қичқириғи, сўнг чақалоқ йигиси эшитилса борми!.. "Йўқ-йўқ!" Бўлажак келин кўзларини чирт юмди. У ҳеч қаёққа қочиб қутуолмаслигини, ҳадемай мудҳиш ҳодиса юз беражагини билди. "Ўзимни ўлдиришим керак эди... Кеча, ундан аввал, бир ой бурун, йўқ, ўша ифлос кунда... Энди нима қиласман?"

Ваннахона эшиги тақиллади. "Онам!" — қизнинг мияси ярқ этди. "Зинога йўл қўйган бўлсан... У... Бўлажак эрим... Ҳаммасини онамга аста тушунтирам, балки..."

— Нозгул, эшикни оч.

Бу — дугонаси-ку! Қиз шоша-пиша уни ичкарига киритди.

Фалати овоз эшитилгандек туюлганда, ҳолалардан бири ваннахонага яқинлашди.

— Ноз, шу ердамисан?

— Ҳа, бош юваяпти, — ўрнига жавоб берди дугонаси.

Ҳамма тўй билан андармон эди. Онаси Нозгулни сўраб-суриштириди. "Дугонаси анави хонага овқат олиб кираётганди", — деди холаси. "Дугонаси бир нима кўтариб чиқиб кетаётувди, — деди бошқаси, — фата тўғри келмаган эмишми..."

Она ётоқхона эшигини очди. Бурнига спиртникига ўхшаш ўткир ҳид урилди. Нозгул бурчакка тиқилиб ухлаб ётарди. Шу ётиши бежо кўринди онага.

— Нозгул, — чақирди оҳиста.

— Ойи, эшикни ёпинг, — деган дағал овоз чиқди қизидан, — эрта туришим керак, уйқум келаяпти.

— Ийфладингми? Нима сепгансан?

— Илтимос, ойи... Ҳаммаси яхши бўляяпти-ку...
Ухламоқчиман.

Эртасига Нозгул оқ либос кийди. Мурдадек оқариб кетгани упа остида билинмасди. Нима бўлса ҳам сездирмаслигим керак, деб жон-жаҳди билан ўзини дадил тутишга уринарди. Бир пайт хос дугонаси пайдо бўлди. Кеч қолгани боис қизлар унга таъна қила бошлашди, аммо бирор билан сўрашмасдан Нозгулни четга бошлади.

— Ноз, у ўлиб қолди, нима қиласай?

Нозгул ҳеч вақога тушунмагандек серрайди. Дугонаси гапини қайтарди, шунда ҳам келинчакдан садо чиқмади.

— Нима бұлды сенга? — шохни силкиган каби кескин ҳаракат қилди дугона.

— Бешикка солмадингми? Авайла, демабидим?

Дугонасининг оғзи очилиб, бир қадам тисарилди.

— Түйдан кейин опкетаман, — кулимсиради Нозгул, — тағин мозоротга күмиб қўйма, хўпми?

Тўй охиригача дугоналар қаторида ўша дояси қўринмади. Тўй тантанали ўтди. Чимилдиққа кирганданоқ куёв сўради:

— Қачон... қачон бўлди? Гапирсанг-чи!

— Кеча... қутулдим.

— Ўлдирдингми?

— Жим... — шивирлади Нозгул. — Узоқдан гапирсангиз ҳам у эшитади... Уйғониб кетмасин... Дугонам оппоққина қилиб ўраб қўйган,... Бираам чиройли...

Холбек ўзини орқага тортди. Ярим кечада Нозгул даҳшатли оғриқдан сапчиб уйғонди. Даставвал қаерда ётганини эсләймай ванна жумрагини ахтара бошлади. Чимилдиқда эканини англаб, ёстиқни кучоқлади. "Булар эгиз экан-да! — деган ўйдан пешонасида совуқ тер қўпчиди. — Энди шарманда бўлишим аниқ... Вой, туғилаётчи... Ҳозир йиглайди..."

Ҳаял ўтмай чақалоқ заиф ингради. Йиглашга кучи етмаяпти. Нозгул уни чойшабга ўраб, келинлик рўмоячаси билан жажжи оғизчасини бекитди. Бечора иссиққина эди. Негадир ичида сув қайнаётгандек митти вужуд билқилларди.

Нозгул кудуқни эслади. Холбек артезиан таъмирлангани учун кудуқдан фойдаланмай қўйганини гапирган эди. Судралиб бориб деразага бўй чўзди. Ҳўрозлар қичқираётган эса-да, тонг отишига хийла бор эди.

У минг бир таваккал билан ҳовлига чиқди. "Янги келинчакман, кўрсалар ҳам кўрмаганга олишади, ҳожатхонага бораяпти, деб ўйладилар", — деди ичида. Дарвоқе, қудук чамбараги ҳовли этагида қорайиб қўринди. Оғзига қопқоқ

Азамат ҚОРЖОВОВ

бостирилган экан. Четга суриб, чойшабни очиб юборди, пастдан сувнинг шалоплаши эшитилди. Қонли чойшаб ҳам, муз юрак ҳам енгиллашди.

Эрталаб келин саломга чиқди, аммо икки кўзи қудуқдан узилмади. Кун бўйи беҳол бўлди. Ҳар сафар қўшни ҳовлида бола йиғлаганда бир сапчиб тушарди. Кейинроқ билди, оғзидан бир гала учук тошиб кетган эди.

Даҳшатлиси, иккинчи кечада юз берди. Қорни яна оғриб, тўлғоқ бошланди. Адойи тамом бўлган Нозгул эрининг қўлларига ёпишиб:

— Чақалоқ... чақалоқ... — деб титраб-қақшаб йиғлади. — Үлдириңг мени, үлдириңг, Холбек aka! Бошқа чидолмайман!

Шовқин-сурондан уй ичи уйғонди. Зудлик билан келинчакни шифохонага жўнатишди. Шифокор Нозгулнинг руҳан соғ эмаслигини, асаб касалликлари шифокорига учрашиш кераклигини айтди.

Тушга яқин Нозгулни руҳий касаллар шифохонасига юборишга мажбур бўлишди.

— Унинг болали бўлганидан бехабарман, — йиғлади қайнона.

— Уч кун аввал келинингизнинг кўзи ёриган, — деди шифокор. — Қаттиқ руҳий зўриқиши оқибатида хаёлида яна чақалоқ туғилгандек туулган. Асаблари вақтида даволанилмаса, умрининг охиригача руҳий касал бўлиб қолади.

Кудуқни текширишди. Келинчакнинг рўмолчаси топилди, холос.

Кўп ўтмай водапроводдан сув келмай қолди. Холбек қудуқдан сув тортиб, газга чойнакни қўйди-да, хаёлга чўмди. Нега гуноҳга қўл урди? Ҳалолу пок юрса бўлмасми? Энди иккиси ҳам норасиданинг қотилларими?

Шу пайт сув забтига олиб қайнади. Чойнак чумагидан фишиллаб буғ отила бошлади. Холбек қулоғига чалинган бошқа бир овозга ялт этиб қаради. Чойнакдан чиқаётган буғ овози чақалоқнинг чийиллаб йиғлашига ўхшарди.

— Бўлиши мумкинмас, — лаблари титради Холбекнинг.

Ўша куни кўёвни ҳам шифохонага олиб кетишли.

ЧЕККАДАГИ ЗИНАПОЯ

Сирли тун емирилиб, қишлоқ ўртасида қад қўтарган уч қаватли мактаб биноси кўринди. Тоғлар қуюқ ранг қасб этди, осмонга қизиллик ёйилди. Тол барглари ҳиллираб, совуқ сабога елпинди.

Мактаб ёнидаги ўйдим-чуқур асфальтдан мол ҳайдаб ўтаётган чопонли йигитни кимдир чақирди. Йигит ҳуштак чалувчини тополмай мактаб боғига аланглади. Мажнунтол тагида ўтирган ўртоғи қўл қўтарди.

- Бу ёқдаман, Жавҳар!
- Ие, хали барвақт-ку, Пўлат! — деди Жавҳар мактаб панжарасига суюниб. — Юбилей бўлади деб тонг-саҳардан келиб олдингми?
- Бир дақиқага келиб-кет, жўра, — имлади Пўлат.
- Тинчликми?
- Кўрқма, келавер, — деди Пўлат. — Бу менинг ўзим, арвоҳим эмас.

Жавҳартастак-панҷарадан сакраб ўтди. Мактаб ҳовлисининг асфальти сертош эди, оёқ таги фижирлади. Иккиси бир синфда ўқиди. Жавҳар томорқага ул-бул экиб, даштга мол боқиб кун кечиради. Кўзлари олма-кесак териб туриши, ҳар гапида бир ёлғон ишлатиши ҳаммага маълум. Пўлат эса туман марказига кўчиб кетган. Қишлоққа байрамларда, тўйларда келади. Бугун мактабни тамомлаганларига ўн йил тўлди. Соат саккизтўқизларда мактаб ҳовлисига синфдошлар тўпланишади. Аммо тонг-саҳардан ҳам келадими?

- Иккови кўришди.
- Нима қилиб ўтирибсан? — сўради Жавҳар. — Мен-ку молларни даштга ташлаб, чой-пойимни ичиб, келаман. Сенчи? Шунаقا ҳам эрта келасанми?
- Тушимга Санжар кирибди, — деди Пўлат. — Ишни ниҳоясига етказишим керак.
- Санжар? — дея Жавҳар пешонасини тириштириди. — Юбилейга фақат у қатнашолмайди. Худо раҳмат қилсин. Кўп

ўйлаганга ўхшайсан.

— Пўлат тишлиб ўйнаётган хасни туфлаб ташлади.

— Нима, сен ўйламайсанми?

— Нега ўйламайман? У менинг ҳам жондек синфдошим эди.

Пўлат кўкрак чўнтағидан сурат чиқарди. Унда сочи орқага тараалган, бир ёқаси қийшиқ, чақноқ кўзли йигит кулиб туарди.

— Келганимда тонг-қоронғиси эди, — деди Пўлат. — Негадир оёғим мажнунтол тагига тортди. Бир соатдан бери қимириламай ўтирибман. Бугун синфдошлар тўпланади, фақат Санжар... Биласанми, — Жавҳар, уни орамизда кимдир ўлдириб, мактаб ҳовлисига кўмиб қўйган. Мурдаси мактабдан ташқарига чиқмагани учун уни ҳеч ким тополмади.

— Тентакмисан? Бир неча соатдан кейин бу ерга синфдошларимиз тўпланади. Бир-бирини ўн йил кўрмаганлар бор. Катта байрам бўлади. Сен эса нималар деб алжираяпсан? Бор ота-онангниги, унгача дамингни ол, чой-пой ичиб кел.

— Юбилейни бузмайман, — деди Пўлат. — Айнан шу юбилейда жиноятни фош этаман. Санжарнинг қотили синфдошларимиз ичидা.

— Ё тавба, ким ўлдирган уни? — довдиради Жавҳар.

— Сен анави ёқقا қара. — Пўлат нур жилваланаётган учинчи қават деразасига имо қилди. — У ерда Санжар қараётгандек туюмаяптими?

— Аҳмоғингни топибсан, — Жавҳар қўл силтаб нари кетди.

— Ўзингни ўқитвор, жўра, соғ одамга ўхшамайсан.

Пўлат оёқقا қалқиб, Жавҳарга етиб олди-да, белбогидан тутди. Кескин бурилиш оқибатида тошчалар кучлироқ ғижирлади.

— Тушимда Санжар ўз ўлигини ахтариб юрганмиш, — кўзларида ўт ёниб сўзлади Пўлат. — Бир қарасам, учинчи қаватда, бир қарасам мажнунтол тагида пайдо бўлиб қолармиш. Эътибор берсам, четдаги деразаларга қарайапти. Биласанми, деразаларга?

Жавҳар мактаб биносига қўрқа-писа қўз ташлаб бош чайқади.

— Четдагиси... Ҳув анави... Биринчи қаватдан учинчигача... Бу деразалар кўннимча зинатояники. Ўн йил ўқиган бўлсак, бирон марта фойдаланилмаган. Зинада ҳамиша синиқ парталар,

шкафлар, темир-терсаклар ётарди. Бир куни Санжар иккимиз учинчи қаватдаги эшикни очдик-да, ашқол-дашқоллар оралаб, чангга беланиб биринчи қаватта тушдик. Шунда ҳаммаларинг қандай қилиб биринчи қаватда пайдо бўлиб қолганимизга ҳайратлангандинглар. Эслайсанми, Жавҳар?

— Ҳа, мактаб устаси қўшимча зина эшигини очганда кўрардик.

— Тушимда Санжар йўқолган кун эмиш. Бечора мактабни битиришимизга уч кун қолганда, дом-дараксиз фойиб бўлганди. Устабузармонлик қилиб зина эшигини очибмиз. Бир амаллаб тўсиқлардан ошиб, пастга туша бошлабмиз. Темир бўлагини олиб Санжарнинг бошига солибман. Нега урганимга ҳайронман. Ахир, унда ҳеч қандай қасдим йўқ эди... — Пўлат бир лаҳза жимиб қолди. — У кўз олдимда... Конга беланиб ўлди. Та什қарига чопиб чиқдим. Анави мажнунтот тагида ўтиридим, зина йўлаги деразаларидан кўз узмадим. Бир пайт деразадан Санжар мўралади. Бошида жароҳату қондан асар ҳам йўқ. Севинганимдан қийқириб юбордим... "Санжар! Сен тирик экансан-ку! Мени кечир! Пушаймонман!" деб уйғониб кетибман..

— Тушга нималар кирмайди, — деди Жавҳар хиёл оқаринқираб — Мен кетдим. Молларни даштга чиқариб, саккизларда қайтаман.

Пўлат дам Санжарнинг суратига, дам Жавҳарнинг ортидан тикилганча қолди. Күёшнинг илк нурлари мактаб деразаларига тушганида йиглаб юборди.

— Синфдош ҳам шундай бўладими?! Ахир, сен синфдошсан-ку! — нидо қилди Пўлат.

* * *

Эрталабки саккиздан ўтгач, кўча ўқувчиларга тўлди. "Сўнгги қўнғироқ"да ўқитувчисига гул совға қилишни ихтиёр этгандар кўлларидаги гулдаста сингари яшнаб келардилар. Шунингдек, мактаб ҳовлисида бир неча машина, семирган, қорин кўйган йигитлар, ёш хотинлар пайдо бўлишди. Улар тинимсиз хаҳолашар, кечикиб келаётганларни кучоқ очиб кутишар, ҳамманинг юзида табассум ўйнار эди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ҳой яхшилар, орамизда ким йўқ? — сўради бири атрофдагилардан.

— Жавҳар кўринмаяпти.

— Пўлат ҳам.

— Жавҳар даштга кетган... — деган овозлар эшитилди.

Шу пайт ўткинчи трактордан Жавҳар тушди-да, тонгдагидек мактаб панжарасидан ошибб ўтди. Касал кишилардек ранги заҳил эди. Ҳамма билан кўришиб чиққач, атрофдан кимнидир ўғринча ахтарди.

— Бошладик! Видеочи қани?

— Бир саф бўлинглар!

— Муаллимлар олдинги қаторга!.. — Фала-ғовур авж олди.

Улар мактаб эшиги сари эндиғина юра бошлишган эдики, қишлоқ маркази томондан ҳайқириқ, ҳуштак, қандайдир ёввойи хитоб эшитилди. Синфдошлару устозлар тўхтаб, ажабланиб қараб қолишиди. Пўлат кўча ўртасида жон-жаҳди билан чопиб келарди. Дам-бадам сакрайди, айланади, рақс ҳам тушади.

— Нима бўлган унга? Мастми? — деди кимдир.

— Россияга бориб фалати бўлиб қайтди, — жавоб берди бири.

Пўлат ҳеч ким билан кўришмай эшикка югорди. Бетон саҳнга чиқиб, энтикиб-энтикиб нафас оларкан:

— Ура! — деди. Сўнгра баланд чўзиқ товушда хитоб қилди: — Бугун ўн йил бурунги кунга қайтамиз!.. Ҳеч ким кўз ёш тўкмайди!.. Йигламайди!..

Пўлатнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Ҳақиқатан, унинг хуши ўзида эмасди. Ҳамма ҳол-аҳвол сўрашга тушди. Фақат Жавҳар яқинлашмади.

Видеочи синфга кираётганларни тасвирга туширади. Пўлат остона ҳатлаётib, камерага соатини кўрсатиб кулди.

— Оз қолди, ҳаммасини билиб оламиз. Бу мактабда ҳеч қандай сир қолмайди, — деди у.

Парталар эгалланди. Калта соқол қўйган Маҳмуд домла собиқ ўқувчилари билан саломлашди. Ҳа, бугун ўн йиллик танаффусдан сўнг ўқитувчи дарс ўтган бўлинади. Кейин бошқа ўкувхоналар зиёрат қилинади. Спортзалда ўн дақиқа баскетбол

ўйналади. Фаоллар залида эса мактабнинг бадиий тўгараги аъзолари кичик концерт қўйиб беради. Сўнг мактаб ҳовлисига чиқилади. Бир вақтлар линейка бўлган жойда юбилейи нишонланавтганлар тўпланади. Муаллимлар бирин-кетин сўзга чиқади. Охирида ҳамма зиёфат столига таклиф этилади. Кун ботгунча ўйин-кулги, ейиш-ичиш, мактаб дамларини эслаш давом этади...

Маҳмуд домла бўш партага қаради.

— Ёнингда раҳматли Санжар ўтиарди, Дилрабо, — деди у маҳзун тортиб. — Раҳматли яхши йигит эди.

Синфга фамгинлик шамоли оқиб кирди.

— Бирпасда ўн йил ўтиб кетибди-ю бир инсоннинг қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким аниқлаёлмади.

Пўлат яна соатига қаради. Жавҳар уни зимдан кузатиб ўтиарди.

— Ҳазилнинг мавриду эмасу... — деди ўрта партадаги йигит.

— Умуман, бу ҳазил ҳам эмас. Менимча, у учинчи оламга ўтиб кетган. Биз яшаётган бу олам — биринчи, мархумлар олами — иккинчи. Шу билан бирга тириклар оламига параллел равишда учинчи өлам ҳам бор. Тасодифан учинчига ўтиб қолган, ўз-ўзидан изсиз ғойиб бўлган одамлар ҳақида чет эл газеталарида кўп ёзишади.

Синфда шовқин кучайди.

— Йўқ, ундаи бўлмаса керак, — деди Маҳмуд домла.

Ҳамма унинг оғзига тикилди.

— Пенсияга чиқиб намоз ўқишини бошладим, ўтган йили ҳажга ҳам бориб келдим. Дунё нима, охират нима, нафақат англаб етдим, юрак-юракдан ҳис этдим. Кўп нарсани ўйлаб қоларкансан киши. Санжар ҳам тез-тез хаёлимдан ўтади. Учинчи олам, ўзга сайёрликлар — барчаси уйдирма. Йигит бояқишининг жонига қасд қилинган. Агар тирик бўлганида, ўн йил бекиниб ўтиrolmasdi. Нима учун "бекиниб ўтиrolmasdi" деяпман? "Кимдан бекинади?" деган савол ҳам туғилади. У сирли йигит эди. Баъзи фикрларини эшитиб, мактабни битирса, зўр одам бўлиб чиқади, деб ўйлардим. У йўқолишидан бир кун аввал кабинетимга кирганди. Ҳамманинг эсида, битирув оқшоми учун

Азамат ҚОРЖОВОВ

Йиғилған пул ўғирланған эди. "Ким ўғирлаганини биламан, — деди Санжар, — Үнга ётиғи билан тушунтирсам, қайтариб беради. Ёнингизга киришимдан мақсад, күпчилик мендан шубҳаланаяпты. Чунки Дилрабо билан ўтирган ҳам мен, пул солинган сумка турған синфға кирған ҳам мен, отаси ўғирлик қилиб қамалған ҳам мен. Яна кимдан гумонсирашлари мүмкін? Фақат мендан. Илтимос, ўғри деб ўйламанг". Жаҳлим чиқиб: "Нега ўгрини яширасан? Ўгрига ётиғи билан тушунтиришнинг нима кераги бор? Синфдошларингнинг пулини ўғирлади! Партадошингнинг юзини ерга қаратди!" — дедим. "Кечираңыз, кимлигини барибир айтмайман, — қайсаңлар қилди Санжар. — У бүйин эгади, ўзим пулларни олиб келаман". Санжарга уч кун муҳлат бердим. У изсиз йўқолди. Гумоним аввал ўзидан эди. Энди эса отасидан шубҳаланаяпман. Бола бечора отасини фош этолмаган. Отаси уни ўлдириб қўйган, қаергадир кўмиб ташлаган. Ким айтади, ўша пул қанча эди?

— Эски пулда ўн миллион сўм, — деди Дилрабо. — Каттакон сумка тўла эди. Лекин, домла, мен Санжардан ҳам, отасидан ҳам гумон қилмайман. Санжар ўғри эмасди, отаси мактабга келганини эса ҳеч ким кўрмаган.

— Ҳозирги пулда қанча бўлишини билмоқчиман.

— Ўша пайтда битта эски "Запарожец" берарди, — деди кимдир.

— Барибир арзимас пул, — бош чайқади домла. — Шу пул учун бутун умр яшириниб юриш, бошқа мамлакатга қочиб кетиш ақл бовар қилмайдиган иш. У ўлган.

Бошини ҳам қилиб ўтирган Пўлат домлага қаради.

— Бошқа мамлакат... Бошқа мамлакат... — Пичирлади ўзига ўзи.

Собиқ синф сардори ўрнидан турди.

— Ҳурматли синфдошлар! Ўн йил аввал биз ҳам, милиция ҳам очолмаган сирни бугун очолмаймиз. Қолаверса, бугун байрам. Байрамни тергов жараёнига айлантирумайлик. Тұғри, Санжар яхши йигит эди. Тирик бўлса, бир умр қочиб ё яшириниб юролмасди. Келинглар, Санжар учун бир дақиқа сукут сақлайлик.

— Биз мусулмонмиз, сукут сақламаймиз, — рад этди

Маҳмуд домла. — Линейкада ҳаққига Қуръон тиловат қиласман.

Шундан сүнг мавзудан чалғидилар. Яна хушнудлик оралади. Синфдан чиқиб, мактаб бўйлаб саёҳат қилишди. Учинчи қават йўлагининг охирига етгач, синфдошлар ортга бурилишди.

— Тўхтанглар! — деди Пўлат қўлларини кўтариб. — Манави эшик очилганини ким кўрган?

— Ахир, бу захира зинапояси эшиги-ку, — Маҳмуд домла унга саволомуз тикилди. — Неча йиллардан бери омборхона вазифасини бажаради. Буни билсанг керак?

— Шу ердан иккинчи қаватга тушса бўладими?

— Биринчи қаватга ҳам.

— Санжарни охирги марта шу ерда кўрганлар бор.

Маҳмуд домла Пўлатнинг елкасига қўл ташлади.

— Санжар у ерда йўқ, — деди. — Ўн йил ичida неча бор ағдар-тўнтар қилинди бу омборхона.

Баскетбол ўйналди. 4-синфлар кўшиғи-ю рақсларидан баҳраманд бўлинди. Зиёфат онлари яқинлашиб келарди. Чарақлаган кўёш остида юбиярлар кувноқ давра ҳосил қилишди. Видеочи ва сураткаш тиним билмади. Директор сўзлаб бўлгач, ўртага Пўлат чиқди. Унинг юзи аввал ҳеч-кўрилмаган тарэза-бўғриқиб кетганди. Бугунги қилиқлари баъзиларнинг жигига теккани боис уф тортишлар, киноялар, кулгилар кулоқقا чалинди.

Пўлат бир қур қараб олгач, деди:

— Бундан ўн йил аввал синфдошимиз сирли равишда фойиб бўлганди. Боя у ҳақда бир-икки оғиз гапирилди. Мана энди ҳақиқатни айтадиган вақт келди. Санжарга нима бўлганини мен биламан, ҳа, мен.

Даврага сув қуйгандек жимлик чўқди.

— Санжар базмга аталган пулни ўғирламаган, — давом этди Пўлат. — Лекин ўғри кимлигини биларди. У синфдошларимиздан бири. Ҳозир ҳам орамизда.

Давра гувиллаб юборди.

— Сен қаёдан биласан?

— Ҳаммани ҳайрон қолдирман деб алжирама-да, Пўлат!

— Ҳа, бу ҳазиллашадиган мавзу эмас!..

— Ўша куни улар учинчи қаватга чиқишиади, — гала-ғовурни

Азamat ҚОРЖОВОВ

босди Пўлатнинг овози. — Аёввалига ёқалашиб-қолишади. Ўғри пулни бўлиб олайлик, деб ялинади. Санжар кўнмайди. Иккови ҳар хил нарсалар қалашиб ётган захира зинадан тушадилар, чунки пул солинган сумка ўша ердаги синик тумбочкада эди. Санжар сумкага энгашган чоғда бошига тушган кучли зарбдан ҳушини йўқотади. Синфдоши уни қонга беланганд ҳолида ташлаб қочади.

— Ким экан у?

— Мурдани қаерга йўқотган?

— Санжар тирик, — деди оғир уҳ тортган Пўлат. — Яқинда Россиядан келдим. Ёқугистондаги бир посёлкада тасодифан, унинг дарагини эшитиб қолдим. Ишонмадим. Мен ҳам сизларга ўшаб уни ўлган, қаергадир яширинча кўмилган деб ҳисоблардим. Телефон рақамимни қолдиргандим, Санжар мени ўша ёқдаги квартирамга ахтариб келибди. У бугун эрта-тонгда кўнгироқ қилди, ҳаммасини қисқача сўзлаб берди. Боя уйдан чиқаётганимда яна телефон қилиб, хотини иккови Тошкентга учиб келганини айтди. Ҳозир улар машинада, саноқли дақиқалардан сўнг шу ерга, жонажон мактабига етиб келади. Юбилейда иштирок этишга, бундан кейин ватанида яшашга сўз берди. Жиноятчи синфдошимизни шарманда қилишни истамай, айбини тан олса, ҳаммадан бекитамиз, деди. Афсуски...

— Санжарни ким урган?

— Қандай қилиб Россияга кетган?

— Нега шунча вақт ўзидан дарак бермаган?

— Ўша куни кечаси ҳушига келади, — деди Пўлат ҳаяжонга чулганиб. — Мактабдан чиқиб, уйига йўл олади. Темир йўлга етганда, йиқиласди. Зарба натижасида ҳуши жойида эмасди. Иккита дайди уни поезддан сакраган деган гумонда тўхтаб турган юқ поездига чиқаради. Ярасини боғлаб, бир стакан ароқ ичиришади. Уйидаги жанжаллардан тўйиб турган Санжар мактабдаги воқеа ҳам алам қилиб, барчасидан кўз юмади. Дайдиларга қўшилиб Россияга жўнайди. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ бир неча йил тентираиди. Бироқ ҳөзир у пиёниста эмас. Ёкут қизига уйланган, оилали, ажойиб дурадгор. Исми ўзгарган...

— Ким Санжарни урган? Гапирсанг-чи! — дейишиди синфдошлар.

— Жавҳар, — деди Пўлат. — Ўн миллионга ҳам косаси оқармаган ўзимизнинг Жавҳар!

Жавҳарни тополмадилар. У Пўлат сирни оча бошлагач, қочиб қолганди.

Шу дамда мактаб ёнида такси тўхтади. Ундан эр-хотин тушиши. Иккиси ҳам гўзал эди, иккиси ҳам шод.

Юбилей тантанасини одамлар ҳалигача гапиришиади. Жавҳар барча дўстларидан жудо бўлиб, даشتга кетганича қишлоққа қайтмади. Синфдошлик ҳурмати уни судга бермадилар.

"ХАЙР, МУШУКЧА"

Иш юзасидан кўпгина ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганман. Баъзан эр-хотинларнинг битта гугурт чўпи дастидан жанжаллашиб, йигирма йил аразлаб юрганлари, кимдир ўзининг ҳўқизини билмасдан ўғирлаб сотиб юборгани, аллакимни қабристон ёнида арвоҳ қувгани, бир қари чол отнинг йиглаётганини кўргани учун тўрт кундан сўнг тўсатдан вафот этгани ва ҳакозо воқеалар.

Куйида ҳикоя қилиб берадиганим машъум ҳодиса унчалик сирли эмас, аммо мени анчайин ўйлантириб қўйган.

Уша куни машинамни дўкон ёнида тўхтатдим. Янги қурилган кичик дўкон икки хонали эди. Ўзимга керакли ул-бул сотиб олиб, эшикка юрдим. Шу пайт аллақандай мушукчанинг аянчли миёвлаши эшитилиб, оёғим остига қарадим. Жунлари ҳурпайған, думи қалтираётган қоп-қора мушук боласи менга илтижо билан тикилди.

— Сизникими? — сўрадим сотувчи қиз Манзурадан.

— Ҳе, ўлсин, — деди Манзура. — Кеча қай гўрдандир келиб қолибди. Сичқон-пичқон овлайди деб ҳайдавормадим.

Қиз мушукчани чақира бошлади. Мен машинамга ўтирдим. Манзура мактабни битирганига беш йил бўлган, турмушга чиқмаган. Баъзилар сал кечроқ оила қуришади, аммо Манзурага бирорта совчи келмагани менда нохуш ўйлар уйғотди. "У енгилтак қиз" деганди бир қўшниси.

Машинани юргизаётіб, дүкөнга яна бир күз ташладим. Ногоҳ дүкөннинг иккінчи хонасининг деразасидан аллақандай башара тикилиб турғанини күрдім. Афсуски, синчиклаб кузатолмадим, негаки, машинам йўлга чиқиб ултурған, орқадан шитоб билан келаётган "МАЗ"нинг ваҳимали чинқириғи менга рулда анграймасликни уқтираётганди.

Уйга кетар эканман, деразада кўринган башара эркак кишиники эканини фаҳмладим. "Манзуранинг дўконида нега эркак киши яшириниб ўтирибди? – деб ўйладим. – Қиз ростдан ҳам енгилтакмі?.. Тўхта, тўхта!"

Хаёлимга келган фикрдан сесканиб тушдим. Кўрқинчли башара мен кўрган қора мушукчага шунчалик ўхшардики...

Кейинги кунларда дўкон жойлашган кўчадан бир неча марта ўтдим. Деразада ҳеч кимни пайқамасам-да, очиқ эшикдан пештахтага суюниб Манзура билан суҳбатлашаётган йигитни кўриб қолардим. Йигит қоп-қора кийинган ва қалин қора сочли эди.

Бир куни кутилмаганда оёғим тормозни босди. Машинадан шошилиб тушдим-да, нима харид қилишни билмасам ҳам, дўкөнга кирдим. Ҳеч ким кўринмади.

– Ким бор? – дедим пештахтани тақи́ллатиб.

Шу захоти ичкаридан аллақандай овоз эшитилди ва Манзура пайдо бўлди. У нимадандир безовта эканини сездим. Кутилмаганда ичкаридан қора мушукча ҳам чиқиб келди. Мушукча оғзида каламуш боласини тишлаб олганди. Манзура уни кўриб ҳайратини яширолмади.

– Пишт! Ҳе, ўл-а, қаердан ушладинг?

Мушукча бир менга, бир Манзурага қаради. Сўнг мени ҳайратга солиб, ичкари хонага нигоҳини бурди. Мен ҳам у томонга кўз ташладиму катта қора ботинкани кўрдим. Бу ботинка антиқа эди: учи тўмтотқ, пошнаси қалин, болдири узун. Ҳарқалай, пойабзал кўзимга антиқа кўринди.

– Нима оласиз?

– Сигарет.

Дўкондан чиқиб машинамга етгунимча, мушукча-орқамдан икки марта миёвлади. "Каламуш боласини еб бўлибди-да", деб ўйладим.

Анча вақт дўкон кўчасидан ўтмадим. Фақат бир сафар Тошкентга кетиш олдидан дўкон ёнидан ўтишга тўғри келди. Вақт алламаҳал бўлгани учун дўкон ёпиқ эди.

Орадан уч кун ўтиб, Тошкентдан қайтдим. Машинамни катта йўл бўйидаги дўстимнинг ошхонаси ёнида тўхтатдим. У билан ҳол-аҳвол сўрашар эканман, иттифоқо, кўзим қора мушукчага тушди. Бу жимитдеккина мушукча стол-стул тагида уралашарди. Бечора жуда очлиги шундоқ кўриниб турарди.

— Анави мушукчани қаердан олдинг? — сўрадим дўстимдан.
— Эрталабдан бери шу ерда санфийди, — деди у. — Сичқон-пичқон овлайди деб ҳайдавормадим.

— Менимча, бу мушукча Манзуранинг дўконида яшарди.
— Манзуранинг? Йўғ-е!.. Тошкентда юриб эшишмагандирсан, кеча Манзура ўлди.
— Ўлди?! Манзура-я?

— Ҳа. У ўзининг қўл томирини кесиб, дўконининг деворига қон билан "Хайр" деб ёзибди. Ҳозир мелисалар текширайти.

Мен уйга йўл олар эканман, кўз ўнгимдан Манзуранинг чехраси лип-лип ўтарди. У нега ўзини ўлдирди экан? Ёки бу қотилликми? Милиция текширайти дейинди-ку, ўлим сабаби ойдинлашар.

Орадан бир неча кун ўтса-да, Манзуранинг ўлими юзасидан аниқ маълумотлар эшишмадим. Фақат бир миш-миш эътиборимни жалб этди: Манзура ўзини ўлдирмаган эмиш, қотиллик изи топилибди.

Бу хабарни эшигтгач, мендаги шубҳа-гумонлар ўз тасдигини топди. Дўкончи қиз ёлғиз қолганида унинг ҳузурига ташриф буорадиган қора либосли кимса қотил эмасмикин? Тиббий экспертиза Манзуранинг икки ойлик ҳомиласи борлигини ҳам тасдиқлади. Қотил Манзуранинг томирини кесиб, жасадни дўконнинг ичкарисига бекитиб, ўз изларини йўқотиб, ғойиб бўлиши мумкин-ку. Манзура нега "Хайр" деб ёзган экан? Бу билан нима демоқчи?

Бир ҳафта ўтга, ҳамкасларимдан бири менга катта йўл бўйидаги дўстимнинг ошхонасида зиёфат берадиган бўлди. Биз ошхоначининг дастурхон тузашини кутиб ўтирганимизда, ювиниш хонасидан бир йигит чиқиб келди. Дастрлаб унга

эътибор бермадим, лекин мушукчанинг аянчли миёвлаши эшитилгач, ялт этиб қарадим. Мушукча йигитнинг орқасидан чопиб, зорланар эди. Йигитнинг соchlари, айниқса, ботинкаси таниш туюлиб, беихтиёр "Ана!" деб юборибман.

Дўстим дастурхонимизга нон, чой, салат келтириб қўйди.

— Анави йигит ким? Танийсанми? — деб сўрадим.

— Тумандан, — деди дўстим эътиборсизлик билан. — Шу атрофга келса юз грамм ичиб ўтади.

— Исмини ҳам биласанми?

— Ха, унинг исми Хайри. Менимча, Хайриддин ёки Хайрулла бўлса керак.

— Ҳу, кетаётган йигитни айтаяпсизларми? — гапга аралашди ҳамкасбим. — Уни мен жуда яхши танийман. Наркоман йигит! Ўтган иили қамоқдан келган. Акасининг ўғлини уриб ўлдириб қўйган. Исли Хайри-пайри эмас, лақаби Хайр! Чин оти Қосим бўлса керак.

Энди жумбоқ қолмаганди. Манзура ўлим олдидан деворга ёзган сўз қотилнинг номи экани маълум эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир варақ қофозга дўконда юз берган қотилликни фош этувчи маълумотларни битдим-да, ички ишлар идорасига топширдим. Ўзимнинг шахсим сирлигича қолади. Мен изқувар эмасман, касбим умуман бошқа.

Эртаси куни Қосим қўлга олинди. Мен бехосият мушукчани йўқотиш кераклигини дўстимга айтиш учун почтахонадан қўнгироқ қилдим.

— Акам касалхонага тушиб қолди, — деди ошхоначи йигит.

— Кечаси мастрлар муштлашиб, бири акамни пичоқлаб қўйди.

Почтахонадан чиқаётган эдим, мушукчанинг миёвлашини эшитиб таққа тўхтадим. Не кўз билан кўрайинки, ўша қора мушукча йўлимни тўсди.

— Эътибор берманг, — деди почтачи кулиб. — Ўзи қора бўлгани билан яхши мушукча экан. Сичқон-пичқон овлайди деб ҳайдавормадим.

Кўп ўтмай почтачи ҳам ўлди. У кимнингдир нафақа пулидан юлиб қолган экан, устидан ёзибди. Шикоятчининг оғзини ёғлаш учун шошиб кетаётганида, автоҳалокатга учрабди.

Қора мушукчани қайтиб кўрмадим. Балки ўзи ҳам ўлиб кетгандир.

ҚҰФИРЧОҚНИНГ КУЗИ

Бир куни дұстим Дурбекнинг "Виждон" ресторанинда ҳеч қандай огохдантиришсиз кириб бордим. У йүлакда хүшрүйгина жувон билан бир қарич масофада шириңгина суҳбатлашиб турған экан, мени күриб үзини нари олди. Бош қашиб:

— Ие, үзингмисан? — деди ва рапидадай қулини узатди. — Кел, жигарим.

Жувон менга исөнкор нигоҳ ташлаб, шартта бурилиб жұнаворди. У ичган, үзини олдирған, қолаверса, қаё қалағына бир томчи шармсизлик құшған эса-да, баҳтли хонадоннинг оқила, нозли, иболи келини бўлиб туюлди. Дарвоқе, әгнидаги узун, миллий либоси сезгиларим чақирған фикрни тасдиқларди.

— Мамлакатингнинг бекіёт садоқатли аёли, тағин бечорага қора тамға ёпиштирма, — деди Дурбек. — Фаришталар үзингнинг ажр дафтарингга қора ҳарфлар билан "Осий" деб ёзиб қўймасинлар.

— Бугун тұмтароқли гаплар гапирилмайдыган кун, — деб рестораннынг хос хонаси томон юрдим. — Туркияга сафаримиз нима бўлди? Шундан гапир.

Биз йиғиширилмаган дастурхон устидан чиқдик. Назаримда, анави рюмкадаги қызыл винони йүлакдаги жувон ичиб тутатолмагандек эди. Қовурилган балиқнинг ярими ҳам аёл зоти тановул қылганидан далолат берарди.

— Тишлари дур эканлигини кўрдим, — дея стулга үзимни ташладим, — лекин иштаҳаси бўғилганга үхшайди. Нима бало, ҳаётидан норози эканми?

— Кимни айтаяпсан? — Дурбек қаршимга ўтириб, қолдикларни үзи йиғишири бошлади. — Туҳматга қоламан шекилли.

— Хонимчани.

— Аблаҳлик қилма, у тоза аёл.

— Исбот?

— Кейин гапириб бераман.

— Қисқаси, Анталиядан ўзбек таомлари пишириладиган ошхонани бу йил очишм керак. Сен ҳадеб орқага сураверма. Бошладикми, тугатайлик-да, ахир.

Дурбек официантларини чақиришга мажбур бўлди. У асли ошхона хизматчисидан чиққан бўлиб, қўли ҳали-ҳамон қора ишларга тортиши қулгимни қистатарди.

Хизматчилар чиқиб кетгунча, у гапни мақсад сарҳадларида икки-уч айлантириб келди, сўнг жиддий тортиб, кўзимга тикилди.

— Бу менга боғлиқ бўлмай қолди, дўстим. Қаёқданам террорчиларнинг ифлос оёқлари етиб борди, расво бўлди. Хуллас, энди қийин. — Дурбек юзини қоплаган қайгуваш пардани тўсатдан юлиб ташлади. — Каллани ишлатайлик, Лондондан очайлик ўша ошхонани. Танишларим сон-мингта, ҳужжатларни ҳам тезда ҳал қиласиз. Муаммо шуки, бор-йўғи беш минг доллар зиёдроқ сарфлаймиз.

— Анталияниг ҳозир иложи йўқми?

— Йўқ.

Жимлик қаърига бир лаҳза ботдик. Столни муштладим.

— Бизнес дардида бошим ғовлаб келаман ресторанингга! Мен ҳам одамга ўхшаб ўтирай, чақир яна йигитларингни, қурумсоқ! Ҳадеб менсиз майшат қиласверасанми?

Шу заҳоти қуюқ зиёфат уюштирилди. Кўнглим ароқ тусаётганига ўзим ҳам ҳайрон эдим, бир йилда бир марта ичардим. Дурбек лабига ҳам теккизмайди. Хотинбозлиқдан-да йироқлиги, бу борада панд-насиҳат ўқийвериб оғзи оғриши боя қўлга тушган ўғридек кўрқиб кетганига биринчи сабаб эди.

— Сўйла, нималарни гаплашдинг ойимча билан? — хирадик қилдим.

Аслида кўнглимда юртдош жувонни қизғанишу аламга қоришиқ нимадир тўлғонарди. Нега хонадон бекаси бўлмиш орзуманд келин, ким билади, бир ёки икки норасиданинг онаси ресторанга келади-ю шароб ичиб, нотаниш эркак билан бир қарич масофада жилмайиб гаплашади? Қаердадир эри юргандир хотиним, оилас-бор, уларни боқаянман деб. Сездим: мени Анталия борасидаги муваффақиятсизлик эмас, ҳеч кутмаганим анави жувон газаблантирумокда эди.

— Оллоҳ-оллоҳ, — фифон қилди Дурбек, — бу не туҳмат, не кўргилик?! Рости, миянг жойидамас сенинг!

— Опқочма!

— У шунчаки тоза ҳавога чиққанди... — Дурбек гувоҳ ахтариб, олазарак бокди. — Шариф! — дея хитоб қилди. — Бери кел, сендан гап сўрайман! — Яна менга ўгирилди. — Топган муаммоингга минг лаънат!

Иттифоқо, рестораннинг эски номи "Садоқат" эканини эслаб қолдим. Ўзим ўртага тушиб, хорижлик дўстимга шу ерни сотиб олишни тавсия этганман. Биз муштлашишимиз мумкин, аммо бир-биримиздан хафа бўлмаймиз, иккимиз ҳам бўrimиз. Бироқ у менинг ватандошимга ола қараши, йўлдан урмоқчи бўлгани... Йўқ, асти чидаёлмайман.

Официант чопқилиб келди.

— Ичганимни кўрганмисан? — сўради Дурбек.

— Йўқ, — деди йигит.

— Чекканимни-чи?

— Йўқ.

— Аёлларга илакишганимни...

Хўжайн ва хизматчининг савол-жавобига кўзим учиб турғаними, қўлларимни силтадим:

— Бас! Гапни айлантирма! Мени ҳам таништириб қўй ўша жонон билан, қадрдоним! Официантга савол беришдан осон иш бормикан дунёда!

— Ҳозир ўзини чақириб келаман, — дея ресторан соҳиби оёққа қалқди.

— Майли, — қулдим масхараомуз, — муддаом ҳам шу. Кейин... Ресторан номини ўзгартиришни ҳам маслаҳатлашамиз.

У жувон билан кириб келганида ҳусн-мaloҳатга баҳо беришда хато қилганимни тушундим. Илк бор назар соганимдан ўн чандон гўзал ва жозибали эди. Туйқус кўнглимда шайтоний хаёллар фиж-фиж болалади. Ватанпарварлик ҳиссиётим нафс дараҳтига ўзини осиб қўймаса эди.

— Ассалому алайкум, — деди жувон.

Овозида мутелик, сеҳр ва негадир ҳар нарсага розилик маңнолари тажассум эди.

— Ўтириңг, синглим... — дедим.

У мени нуфузли инсон деб ўйлаганини тусмолладим. Дўстим эса қулогимга шивирлади:

— Сени журналист дедим, истаганингча гаплаш. У дардкаш ахтараётганини айтганди.

— Дарвоқе, диктофоним ҳозир йўқ, — чўнтакларимни ёлғондакам пайпасладим, — дафтар-қалам ҳам савил қолган-да. Сизга айтишим мумкинки, ресторон хўжайини яқин танишим, овқатланишга келиб тураман. Ичасизми? Исмингиз нима?

— Аввал айтинг, қаерда ишлайсиз? — сўради жувон.

— Менми? "Бахт"да, — дедим ўйлаб ҳам ўтирумай.

— Нима у? Эшитмаганман.

— Журнал... Аввал газета эди. Исмим Салим, фамилиямни ҳикоянинг охирида айтаман.

У менга ғалати, худди онасига, сирдошига, суюнган тоғига қарагандай нигоҳ таъзлаб қўйди. Кўзлари ёш филтиллагандек куюқтоб ялтиради.

— Мен ҳақимда ёмон хаёлга борманг, мен... Мен... Адашганман... Бир умрлик турмуш ўртоқ танлашда... Оиласма гиёнат қилмаганман, қилмайман ҳам. Бу ерга дугонам билан келгандим, афсус, уни бир таниши олиб кетди... Бугун ичдим, мастман, чунки ҳаммадан нафратланаман.

— Айтинг, аччиқ чой олиб келишсин, — дедим Дурбекга.

Ресторан соҳиби:

— Сизларни ҳоли қолдираман, — деб хиёл таъзим қилди. — Гаплашиладиган гап кўпга ўхшайди. Чойни ҳозироқ етказишади.

Суҳбатимиз аччиқ чой билан давом этади деб ўйлагандим, адашибман, жувон пиёлани столга қўйгач, сумкачасини титкилади ва менга қалингина дафтар узатди. Ишхонамга бериб юборолмаслигини айтди. Шу ерда ўқиб чиқишим, у қаршимда томонча қилиб ўтириши керак эмиш. Ёзган нарсаларини кўз ўнгиди кимдир ўқиса хузурланадиган кўринади.

— Хўп, хўп, бирпасда ўқиб чиқаман. Кўринаяптики, дафтар сирларга тўлиб-тошган.

— Тўлиб-тошган эмас, фақат шахсий сирлардан иборат; — деди жувон.

* * *

Дафтарнинг ўртасига шундай ёзилган эди: "Шахризоданинг етим эртаги".

Даставвал шунчаки кўз югуртиromoқчи бўлдим, кейин берилиб ўқий бошладим:

"Барглар хазон бўлаётган олтин кузда, қишлоқда туғилганман. Шунданми, кузни севаман. Умримни ҳам куз билан ўлчайман. Йигирмата кузни кўрганман. Армоним ҳам шунга хос, аммо тентакларникига ўхшайди: дунёга келганимдаги ўша кузни эслаёлмаганим энг катта армон! Бир парча чақалоқ бўлганман-да, деб ўзимни овутолмайман. Мен асли кўр қизман, кўзи очиқ, қалби очиқ, онги кўр қиз.

Исмимни Шахризода деб кўйишганда, нимага ёки кимга ҳавас қилган, билмайман, тайнинли бир жавоб йўқ ота-онамда. Кўз очиб кўрганим — умр аталмиш тириклик фасли хатоларга қоришиб ётибди. Тирик жон хато қиласмиш. Хато баҳтсизлик дегани-ку. Бундан чиқди, тириклар баҳтсиз экан-да? Баҳт деганда, ўлимни тушунайми энди? Йўқ, ҳали ўлмаслигим керак, ношуд эримга кўрсатиб кўяман кимлигимни.

Дарҳақиқат, бугун у билан яшамаётганимга уч ҳафта бўлди. Аблаҳ бир марта хабар олмади. Холам ландовурлигини қандай сезмаган? Менда ўчи бордек Сайдуллани мақтади-мақтади, совчиларга бошчилик қилди; дадам "Аяси билади" деди, аям "Қизимнинг ихтиёри" деб хукмни ўзимга ҳавола этди, хуласи калом, иш пишди. Шу тобда холанг қаттиқ янгилишиши мумкинлиги тушингга ҳам кирмас экан. "Анча йилдан бери танимайман, яхши йигит, мўмин-қобил..." Эҳ, одам ўзини ўзи тузукроқ танимайдиган дунёи дунда шу гапларга ишонганим учун бошимни қайси тошга урай?

Озғин, узун бўйли, шалпангқулоқ йигитларни кўчада учратганман. Эрим шунақалар тоифасидан эди. Зоҳирий тоифасини билдиму ботинида янглишдим. Мўмин-қобиллик ҳам аслида бошқача бўлиб чиқди. У пул топишни билмасди. Бу калтабинларча қилаётган таънам эмас, пул топишни

билмагани учун пул деган жойда ота-онасини сотиб юборишга ҳам тайёр эди. Фақат жирканчли феълини усталик билан яширади. Мужмаллик, овсарлик, лоқайдлик каби у қадар қабиҳ бўлмаган иллатларга ўраб қўярди.

Турмуш қурганимизнинг учинчи ойида шаҳардан кеч қайтди. Нима гаплигини сўраганимда, армиядош ўртоғини учратганини айтди. Иккови қиёматли дўст тутинибди, то ажали етгунча, садоқатли бўлиш учун "Садоқат" деган ресторонда ўтирибдилар. Харажатни Юлдузхўжа исмли ўша ўртоғи кўтарибди, эримга бир тийин тўлаттирмабди. Юлдузхўжани Юл дейишар экан. Армиядан сўнг у ҳам уйланган эмиш. Ишлари юришгандан юришиб қабртошлар билан шуғулланадиган каттагина устахона очишга муяссар бўлиби.

Эримнинг гапларига ишондим. Бироқ Юл ва эрим ўртасида тўсатдан пайдо бўлган дўстлик риштаси шубҳамни қўзгади. Армиядош ўртоқ экан, нега хизматдан қайтгач, учрашмадилар? Дўст дўстни уйланиш тўйига айтиши керак эди-ку. Ваҳоланки, у ҳам чақирмаган, бу ҳам. Бир неча йил ўтиб туйқусдан қиёматли дўст тутингланлари фалати эди.

Эргасига эрим шаҳарга кўчишимизни айтди. Бутун оила унга анграйиб қаради. Эрим шаҳарда оиласини боқиши тутул ўзини эплаб юриши ҳам даргумон эди-да.

- Ижара ҳақи қанча эканини биласанми? — деди қайнотам.
- Биламан, менга энди ҳеч нарса эмас.
- Ўв бола, кулгимни қистатмасанг-чи! Тўрт кило макароннинг пулини ишлаёлмайсан-ку...

— Ота! — дея эрим чўрт кесди. — Ўзимга ишонганим учун кетаятиман. Армиядошим фирма очган. Кеча мени ишга чақирди. Ёрдамчиси хиёнат қилибди, ишдан ҳайдабди, ўрнига мени олмокчи, ойига қанча ишлашимни ўз оғзи билан гапирди. У мард йигит, ҳеч кимни алдамаган.

Хуллас, эримни ёлғиз жўнатишди. Қани, бир ойдан сўнг қанча пул олиб келаркан?

Ҳаш-паш дегунча синов муддати охирлади. Шанба қуни Сайдулла тўлиб-тошиб қайтди. Ҳарқалай, бир неча боғлам пулни контахтага ташлади. Бу пуллар оиласиз учун кутилмаган бойлик эди.

Күчіб кетдік. Омад деганлари бошимизга құнған экан, бир йил ичіда шаҳар четидан арzonроқ уй сотиб олдик. Қишлоқдагилар "Сайдулла бекор юриб-юриб, кучайиб кетди" деб гапиришди. Мени шу йигитта учраштирганлар гердайишарди. Холамнинг-ку лаби лабига тегмайды.

Кунлар бир маромда ұтарди. Эримнинг ёқимсиз феъли яна лоп этиб юзага чиқди. Очиги, уни ёқтириласдым. Ұртоғи ёрдамчи қилиб олганига ғижинардим. Шаҳарлик құшнилар ҳазил аралаш гоҳо "Эрингиз саломлашишніям билмайди, фирт ёввойи" деб ҳафсаламни баттар пир қиласылар.

— Жұрангиз бир марта ҳам келмади, — дедим бир куни.

Сайдулла:

— Биз дүстликка оиласын аралаштирипасында келишганмыз, — деб жавоб берди. — Иш, зиёфат бирғаликда. Ундан у ёғи тамом, ҳар ким үз оиласи, қариндош-уруғи билан. Түймаъракадагина бир-биримизниң борамиз.

Эримдан чиқмаган фикр эканиңа юз фоиз ишондим. Ҳақиқатан, Юл ғаройиб йигитта үхшарди. У күрсатаётгандар караматлар секин-аста құнглимда комил инсон тимсолини туғызды. Юл деганды қаҳрамон йигитни тасаввур қиласылар.

Мәхмөнга келишини чин дилдан истаб, эримга дедим:

— Қишлоқда күзга құрінмай юргандык, шу ұртоғингиз бизни күттарди. Ҳатто, уй олишимизга ҳам ёрдамлашды. Нега бир бора чақирмайсиз? Хотини иккөвениң чақириңг, боллаб ош қилиб берай. Баҳонада хотини билан танишардим.

— Құйсанг-чи шунаңа гапларни! Юл айтганини қиласылар. Йигит. Келмайди бизниңи! Нима ёрдами тесса, ресторанда ҳақ бераман. Жұрасининг хотин, бола-чақаси, қариндош-уруғи билан танишиш Юл учун ёқимсиз иш, жини сүймайды.

Альбомдан Юлнинг суратини күрсатишини сұраганимда, эрим үртада гердайиб турған бақувват, келишган, үткір нигоҳли аскарни истар-истамай бармоги билан нұқиб құяркан:

— Мана шу олғир... — деди.

Эрим Юлни күролмаслигини, пешонасига армиядош үртоғига қарам бўлиш ёзилгани учун қисматидан

ўкинаётганини фаҳмладим. Иродасиз одамлар қорни тўйгандан кейингина қарамликдан чиқиш ҳақида ўйлаб қолади. Сайдулла шундайлардан эди.

Зерикарли кунларнинг бирида эшик тақиллади. Эрим ишдан қайтадиган маҳал эди, лўқидонни суриб, эшикни очдиму сесканиб тушдим. Қаршимда милиция кийимидағи кишилар туришарди. Ўзларини таништирганларидан сўнг, уйни тинтуб қилиш хусусидаги рухсатномани кўрсатишиди. Эрим наша билан қўлга олинган экан. Бири мени тергов қилди, қолганлари уйдан ҳеч вақо топишолмади. Эримнинг паспортини сўрашган эди, бериб юбордим. Совуқ хабар қишлоқقا етиб борди. Ярим кечаси қариндошлар етиб келишди.

Унга-бунга чопишлар зое кетиб, Сайдулла етти йилга кесилди. Уйни ижарага бериб қишлоқقا қайтдим. Қайнотам "Энди шаҳарда яшамайсан, уйни сотамиз" деганда, Юл кўнмабди. "Жўрам англашилмовчилик билан кетди, бир йилга қолмай чиқади, уйи сотилиб, шаҳарда яшамайдиган бўлса, ёрдам умид қилманглар", деганмиш. Ҳа, дунёда Юл исмли мард инсон яшарди ва у доим бизнинг бахтимиз хусусида қайгуарди.

Орадан бир йил ўтди. Сайдулла чиндан озодликка чиқадиган бўлди. "Қишлоққа бормайман, Шахризода, — леди у қамоқдаги сўнгги учрашувимизда, — шаҳардаги уйимизга кел, шаҳарда яшаймиз..."

Ўша куни эримнинг акалари ҳам келдилар. Биз эримнинг қайтишини кутардик. Уй олдига машина тўхтаганида, юрагим ҳаприқиб күшдек учдим. Барибир у эрим эди, усиз эзилиб, азобланиб, ёлғизланиб яшадим. Мана, барча азоблар тугади.

Нихоят, Юлни кўрдим. Биз бир-биримизга уч-тўрт сония унсиз тикилиб қолдик. Дунёдаги ягона халоскор қора плашда виқор-ла турар, жасурона боқишиларию кенг елкалари, машинага суюниб сигарет чекиши — барчаси ўзига ярашган эди. Ҳаяжондан титраб, ичкарига таклиф қилдим. У сигаретини отиб юбориб, ним жилмайди-да, "Ласетти"сига ўтириб жўнаворди.

Сайдулла эски ишини давом эттиради. Ҳаётимизда нималардир ўзгарган эди. Бири – эрим ҳар куни ичадиган одат чиқарди, иккинчиси – Юл тез-тез сим қоқиб, эримни мендан суриштиради. Учинчиси эса... У бизнисига келадиган бўлди. Маст Сайдуллани ётоқقا ётқиздириб кетарди.

Шундай кунларнинг бирида бўсағада ҳаяжондан кўнишиб тургандим, Юл пайпоқ ечишга чақирди.

– Эрингизга бунақа тор пайпоқларни қаердан топасиз-а? – деди қулиб.

Сезаяпман, у темир қоидасини мен учун бузган, фақат мен учунгина ташриф буюоради. Бироқ қадами етган сайин улуг сиймоси хиralашаётганди, шундан афсусланардим. Корасини ўчиришини-да истамасдим. Майли, келсин. Келсину синглисидеқ қарасин менга, келинидек қарасин.

У ўтли нигоҳ ташлаб мендан гап кутарди.

– Хотинингиз нега келмайди? – дедим. – Исмини ҳам билмайман.

– Исми Фунча. Бизнинг ҳам фарзандимиз йўқ. Худо бераман деса, икки оиласа ҳам бир кунда беради, нима дедингиз?

Кетаётиб қўлимни маъноли қисиб қўйди. Эшикни ёпдиму деворга суняниб, билмадим, тонг отгунча турдим-ов. Шубҳасиз, Юлнинг қўлимни қисиши орқасида даҳшатли ҳақиқат тўлганар эди. Юрагимни қўркув эгаллаб олди. Ўйлар эдим: агар у мени ўпид олганида ёки "Шу галварсни эр қилиб нима керак? Мен ҳам ажрашаман, сиз ҳам. Келинг, баҳтли турмуш курайлик, фарзандли бўлардик, қасрларда яшардингиз" деганида, қандай йўл тутардим?

Битта йўл бор эди: эрим унинг мармар цехидан бўшайди, уйни сотамиз, қишлоққа кўчамиз. Наилож... акс ҳолда ўзим ҳам, лапашанг Сайдулла ҳам поклигимни сақлаб қолишга қодир эмас эдик.

Кўнглимнинг четида "Юл пасткашлика бормайди" деган ўй мудрарди. Эрим иккови "Садоқат" ресторанида онт ичиб, ўзаро шартнома тузган, виждан устига имзо чекиб, юрак сандигига қулфлаб қўйган. Наҳотки, виждан шартномасининг муддати тугаган бўлса? Ва энди дўстнинг хотинига кўз олайтириш ҳам мумкин экан-да?

— Эрталаб дардимни айтдим. Сайдулла қизарган күзларини менга тикди.

— Нега кетарканмиз? Тентак-пентак бўлдингми? Жа кетгинг келса, катта қўча!..

Дўстингизнинг ёмон нияти бор, десам ишонармиди? Нонкўрга чиқиб қолмасмикинман? Юл Европага кўп борган, хурмат юзасидан кўлимни қисиб қўйган бўлса-чи?

Шундай қилиб, Юлнинг нияти равшан бўлгунча кутишга қарор қилдим. Юлга нисбатан ҳам, эримга ҳам ғайирлигим уйфонди.

Байрамда роса ичган Сайдуллани ҳар доимгидек Юл олиб келди. Эрим ўликдек қотиб қолганди. Диван устига итқитиб, менга илжайди. Ўнгайсиз аҳволга тушмаслик учун чой дамлашга чиқмоқчи эдим, билагимдан тутди.

— Нариги хонага ўтайлик, гапим бор, — деганда, чинқириб юбораёздим, аммо у бармоғини лабига босиб, эримга имо қилди. — Хўжайнчангизнинг ўйнаши бор, шуни муҳокама қиласилик. Ахир, у яқин дўстим! Оиласига хиёнат қилиб юришига чидаёлмаяпман.

Иккимиз меҳмонхонадаги диванга ёнма-ён ўтирилик. У иккала қўлимдан тутган, кўзлари эса еб қўйгудек тикиларди.

— Шундай гўзал хотини борлиги тушимга ҳам кирмаганди, — деди у.

— Илтимос, қўйворинг, — силтандим, юлқиндим, халос бўлолмадим. — Бундай қилманг, ахир дўстсизлар-ку!

— Сайдулла биланми? Армияда ҳам бир гўр эди, ҳозир ҳам. Биласизми, Шаҳризода, у менинг ёрдамим билан қамоқдан чиқди. Ким учун қамалди? Эшитсангиз, йиғлаворасиз. — Бир кўлинни елкамга ташлашга уринди.

Шундоқ ҳам йиғлай бошлигандим.

— Илтимос...Акамсиз... Бадном қилманг... — деб ялиндим.

— Сайдулла қип-қизил тентак, — деди у. — Бир суюқоёқ хотиннинг айбини бўйнига олиб ўтирибди. Нега ундай қилдинг, аҳмоқ, десам, бу эркакнинг иши эмиш. Сайдулла эркакми? У умрбод хотинчалиш бўлиб қолади, шундай туғилган, шундайлигича кетади.

- Ёлғон! Ҳаммаси туҳмат деганди.
- Ўша хотин унинг эртаклардаги севгилиси эди! Эрингиз севгисига садоқатини исботлаш учун наша меники деган.

— Ишонмайман, ишонмайман...

Ҳўнг-хўнг йиглаб ўтирадим. Юл мени юпатмади. Ҳар замонда алам билан уҳ тортиб қўярди.

- Тағин буларни ўзига айтиб юрманг, бўлар иш бўлди, — деди у.
- Ҳозир ҳам юрадими?.. — Овозим қалтираб чиқди.
- Минг афсус, уларни боғлаган ип узилмади. "Қаҳрамонлиги" учун эрингизга қандай мукбфот берган, билмадим. Бориб турган аҳмоқчилик! — Юл кулиб юборди. — Хотини хунук бўлганда ҳам майлийди... Шаҳризода, сизга қўзим тушдию лол бўлиб қолдим. Аблаҳ, сизни хор қилаётганини неча кундирки ўйлаб қўзимга уйқу келмайди. Сайдулла сизга муносиб эмас, гапимни тўғри тушунинг.

У яна қўл чўзған эди, юзига боплаб тарсаки туширдим.

- Кетинг! — дедим вожоҳат билан. — Ёрдамингиз ҳам, меҳрингиз ҳам керакмас! Ҳаммангиздан нафратланаман!

Комил инсон бўлиб кўринган нусха оёққа қалқди.

- Сизни севиб қолдим, — деди уялмай-нетмай ва гурс-гурс юриб чиқиб кетди.

Эрталаб эримнинг ёқасидан олдим. Маст бўлиб валдирадинг, бир бузуқи билан юраркансан, қамоқда ҳам ўша учун ўтирибсан, деб уйни бошимга кўтардим. Сайдулла менга жавдиради. У билан ажрашиб ҳам баҳт тополмаслигимни ўйлаб, аламимга алам қўшиларди.

- Хўп, — дедим ахийри, — ҳозирча ота-онамникига кетмайман, лекин менга Юлнинг уй манзилини берасиз.

— Юл одам эмас, борма унинг олдига! — қичқирди эрим.

- Хотини билан гаплашаман! Одам эмаслигини кечা билдим! У менга... Шахсан менга... Севги изҳор қилди!..

Эрим уф тортиб, юзини ишқалади.

- Сиз даъоссиз! — дедим. — Бир тукингиз ҳам қилт этмади-я!..

- Юл... — дедиую, эрим жимиб қолди. Бир оздан сўнг минфирилади: — Борма, ўзим гаплашаман... Сен нотўғри тушунганга ўхшайсан...

Ўжарлик қйлдим ва эрим чиқиб кетгач, мен ҳам йўлга

Азамат ҚОРЖОВОВ

отландим. Ўйлаганимдек, Юл қасрда яшамас экан. Тўрт хонали фишгин уй, қимматбаҳо мебеллар, аквариумсимон телевизор.

Хотини қўримсизгина эди. Нега келганимни дарров пайқади, юпатишга тушди. Гап оҳангидан Фунчани хотин эмас, Юлнинг энагаси, ёки бўлмаса, жазманлар бўйича иш юритувчиси деган тахминга бориш мумкин эди.

Кўнглим айниб, уйга кетишга чоғландим.

— Демак, эрингизни тийиб ололмайсиз? У оиласизни бузиб юборса, сиз ҳам қарғишимга қоласиз.

Фунча остоңада орқамдан етди-да:

— Менга қаранг, — деди, — Юлнинг хотини йўқ. Мен чўрисиман. Тур деса тураман, ўтири деса ўтираман. Юл сизни ёқтириб қолган бўлса, ниятига эришади.

Ғазабимни босолмай эримнинг ишхонасига йўл олдим. Темир йўл бекати ёнидаги алламбало омборхоналар қаторидаги мармар цехларидан бири Юлга қарар экан. Шу ерда биратула қаброшлар ҳам ясаларди.

Сайдулла тошга энгашганча кимнингдир исмини ўйиб ёзарди. Ҳайратдан ёқа ушладим. Шунча вақт ўзини бизнесмен қўрсатиб юрган одам оддий тоштарош эди. Қамалиб кетиши-ю озодликка чиқиши — барчасида Юлдан бошқа кимсанинг қўли йўқлигига амин бўлдим. Юл гиёҳфурушлиқ билан ҳам шуғулланади. Унга қўғирчоқ керак эди, топди. Агар эрим унинг қўғирчоги бўлмаганида, мени йўлдан уришга ботинолмасди. Кимга дуч келганимизни тўлиқ англадим. Юлнинг оиласи ҳам, дўстлари ҳам, ишхонаси ҳам қўғирчоқлардан иборат эди. У одамларни қўлида ҳар мақомга ўйнатиб юрган маккор, ҳеч нарсадан тап тортмас учига чиққан бадкирдор. Унча-мунча одам ниқобини йиртиб ташлолмайди.

Эрим дод-фарёдларимни эшитишни ҳам истамади. Юлнинг ишқ изҳоридан сўнг қўл остида бамайлихотир ишлаб юриши ҳаммасини айтиб турарди. Қишлоққа, ота-онамниги кетдим. "Эрининг жўраси маст бўлиб ҳазил қилса, ажрашаман, деб аразлаб келиб қўйганмиш, жувонмарг" деб бошимга маломатлар ёғилди. Ўзимнинг яқинларим ҳам менга қарши чиқишиди.

Шаҳарга қайтдим. Юл аввалгидек эрим маст бўлган кунлари келарди..."

* * *

Бошқа ёзув тополмай дафтарни ёпиб, Шахризоданинг ширакайф кўзларига тикилдим.

— Давоми йўқ, энди ёзаман, — деди у.
 — Бу ерга ким билан келганингиз қизиқтираяпти.
 — Ў-ў, қандай фикрга борганингизни билдим, — кулимсиради жувон, — ҳарқалай, Юл билан келганим йўқ. "Энагаси" бўлмиш Фунчага дугона тутинганман. У ёмон қиз эмас, борадиган жойи йўқ, холос. Шунинг учун Юлнинг хизматини қилиб юради.

— Ким биландир кетди, дедингиз...
 — Дугонамми? Ҳа... уни севган курсдоши учраб қолди, тўрт йил севишган, ҳализамон кеп қолади. Фунча яхши қиз, фақат шахсий баҳти йўқ.
 — Кўп нарсаси йўқ экан, — дедим кинояномуз. — Ресторанда ичиб юрсангиз эрингиз индамайдими?

Шахризода кўл силтади.

— Аввал ўзини билсин. У бир тўнка... умримни еди... Мен ўзимга-ўзим садоқатли бўлиб қолиш учун "Садоқат"га келаман... — Қатъий оҳангда қўшиб кўйди: — Хиёнат кўчасига киришдан жирканаман. Шусиз ҳам қўғирчоқлар дунёсида адойи тамом бўлаяпман.

Соатига кўз ташлаб, ўрнидан турди. Дафтарни олди-да, кетаётисб:

— Сиз ҳеч қанақа журналист эмассиз, — деди чимирилиб. — Хайр, ака, яна бирпас қолсам, сиз ҳам Юлга айланиб қоласиз. Анави ўргонгиз эса зўр одам. Хотинбоз эмаслигини билганим учун бир-икки оғиз гаплашгим келганди.

Шу учрашувдан сўнг бир йил ўтди. Анталияда ошиғим олчи бўлиб, мўъжазгина ошхонани ишга тушириш насиб этди. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Баъзан гўзалликда бебаҳо қизлар учраб қолар, Дурбекдан сўкиш эшитмаслик учун ўзимни содиқ дўстдек тутардим.

Серкүёш кун эди. Дурбек қовоқ уюб хонамга кирди.

— Соҳилга юр, ачинарли манзарани кўрасан, — деди ҳорғин ҳолда.

— Кимдир чўкиб кетибдими?

— Йўқ. Лекин нимадир чўккани аниқ. Уни номусми, садоқатми, имонми — бир нима деб атаса бўлади.

Соҳилбўйида ҳар кунги манзара. Ички лиbosдаги эркагу аёллар, соябонлар, қайноқ қумлоқ, жимиirlаётган ҳавза.

Дурбек сув ювиб турган денгиз лабида тўхтади. Чўмилаётганлар орасидан иккитаси кулишиб-чақчақлашиб қирғоққа чиқиб келарди. Жувонга қарадиму каловланиб қолдим. У Шаҳризода эди, устида чўмилиш кийими, холос. Назаримда, денгиз ҳам уни таниёлмаётгандек шовиллаб қўяр, яланғоч баданини силаб-сийпалаб, томчиларга айланиб, думаланиб тушар, йўқ, бу бошқа дегандек ортга чекинар эди.

Дурбекни туртдим ва шаҳд билан жўнаб қолдим. Бироқ шу пайт ортимдан "Салим ака!" деб чақирди таниш овоз. Ким экан у Салим акаси деб қарасам, Шаҳризода каминага имляяпти.

— Мени чақирайпсизми? — дедим танимаганга олиб.

— Ўшанда фамилянгизни айтмагандингиз, сохта журналист, — дея у асло уялмасдан қўл узатди, — Антилияда учратганимдан хурсандман. Нега ажабланаяпсиз? Демак, исмингиз ҳам Салим эмас экан-да?

— Э, ўзимни Салим деб таништиргандим-а? Узр...

Шаҳризода ичимлик харид қилаётган дароз йигитга ишора қилиб, деди:

— Тағин дафтаримдаги гапларни гапириб юрманг, Юл ака шу киши бўладилар, жаҳли бурни устида.

Ювиндини босиб олган каби ижирғандим.

— Нега гапирап эканман? Барибир ажрашибсиз-да? Нимайди оти? Сайдуллами?

— Йўқ, ажрашибмадим, — деди Шаҳризода беандиша кулиб. — У киши яна қўлга тушиб қолдилар. Келгуси йил қамоқдан чиқса керак.

Шундан сўнг Шаҳризодани қайтиб кўрмадим. Дурбек Анқарадаги бир ташкилот билан келишолмай судга тушиб қолиб, юртимиздаги ресторанини сотиб юборди. Янги хўжайинга ном ёқмабди, "Олтин куз" деб ўзгартирибди. Шаҳризода туғилган хазонрезги кузни эслаб, уни бу ерда яна учрагишимга ишонч ҳосил қилдим. Аминманки, энди жувон умрининг ҳам кузига етган бўлади.

МУНДАРИЖА:

| | |
|-----------------------------------|-----|
| Икки ит афсонаси..... | 3 |
| Чилласи чиқмаган келинлар..... | 36 |
| Оқ соя..... | 47 |
| Сандиқда сақланган сир..... | 53 |
| Клеопатра дастурхони..... | 62 |
| Отхонадаги арвоҳ..... | 70 |
| Тоғлиқ жувон..... | 75 |
| Учинчи калит..... | 84 |
| Эбжин алвастиси..... | 94 |
| Кекса қайнотанинг васияти..... | 100 |
| Қора-қызил эшик..... | 136 |
| Афсун..... | 148 |
| Унутилган одам..... | 157 |
| Еттита дўппи..... | 164 |
| Бахтсизлик бир қадам..... | 170 |
| Дарбадар хотин..... | 175 |
| Отасиникидан қайтмаган келин..... | 184 |
| Узук..... | 198 |
| Оқ атиргуллар..... | 203 |
| Кичик Жумонг..... | 213 |
| Мархум келиннинг хиёнати..... | 219 |
| Чақалоқ..... | 223 |
| Чеккадаги зиналоя..... | 229 |
| "Хайр, мушукча" | 237 |
| Кўғирчоқнинг кузи..... | 241 |

Адабий-бадиий ҳашр

Азамат КОРЖОВОВ

АФСУН

Ҳикоялар

Муҳаррир: И.Шоймардонов

Мусаҳҳих: У. Юнусов

Дизайнер: Р. Ташматов

Оператор: Н. Мухитдинова

Нашриёт лицензияси АI № 231 Босишга рухсат этилди
25.03.2015. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ гарни-
тураси. Ҳажми 16,0. Адади 5000 нусха.
Буюргма № 12

Нашриёт лицензияси: АI № 231 16.11.2012

«ТАФАККУР» нашриёти
100115, Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1а-уй.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент-шахри, Чўпон Ота кўчаси, 28а-уй.

Dizayn-print@mail.ru